

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Г. Ф. Назарова, Н.М. Салихова

«ТАШКИЛИЙ ХУЛК»

(ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

ТОШКЕНТ – 2010

МУНДАРИЖА

КИРИШ	11
1-БОБ. ТАШКИЛИЙ ХУЛҚ ФАНИГА КИРИШ	12
1.1. “Ташкилий хулқ” фанининг предмети	12
1.2. Инсонларни тушуниш	13
1.3. Ташкилотларни тушуниш	17
2 - БОБ. БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ ТИЗИМИ	20
2.1. Ташкилотларнинг тузилмавий тавсифи	20
2.2. Ташкилотларга таъсир қилувчи тасодифий омиллар	21
2.3. Ташкилотларнинг ижтимоий соҳаси	22
3-БОБ. ИНСОНЛАР ХУЛҚИ ВА МОТИВАЦИЯ	25
3.1. Мотивлаштириш тушунчаси	25
3.2. Мотивлаштириш жараёни	26
3.3. Мотивация назариялари	27
4 - БОБ. ТАШКИЛИЙ ХУЛҚДА КОММУНИКАЦИЯ	32
4.1. Коммуникация тушунчаси	32
4.2. Коммуникация турлари	32
4.3. Этикет мулоқоти воситалари	33
4.4. Ташкилий коммуникация	37
4.5. Алоқа тармоқлари	39
4.6. Самарали ўзаро алоқа учун тўсиклар	40
5 - БОБ. ЖАМОАДА ЛИДЕРЛИК	43
5.1. Раҳбарнинг йетакчилик сифатлари	43
5.2. Қандай қилиб йетакчи бўлиш мумкин?	43

5.3. Йетакчи бўлиш санъати.	49
6 - БОБ. ГУРУХЛАРДА ХУЛҚ.	54
6.1. Гурӯҳ динамикаси.	54
6.2. Гурӯҳий ўзгарувчилар шарҳи.	56
6.3. Гурӯҳ таркиби, ҳажми ва жипслиги.	58
6.4. Роллар, меъёrlар ва хуқуқий ҳолат.	59
7 - БОБ. ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ИЖТИМОИЙ-РУҲИЙ ИҶЛИМ.	67
7.1. Ходимлар билан муносабатни қандай қурмоқ керак.	67
7.2. Ташкилотдаги келишмовчиликлар ва уларнинг ҳал этилиши.	67
7.3. Мотивлаштириш - меҳнат унумдорлигини ошириш гарови.	71
8 - БОБ. БОШҚАРУВ, РАҲБАРЛИК ВА НАЗОРАТ.	74
8.1. Бошқариш ва унинг услублари.	74
8.2. Бошқарув тактикаси ва стратегияси. Унинг воситалари.	76
8.3. Сиз раҳбар бўлсангиз.	79
8.4. Биргалиқда бошқариш ҳақида тушунча ва ишлаб чиқариш шароитида унинг аҳамияти.	84
8.5. Бошқариш ва назорат тизими.	86
8.6. Назоратни ташкил қилиш механизми.	89
8.7. Раҳбар меҳнати ва вазифалари	90
9 – БОБ. ҲУКМРОНЛИК СИЁСАТИ.	93
9.1. Ҳокимият тушунчаси.	93
9.2. Ҳокимиятнинг асосий турлари	95
9.3. Раҳбар ва бўйсунувчилар ўртасидаги ҳокимият баланси.	98
10 – БОБ. ТАШКИЛОТЛАРДА ЗИДДИЯТЛАР.	102
10.И. Зиддият тушунчаси ва моҳияти.	102

10.2. Зиддиятнинг турлари.	102
10.3. Зиддият сабаблари.	103
10.4. Зиддиятли вазиятни бошқариш.	105
11 - БОБ. ИНСОНӢ МУНОСАБАТЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.	108
11.1. Мехнат жамоасида ишга рағбатлантириш.	108
11.2. Ишимизга нима ҳалақит беради.	109
11.3. Раҳбар: лавозим ёки истеъдод.	111
12 - БОБ. СТРЕССЛАРНИ БОШҚАРИШ.	113
12.1. Стресс ҳақида тушунча.	113
12.2. Стрессга берилувчанлик.	113
12.3. Стрессни бошқариш.	115
13 – БОБ. ИШБИЛАРМОНЛИК СУҲБАТЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ҚОБИЛИЯТИ.	117
13.1. Суҳбатга тайёргарлик.	117
13.2. Ишга алоқадор суҳбатни ўтказишда этикет “икир-чикирлари”	119
13.3. Ишга алоқадор суҳбатни қандай тузиш ва ўтказиш керак.	121
13.4. Суҳбатнинг якуний босқичи.	124
14 – БОБ. ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК	128
14.1. Уддабурон раҳбар сирлари.	128
14.2. Коммуникациялар.	133
15 - БОБ. ИШБИЛАРМОНЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА САМАРАЛИ ХУЛҚ ТЕХНИКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ	138
15.1. Қулай психологик иқлим ўрнатиш.	138
15.2. Ўзи ҳақида яхши таассурот ҳосил қилиш.	141
15.3. Саволларнинг қўйилиши ва уларга жавоб йўл-юриқлари.	143

15.4. Асослаш ва исботлаш қоидалари	145
15.5. Тинглаш қоидалари	146
16 - БОБ. МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА БИЗНЕС ЭТИКАСИ	149
16. 1. Ташқи қиёфа	149
16. 2. Ҳатти -харакатлар	151
16. 3. Ишбилиармонлик ёзишмалари ва нутқ маданияти	153
ГЛОССАРИЙ	158
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	165

СОДЕРЖАНИЕ

ВВЕДЕНИЕ	11
ГЛАВА 1. ВВЕДЕНИЕ В КУРС «ОРГАНИЗАЦИОННОЕ ПОВЕДЕНИЕ»	12
1.1. Предмет курса «Организационное поведение»	12
1.2. Понимание людей	13
1.3. Понимание организаций	17
ГЛАВА 2. ОРГАНИЗАЦИОННАЯ СТРУКТУРА	20
2.1. Структурная характеристика организаций	20
2.2. Случайные факторы, влияющие на организации	21
2.3. Социальный аспект организаций	22
ГЛАВА 3. ЧЕЛОВЕЧЕСКОЕ ПОВЕДЕНИЕ И МОТИВАЦИЯ	25
3.1. Понятие мотивации	25
3.2. Процесс мотивации	26
3.3. Теории мотивации	27
ГЛАВА 4. КОММУНИКАЦИЯ В ОРГАНИЗАЦИОННОМ ПОВЕДЕНИИ	32
4.1. Понятие коммуникации	32
4.2. Виды коммуникации	32
4.3. Этикетные средства общения	33
4.4. Организационная коммуникация	37
4.5. Коммуникационные сети	39
4.6. Препятствия для эффективной коммуникации	40
ГЛАВА 5. ЛИДЕРСТВО В КОЛЛЕКТИВЕ	43

5.1. Лидерские качества управляющего	43
5.2. Как стать лидером	43
5.3. Искусство становление лидером	49
ГЛАВА 6. ПОВЕДЕНИЕ В ГРУППЕ	54
6.1. Динамика группы	54
6.2. Обзор групповых переменных	56
6.3. Состав, объем и сплоченность группы	58
6.4. Роли, нормы и статус	59
ГЛАВА 7. ВЗАИМООТНОШЕНИЯ И СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ КЛИМАТ В ОРГАНИЗАЦИЯХ	67
7.1. Как строить взаимоотношения с подчиненными	67
7.2. Конфликты в организациях и их решение	67
7.3. Мотивация – фактор повышения производительности труда	71
ГЛАВА 8. УПРАВЛЕНИЕ, РУКОВОДСТВО И КОНТРОЛЬ	74
8.1. Управление и его стили	74
8.2. Тактика и стратегия управления. Его средства	76
8.3. Если вы руководитель	79
8.4. Понятие о совместном управлении и его значение в условиях производства	84
8.5. Управление и система контроля	86
8.6. Механизм организации контроля	89
8.7. Труд и функции руководителя	90
ГЛАВА 9. ПОЛИТИКА ВЛАСТИ	93
9.1. Понятие власти	93
9.2. Основные типы власти	95
9.3. Баланс власти между руководителем и подчиненными	98
ГЛАВА 10. КОНФЛИКТЫ В ОРГАНИЗАЦИЯХ	102
10.1. Понятие и сущность конфликта	102
10.2. Виды конфликта	102
10.3. Причины конфликта	103
10.4. Управление конфликтной ситуацией	105
ГЛАВА 11. ЧЕЛОВЕЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ И ОРГАНИЗАЦИЯ ПРОИЗВОДСТВА	108
11.1. Стимулирование работы в трудовом коллективе	108
11.2. Что мешает нашей работе	109
11.3. Руководитель: должность или призвание	111
ГЛАВА 12. УПРАВЛЕНИЕ СТРЕССАМИ	113
12.1. Понятие стресса	113
12.2. Подверженность стрессу	113
12.3. Управление стрессом	115
ГЛАВА 13. СПОСОБНОСТЬ ВЕДЕНИЯ ДЕЛОВЫХ БЕСЕД	117
13.1. Подготовка к беседе	117
13.2. Мелочи этикета при проведении деловой беседы	119
13.3. Составление и проведение беседы	121
13.4. Заключительный этап беседы	124

ГЛАВА 14. КАКИМ ДОЛЖЕН БЫТЬ СОВРЕМЕННЫЙ РУКОВОДИТЕЛЬ	128
14.1. Секреты умелого руководителя	128
14.2. Коммуникации	133
ГЛАВА 15. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ЭФФЕКТИВНОЙ ТЕХНИКИ ПОВЕДЕНИЯ В ДЕЛОВЫХ ОТНОШЕНИЯХ	138
15.1. Создание благоприятного психологического климата	138
15.2. Создание хорошего впечатления о себе	141
15.3. Постановка вопросов и техника ответов на них	143
15.4. Правила обоснования и аргументирования	145
15.5. Правила слушания	146
ГЛАВА 16. ЭТИКА БИЗНЕСА И КУЛЬТУРА ОБЩЕНИЯ	149
16.1. Внешний вид	149
16.2. Жесты	151
16.3. Деловая переписка и культура речи	153
ГЛОССАРИЙ	158
СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ	165

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришда ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда билимдон ва ишбилармон ходимларни тайёрлашга эришиш муҳим ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга. Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилардан замонавий иқтисодий тафаккур ва зарурий хулқ-атворни талаб этади. Бунинг учун инсонларнинг онгига чукур психологик ўзгаришларни амалга ошириш, уларнинг янги ўзгарувчан иқтисодий шароитларга тез мослашишларига эришиш зарур.

Ҳозирги глобаллашув шароитида мамлакатимиз корхоналарини самарали фаолият юритишини ташкил қилиш ва бошқаришда жаҳон бозорларида рўй берадиган ўзгаришлар, жумладан молиявий-иктисодий инқироз оқибатларини ҳисобга олиш, ундан чиқиш йўлларини излаб топиш долзарб масала ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганларидек, “2010 йилда ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий йстувор вазифаси – бу ислоҳотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юкори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда мақроиктисодий мувозанатни таъминлашдан иборатdir.”¹

¹ И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.

Шунга кўра жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида халқаро бизнеснинг ривожланиш тенденсияларини, ташки мухитнинг янги шароитларини ва ўзгаришларини чуқурроқ ҳис этиш ва корхоналар фаолиятини ташкил қилишда уларни ҳисобга олиш корхона рақобатбардошлигини таъминловчи муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизациялаш шароитида бозор иктисодиёти принциплари бўйича фаолият юритиш замонавий раҳбарлардан ташкилотдаги ходимлар билан ишлаб чикириш муносабатларини самарали йўлга қўйиш, инсонлар хулқатворини тўғри тушуниш ва бошқариш ҳақидаги билимларни эгаллашни талаб қиласди.

Шу сабабли юқори малакали иктисодчи кадрларни ва раҳбар мутахассисларни тайёрлашда “Ташкилий хулқ” фанитш ўқитиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур фан социология ва психологиянинг асосий ғоялари моҳиятини аниқлаш, бошқарувчилар ва ишбилармонлар учун зарур бўлган тушунчалардан ташкил топган. Инсон хулқ-атвори ҳақидаги билимларни ривожлантиришга бағишиланган ташкилотларда шахслараро муносабатлар, ижтимоий-рухий муҳит, мулоқот маданияти, инсонларни мотивлаштириш, раҳбарлик санъати, гуруҳлар фаолияти, бошқариш ҳокимияти, зиддиятлар ва стрессларни бошқариш, бизнес этикаси масалаларига кенг эътибор берилган.

Ўқув қўлланма «Ташкилий хулқ» фани бўйича ўзбек тилида тайёрланган биринчи нашр бўлиб, Олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва талabalariга мўлжалланган.

1-БОБ. ТАШКИЛИЙ ХУЛҚ ФАНИГА КИРИШ

1.1. “Ташкилий хулқ” фанининг предмети

Технологик жараёнлардаги замонавий ўзгаришлар, иктисодиётнинг байналмилаллашуви, ахборот технологияларининг ривожи, истеъмолчига юзланган ҳолда сифатни бошқариш, турли-туман ходимлар мавжудлигини тан олиш ва уларни бошқариш бошқарув парадигмаси ўзгаришига олиб келди.

Янгича ёндашув ташкилотда шахснинг йетакчилигини, самарали фаолият учун унинг билимлари, кўникмаларининг бирламчилигини тан олишдан иборат.

Ташкилотга ишлашга келган индивид, ушбу ташкилот тартиби, меъёрлари, корпоратив хулқ-атвор кодекси талабларига биноан ўз хулқ-атворидаги қатор чекловларни қабул қиласди.

XX асрда иш берувчи ходим билан аҳлоқий контракт тузиб, унга мувофиқ ходим ташкилотга **хайриҳоҳлиги** ва кўрсатмаларни бажаришга ҳозирлиги эвазига бандлик, мансаб кўтарилиши, моддий рағбатлантириш кафолатларини олар эди.

Бугунги кунда иш берувчи учун **билимлар** оддий ижро интизомидан кўра зарурроқ бўлмоқда. Ўрганиш қобилииияти содиқликка нисбатан юқорироқ

баҳоланмоқда. Натижада ташкилий контрактнинг янги тури пайдо бўлиб, у тижорат шерикчилиги тавсифига эга бўлмоқда: томонлар, уларнинг ҳар бири учун манфаатли бўлиб қоладиган давргача ўзаро ҳамкорлик қилиш мажбуриятини оладилар, лекин бунда ходим томонидан максимал фойда келтирувчи ижодкорлик, ташкилот томонидан эса бунинг учун керакли шароитларни яратиш талаб қилинади.

Натижада ташкилот ичидаги муносабатлар ўзгаради, уларда бозор таркибий қисми кучаяди, бу эса янада қатъий ўзаро муносабатлар шаклини англатади ва ҳам ходимдан, ҳам иш берувчидан тегишли хулқ-атворни талаб қиласди. Мазкур қоида мутахассисларни ўзгарувчан шарт-шароитларда ишлашга тайёрлашда ташкилий хулқни ўқитишида замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиши айниқса долзарблаштиради.

Ташкилий хулқ ўқув курси сифатида турли ҳодисалар ва жараёнларни ўрганувчи, кўпгина ижтимоий ва табиий-илмий фанлар билан боғлик кўп ҳажмли маҳсус атамалар ва тушунчаларни қамраб оловчи мураккаб билимлар соҳасини ифодалайди. Уларни ўрганиш учун курсни ўзлаштириш жараёнини осонлаштирувчи маълум тизим зарур.

Инсонлар – ташкилотнинг энг қимматбаҳо ресурси эканлигини англаш хулқ-атвор парадигмалари ўзгаришига, ташкилий хулқнинг **инсонпарварлик ёндашувига**, ижтимоий йўналганлигига олиб келади. Ташкилотнинг хулқи тобора кўпроқ ходимларга нисбатан ижтимоий адолатлилик, ходимлар ва компаниянинг манфаатдорлиги мувозанатини сақлаш, жамият олдида ижтимоий кўмакдошлик ва масъулиятли бўлиш томонига қаратилади.

Ташкилий хулқнинг моҳияти якка тартибдаги ижрони ҳамда ташкилотнинг ташқи муҳит таъсирини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритишини тушуниш, олдиндан кўра билиш ва такомиллаштириш мақсадида индивидлар, гуруҳлар, ташкилотлар хулқини тизимли, илмий таҳлил қилишдан иборат.

Ташкилий хулқнинг **предмети** бўлиб, рақобатчилик муҳитида фаолият юритиши шароитларида самарали бошқарув усусларини ишлаб чиқишига қаратилган барча даражаларда бошқарув тизимининг ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади.

Бу курснинг асосий ғояси кишиларнинг хулқ-атвори бир вақтнинг ўзида уларнинг индивидуал характерлари ҳамда уларни ўраб турган муҳитга боғлиқ эканлигини тушунтириб беришдан иборат .

Ташкилотларда кишиларнинг хулқ-атворларини тўғри англашда икки омилга асосий эътибор қаратиш лозим. Биринчи омил бевосита инсонлар ва инсон табиати; иккинчи омил эса ташкилотлар, уларнинг тузилиш сабаблари ва моҳияти ҳақида. Ташкилий хулқ инсон хулқ-атворини яхшироқ тушунишга ва ташкилотларда ўз ваколатларидан унумлироқ фойдаланиб инсонларга қўпроқ нафи тегиши ва бунинг натижаси ўлароқ маънавий қониқиши олишга қаратилган билимлар мажмуидир. Бу ёндашувни изохловчи асосий омиллар: сабаб-оқибат алоқаларини ва уларнинг ўзаро боғланишига эътибор қаратиш; мажбуриятларнинг ўзгариши; кишиларга инсонпарварларча ёндашиш;

ташкилий самарадорлик ҳақида қайғуриш; эмпирик тадқиқотлар натижаларига ва илмий-изланиш услубларига ишониш.

1.2. Инсонларни тушуниш

Ташкилотларнинг фаолият юритиши бўйича бир қатор йўналишлар мавжуд: баъзи ташкилотлар ҳаддан зиёд бюрократлаштирилган ёки норасмий муносабатлардан иборат мухитда мавжуд бўлиши мумкин, марказлаштирилган ва номарказлаштирилган, ходимлар тор доирадаги мажбуриятларни бажарувчи, яъни қатъий шакллантирилган ёки аксинча қатъий шакллантирилмаган. Лекин, деярли барча ташкилотлар учун умумий хусусият - уларни тузиш ва бошқаришга турлича ёндашувларнинг барчаси инсон табиати ҳақидаги турли хил тасаввурларга асосланади. Улар, ташкилотдаги кишилар фаолиятини мотивлаштиришнинг турли хил асосий тахминларини қамраб олади. Ушбу тахминларга биноан ҳар қайси ишчини мансаб пиллапояларидан кўтарилиши, бошқариш, назорат қилишнинг турли хил услублари ишлаб чиқилади.

Савол туғилади, инсонлар ҳақида салбий фикр юритиш керакми, уларни дангасаликка мойил ва фақат ўз эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиласидан одамлар сифатида кўриш тўғрими ёки инсонлар тўғрисида ўз фаолиятларини тўла-тўқис, ижодий амалга оширадиган шахслар сифатида фақат ижодий ўйлаш лозимми? Агар биринчи қисмга мурожаат қилсақ, инсон ҳеч қачон ўз хоҳиш-иродаси билан ишлаш учун ҳаракат қилмайди, уларни назорат остига олиш ва бошқарувни қўлга олиш лозим. Демак, бу ҳолатда фақатгина иқтисодий шакллар яхши самара беради ва бошқаришнинг автокррактик шакли маъқулроқ деб ҳисобланади.

Қарама-қарши нуқтаи назар бўйича инсонлар (ёлланма ишчилар/ходимлар) доимо шахсий ва жамият фаровонлигига интилади. Улар эркин ва мустақил ҳолдагина, пухта бажарилган ишдан ички қониқиши олиш учун ғайрат билан ишлайдилар. Демак, меҳнат инсонларга яратувчанлик қобилиятини қўрсатиш имкониятини яратиб бериши керак.

Курсни ўрганишда қуйидаги саволлар асосий аҳамиятга эга ва уларга жавоб беришга ҳаракат қиласиз:

Инсон мукаммал зотми? Инсонларда қандай ўзгаришлар содир бўлиши ва бу ўзгаришлар қанчалик кучли бўлиши мумкин? Бизни ташки ёки ички мухит жараёнлари бошқарадими? Билим олиш ва ўзгаришда бизнинг имкониятларимиз чекланганми?

Юқоридаги саволлар муҳокамасидан сўнг иккита турли хил хulosага келиши мумкин: 1. Билим бериш – бу одамларнинг ўз хулқ-атворларини ўзгаришишларига ёрдам берувчи асосий механизм ҳисобланади. 2. Инсонларнинг аксарият қисми катта ўзгаришлар содир этишга қодир.

Дарвин ўзининг асосий асарларини нашр қилганидан сўнг, инсоннинг ҳайвондан фарқи йўқ деган фикр кенг тарқала бошлади, чунки бу мулоҳазалар, табиий танланиш ва эволюция қонунларига асосланган эди. Бу назария социобиология фанининг асоси ҳисобланиб, у инсонни ҳам қамраб олган, шунингдек барча жонзотларнинг ижтимоий хулқ-атворларини ҳар хил

шаклларининг биологик асосини ўрганади. Социобиологлар, одамнинг жамиятдаги хулқ-атворининг кўп қирралари чукур биологик илдизга эга эканлиги хақидаги холосага келдилар. Шунга қарамай, инсонни ҳайвондан фарқ қиласиган бир неча хусусиятлари мавжуд. Биринчидан, ҳайвонларда инсонга ҳос алоқа воситаси – сўзлашув имконияти йўқ. Иккинчидан, бу атроф-мухитга бўлган муносабат. Агарда ҳайвонлар атроф-мухитга мослашишга ҳаракат қиссалар ва ҳар қандай ўзгариш, у кўпроқ онгизз равишда амалга оширилганлиги учун баъзи ҳайвонларнинг ўлимига олиб келса, инсон атроф-мухитни ўз эҳтиёжларига мос равишда ўзгартиради.

Бундай ҳолатда инсон жамиятининг мукаммаллиги ҳақида қандай фикр юритиш мумкин? Ҳақиқат икки қутб ўртасида. Инсон хулқ-атворини тушуниш учун фақатгина ҳайвон хулқ-атворини ўрганиш ёки тушуниш йетарли эмас.

Бу холоса бошқа бир асосий саволни йешишга ҳам ёрдам беради, одамлар ўз-ўзича мукаммалми? Одамлар ўз ҳатти-ҳаракатларини ҳамма вақт бошқара ололмаганликлари учун ҳам улар бир-биридан фарқ қиласи. Уларда умумийлик ҳамда тафовутлар мавжуд. Бунинг сабабини тушуниш учун одамларнинг қандай ривожланиши ва ўзгаришини билиш зарур.

Одам улгайган сари ундаги ўзгаришлар секинлашади. Бу хусусият бир вақтнинг ўзида одамнинг ҳам ички, ҳам ташки муҳит таъсирида содир бўлади. Ўзгаришга тўскинлик қиласиган асосий сабаблардан бири - бу инсон ҳарактерининг ўзига ҳос хусусиятларидир. Инсон ҳарактери хусусиятлари шундай хулқ-атвор турики, у вақт ўзгариши ва турли ҳолатларда ҳам сақланиб қолади. Шахснинг ўзгармаслик манбаларидан иккинчиси, бу ижтимоий-психологик ҳолатлар ва уларни ўзгартириш назариясидир (Тхеорий оғ Аттитудес анд Аттитуде Чанге). Бу назариянинг асосий ғояси шундан иборатки, одам маълум бир шароитга ёки мувозанатга эришиш учун бутун кучини сарфлайди. Биз иложи борича бир-бирига зид бормайдиган вазиятларни эгалашга ҳаракат қиласиз. Биз бирор нарсага қаратилган ўзаро боғлиқ ғояларимиз ва муносабатларимизнинг ўз хулқ-атворимизни ифодаловчи мураккаб тизимини яратиб борамиз. Бу тизим камдан-кам ҳолатларда ўзгариши мумкин. Чунки, биз бутун дунёқарашимизни ўзгартиргандан кўра, битта янги ғояни четлаб ўтишга ҳаракат қиласиз. Холоса қилиб айтганда, биз фақат ўз дунёқарашимизга мос маълумот ёки одамни тинглашни истаймиз. Биз ўз дунёқарашимиз ва манфаатимизга қарши чиқувчи маълумотларни излашдан йироқмиз. Бу жараён эса ўз навбатида ўзгариш имкониятини камайтиради. Шунингдек, ўзгариш имкониятини чеклайдиган яна бир омил вазиятга боғлиқдир. Биринчидан, атрофимиздаги шахслараро муҳит кўпинча ўзгармас бўлиб қолади. Бу бизни ўраб турган одамларга ҳам, биз аъзо бўлган ижтимоий гуруҳларга ҳам мансуб. Биз шу ўринда аниқ қоидаларга, яъни умуман одам ўзини тутиш меъёрлари ва маълум бир одамлар аниқ вазиятларда ўзини қандай тутишига мансуб қоидаларга амал қилишимиз лозим.

Шу ўринда бизнинг маданий муҳитимиз ҳам асосий ўрин тутади. Сабаби, турли давлатларда одамларнинг хулқ-атвор меъёрлари бир-биридан сезиларли фарқ қиласи. Бундай ҳолатда, ташкилот учун энг самарали йўл – бу инсонларни тўғри танлаш ва тўғри иш жойларига жойлаштириш.

Хулоса қилиб айтганда, одамга ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Бу ўринда шундай савол туғилади: омиллардан қайси бири кўпроқ таъсирга эга?

Хулқ-атворни аниқлайдиган ички ва ташқи омиллар ўртасида кўп ҳолатларда қарама-қаршилик мавжуддир ва бу ўз навбатида, одам хулқ-атвори туфайли бошқа ҳолатларга ҳам катта таъсир кўрсатади. Шу билан биргаликда, маълум тоифа инсонлар барча қўникмалар ҳаёт давомида орттирилади ва асосий таъсир ташқи муҳит асосида бўлади деган фикрни илгари суради. Агар биз ташқи муҳитни бошқара олсақ, биз шахсни ҳам бошқара оламиз. Бу экстерналистик (бихейвиористик, яъни хулқ-атвор) позициясидир. Бу фикрга қаршилар эса, хулқ-атвор сабаблари сифатида инстинкт (ирсий ва генетик дастурлаштирилган инсонни фаолиятга ундовчи ички кучлар), характер хусусиятлари, ишониш ва фикрлаш фаолиятлари каби бир неча ички механизmlарни илгари суришади. Интерналистик позицияда яна шундай қараш ҳам мавжудки, хулқ-атвор мустаҳкам шахсий хусусиятлар ёки ташқи омиллар ёрдамида вужудга келади. Шахсий характеристикалар назарияси инстинктлар назариясидан шу билан фарқ қиласиди, биринчи назария тарафдорлари шахсий хусусиятлар қисман ўзлаштирилади (яъни, тўла генетик эмас) деган фикрда. Шунга қарамай, шахс хулқ-атворини очиб бериш учун характернинг шахсий хусусиятлари ва ҳолат ўзгарувчиларини эътиборга олиш керак. Ички механизмнинг учинчи ва оҳирги бўлими – бу инсонни билиш фаолиятидир. Билиш (Когнитиве) шундан иборатки, ташқи муҳитнинг муҳимлигига қарамай (мукофотлаш ва жазолаш шаклида), бизнинг хулқ-атворимиз, амалда, шу таъсирни билиш интерпретацияси (бизнинг ўйларимиз, хотира ва кутишларимиз) ёрдамида амалга оширилади. Бихейвиористика модели одатда Стимул-Реаксия (С-Р) кўринишида, билиш модели эса Стимул-Организм-Реаксия (С-О-Р) кўринишида акс этиши мумкин.

Хулқ-атвортининг ташқи ва ички ҳолатларини таҳлил қилиш шундай саволни келтириб чиқаради: агар хулқ-атвор ички омиллар ёрдамида аниқланса, ўзгариш ва ривожланиш учун мавжуд бўлган имконият ҳар бир шахс учун чекланган бўлади. Иккинчидан, агар хулқ-атвор ташқи омиллар ёрдамида аниқланса, бу имкониятлар умуман чегарасиз бўлади. Бу саволга жавоб эса қаердадир бу икки фикрни ўзаро уйғунлигига мужассамлашади. Бизнинг хулқ-атворимиз ташқи омиллар таъсири асосида амалга ошади, лекин ички омилларни ҳам унутмаслик керак. Бироқ, агар инсон хулқ-атвори ўзгарувчан бўлса, бундай ҳолатда ташкилот тузилиши ва уларнинг фаолияти шахснинг хулқ-атворига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун, ўзгаришга сабаб бўладиган жараёнларни чуқур ўрганиб чиқиши лозим.

Ўқитиши - бу ҳаёт тажрибаси таъсири остида инсонлар хулқ-атворидаги ўзгаришларни амалга оширувчи нисбатан узлуксиз ўзгаришлардир. Биринчидан, билим ўзгаришларни ўз ичига олади. Иккинчидан, бу тажрибага асосланади. Хуллас, кўпчилик ҳолларда билим нисбатан узлуксиз ўзгаришларда ўз аксини топади. Турли хил нарсалар ўқитиши предмети бўлиши мумкин. Биринчидан, хатти-харакатли қўникмалар ўрганилиши мумкин. Иккинчидан, техник билимлар катта аҳамиятга эга. Учинчидан, шахслараро

муносабатлар ҳақидағи билимларни ўрганиш жуда зарурдир. Ташкилотлар унда ишловчи ходимлардан иборатдир ва бу ерда бошқалар билан келишиш, бир-бiriни тушуниш жуда мухимдир. Ҳамма ташкилотлар ишга олинган шахслардан маълум билимларга эга бўлишларини кутади. Бундан ташқари, энг асосий ўқитиш, ташкилотнинг мақсад ва масалаларига мос келиши учун, ташкилотнинг ўзида олиб борилади. Ташкилотларда қўлланиладиган ўқитиш турларидан бири - ассоциатив ўқитиш, яъни бирор бир нейтрал стимул инсондаги бошқа стимул (нейтрал бўлмаган, яъни маълум бир реаксияни чақиравч) билан бирлашади. Бундай стимул шарқиз стимул ва мазкур реаксия эса шарқиз реаксия ҳисобланади. Нейтрал стимул шартли стимул деб айтилади. Шартли стимул бир неча марта шарқиз стимул билан бирлашгандан сўнг, шарқиз стимул учун худди шундай реаксия яратилади. Шундай қилиб, аввалги нейтрал стимул шартли стимулга, яъни аниқ бир реаксияни уйғотувчи стимулга айланади.

Ўқитишнинг ташкилотларда амалда қўлланиладиган салмоқли қисми — бу инструментал ўқитишдир. Индивидуал хулқ-атвор намоён бўлишидан кейин шу турдаги хулқ-атворнинг такрорланиш имкониятини камайтирувчи ёки кўпайтирувчи ҳодиса юз берганда инструментал ўқитиш ишлатилади. Хулқ-атворнинг такрорланишини оширувчи ҳодисалар – тақдирлаш, хулқ-атворнинг такрорланишини камайтирувчи ҳодисалар – жазолаш дейилади.

Ўқитиш ва бажариш ўртасида катта фарқ мавжуддир. Биз "ўқитиш" атамасидан фойдаланганимизда, бирор бир фаолиятни бажариш учун зарур бўлган билимни эгаллашни назарда тутамиз, уларни бажарилиши ёки бажарилмаслиги назарда тутилмайди. Бу йерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, тақдирлаш ва жазолаш усувлари ўқитишга ҳам, бажаришга ҳам таъсир этади. Бироқ ўқитиш учун таъсирли тақдирлаш ва жазолаш усувлари бажариш учун ҳам албатта таъсирли бўлиши шарт эмас.

Тақдирлашнинг ижобий ва салбий турлари мавжуддир. Ишчи учун ёқимли стимулни яратиш ижобий тақдирлашдир. Агар биз ёқимсиз (керак бўлмаган) стимулни олиб ташласак, бу салбий тақдирлаш ҳисобланади. Шуни қайд қилиш лозимки, салбий тақдирлаш шу фаолиятнинг такрорланиш эҳтимолини оширади, жазолаш эса камайтиради. Жазолаш ўз навбатида ёқимли (керак бўлган) стимулни йўқотиш ёки ёқимсиз (керак бўлмаган) стимулни яратиш шаклида ишлатилиши мумкин. Аммо биз "Салбий жазолаш" ёки "Ижобий жазолаш" деган терминларни ишлатмаймиз. Тақдирлаш тўғрироқ йўналиш бўлиб ҳисобланади, чунки у керак бўлган фаолиятни ўрганади, жазолаш эса фақатгина керак бўлмаган хулқ-атворни аниқлайди. Шунинг учун жазолаш самарали бўлиши учун қайси хулқ-атворнинг тўғри эканлигини аниқлаш керак.

Ички ва ташқи тақдирлаш ҳам мавжуддир. Ички тақдирлаш маълум бир фаолиятнинг бевосита натижаси сифатида кўрилади. Масалан, масъулият ёки ютуқлар. Ташқи тақдирлаш бунинг тескарисидир. Масалан, иш ҳақи ёки ишда лавозим бўйича кўтарилиш.

Тақдирлаш бирламчи ва иккиласи турларига бўлиниши мумкин. Бирламчи тақдирлашга шахснинг физиологик эҳтиёжларини қондирувчи

мукофотлар киради. Иккиламчи тақдирлаш бирламчи тақдирлаш билан боғлиқ бўлганлиги учун қоникиш ҳиссини беради.

Генерализация - бу маълум бир хулқ-атвор бир неча ҳолатларда тақорланишини ўқитиш жараёни. Мукофот бир ҳолатда берилиб, бошқа ҳолатларда берилмаса, дискриминацион ўқитиш, яъни камситувчи ўқитиш дейилади. Мазкур ҳолат учун кутилаётган хулқ-атвор кўринишлари йифиндиси "рол" дейилади. "Рол" атамаси маълум бир лавозимдаги шахснинг ўзига хос хусусиятларидан қатъий назар, керакли хулқ-атворни кўрсатиши кераклигини акс эттиради. Бир хил лавозимдаги айрим шахслар бир-бирлари учун рол моделлари сифатида юзага чиқади. Тўғри тескари алоқа – бу мукофот ёки жазо бўлиб, уни ўқувчи рол моделидан нуша олинган хулқ-атвор шаклини ишлатишга ҳаракат қилгандагина олади. Тўғри бўлмаган тескари алоқа, аксинча рол модели томонидан ўз хулқ-атвори учун оладиган мукофот ёки жазосидир. Бу жараён, бошқаларнинг хатоси асосида ўрганиш дейилади (Викариоус Леарнинг).

1.3. Ташкилотларни тушуниш

Одамлар ўзгаришга мойилдирлар. Бунда ушбу ўзгаришларнинг асосий ҳаракатлантирувчиси ташқи мухитdir. Ташқи мухитни атрофлича кўриб чиқамиз. Хусусан ташкилотнинг табиатини кўриб чиқамиз. Бутун иш жараёни ташкилотларда амалга оширилганлиги учун, уни ходим хулқ-атворига таъсир этувчи мухим ташқи омил сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Ташкилотлар нима учун ташкил топган? Кўп ҳолатларда инсонлар моддий, хусусий фойдага эришиш учун бирлашадилар. Инсонлар бирлашишни ўзларини бошқариш учун энг яхши йўл эканлигига ишонганликлари учун амалга оширадилар. Ташкилот деганда хулқ-атворни мувофиқлаштириш механизми тушунилади. Ташкилотнинг моҳияти хулқ-атворнинг ўзидир. Шундай қилиб, ташкилотни бирор бир нарса эмас, уни бирор бир жараён шаклида тушунтириш яхшироқ. Инсонлар ташкилотларга кириш жараёнида ўз озодликларининг бир қисмидан маҳрум бўлаётганликлари мухим омиллардан биридир. Улар буни хусусий ва ташкилий ишларда муваффақиятга эришиш учун қиласидилар. “Ташкилот” атамаси инсоннинг ўз озодлиги ва мақсадига эришиш орасидаги тушунчадир.

Мақсадларнинг қўйилиши. Биз ташкилот - қўйилган мақсадларга эришиш учун тузилади дея тасдиқлаймиз. Ҳақиқатда эса бундай мақсадлар жуда кўп бўлади. Ташкилот фақатгина ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга эмас, ўз аъзоларининг хусусий мақсадларига эришишларига ҳам ҳаракат қиласиди, аммо у ўз мақсадларини ўз аъзолари мақсадларидан юқори қўяди. Ҳақиқатдан ҳам агар ташкилот ўз аъзоларини мақсадларига етиширига олмаса эди, у жуда тез ўз аъзоларидан маҳрум бўлар эди. Ташкилотнинг мақсади инсонларнинг ташкилотга кириши ва унда қолишига туртки бўлишидан ташқари яна иккита вазифани бажаради. Биринчидан, уларнинг хулқ-атворини бошқариш ва меҳнатга тиришқоқлигини рағбатлантириш учун хизмат қиласиди. Иккинчидан,

улар ўлчов эталони - андозаси бўлиб хизмат қилади. Мақсадга эришилмаганда ташкилотнинг иш самарадорлиги шубҳа остига олинади.

Бошқарув. Бошқарув ташкилотнинг расмий мақсадларига эришиши учун инсоний ва моддий ресурсларни бирлаштиришни ўз ичига олади. Қўйилган мақсадларга ўз вақтида ва самарали эришиш учун турли фаолиятларни уйғунлаштириш, тартиба солиш, бирлаштириш бўйича жавобгарлик бошқарувчилар деб аталувчи кишиларга тушади. Бошқарувчилар тўқнашишига тўғри келадиган кўплаб муаммолар ичидаги айримларини кўриб чиқайлик.

Чалкашилик. Ташкилот мураккаблиги ва чалкашлиги ошиб бориши билан уйғунлаштириш ва бирлаштириш яна ҳам мураккаблашиб кетади. Бу муаммо учун назорат ва мослаштириш омили асосийдир. Турли қадр-қийматга риоя қилувчи ва турли мақсадларга интилевчи турфа хил одамлар билан биргаликда ҳаракат олиб бориш ниҳоятда қийин бўлади.

Ўлчов, катталик. Компаниянинг кенгайиб бориши жиддий муаммоларни туғдиради. Ходимлар компаниянинг бошқа қисмларида нима қилинаётганлигини кўз олдига келтира олмайдилар. Улар билан ишлашга тўғри келадиган кўпчилик одамларни билмайдилар. Бу каби омиллар ходимларни қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини уйғунлаштириш жараёнини ташкил қилишни ниҳоятда мураккаблаштиради.

Фан ва технология. Оҳирги муаммо ташкилотларда фан ва технологиянинг аҳамияти тобора ортиб бораётгани билан боғлиқдир. Фан ва технология ташкилот фаолиятининг нафақат техникавий томонлари ва уларнинг тадқиқот лабораторияларига, балки ташкилий фаолиятнинг ҳар бир қиррасига таъсир этади. Шундай қилиб, янги технологияни жорий қилиш билан бирга ташкилот замонавий техникавий жиҳозлантиришга мос келадиган даражада тайёрланган ходимларни ишга олиши ёки эски ходимларни қайта ўқитиши керак.

Бобнинг қисқача хulosаси

Ташкилий хулқнинг моҳияти якка тартибдаги ижрони ҳамда ташкилотнинг ташқи муҳит таъсирини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритишини тушуниш, олдиндан кўра билиш ва такомиллаштириш мақсадида индивидлар, гурухлар, ташкилотлар хулқини тизимли, илмий таҳлил қилишдан иборат.

Ташкилий хулқнинг предмети бўлиб, рақобатчилик муҳитида фаолият юритиш шароитларида самарали бошқарув усусларини ишлаб чиқишига қаратилган барча даражаларда бошқарув тизимининг ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади.

Бу курснинг асосий ғояси кишиларнинг хулқ-атвори бир вақтнинг ўзида уларнинг индивидуал характерлари ҳамда уларни ўраб турган муҳитга боғлиқ эканлигини тушунтириб беришдан иборат .

Таянч иборалар:

Ташкилий хулқ-атвор, инструментал ўқитиши, экстерналистик ва интерналистик позиция, генерализация.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Ташкилий хулқ-атвор курси нимани ўргатади?
2. Инсонлар хулқ-атворига қандай омиллар қандай омиллар таъсир кўрсатади?
3. Ташкилотларда ходимларни ўқитиш зарурияти нимада?
4. Тақдирлаш ва жазолаш кишилар хулқига қандай таъсир кўрсатади?

Асосий адабиётлар

1. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010.
2. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маъruzаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иктиносидиёт. - 2010.
4. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Карори. 20.01.2010 й. № ПҚ-1266.
5. Красовский Ю.Д. Организационное поведение. М.:ЮНИТИ, 2007.
6. Организационное поведение. Учебник. Под общ. ред. Ю.Н.Каптуревского. СПб.: Питер, 2005.
7. Кочеткова А.И. Введение в организационное поведение и организационное моделирование. Учебное пособие. М.: Дело. 2006.

2-БОБ. БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ ТИЗИМИ

2.1. Ташкилотларнинг тузилмавий тавсифи

Ташкилий тузилиш - ташкилотлар ўз меҳнат жараёнларини алоҳида топшириқларга бўлиши ва ушбу топшириқлар устидан назорат этиш усувларининг йигиндисидир. Ҳар қандай ташкилот ўзига хос тузилишга эга. Ушбу тузилиш элементларини кўриб чиқамиз.

Горизонтал табақаланиш. Горизонтал табақаланиш ташкилотда бажарилаётган топшириқларнинг ажратилиши ва алоҳида бирликларга гурухланишидир. Горизонтал табақаланиш турлича кўринишга эга: 1) бажарилаётган иш бўйича, 2) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бўйича, 3) истеъмолчи гурухлар бўйича ва 4) ўрнашган жой бўйича. Аслида, кўпчилик ташкилотлар бир неча мезонлар асосида бўлинади. Масалан, аввал маҳсулотга қараб, сўнгра эса ўрнашган жойи асосида. Бундай табақаланиш манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин, чунки турли мезонлар асосида шакллантирилган гурухлар турли мақсадларни кўзлайдилар.

Вертикал табақаланиш. Горизонтал табақаланишга қўшимча равища ташкилотлар вертикал табақаланиши ҳам мумкин. Вертикал табақаланиш ташкилотдаги ҳукмронлик даражаси билан аниқланади. Бу бошқарув мутахассислар ўртасидаги табақаланиш даражасидир. Умуман, ташкилотнинг ўсиши билан унда иерархия даражалари кўпаяди. Ташкилотда қанча кўп одам фаолият юрица, уларнинг хулқ-авторини уйғунлаштириш учун шунча кўп куч талаб қилинади. Лекин, ташкилотдаги ходимлар нуфузи бир хил бўлишига қарамай, улардаги ҳукмронлик даражаси турли бўлиши ҳам мумкин. Ҳукмронлик даражаси кўпроқ бўлган ташкилотлар "узун" (талл) ташкилотлар деб, ҳукмронлик даражаси камроқ ташкилотлар эса "яssi" ташкилотлар деб аталади. Ташкилотнинг вертикал табақаланиш даражаси ташкилот аъзоларининг ишларидан қониқиши ҳиссининг ошишига сезиларли даражада таъсир ўтказади. Масалан, "узун" ташкилотлардаги юқори бошқарувчилар "яssi" ташкилотлардаги бошқарувчиларга нисбатан ишларидан кўпроқ мамнун бўладилар ва аксинча, "яssi" ташкилотда паст лавозимда ишловчилар "узун" ташкилотдаги ҳамкасларига нисбатан ўз ишларидан кўпроқ мамнундирлар.

Ташкилотларнинг кўпчилигида бошқарув фаолияти қатъий иерархик тузилишга бўйсундирилган бўлиб, ҳар бир бошқарувчи фақат битта раҳбарга эга. Бу бўйсунишнинг скаляр мақсади дейилади. Бу меъёрдан четлашган ташкилотлар матрицавий тузилишга эга бўлиб, ташкилот бир вақтнинг ўзида иккита турли мезон асосида бўлинади, ҳар бир бошқарувчи иккита раҳбарга эга бўлади. Матрицавий тузилишлар унга кирувчи ҳар бир содда тузилишнинг афзалликларини бирлаштириш учун ишлатилади. Бироқ улар бошқариш учун ниҳоятда мураккабдир.

Назорат кўлами (спан оф контрол). Ҳар битта раҳбарга бўйсунадиган ходимлар сони билан аниқланади. Назорат кўлами ташкилотдаги вертикал табақаланиш даражасига боғлиқ. Иерархия пиллапояларидан юқорига кўтарилилган сари назорат кенглиги анча камаяди. Паст бўғиндаги бошқарувчида

20-30 тадан ходимлар бўлиши мумкин, ваҳоланки юқори бўғиндаги бошқарувчидаги улар сони 4-8 тадан ортмайди. Назорат кўлами ташкилот аъзолари хулқига турлича таъсир қиласди. Агар раҳбарда ходимлар сони ҳаддан зиёд ортиқ бўлса, у ҳолда назорат даражаси ва иш унуми пасаяди. Лекин раҳбарда ходимлар ҳаддан ташқари оз бўлса, бу ҳам иш унумининг пасайишига олиб келади, чунки ҳеч ким тепасида кимнингдир доим ниқталаб туришини ёқтирамайди.

Расмийлаштириши. Расмийлаштириш ташкилот аъзолари ишчи хулқини тартибга соловчи қоида ва низомларни тавсифлаш, ҳамда иерархик занжирдан ўтувчи буйруқларни расмий ва ёзма усувларини тарқатилиш даражасидир. Ўта расмийлаштирилган ташкилот тури бюрократия дейилади. Расмийлаштириш ўз афзалликлари ва камчиликларига эга. Афзалликлари шундан иборатки, расмийлаштириш ташкилот аъзолари хулқини уйғунлаштиришга хизмат қиласди. Шунингдек, расмий қоида ва тадбирлар ихтиёрий ўтказилаётган ишнинг обьектив ўлчови бўлиб хизмат қилиши мумкин. Лекин, салбий томонлари ҳам бор. Расмийлаштириш шунга олиб борадики, бунда асосий эътибор кўпроқ эришиш керак бўлган мақсадга эмас, балки шу мақсадга эришиш йўлида тузилган қоида ва тадбирларга берилади.

Марказлаштириши. Ташкилот фаолияти борасидаги асосий қарорларни қабул қилувчи гуруҳ қанча кичик бўлса, ундаги марказлаштириш даражаси шунча юқори бўлади. Агар қарор қабул қилишда ваколат қуи иерархик босқичларга берилган бўлса, ташкилот марказлашмаган бўлади. Марказлаштириш даражаси ишдан қониқиши ҳиссига шунингдек ташкилотнинг "кўлами" даражасига таъсир қиласди.

2.2. Ташкилотларга таъсир қилувчи тасодифий омиллар

Ташкилотларнинг юқорида кўриб чиқилган таркибий қисмлари билан ташкилот бажараётган иш табиати ва ташкилот ташқи муҳити ўртасидаги муносабатларни кўриб чиқиш лозим.

Технология ва тузилиши. Ташкилотда бажарилаётган ишнинг турли тавсифлари иш технологияси дейилади. Бир томондан технология ва бошқа томондан ташкилотнинг расмий тузилиши ўртасида ўзаро яқин боғлиқлик бор. Технология билан тузилиш ўртасидаги муносабат мавзууга бағишлиланган тадқиқот Джоан Вудворт томонидан ўтказилган. У факат ишлаб чиқариш фирмалари билан шуғулланиб, уларни уч туркумга ажратган:

1. Узлуксиз ишлаб чиқариш. Юқори стандартлаштирилган маҳсулотлар, юқори ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат қийматининг арzonлиги.
2. Ягона ёки кичик ҳажмли ишлаб чиқариш. Донабай маҳсулот, кичик тўпламлар, меҳнат қийматининг юқорилиги.
3. Катта ҳажмдаги ишлаб чиқариш, 1 ва 2га ўхшаш. Ишлаб чиқариш узлуксиз, донали, ўрта ҳажмли тўпламлар, ўртача иш қиймати. Бунда биринчи турдаги ташкилотлар "узун", учинчиси эса "ясси" ташкилотлар эканлиги кўрсатилган.

Атроф-муҳит ва тузилиши. Ташкилотларнинг тузилиш турлари кўпроқ у ёки бу ташкилотнинг қандай муҳитда эканига боғлиқ. Бу ҳолда самарадорлик ташкилотнинг атроф-муҳитга қанчалик "қўшилиб кетгани"га боғлиқ.

Умуман, ташкилот тузилиши нафақат шу ташкилот аъзоларига, балки унинг фаолияти самарадорлигига ҳам катта таъсир қиласи. Агар ташкилот тузилиши унинг технологияси ва атроф-муҳитга тўла мос келса, ташкилот том маънода муваффақиятли ишлайди.

Ташкилотларда мақсадлар. Ташкилот фаолиятини тушуниш учун аввал ишлаб чиқаришнинг асосий тавсифларини билиш зарур. Тузилиш тавсифларига кўшимча равишда, ташкилий муҳитнинг иккинчи муҳим элементи сифатида мақсад тавсифларини кўриб чиқиш керак. Ходимга бериладиган ҳар қандай топшириқ кўплаб усуллар орқали бажарилиши мумкин. Ушбу топшириқни бажаришга қаратилган усул катта эҳтимоллик билан ташкилотнинг умумий самарадорлигига, шунингдек ходимларнинг ўз ишларидан таъсирланишига таъсир этади.

Мақсадларнинг қўйилиши ва самарадорлик. Ишни олиб боришдаги ҳаражатни тежаш билан самарадорлик ўртасидаги боғланиш Фредерик Тейлор томонидан ўрганиб чиқилган ва "илмий бошқарув" деб ном олган. Ушбу усул тарафдорларининг таъкидлашича, ҳар қандай топшириқни бажаришнинг ягона энг самарали йўли мавжуд бўлиб, бу йўл иш тадбирлари ва усулларини пухта ўрганиш ва батафсил стандартлаштиришдан иборат. "Илмий бошқарув"нинг ривожини "саноат инжиниеринги"да кўриш мумкин. Унда асосий эътибор сарфланган вақт ва ходим ҳаракатларининг аниқ тадқиқотлари натижалари бўйича иш жараёнини илмий ишлаб чиқишга қаратилган. Бу усулларда қўйидагилар ҳақидаги фараз умумийдир: 1) ихтиёрий ишни бажаришда ягона энг маъкул усул мавжуд, 2) бу усулни пухта тадқиқот йўли билан аниқлаш мумкин ва 3) ходимларни қувватлашда молиявий омиллар асосий аҳамиятга эга. Бу усуллар қаттиқ эътиrozга учрайти. Масалан, максимал технология самарадорлигига эришиш усули ходимларнинг ўз ишларидан олган қониқишлиарини максималлаштиришга кўп ҳолларда зид келади. Бундан ташқари, ходимлар кўпинча тайёр қарорларни қабул қилиб олишни эмас, балки қарор қабул қилишда қатнашишни афзал кўрадилар. Шундай қилиб: самарадорлик ошганда рағбатлантириш пасаяди ва аксинча, деган зиддиятни оламиз.

2.3. Ташкилотларнинг ижтимоий соҳаси

Биз ташкилий муҳитнинг иккита муҳим таркибий қисмини кўриб чиқдик: тузилиш тавсифлари ва мақсад қўйиш тавсифлари. Ташкилий муҳитнинг учинчи муҳим аҳамиятли таркибий қисми - ижтимоий соҳани кўриб чиқамиз. Ташкилотда ишлаш одамлар билан ишлашни билдиради ва биз бирга ишлаётган одамлар бизнинг хулқимизга анча катта таъсир ўтказиши мумкин.

Хоторн (Хаутхорн) тадқиқотлари. Мейо, Ротлисбергер ва Диксон томонидан олиб борилган тадқиқотлардан мақсад – фабрика ишчиларининг меҳнат унумдорлигига таъсири сифатида хордиқ чиқаришнинг даврийлиги, ҳақ

тўлаш усуллари ва бошқа омилларни келтириб ўтиш мумкин. Бу тадқиқотлар натижаси ўлароқ, "хоторн самараси"нинг кашф қилиниши бўлди. Текширилган ходимлар уларнинг иш унумига таъсир қилган қуйидаги олтита асосий омилни ажратдилар (муҳимлик тартибида):

1. Гуруҳнинг кичикилиги.
2. Раҳбарият тури (супервисион).
3. Иш ҳақи.
4. Вазиятнинг янгилиги.
5. Тажриба натижаларидан манфаатдорлик.
6. Тест хонасида ўтирганларга эътибор.

Сўнгги уч омил хоторн самарасини ташкил қиласи, яъни тажриба натижаларини шу тажрибани ўтказиш мобайнида реалликдан чекиниши. Тадқиқотнинг яна бир натижаси унумдорликнинг мағкурага боғлиқлигини аниқлаш эди, бунда ҳар бир қатнашувчи фабрикада қабул қилинган эмас, балки ўзининг унумдорлик меъёрларига риоя қилган. Норасмий меъёрлар расмий қабул қилинган меъёрлардан баланд ҳам, паст ҳам бўлиши мумкин эди. Бу қуйидаги хуносалар чиқаришга имкон берди:

1. Ташкилот - оддий индивидиумлар йифиндиси эмас, балки ундан мукаммалроқ тушунча. Бу шундай ижтимоий тизимки, унда инсонлар дўст ва душманга эга, шунингдек ўз ишончлари, кўркув ва интилишларига эга.

2. Унумдорлик даражаси нафақат бошқарув андозаларига, балки ҳар бир гуруҳда ўрнатилган ижтимоий меъёрларга боғлиқ.

3. Ноиктисодий рағбатлантиришлар муҳимлиги одатда иқтисодий рағбатлантиришга нисбатан оз эмас. Дўстлар ва шахслараро муносабатлар - индивидиум фаолиятининг муҳим қисмидир.

4. Ходимлар ҳамма вақт ҳам танҳо фаолият юритувчи индивидиумлар каби бўла олмайдилар. Гуруҳлар, гарчи улар расмий ташкилотнинг тан олинган қисмлари бўлмасалар ҳам, одатда қарорлар қабул қиласидар.

Шу ва шунга ўхшаш тадқиқотлар таъсирида инсоний муносабатлар ҳаракати назарияси келиб чиқади (Хуман Релатионс Мовемент).

Очиқ тизимлар назарияси. У ташкилот ичидаги норасмий ижтимоий тузилишни ўрганиш билан шуғулланади. Юқорида кўриб ўтилган ташкилот қирраларининг ҳар бири, ўз ҳолиҷа ташкилот нима экани ҳақида тўлиқ тушунча бермайди. Бундан келиб чиқадики, ташкилот - айрим қисмларнинг оддий йифиндисигина эмас, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлардан иборат.

Очиқ тизимлар назарияси. Тизим - ўзаро боғлиқ элементлар тўплами. Очик тизимлар атроф муҳит билан ўзаро уйғунликда бўлади. Йопиқлик - йўқ. Ташкилотлар - очик тизимлар. Ташкил қилишга таъсир этувчи ташқи омиллар кириш оқимлари дейилади (инпуц), ташкилотнинг атроф-муҳитга ўтказадиган таъсиrlари эса чиқиш оқимлари дейилади (оутпуц). Бунда кириш оқимларига фақат хом-ашё ресурслари эмас, балки ташкилот томонидан ўзлаштирилган барча нарса киради. Шунингдек, чиқиш оқимлари фақат ташкилот расмий равишида "ишлаб чиқарадиган" моддий буюмлар эмас, балки ундан ҳам кенг миқёсда намоён бўлади.

Мувофиқлаштирилган модел. Надлер (Надлер) ва Ташман (Тушман)

томонидан ишлаб чиқилган бу моделнинг муҳимлиги шундаки, у кириш оқимларини чиқиш оқимларига айлантирувчи жараёнларни тушунтиради. У ташкилотнинг учта ўта муҳим элементларини ўз ичига олади: 1) расмий тузилиш, 2) эришилиши керак бўлган мақсадлар тавсифлари ва 3) ишчи гурухлар аъзолари ўртасида мавжуд бўлган норасмий ижтимоий муносабатлар, 4) бунга турли топшириқни бажарувчи одамлар тавсифлари қўшилади.

Кириш 1 Ташкилий даражадаги Чиқиш оқимлари (ЧО)

оқим-	П 2 ва 4 П	Гурухлар даражасидаги ЧО
лари	3	Шахсий даражадаги ЧО

Мувофиқлаштирилган моделга нисбатан битта муҳим фикрни айтиш лозим. Ундаги чиқиш оқимлари уч даражага бўлинади. Бу уч даракта бир бутунни шакллантиришида ташкилий тизимнинг турли элементлари бир-бири билан ўзаро қўшилиши лозим.

Ижтимоий жараёнлар. Агар биз одамлар ўзларини қандай тутишларини, турли нарсаларга уларнинг муносабатлари қандайлигини, уларга нима рағбат бўлишини ва кучли ҳаяжон ҳолатларида қандай таъсирланишларини биламиз, деб ҳисобласак, уларни бошқариш жуда осон бўлиб кўриниши мумкин. Лекин, афсус, бундай эмас. Муаммо шундаки, ташкилотлар моҳиятан ижтимоийдир. Биз билан ишлаётган кишилар бизнинг хулқимизга жиддий таъсир қилишлари мумкин ва бу таъсир жуда аҳамиятлидир.

Бобнинг қисқача хulosаси

Ташкилий тузилиш - ташкилотлар ўз меҳнат жараёнларини алоҳида топширикларга бўлиши ва ушбу топшириклар устидан назорат этиш усусларининг йигиндисидир. Ҳар қандай ташкилот ўзига хос тузилишга эга. Ушбу тузилиш элементларига қуйидагилар киради:

- Горизонтал табақаланиш.
- Вертикал табақаланиш.
- Назорат қўлами (спан оғ контрол).
- Расмийлаштириш.
- Марказлаштириш.

Таянч иборалар:

Ташкилот, ташкилот мақсадлари, ташкилотнинг ташкилий тузилиши, горизонтал ва вертикал табақаланиш, назорат қўлами, расмийлаштириш, марказлаштириш, технология, мақсадларнинг қўйилиши, ташкилотнинг ижтимоий аспекти, мувофиқлаштирилган модел.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Ташкилотлар нима учун ташкил топади?
2. Ташкилий тузилиш деб нимага айтилади?
3. Горизонтал ва вертикал табақаланиш бир-биридан қандай фарқ қиласди?
4. Ташкилотнинг ижтимоий соҳаси деганда нима тушунилади?

Асосий адабиётлар

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010.
2. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.- 56 б.
3. Ғуломов С.С. Менежмент. Т., 2002.
4. Герчикова И.Н. Менеджмент. 2003.
5. Кочеткова А.И. Введение в организационное поведение и организационное моделирование. Учебное пособие. М.: Дело. 2006.

3-БОБ. ИНСОНЛАР ХУЛҚИ ВА МОТИВАЦИЯ

3.1. Мотивлаштириш тушунчаси

Инсонларни самарали бошқаришда мотивлаштиришнинг ўрни бекиёс. Инсон фаолиятига нима туртки бўлишини, унинг интилишларини хисобга олган ҳолдагина бошқаришнинг самарали усуллар тизимини ишлаб чиқиш мумкин. Бунинг учун у ёки бу мотивлар нима учун пайдо бўлиши, қай ҳолда мотивлар иш фаолиятга таъсир кўрсатиши ва кишиларда мақсадга қаратилган мотивларни шакллантиришни билиш керак.

Мотивлаштириш деб инсонни фаолиятга ундовчи, бу фаолият чегаралари ва шаклларини белгиловчи ҳамда уни муайян мақсадларга эришиш учун йўналтирувчи ички ва ташқи кучларнинг йигиндисига айтилади. Мотивлаштиришнинг инсонга таъсири кўп омилларга, асосан шахснинг ўзига боғлиқ ва инсон фаолияти томонидан тескари алоқа таъсири остида ўзгариши мумкин. Мотивлаштириш тушунчасини ҳар томонлама тушуниш учун қуйидаги 3 аспектни кўриб чиқиш зарур:

- одам фаолиятининг қайси жиҳатлари мотивацион таъсир остида бўлиши.
- ички ва ташқи кучларнинг ўзаро нисбати.
- мотивлаштиришнинг инсон фаолияти натижалари билан боғлиқлиги.

Еҳтиёж - бу инсоннинг бирор бир нарсага бўлган хоҳиши. У ҳар қандай инсонлар учун умумий, лекин ҳар бир одамда индивидуал кўринишга эга. Инсон бундан тезроқ қутулишни ўйлайди, чунки эҳтиёж бор экан у ўзини билдириб туради ва қондирилишини талаб қиласади. Одамлар уни қондиришга турли йўллар билан уринадилар, эҳтиёжларни қондирадилар ёки уларга

эътибор бермайдилар. Эҳтиёжлар онгли ва онгсиз равиша пайдо бўлиши мумкин.

Мотив инсонда аниқ мақсадга қаратилган ҳаракатни келтириб чиқаради. Мотив ҳар бир инсонда индивидуал характерга эга бўлиб, кўпгина ички ва ташқи омилларга ва бошқа мотивлар таъсирига боғлиқ. Мотив одамни ҳаракатга унданбугина қолмай, бу ҳаракат қандай қилиб амалга оширилишини ҳам белгилаб беради. Хусусан, агар мотив эҳтиёжни қондирилишга қаратилган бўлса, бу турли тоифа инсонларда турлича бўлади, ҳатто бир хил эҳтиёж бўлса ҳам. Мотивлар онгли равиша амалга оширилади. Инсонлар мотивларини тўхтатиб ёки йўқотиб уларга таъсир қилиши мумкин. Одам ҳаракати битта мотив билан аниқланмайди, балки мотивларнинг одам ҳаракатига таъсири даражасига қараб, мотивларнинг бир-бири билан боғлиқ йифиндиси билан аниқланади. Одамнинг мотивацион тузилиши деганда одам томонидан маълум бир ҳаракатларнинг бажарилиш тушунилади.

Мотивлаштириш деганда, инсонни маълум бир ҳаракатга, унда мотивларни шакллантиришга ундаш жараёни тушунилади. Мотивлаштириш одамни бошқаришнинг асоси ҳисобланади. Бошқаришнинг самарадорлиги мотивлаштириш жараёнининг қанчалик муваффақиятли амалга оширилганлигига боғлиқ. Мотивлаштиришнинг мақсадга кўра 2 асосий тури мавжуд:

Биринчи тури, маълум натижа олишда инсонга ташқи таъсиrlар натижасида ҳаракатга ундаш учун аниқ бир мотивлар орқали чиқарилади. Бундай мотивлаштириш тури қандай мотивлар хоҳлаган натижага олиб келишини билиш зарур.

Иккинчи тури - одамда мотивацион тузilmани шакллантиришдан иборат. Бундай ҳолда асосий диққат-еътибор одамни мотивларини мотивлаштиришга хоҳиш-истагини ривожлантиришдан иборат ва натижа олишга ҳалақит берайтган мотивларни йўқотишдан иборатдир. Бу тарбиявий турда бўлиб, аниқ натижа олиш учун одамнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Иккинчи тур катта куч, кучли билим ва қобилиятни талаб қиласиди, чунки унинг натижалари биринчи турнинг натижаларидан доим устун туради. Буни ўрганиб олган бошқарувчилар қўл остидаги ҳодимларни бошқаришда муваффақиятли натижаларга эришадилар.

Инсонларни мотивлаштириш, инсонга таъсир этишнинг турли усуллари орқали амалга оширилади. Мотивлаштиришнинг айrim усуллари, маълум бир мотиватор бўлиб қолиши мумкин. Қандай мотиваторлар одамни ҳаракатга ундашини била туриб, одам хулқ-авторини бошқариш мумкин. Мотиваторлар бўлиб турли хил турдаги тақдирлаш-тақдирламаслик, жазолаш-жазоламаслик, мажбуrlаш-мажбуrlамаслик бўлиши мумкин. Бунда мотиватор ҳаракат қилмасдан олдин ёки қилгандан кейин қўлланилиши мумкин.

Рағбат ҳаракатга келтирувчи дастак ролини ўйнайди, улар эса маълум бир мотивларнинг ҳаракатга келишига олиб келади. Рағбатлар тарзида одамнинг бажарган ҳаракатлари, меҳнати ўрнини қопладиган нарсалар, яъни айrim предметлар ёки ваъдалар бўлиши мумкин. Инсон ҳар бир рағбатни онгли равиша бошқара олмайди. Инсонларни турли рағбатлар орқали

мотивлаштириш жараёни – стимул бериш дейилади. Рағбатлантириш – мотивлаштиришни амалга ошириш учун керак бўлган восита. Ташкилотдаги ўзаро муносабатлар қанчалик ривожланган бўлса, рағбатлантириш орқали ходимларни бошқариш шунча кам ишлатилади.

Мотивация фаолиятнинг қўйидаги тавсифларига таъсир қиласди: ғайрат, ҳаракат қилиш, қатъийлик, виждонийлик ва ҳоказо. Бир ҳарактердаги ишни инсон ҳар хил куч сарфлаб амалга ошириши мумкин. Инсон турлича ҳаракат қиласди. Бир инсонга меҳнат сифати қандай бўлиши аҳамияцияз бўлса, бошқаси ҳамма нарсани сифатли қилишга уриниб, чин юракдан ишлайди. Мотивация таъсир қиласдиган фаолиятнинг учинчи тавсифи бошланган ишни ривожлантириш ва тугатиш қатъийлигидан ташкил топади. Бу фаолиятнинг муҳим тавсифи бўлиб, кишилар кўп ҳолларда бошланган ишга қизиқишни тез йўқотадилар. Ишни бажаришда соф виждонийлик масъулиятли бўлишни, ҳамма зарурый талаблар ва тартибга соловчи меъёрга риоя қилишни билдиради. Йўналиш одам фаолиятининг яна бир тавсифи бўлиб, маълум фаолиятни амалга оширишда одам нимага интилишини кўрсатади. Бошқариш учун одам ҳаракатини йўналишини билиш зарур. Бу ҳаракатни мотивациялаш ёрдамида маълум мақсадларга эришишни ҳам билиш керак. Ҳамма тавсифларни умумлаштириб мотивлаштириш – бу одамни маълум куч сарф қилиб, соф виждонли бўлиб, маълум мақсадга эришишга йўналтириш фаолиятини амалга оширишга сарф бўлган кучлар йиғиндиси деб атамиз.

3.2. Мотивлаштириш жараёни

Мотивлаштиришни жараён деб кўрадиган бўлсак, назарий жиҳатдан у шартли равища олти босқичдан иборат.

1-босқич - эҳтиёжнинг юзага чиқиши. Эҳтиёж инсон нимагадир етишмовчилик сезганда пайдо бўлади. Эҳтиёж аниқ вақтда пайдо бўлади ва инсондан имконият топиш ва уни бартараф қилиш, ҳаракат қилишни талаб қила бошлайди. Эҳтиёжлар ҳар хил бўлади. Шартли равища уларни 3 гурухга ажратиш мумкин: физиологик, психологик ва ижтимоий.

2-босқич - эҳтиёжни бартараф қилиш йўлларини излаш. Эҳтиёж юзага келиб инсонга муаммо келтирса, у буни бартараф қилиш: қондириш, бостириш, сезмасликка олиш йўлларини қидиради.

3-босқич - ҳаракат йўналишини аниқлаш. Инсон нима қилишни, қандай қилишни аниқлаб олади. Бу босқичда қўйидагилар бир-бирига боғлик:

- истагимга эришиш учун мен нима қилишим керак;
- ўзим хоҳлаган нарсага қай даражада эришишим мумкин;
- ўзим хоҳлаган нарсани олишим қай даражада эҳтиёжни йўқотади.

4-босқич - ҳаракатни амалга ошириш. Бу босқичда инсон ўз эҳтиёжини бартараф қилувчи ҳаракатни амалга ошириш учун куч капф қиласди. Бу босқичда мақсадлар қайта кўриб чиқилиб, ўзгартирилиши мумкин.

5-босқич - қилинган иш учун мукофот олиш. Инсон маълум иш бажариб, ўз эҳтиёжини қондира оладиган нарса олади. Бу босқичда қилинган иш қандай

натижа берганлиги аниқланади. Бунга боғлиқ равища, фаолиятни мотивлаштиришнинг сусайиши, сақланиши ёки кучайиши кузатилади.

6-босқич - эҳтиёжни бартараф этиш. Эҳтиёж даражаси пасайиши, шунингдек эҳтиёж пасайиши фаолиятнинг кучайтириши ёки сусайтиришига қараб, киши ўз фаолиятини янги эҳтиёж пайдо бўлгунга қадар тўхтатади ёки эҳтиёжни бартараф этиш бўйича фаолиятини давом эттириш учун имконият ахтаради.

Мотивлаштириш жараёнининг характеристи уни қандай эҳтиёжлар харакатлантиришига боғлиқ. Лекин эҳтиёжларнинг ўзи ўзаро мураккаб динамик муносабатда бўлиб, бир-бирини инкор қиласди ёки бошқа эҳтиёжлар таъсирини кучайтиради. Бу ўзаро муносабатнинг таркибий қисмлари замонда жиддий ўзгариб, мотив таъсирининг характеристи ва йўналишини ўзгартириши мумкин. Шунинг учун кишининг мотивацион тузилмасини чуқур билганда ҳам унинг хулқида турли кутилмаган ўзгаришларни кўриш мумкин.

3.3. Мотивация назариялари

Бу ерда X ва Y назарияси; Маслоу назарияси; Херсберг ёндашуви; Вейнберг модели каби мотивация назариялари қўриб чиқилади.

X ва Y назария

1. Таъриф

X назарияси инсонлар табиатига асосланган:

- одамлар меҳнатга ёмон муносабат билдиради;

- кўп инсонлар жавобгарликни ёқтирумайди, улар кўпроқ бошқарув остида бўлишни ёқтирадилар;

- инсоннинг асосий эҳтиёжлари (мотивация) - бу пул ва ҳавфсизлик.

Й назарияси қарама-қарши тахминларга асосланган:

- агар шароитлар яхши бўлса, иш уйин каби осон бажарилади;

- ташкилий мақсадларга эришиш учун ўзини назорат қилиб туриш шарт;

- муаммо ечилишининг бир неча усули бор;

- инсонлар эҳтиёжлари (мотивация) ўзини ҳурмат қилиш, билим олиш ва физиологик эҳтиёжларни қондиришни ўз ичига олади.

2. Кўлланилиши

X ва Й назариялар муносабат ва жойлашувни аниқлаб, хулқни кўрсатмайди. Менежер асосан Й назарияни ишлатиб, айрим ҳолатларда баъзи кишиларни қаттиқ бошқарувда ва назоратда ушлаб туриши мумкин. Бунинг қарама-қарши йўли ҳам тўғри бўлиши мумкин.

А Хулқ моделлари:

Индивидлар ўз хиссиётларини очик кўрсатмайди, экспериментни рад этади ва бошқаларга ёрдам бермайди. Бу қуйидагилар билан характерланади:

- синчков кузатув;

- тузилманинг кўп поғоналилиги;

- юқори даражали назорат.

Кўпинча ташкилотлар марказлашган қарорлар ва иерархик пирамида билан характерланади.

Б хулқ моделлари:

Бундай кишилар ҳиссиётини күрсатади, очиқ экспериментга рози бўлиб, бошқаларга ёрдам беради. Уларнинг хулқи қуидагича намоён бўлади:

- қўллаб-қувватловчи;
- бошқаларни хурматловчи;
- ростгўй;
- самимий.

Ташкилотлар кўпинча марказлашмаган қарорлар ва демократия билан характерланади.

Аргирис, ХА ва ЙБ одатда бир-бири билан мос келса ҳам, бу камдан-кам учрайди деб таъкидлайди.

ХБ менежерлар:

Улар одамлар ҳақида салбий фикрларга эга бўлса ҳам, уларни қўллаб-қувватлаш йўлидан боради. Уларнинг бундай хулқини икки хил сабаб билан тушунтириш мумкин:

- улар ҳаёт тажрибасида бундай хулқ ишлаб чиқариш жараёнида яхши натижа олиб келишини эшитганлар ёки биладилар.
- улар қўллаб-қувватланувчи муҳитда ишлайдилар ва ўз ишини сақлаб қолиш учун шундай йўл тутишга мажбурдирлар.

ЙА менежерлар:

Улар инсонлар ҳақида ижобий тасаввурга эга, лекин улар турли хулқقا эгадир, чунки улар:

- бу вазият улар томонидан катта назорат талаб қилишини ҳис қиласди, уларнинг мақсади кишиларнинг ўз-ўзини назоратини ривожлантиришдан иборат;
- бошқарув ва назоратга асосланган маданиятли ташкилотда ишлайдилар, чунки ташкилот маданияти назорат ва кузатувга асосланган.

Икки тизимни баҳолаш

Ташкилотларда бу назарияларни қўллаб, икки хил тизимга дуч келамиз:

1. Бюрократик пирамида деб баҳоланувчи тизим - X назарияга ўхшаш. У қуидаги томонлар билан характерланади:

- инсонлар муносабати ташкилот мақсадига эришиш учун зарур бўлган муносабатларгача чегараланганд;
- хулқ қанчалик ақлли, мантиқий ва аниқ намоён бўладиган бўлса, кишилар муносабати шунчалик яхши натижа беради. Хулқ қанчалик эмоционал бўлса, натижа шунчалик пасаяверади;
- эҳтиёткор раҳбарлик, назорат ва мақсадга мувофиқ тақдирлаш ва жазолаш кишилар ўртасидаги муносабатни мотивлаштириш янада самаралидир.

2. Й назария демократия тизимига ўхшаш. У қуидаги ўзига хос жиҳатларга эга:

- кишилар ўртасидаги муҳим муносабатлар фақатгина ташкилот мақсадига эришиш учун қаратилган муносабатлардан иборат эмас. Улар шунингдек ташкилот ички тизимини ташкил қилувчи ва атроф-муҳит ўзгаришига мослашувчи муносабатларни ўз ичига олади;

- барча (ақлий ва эмоционал) хулқнинг онгли бўлиб бориши, назорат ва муҳокама қилиниши кишиларапо муносабатларни янада самарали қилади.

- кишиларапо муносабатлар фақатгина тегишли раҳбарлик, ҳокимият ва тўғри тақдирлаш билан самарали мотивлаштирилмайди. Бунда ички мажбурият, психологик муваффақият катта рол ўйнайди.

Ташкилотнинг аҳамияти. Аргирис фикрича, бюрократик пирамида тизими шахсий қобилияtlарнинг пасайишига олиб келади. "Шахсий қобилияtlарсиз" ёки "ишончли руҳий" муҳициз ташкилот ишончсизлик, гурух ички зиддияtlари, қўполлик учун замин яратади ва булар ўз навбатида муаммолар ечимини топишда ташкилот муваффақиятининг пасайишига олиб келади. Бундай тизимда инсон ўз қобилияtlаридан тўлалигича фойдалана олмайди. У мақсадларга эришиш учун ташкилот юзага келтирилганлигидан бери шахс ишга мослашишга мажбурилгига қўшилади.

Иш тавсияси илмий бошқарувнинг тўрт концепсиясига асосланади:

- вазифанинг ихтисослашуви;
- буйруқлар занжири;
- кўрсатмалар мажмуаси;
- назорат оралиги.

Бошқача қилиб айтганда, бошқарув оз миқдордаги кишилар қўлида тўпланган куч ва ҳокимиятни чеклаш орқали ташкилий ва маъмурий таъсиrlарни пасайтиришга уринади. Буйруқлар занжирининг охиридан эса кишилар бошқарувчи ва тизимнинг ўзи томонидан назорат остида бўлиши керак. Иш хақидаги қарорлар одатда бошқарувчи қўлида бўлади. Ишчилар фақатгина бу қарорни бажарадилар. Вазифанинг ихтисослашуви зарур ҳисобланади. Одатда топшириклар доимо қайтарилиб туради ва ниҳоят ишчилар ўзаро алмашишади. Бошқа томондан Аргирис, инсоний ва демократик қадрияtlар - ташкилотнинг асосий қадрияtlари, жами кишилар орасида ҳаққоний ва узоқ ўзаро муносабатлар ривожланишига ишонч билдиради. Бу эса ҳар бир кишини эҳтиёjlар йиғиндиси эгаси сифатида эътироф этишни билдиради. Бунда ҳар бир эҳтиёj унинг иши ва ҳаётида муҳим ҳисобланади. Бундай шахсий қобилияtlар инсон маъсулиятини кенгайтиради ва шахсий ҳамда гурух ички кооперациясига, эгилувчанликка, ижодга олиб келади. Бу ўз навбатида ташкилот самарадорлигини ошириши керак.

Херсберг назарияси

Херсберг ва унинг сафдошлари, агар менежерлар ўз ишчиларининг мотивацияларини яхшироқ тушунганларида эди, улар самарадорликни анчайин оширган бўлардилар, деб ҳисоблайдилар. Ишлаб чиқаришда маълум касбни ўрганиш учун ҳақ тўлаш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, кечикишлар сонини камайтиради ва ишчилар орасидаги муносабатларни анча яхшилади. Шахс учун ўз маънавий қониқишини оширувчи кучларни тушуниш, ўз-ўзини намоён қилиш ва хурсандчиликка олиб келади.

Херсберг эҳтиёjlарни иккига бўлади:

1. Қўллаб-қувватлаш омили. Улар атроф-муҳит билан боғлиқ. Бу омилларни қуидаги гуруҳлайди: компания маъмурияти ва сиёсати; назорат; ишчилар ахволи; пул, статус ва ҳавфсизлик.

2. Мотиваторлар - улар ишга мос келиши керак. Херсберг бу омиллар одамлар топшириқни аъло бажаришини мотивациялашда самарали деб ҳисблайди. Бу омилларга ютуқлар; тугалланганлик белгилари; ишчиларни синаш; жавобгарликни ошириш; ўсиш ва ривожланиш каби омиллар киради.

Шунинг учун одамлар уларга имконият яратувчи ва талабларга жавоб берувчи ишга муҳтоҷлик сезадилар деб хулоса қилиш мумкин. Инсонлар ўз қобилиятларидан паст даражадаги ишга ёлланмайдилар. Шуни таъкидлаш лозимки, талабларнинг тӯғри қўйилиши билан мотивацияни қўллаб-қувватлаш мумкин.

Маслоу назарияси

Маслоу шахс эҳтиёжларини қондиришга ундовчи 5 та асосий эҳтиёжни ажратиб қўрсатади. У бу эҳтиёжлар кетма-кет жойлашган деб таъкидлайди.

1. Кундалик ҳаёт учун зарур эҳтиёжлар (овқат, кийим-кечак).

2. Ҳозир ва келажакдаги ҳавфсизликни таъминлаш (иш, нафақа, тиббий хизмат, ҳавфсизлик).

3. Жамиятга қўшилиш эҳтиёжи (шахсни гуруҳга бирлашиш эҳтиёжи).

4. Ўз-ўзини ҳурмат қилиш ва ўз-ўзига ишонч. Бу ҳокимият ва назорат билан боғлиқ. Бу атроф-муҳитга ўзининг таъсир қила олиш қобилиягини сезиш ҳисси.

5. Ўз-ўзини намоён қилиш эҳтиёжи - ўз имкониятларини ошириш эҳтиёжи. Ўзингни истаган инсонга айлантира олиш қобилиятига эга бўлишинг мумкин.

Вейнберг ва Мак-Клеланд модели

Улар ўз изланишларида мотивациянинг анъанавий ва янги моделини мослаштиришга ҳаракат қиласидилар. Улар мотивациянинг бир-бирига боғлиқ бўлмаган 2 та асосий тури бор деб ҳисблайдилар.

1. Биологик мотивация. Табиий ва ҳайвонларда давом этаётган, фақат ўзининг эгилувчанлиги билан фарқланувчи содда эҳтиёж.

2. Ўз-ўзини англаш мотивацияси. Асосан тилни ўрганиб ва ўзлаштириб ўз-ўзини кўрсата олиш маҳорати. Бу мотивация инсон учун жуда мос келади.

Бобнинг қисқача хуносаси

Инсонларни самарали бошқаришда мотивлаштиришнинг ўрни бекиёс. Мотивлаштириш деб инсонни фаолиятга ундовчи, бу фаолият чегаралари ва шаклларини белгиловчи ҳамда уни муайян мақсадларга эришиш учун йўналтирувчи ички ва ташқи кучларнинг йифиндисига айтилади.

Мотивлаштириш деганда, инсонни маълум бир ҳаракатга, унда мотивларни шакллантиришга ундаш жараёни тушунилади. Мотивлаштириш одамни бошқаришнинг асоси ҳисбланади.

Мотивлаштиришни жараён деб кўрадиган бўлсак, назарий жиҳатдан у шартли равища олти босқичдан иборат.

Х ва У назарияси; Маслоу назарияси; Херсберг ёндашуви; Вейнберг модели каби мотивация назариялари мавжуд.

Таянч иборалар:

Мотив, мотивация, рағбатлантириш, мукофот, жазолаш, мотивация босқичлари ва турлари, бошқарув, назорат.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Инсонларни нима мотивлаштиради?
2. Мотивациянинг қандай усулларини биласиз?
3. Инсон хулқини бошқаришда мотивациянинг аҳамияти қандай?
4. Мотив ва мотивлаштириш тушунчаларини қандай тушунасиз?
5. Мотивлаштириш босқичларини мисоллар ёрдамида тушунтириңг?

Асосий адабиётлар

1. Алиев В.Г., Дохолян С.В. Организационное поведение. М. 2004.
2. Джон В. Ньюстром, Кейт Дэвис. Организационное поведение. Поведение человека на рабочем месте. СПб. 2000.
3. Л.В.Карташова, Т.В.Никонова, Т.О.Соломанидина. Организационное поведение. Учебник. М.: ИНФРА-М. 2003.

4-БОБ. ТАШКИЛИЙ ХУЛҚДА КОММУНИКАЦИЯ

4.1. Коммуникация тушунчаси

Умуман коммуникация нима учун зарур? Биз унинг ёрдамида турли шаклдаги хабарларни қабул қилишимиз ва бошқаларга узатишимииз мумкин:

-ахборотнинг қабул қилиниши ва узатилиши (масалан, сиз танишингизга кеча томоша қилган кино тўғрисида айтиб бердингиз);

-тушунтириш ва йўлланма бериш (мисол учун сиз калкулятор ёрдамида соннинг турли даражадаги илдизларини қандай чиқаришни тушунтириб бердингиз);

-бирор шахсни ҳаракат иштиёқини уйғотмоқ (масалан, бошқаларни туғилган кунингизга таклиф этишингиз);

-бирор нарсага ўз муносабатини билдириш (хайратланиш ёки ғазабланиш, хурсандчилик ва норозилик);

Турли ахборотларни узатишда биз турли-туман воситалардан фойдаланамиз. Булар оғзаки (шахсан ва телефон орқали) ва ёзма шаклда узатиш (хатлардан тортиб то электрон почтасигача); имо-ишора тили (ташқи қиёфа, мимика, имо-ишора ва қарашлар).

Ўзаро муносабатларнинг ўрнатилиши - бу раҳбар ишининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Сиз қўл остингиздаги ходимлар билан биргаликда иш олиб бормасдан якка ҳолда ҳеч қандай натижага эриша олмайсиз. Раҳбарнинг вазифаси – ахборотни қабул қилиш ва уни бошқаларга узатиш. Бу ерда энг асосий масала инсонлар билан тўғри муносабат ўрната олиш ҳисобланади. Раҳбар оддий ишчи бўлган пайтда бошқаларга нисбатан ўз вазифаларини яхшироқ билганилиги учун шу мансабга лойик деб топилган мутахассис ҳисобланади. Бироқ бу унинг бошқаларга ўргатиш ёки инсонларни бошқара олиш қобилиятини англатмайди. Раҳбарнинг муваффақияти унинг муносабатларни ўрната билиш қобилияти билан ўлчанади.

Йозма мулоқотни (хатлар, эслатма, баённома ёки матнлар) шахс овозини бевосита эшитиш ва имо-ишорасини кўриш имконияти бўлмаганлиги учун тушуниш қийин. Лекин фикрларни ёзма шаклда узатиш хат эгасига ўз фикрини яхшироқ ўйлаш ва баён қилиш учун энг яхши вариантни танлаш имконини беради.

Ҳар бир менежер сўзларни ёзма равишда яхши қўллай билиши шарт. Ҳатто оддий эълон ҳам қисқа, аниқ ва имло жиҳатдан тўғри ёзилган бўлиши керак. Раҳбардан эса буйруқлар, иш хатлари ёзиш талаб этилади. Лекин коммуникациянинг катта қисми оғзаки шаклга тўғри келади. Бундай шаклдаги мулоқотда, фикр муаллифининг шахсан ўзи қатнашишига қарамасдан ўз фикрларини тўғри ёки етарли даражада аниқ бўлмаслиги тез-тез учраб туради.

4.2. Коммуникация турлари

Умуман олганда кундалик мулоқотларни қуидагича гурухлаштириш мумкин:

1. Яқин шахсий мулоқот - икки яқин шахс ўртасида бўладиган мулоқот (дўстлар, эр ва хотин, севишганлар ва ҳ.к.). Кўпинча бундай мулоқот рационал мақсадга қаратилмаган. Бунда бир-бири билан мулоқот қилиш, ўзаро тушуниш, бир-бирини қўллаш қадрланади.

2. Шахсий мулоқот. Масалан, меҳнат жамоалари, дўстлар ёки оиласидаги баҳслар ва шунга ўхшаш турли сұхбатлар. Табиийки, бундай мулоқот асосида

хеч қандай манфаат ётмайды. Унинг асосий маъноси алоқа ўрнатиш ва сақлаб туриш ҳамда "БИЗ" деган тушунчадан таркиб топади. Шу билан бирга шахслар керакли ахборотларни алмашишлари ёки бир-бирига таъсир ўтказишга ҳаракат қилишлари мумкин.


3. Кичик гурухлар икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг иш юзасидан мулоқоти. Иш юзасидан мулоқот мақсади – аниқ қарорга ва шартномага эришиш. Бу ҳамкаслар, бошқарувчи билан қўл остидагилар, баъзан тижоратчилар орасидаги ўзаро алоқалар бўлиши мумкин.

4. Катта гурухлардаги мулоқот. Бу яхши таниш ёки умуман нотаниш шахслардан иборат катта гурухлардаги кишилар мулоқоти. Масалан, етарли даражада катта бир жамоа аъзоларининг мулоқоти (мактаблар, идоралар, корхоналар). Бундай жойлардаги мулоқотлар турли-тумандир, баъзи жойларда иш юзасидан ўзаро алоқа меъёрлари, бошқа жойларда эса шахсий алоқа меъёрлари асосий рол ўйнайди. Қатнашчиларнинг мақсади жамоавий ва шахсий мақсадлар орасида ўзгаради.

5. Оммавий мулоқот - кўча, транспорт, хизмат муассасалари, маданият ташкилотлари ва бошқа жамоат жойларидаги турли алоқалар. Инсонлар орасидаги бундай алоқалар қисқа ва тасодифий характерга эга.

4.3. Этикет мулоқоти воситалари

Мулоқот модели. Мулоқот жараёни жўнатувчи ва қабул қилувчи орасида ўзаро тушунишга олиб келувчи фикр ва ахборот алмашинуви. Мулоқот жараёнини қўйидаги схема кўринишида тасвирлаш мумкин:



Енг содда мулоқот модели.

Сўзли ва сўзсиз калитлар. Оғзаки ёки ёзма ахборот сўзлардан ташкил топади, лекин у ёки бу сўзга бериладиган маъно жуда катта аҳамият касб этади. Мисол учун, "иложи борича тезроқ" иборасининг маъноси жўнатувчи тегишли бўлган у ёки бу гуруҳ ишлаб чиқариш циклининг узунлигига боғлиқ. Ахборотнинг тезлиги, овознинг баландлиги ва хатонинг кўплиги катта аҳамият касб этади. Бундан ташқари жўнатувчининг ташқи атрибулари: символик ва жисмоний (имо-ишоралар, туришлар, юз ифодаси) каби икки турга бўлинувчи сўзсиз калитлар ҳам мавжуд. Жисмоний калитларда сақланаётган ахборот жараёнли ёки мазмунли бўлиши мумкин. Масалан, инсон бошқа одамнинг гапини тўхтатиб ўз фикрини айтмоқчи бўлганда қошини кўтаради, нафас

олиши тезлашади ёки қўлини кўтаради. Мазмуний қалитлар аҳамиятга молик ҳисобланади.

1) Статистик хусусиятлар.

А) Масофа. Масофа икки сұхбатлашувчиларнинг алоқаларини қанчалик яхши эканлигини кўрсатади.

Б) Йўналиш. Инсонлар бир бирига турли шаклларда йўналадилар. Юзма-юз йўналиш, ёнма-ён туриш ёхуд кетма-кет туриш маҳсус мазмунга эга. Масалан, ҳамкорлар бир-бири билан ёнма-ён, рақиблар эса юзма-юз ўтиришни хоҳлайдилар.

В) Гавда ҳолати. Гавда ҳолати шахснинг мулоқотда накадар зўриқканланги ёки бўшашганлигини кўрсатади. Қўлларни бир-бирига чирмаштириш ғазабдан далолат берар экан, тананинг сұхбатдошга эгилиши ёки узоқлашиши қизиқишнинг мавжуд ёки йўқлигидан далолат беради.

Г) Жисмоний алоқа. Биз бир-биrimизга тегишимиз, бир-биrimизни ушлашимиз, қучоқлашимиз, ўпишимиз мумкин. Қўл қисиши, ўпиш, елкасига уриш - буларнинг ҳаммаси ўзида қандайдир ахборот сақлади (беради). Жуда кўп ҳолларда улар яқинлик ва бир-бирига суюниш элементларига эга.

2) Динамик хусусиятлар.

А) Юз тузилиши, табассум, қовоқ солинган юз, чимирилган қошлар, эснашлар буларнинг ҳаммаси маҳсус хабарни ўз ичига олади. Бу хусусият сұхбатдошларнинг ўзаро алоқа жараёнида ўзгаради ва доимо назарда туради.

Б) Имо-ишоралар. Энг машхур имо-ишоралардан бири қўл ҳаракатидир. Кўп шахсларнинг сұхбатлашиш чоғида ишлатадиган аниқ ҳаракатлари мавжуд. Агар баъзи имо-ишоралар (масалан, муштум) универсал маънога эга бўлса, бошқалари шахсийроқдир.

В) Кўз қарашлар. Кўз қарашлари ўзаро мулоқот жараёнида муҳим аҳамият касб этади. У сұхбатни давом эттириш ёки тўхтатиш хоҳишини билдиради. Кузатишлар натижасига кўра шахс ишга кираётганда ижобий сўзсиз қалитлар муҳим рол ўйнайди.

Восита танлови ва ахборот оқими. Агар ўзаро мулоқотга киришган бўлсак, мулоқотнинг бир томонлама ёки икки томонлама бўлишини танлашимиз керак. Бир томонлама мулоқотнинг устунлиги ва камчилигини қўйида кўрсатамиз.

Расмийлик. Бир томонлама ахборот расмий кўриниш касб этади. У расмийроқ ва ишchan кўринади ва шунинг учун муҳим бўлиши зарур.

Тезлик. Бир томонлама алоқот камроқ вақт талаб этади, айниқса бир шахс бараварига кўп шахслар билан алоқага киришганда. Шундай ҳоллар мавжудки, менежерлар икки соатли мажлис ўтказадилар, ваҳоланки шу мақсадга икки бетли хат билан ҳам эришиш мумкин.

Соддалик. Икки томонлама алоқага нисбатан соддароқдир. Нафақат ахборотни қабул қилган шахс хабарни тушуниб етиши, балки жўнатган шахс жавобни фикрлаши зарур. Бу ерда инсоннинг эҳтиёжлари, ҳис-туйғулари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бир томонлама ўзаро алоқа бу муаммолардан кутулишга ёрдам беради.

Ташкилийлик. Жуда кўп ҳолларда ёзма шаклдаги ахборотлар оғзаки ахборотга нисбатан яхши режалаштирилган бўлади.

Самарадорлик. Ахборотни жўнатувчи ва қабул қилувчи орасидаги розиликни самарадорлик деб қабул қилсак икки томонлама алоқа бу ерда яхши натижалар беради. Фикрларни ойдинлаштириб, керакли ўзгаришлар киритилади. Кўп вақт йўқотишга қарамасдан яхши ўзаро алоқага эришилади. Шундай қилиб, бир томонлама ўзаро алоқани нотўғри тушуниш эҳтимоли кам бўлганда ишлатиш тавсия этилади.

Емпирик кузатишлар шуни кўрсатадики, ёзма; оғзаки; ёзма-оғзаки; оғзаки-ёзма ўзаро алоқа турлари ичida энг сўнгиси энг маъқули ҳисобланади. У: 1) дарҳол ҳаракатга чақиришда; 2) компания бўйича буйруқ ўтказишда; 3) муҳим сиёсий ўзгариш муҳокамасида; 4) тараққиётни кузатишда; 5) шахснинг қозонган ютуқларини мақташда; 6) компания ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Соф ёзма шаклдаги хабар келажакда талаб қилинадиган ва умумий характердаги ахборотни жўнатишда мақсадга мувофиқ. Оғзаки-ёзма ва ёзма-оғзаки ўзаро алоқа орасидаги фарқ шундан иборатки, биринчи шаклда икки томонлама муносабатнинг бошлангич элементи мавжуд, иккинчи шаклда эса йўқ.

Мулоқот рамкаси. Фараз қилинг, сиз А-жўнатувчи Б-қабул қилувчи учун ахборот тайёрляяпсиз. Бнинг қабул қилиш қобилияти тўғрисидаги фикрингизга боғлиқ равишда матнни ўзгартириш талаб этилиши мумкин. Агар сиз Бнинг сиз каби ақлли эканлигини билсангиз, ахборотни қандай бўлса шу ҳолатда берасиз, акс ҳолда Бни хижолатга солмайдиган ва осон тушуниладиган шаклда соддалаштиришингиз керак бўлади. Сизнинг Бга бўлган муносабатингиз жўнатган ахборотингиз мазмунини ёки унинг шаклини аниқлайди, яъни сизнинг ахборотингиз қабул қилишингиз орқали филтрланади. Айни шу онда Бнинг ҳам сизга бўлган муносабати мавжуд бўлади. Сиз унинг раҳбари, қўл остидаги ишчиси, дўсти, душмани бўлишингиз мумкин ва Бнинг сизга бўлган муносабатига боғлиқ ҳолда у сизнинг ахборотингизни турли равишда қабул қиласди. А ва Б орасидаги маълум муносабатлар нафақат ахборотнинг қабул қилиниши ва берилишига таъсир кўрсатади, балки ахборотнинг ўзига бўлган муносабатини ҳам белгилайди. Агар бу яхши хабар бўлса А Бга ахборотни етказишга хурсанд бўлади (Б ҳам бу хабарни чин дилидан эшитади). Агар ёмон хабар бўлса А бу янгиликни юмшатиш мақсадида маълум сўзларни танлаши ёки бу ахборотни лўнда ва қисқа тушунтириши керак, чунки Б ахборотни тўғри ёки ҳаммасини тушунмаслиги мумкин.

Бошлиқнинг ўз қўл остидаги кишига муносабати буйруқ беришдан олдин аниқланиши керак. Ахборотнинг ўзи ва овоз баландлиги ахборот предметига боғлиқ бўлади. Овоз баландлигига сўзларга нисбатан қўпроқ ишонилади, чунки овоз оҳангни суҳбатдошга бўлган ҳақиқий муносабатни кўрсатади. Оҳангли мулоқот овознинг баландлиги (юқори, паст, тез, секин) ва овоз ўзгариши орқали ҳосил бўлган ҳиссиётлар орқали вужудга келади. Оҳанг бу мулоқотни тўлдиришга ёрдам беради ёки тушунишга тўсиқ бўлади. Ахборотни тасдиқловчи овознинг баландлиги сўзловчига ёрдам бериши мумкин, ёки аксинча, тингловчида нотўғри фикр уйғотиши мумкин. Худди шу муносабат

шахс томонидан бошқалар билан мuloқот жараёнида сигналлар орқали ифодаланган новербал мuloқотда ҳам ўринлидир. Тана ҳаракатлари, туриш шакллари, қўл ҳаракатлари - бу ҳаммаси новербал (сўзсиз) мuloқот турларидир. Баъзан оддий тегиб қўйиш сўзлардан кўпроқ маънони англатиши мумкин. Бу сигналлар гапираётган шахснинг фикрини тасдиқлаши ёки унга тўғаноқ бўлиши мумкин. Бошқаларни яхшироқ тушуниш ва ўз фикрларини яхшироқ узатиш учун новербал мuloқот турларидан бўлмиш масофа, вақт, ташқи тузилиш ва имо-ишораларни кўриб чикамиз.

1) Масофа. Сўзсиз мuloқотнинг биринчи ўлчови масофадир. У турли давлатларда турлича белгиланган. Шимолга яқинлашган сари одамлар орасидаги масофа ортиб боради. Жануб томон юрган сари инсонлар ўртасидаги масофа камайиб боради. Инглиз сухбатлашар экан, маълум бир масофани сақлаб туради, араб эса сухбатдошининг нафасини сезиш даражасигача яқин масофада бўлади, японлар эса кулаётган вақтда нафас ҳарорати сизга тегмаслиги учун оғзини ёпиб туради.

Қатъий тикилишлар (масалан, эскалатор, лифт, автобусда) бирорнинг масофа кенглигига хужум қилиш деб тушунилиши мумкин. Йўлда кетаётган шахсга яқинлашар экансиз ундан кўзингизни олиб қочишига ҳаракат қиласиз. Қарши жинс вакилига узоқ боқиш муттаҳамлиқдан ёки танишиш истаги мавжудлигидан далолат беради. Бирор бир шахсга тегиб кеңангиз кечирим сўрайсиз.

Бошлиқ учун қўл остидаги ходимларнинг ижтимоий келиб чиқишини билиш муҳимдир. Лекин бу бошқарувчининг ишчиларини миллат бўйича гуруҳларга бўлишни билдирамайди. Улардан фарқли бўлган шахслар билан янгича мuloқот ўрнатиш учун имконият бериши керак холос. Маданий соҳада фарқларни йўқотиш муҳимдир, лекин шахсий тафовутлар ҳам ҳисобга олиниши керак. Шуни ёдда тутиш керакки, масофа бу барча шахслараро ўзаро муносабатларнинг муҳим омилидир.

Масофадан ташқари сухбатдошга нисбатан қандай жойлашиш ҳам у билан сухбатлашишга таъсир этади. Бошқарувчи қўл остидаги ходимлар билан муносабатларда ўзининг шахсий қулайлик даражасини ўйлади.

2) Вақт. Новербал ўлчовлардан яна бири вақтдир. Вақт, шунингдек ким биринчи ўтириши, гапириши ва оҳирги сўз кимники бўлишини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Баъзи мамлакатларда соат эмас, балки йил фасллари муҳим аҳамиятга эга. Вазифалар аниқ белгиланган вақтда эмас, балки маълум йил фаслида бажарилади. Америка ишбилармонлари Яқин Шарқ ёки Лотин Америкасида маҳаллий аҳолига вақт бўйича аниқликни тушунтиришга ҳаракат қиласиз. Лекин у ерда яшовчи инсонлар аниқликнинг зарурлигини тушунмайдилар. Вақт – бу пул.

3) Ташқи кўриниш. Ташқи қиёфага гавданинг ҳолати, юришлар, кийиниши шакллари, турмаклар ва макияжлар киради. Биринчи олинган таассурот кўп хотирада қолади ва шу шаклда хотирада сақланади.

4) Имо-ишоралар. Новербал мuloқотнинг яна бир шакли имо-ишоралар ҳисобланади. Улар гапирилаётган фикрлар аҳамиятини кучайтириш,

камайтириш, тўлдириш учун ишлатилади. Сиз оёғингиз билан ерни тепиб, "Менинг жаҳлим чиққани йўқ" десангиз, маъно йўқолади, чунки имо-ишоралар сўзларга мос келмайди. Қуйида кенг тарқалган имо-ишораларнинг маънолари келтирилган:

- оғзини қўли билан ёпиш (ишончсизлик, ёлғон);
- оёғини тебратиш (чарчоқлик, зерикиш);
- оғзига қалам, ручка каби нарсаларни солиш (кўпроқ ахборот зарурлиги, хаяжонланиш).
- кўз тўқнашишидан қочиш (бирон нарсани яширишга ҳаракат қилиш);
- бурунни ишқалаш (айтилганларга қарама-қаршилик);
- оёқни эшик томон йўналтириш (кетишга тайёргарлик);
- кўз ёки қулоғини ишқалаш (шубҳа);
- қулоқни ушлаш (суқулишга тайёргарлик);
- қўл бўйин атрофида жойлашган (қўшимча ишонтиришга эҳтиёж);
- қўлни қаттиқ қисиши (ҳавотирланиш);
- қаттиқ мушт (қаттийлик, жаҳл);
- бармоқ билан кўрсатиш (танбех);
- стул четида ўтириш (ҳаракатга тайёргарлик);
- стулда ўтирган вақтда олдинга интилиш (розилик);
- кўкрак олдида қўлларни қовуштириш (хоҳламаслик);
- пиджак тугмаларини ечиш, оёқ ёки қўлларни чўзиш (дардлашишга тайёрлик);
- оёғини оширган ҳолда тебратиш (ғамсизлик);
- стулга суюнган ҳолда тўғри ўтириш (устунлик);
- қўллар орқада (ўз қадр-қийматини ҳис этиш);
- қаттиқ жипслашган кафтлар (ўзини тийиш);
- қўлинини ишқалаш (бирор нарсани кутиш);
- катта бармоқ камар остида (ҳамма нарса назорат остида);
- бирлашган қўллар юқорига йўналган (ўзига ишонч, ғуурланиш);
- кутилмаган йўтал (ёмон ҳиссиёт);
- атайнин йўтал (еҳтиёт бўлиш);
- қўллар устма-уст тиззада (ўзига ишонмок);
- оёқлар бир-бирининг устида (ўзини қулай ҳис этиш, тинчлик);
- қўйидаги ҳоллар ёлғондан дарак беради: кўзини пирпиратиш, қўли билан оғзини ёпиш, лабини ялаш, елкасини қисиши, терлаш ва ҳ.к.

Бу имо-ишоралар турли мамлакатларда турли маънога эга. Масалан, Шарқий Осиё ёки Лотин Америкалийк аёл шундай тарбияланганки, раҳбар билан суҳбат чоғида кўзига тик қарай олмайди, лекин оқ танли аёл эса аксинча бутун суҳбат давомида кўзини узмай суҳбатлашади. Ўз ҳиссиётларингизни шундай назорат қилингки, бу ҳиссиётлар ишингизга ҳалақит бермасин.

4.4. Ташкилий коммуникация

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, ташкилотларда энг кўп кузатиладиган жараён алоқадир. Ҳисоб-китобларга кўра, менежерлар ўз вақтларининг 80

фоизини музокара, мулокот ва мажлисларда ўтказадилар, бу оддий ахборот олиш жараёнидан анча мураккабдир.

Алоқа мотивлари. Ташкилотларда кишилар бир-бирлари билан турли масалаларда турлича муносабатда бўладилар. Биз бирор-бир техник ахборот олиш ниятида ёки бирор-бир масала ҳақида бошқаларнинг фикрини олиш ниятида бўлишимиз мумкин. Баъзан эса, фақатгина ўз тажрибамиз билан ўртоқлашамиз. Мулокот сабаблари турли жиҳатлар орқали кузатилиши мумкин: ташкилий, гурухли, шахсий.

Ташкилий жиҳатдан ўзаро алоқа. Ташкилотда ўзаро алоқалар сабабларидан бири бу ташкилот мақсадларини амалга ошириш. "Топширик талаби" берилган у ёки бу топшириқни аъло даражада бажариш учун ходимларга қўйиладиган талабдир. Ушбу талабларга ўзаро алоқани ҳам кирица бўлади. Айни вақтда топшириқ қанчалик оғир бўлса, ўзаро алоқага бўлган талаб шунча юқори бўлади, ушбу талаблар ахборот оқими нуқтаи назаридан бўлиши мумкин.

Юқоридан-пастга. Юқоридан пастга, бу юқори бошқарув даражаларида ишлаб чиқилган ахборотларнинг қуи даражаларга узатилишини акс эттирадиган ўзаро алоқа тури. Ушбу алоқанинг асосий рағбатлантирувчи сабаби қуи лавозимдагиларнинг хулқ-атворларини юқоридан бошқарилишидир. Катз ва Кан мазкур алоқанинг 5 турини аниқлаганлар:

- 1) Иш низоми. Нимани қандай бажариш;
- 2) Иш моҳиятини тушунтириш, топшириқни тушуниш ва унинг бошқа вазифалар билан боғлиқлигини кўрсатувчи ахборот;
- 3) Жараёнлар ва амалиёт. Мувофиқлаштириш, сиёsat ва тақдирлашлар ҳақида ахборот;
- 4) Ишлаб чиқаришда тескари алоқа. Шахс, гурух ёки ташкилотнинг ўз мажбуриятларини қандай бажараётганлиги ҳақида ахборот;
- 5) Мақсадларнинг аниқ қўйилиши. Вазифани бажариш аҳамиятини хис эттириш учун мафкуравий ахборот.

Кўпинча юқоридан-қуиiga хабарлар бир неча иерархик қатламлардан ўтади. Ҳар бир табақадан ўтишда қуидаги икки нарса содир бўлади: 1) мазмун янада маҳсуслашади ва 2) у бузилиши мумкин.

Қуидан-юқорига. Қуидан-юқорига ўзаро алоқа ташкилотнинг қуи қисмларида пайдо бўлувчи ва юқорига юборилувчи алоқа. Бу алоқа тескари алоқанинг энг яхши механизми бўлиб, юқори табақаларга уларнинг юқоридан пастга юборилган маълумотлари самарадорлигини ва ташкилот бошқарувини баҳолашга ёрдам беради. Пастдан-юқорига ва юқоридан-пастга ўзаро алоқа турлари бир-бирига ёнма-ён бўлсалар-да, амалиётда улар билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Йонма-ён. Йонма-ён ўзаро алоқа баъзан горизонтал деб ҳам аталади. Бу айни пайтда бир даражадаги шахсларнинг муносабатлариидир. Ташкилий нуқтаи назардан ушбу ўзаро алоқа вазифани бажаришга тегишлидир.

Ташқи ўзаро алоқа. Булар ташқарида содир бўлиб ташкилотга кирувчи ёки ичкарида содир бўлиб, ташқарига чиқувчи муносабатлатдир. Ташқи алоқа ташкилот учун жуда мухимдир, чунки бу ташкилот ишлаб чиқараётган

маҳсулот ёки хизматлар қай даражада экани ҳақида маълумот беради. У бозор, эҳтиёж ва фойда ҳақида маълумот бериши керак. Ташқи алоқа ушбу иш билан шуғулланувчиларнинг ишга таъсирлари ҳақида ҳам маълумот беради. Шундай қилиб, ташқи таъсир, ташкилотнинг нафақат ташқи дунё билан ўзаро алоқасини, балки ташкилот ички фаолиятини ҳам назорат этиши мумкин.

Гуруҳ нуқтаи назаридан алоқа. Гуруҳ нуқтаи назаридан ўзаро алоқани рағбатлантирувчи мотив гуруҳ асосий мақсадига эришиш ҳисобланади. Бу мақсадлар ташкилот расмий мақсадларига тўғри келиши ёки келмаслиги мумкин. Гуруҳ ўз мақсадига гуруҳдаги ҳар бир шахсга ўзини қандай тутиш кераклигини аниқлаб олишига таъсир этиш билан эришади. Агар шахс бундан бош торца гуруҳ ҳар томонлама унга таъсир ўтказади, агар уларнинг ҳеч қайсиси ёрдам бермаса, у киши гуруҳдан чиқарилади ва ишдан ташқарида ҳеч ким билан алоқа ўрната олмайди.

Шахсий нуқтаи назардан алоқа. Гуруҳ ўзаро алоқани шахсни рағбатлантириш ёки жазолаш усули сифатида қўллаши мумкин. Шундай қилиб, ташкилий, гурухли сабаблардан ташқари шахсий мотивлар ҳам иштирок этади. Шахсий мотивлар қуйидагича изохланади:

Таъсир этиши. Яъни шахс гуруҳ ёки ташкилот билан ўз мақсадларига эришиш учун бошқаларга таъсир этишга ҳаракат қиласди. Бу жараёнда у бирор-бир кимсанинг фикрини ўзгартириш орқали ўз шахсий мақсадига эришишга ҳаракат қилиши мумкин. Шуни айтиш керакки, ҳар бир аниқ унсур фақат шахснинг эмас, балки гуруҳ ёки ташкилотнинг фойдаси учун хизмат қилиши мумкин, яъни шахс ўзи билган ёки билмаган ҳолда ўша ташкилотга зарар етказиши мумкин.

Ноаниқликнинг камайиши. Инсонларни бошқалар билан алоқа қилишга ундовчи яна бир сабаб, ноаниқликни камайтириш мақсадидир. Масалан, янги ишга қабул қилинган ишчи, у ердаги умумий меъёрлар, ўзининг вазифаси ва гуруҳнинг "катталари" ҳақида маълумот олишига ҳаракат қиласди, бу унинг бошқаларга қараганда кўп ёки кам маош олишининг сабаби ёки раҳбар берган бирор-бир ғалати буйруқ ҳақида бўлиши мумкин. Булар ишчининг ташвишланиши ёки ўзини нокулай сезишига сабаб бўла олади. Шунинг учун, инсонлар ўзаро фикр алмашишлари керак. Вайт ва Митчелларнинг тадқиқотларига қараганда (1977), ишчининг лаёқати шу ердаги шахслар билан бўлган муносабатига боғлиқ.

Ишлаб чиқаришдаги тескари алоқа. Инсонлар иш қай даражада бажарилганлиги ҳақида фикрларни олиш учун ҳам бир-бирлари билан алоқада бўладилар. Бу ноаниқликни йўқотиш усулларидан бири бўлса ҳам алоҳида изланишни талаб қиласди. Қайта алоқа жуда муҳимдир, чунки бу мақсадга эришиш билан боғлиқдир. У инсонларга мақсадга мувофиқ ҳаракат қилаётганликларини кўрсатади. Инсонлар қайта алоқага бир-бирларига савол бериш ёки олинган хабарни таҳлил қилиш йўли билан киришишлари мумкин. Агар қайта алоқа қуриш имкони бўлмасачи? Бу саволга Уолш, Эшворд ва Хилларнинг тадқиқотлари жавоб беради. Уларнинг фикрича, қайта алоқанинг имкони бўлмагач ишчилар ўз ишларидан қониқмай ҳатто иш ташлашга ҳам

тайёр бўладилар. Шундай қилиб қайта алоқа муҳим манба бўлиб, унинг йўқлиги салбий таъсирларга олиб келади.

Фикр алмашиш эҳтиёжлари. Ва ниҳоят, инсонлар ўзаро фикр алмашиш эҳтиёжларини қондириш учун ўзаро алоқага киришадилар. Инсонларга ўз тажрибаси билан ўртоқлашиш жуда ёқади. Бунда ҳеч қандай таъсир кўрсатишнинг зарурияти йўқ. Ҳар бир инсон бошқалар билан мулоқотда бўлиб туришга муҳтож, бу инсон табиатига хос.

4.5. Алоқа тармоқлари

Шу пайтгача биз ўзаро алоқалар ҳақида ташкилот, гурӯҳ ва шахс нуқтаи назаридан фикр юритган эдик. Ташкилотда ўзаро алоқаларнинг умумий модели алоқа тармоғи дейилади. Алоқа тармоғи расмий тузилма билан бир хил эмаслигини тушуниш керак. Алоқа тармоғи кимнинг ким билан қандай алоқаси борлигини аниқлайди. Бошқа томондан ташкилотнинг расмий тузилмаси жавобгарлик ва ҳокимият даражаси тақсимотини аниқлаб беради. Шундай қилиб, ташкилотнинг расмий тузилмаси ташкилотдаги алоқа жараёни қандай ўтаётгани ҳақида қисман хабар беради. Шунинг учун қўшимча тадқиқот ўтказиш лозим, агар тадқиқотлар натижасида биз ташкилот ичида ўзаро алоқа чизмасини чиза олсақ, унда баъзи жуда қизиқ томонларни кўриш мумкин. Аввало алоқа, бўлимлар ичида бўлимлар орасидагига қараганда чуқурроқ бўлади. Иккинчидан, ҳамма бўлимларда ўзаро алоқа ҳар хил бўлади. Баъзи бўлимларда ҳамма бир-бири билан яхши алоқада бўлса, бошқа бўлимларда алоқага киришмайдиган ёки аксинча барча ахборот билан таниш ходимлар (одатда бошлиқлар) бўлади.

НИОКР лабораторияларининг тадқиқотлари айниқса қизиқарли, улар норасмий алоқа тармоқлари ишлаб чиқариш унумдорлигига қай даражада таъсир этишини кўрсатади. Бунда ўзаро алоқага кўп киришувчи кишиларнинг ишлаб чиқариш унумдорлиги юқори эканлиги аниқланган. Лекин бу ерда бир савол туғилади: алоқа унумдорликнинг сабабими ёки оқибатими? Яна шу нарса аниқланганки, ташкилотнинг бир бўлими эмас, балки турли бўлимлардаги ҳамкасларнинг ўзаро алоқаси кучлирок.

Алоқа тармоқларини аниқловчи омиллар. Ташкилотнинг расмий тузилмаси ташкилий бўлинмалар ва иерархик даражалар орасидаги алоқага асосий таъсир қилувчи куч бўлиб хизмат қиласди. Шунингдек марказлашув даражаси алоқанинг характеристига таъсир этади. Марказлашув даражаси юқори бўлган ташкилотларда кўп алоқалар вертикал шаклда, қуи бўлган ташкилотларда эса горизонтал шаклда бўлади. Алоқа характеристига бажарилаётган топшириқ хусусиятлари катта таъсир кўрсатади. Ҳамкасларнинг қандай масофада бўлишлари (масалан, ёнма-ён хонада), уларнинг алоқаларига таъсир этади. Аниқланишича, очик оғислар (девор ўрнига паст тўсиқлар бўлган оғислар) мулоқотни камайтиради. Бу ажабланарли, чунки очик оғислар айнан мулоқотни рағбатлантириш учун ўйлаб топилган.

Алоқа тармоқларининг оқибатлари. Алоқа тармоғининг муҳимлиги унинг омилларида эмас, балки оқибатларидадир. Тадқиқотлар натижасида

марказлашган ва марказлашмаган алоқа тармоқлари ўртасидаги тафовутлар аниқланган. Марказлашган алоқада марказдаги киши 1) ҳамкасларидан энг кўп маълумот олади; 2) ишидан энг кўп мамнун бўлади; 3) бошқа аъзолар тарафидан кўпроқ раҳбарликка тайинланади; 4) жамоа аъзоларига таъсир кучи юқори бўлади. Турли тармоқларнинг унумдорлиги бажарилаётган вазифага боғлиқдир. Мураккаб вазифаларни бажаришда марказлашмаган тармоқ қулайроқдир, чунки улар вазифани тезроқ ва кам хато билан бажаришга ёрдам беради, қулай вазифалар учун марказлашган тармоқ қулай. Марказлашган алоқанинг камчилиги иш кўплигига раҳбар бир ўзи ҳамма муаммоларни ҳал қилиши зарурлигидадир.

4.6. Ўзаро самарали алоқага ҳалақит берувчи тўсиқлар

Ўзаро алоқанинг барча қисмлари кўриб чиқилганидан кейин яна бир савол туғилади: А шахсдан Б шахсга келувчи хабарнинг узатилиши ва унинг аҳамиятини тушунишга нима тўскинлик қиласди? Тадқиқотлар бўйича юборилган хабарнинг 50 фоизи нотўғри қабул қилинади. Бунда 3 хил вазият мавжуд:

- 1) А тарафидан юборилган маълумот Б гача етиб бормайди.
- 2) Маълумот А ёки ўтказувчи тарафидан ўзгартирилган ҳолда юборилади.
- 3) Б маълумотни нотўғри қабул қиласди.

Тармоқдаги алоқанинг узилиши. Ўзаро алоқани қийинлаштирувчи омиллардан бири, ташкилотнинг катта ва мураккаблиги бўлиб, бунда хабар етиб келгунча катта муаммолар келиб чиқади (почтанинг йўқолиши). Ушбу муаммонинг бир қисми ташкилотнинг ўсиши ва горизонтал табакаланиш жараёнида ташкилот бўлимлари бир-биридан узоклашувчи, тобора махсуслашиб бораётган ишлар билан шуғулланиши ва бунинг натижасида турли бинолар, шаҳарлар ва мамлакатларда жойлашиши каби жисмоний бўлиниш шаклига айланиб боришидан иборат. Бунинг натижасида ўзаро мулоқот имкони йўқолади ва ўзаро таъсирнинг бошқа каналлари қисқаради.

Коммуникацион муаммолар ташкилотдаги иерархик даражалар сонига ҳам яқиндан боғлиқдир. Ахборот ҳар бир қатламдан ўтганда қайта кўрилади ва тузатилади. Бунда турли йўқотишлар рўй бериши мумкин, масалан зарур бўлган ахборот кераксиз деб ташлаб юборилади. Ахборот филтрацияси юқори ва қуий йўналишда рўй бериши мумкин. Шу билан бирга филтрация қасдан ва бехосдан бўлиши мумкин. Бехосдан бўладиган филтрация ахборот бўлакларининг, шу ахборотларни узатган шахсга айтмасдан ўчирилиши натижасида рўй беради. Қасдан филтрация эса аксинча, ахборот узатувчининг тўлиқ хабардорлиги шароитида содир бўлади.

Узатувчи ўзгартиришлари. А га узатилган ахборот Б га етиб борганда ҳам, бу ахборотларнинг ўзгарганлиги эҳтимоли мавжуд бўлади. Ушбу ўзгартиришлар нафакат ўтказувчилар филтрацияси, балки узатувчининг ўзи томонидан ҳам йўл қўйилган бўлиши мумкин. Биринчидан, биз дунёни ҳақиқатдагидан кўра қўзғалмас ва аниқ деб ўйлаймиз. Дунёда ноаниқликлар кўп. Шунинг учун ахборотларни узатишда баъзида аниқ омиллар аҳамиятини

оширамиз ва тасодифий омиллар аҳамиятини камайтирамиз. Ушбу жараён ноаниқликни ютилиши деб аталади.

Ахборот ўзгаришининг иккинчи сабаби одамларнинг ўзини фойдалироқ кўринишда тақдим этиш истаги, айниқса ахборотни юқорига узатишда вазият етарли даражада яхши эмаслиги шубҳа қилинганда. Менежерлар ишчиларга уларнинг иш фаолияти тўғрисидаги кескин фикрлар келажакда ишнинг яхшиланишга тўсқинлик қиласи деб ўйладилар.

Қабул қилувчи томонидан маълумот ўзгартирилиши. Ахборотни қабул қилувчи томонидан берилган ахборот маъносини нотўғри тушуниш унинг бузилишига олиб келади. Бунинг сабабларидан бири тилдир. Вертикал ва горизонтал табақаланиш натижасида турли бўлимлар ходимлари ҳар хил тилда гаплашадилар. Профессионал жаргон қўлланилиши бир бўлим аъзолари ўртасида ўзаро алоқани енгиллаштирса ҳам, турли бўлимлар ўртасидаги мулоқотда ҳар хил муаммолар туғдириши мумкин. Баъзи жаргон сўзлар ҳар хил маънога эга бўлиши мумкин. Маълумотни нотўғри қабул қилишнинг иккинчи сабаби, маълумот танланиши, яъни инсон хоҳлаган нарсани эшитади, қолган маълумотга эътибор бермайди. Нотўғри қабул қилишнинг яна бир сабаби узоқ кутиш. Масалан, бошлиқ ишингиз ҳақида ҳеч қачон яхши фикрда бўлмаса, лекин бир кун "ишни яхши бажарибсиз", деса буни тескари маънода тушуниш мумкин.

Яна бир ҳолат маълумот юборувчининг ишончлилиги. Агар маълумотни қабул қилувчи маълумот юборувчининг ишончлилигини тан олмаса, унинг юборган ахбороти муҳимлигига аҳамият бермаслиги мумкин. Агар маълумот юборувчига ҳаддан зиёд катта аҳамият берилса ҳам айнан шундай муаммо туғилиши мумкин. Маълумотнинг кўплиги унинг нотўғри қабул қилинишига, муҳим маълумотларга эътибор берилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Самарали ўзаро алоқа учун кўп тўсиқлар мавжуд. Маълумот уни юборувчи, оловчи ёки етказиб берувчи томонидан бузилган бўлиши мумкин. Лекин индивидуал ёки ташкилий даражада шундай воситалар мавжудки, бу муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Индивидуал даражада аниқ ва қисқа ёки хабар бераётган маълумотга мос тилни ишлатиш зарур. Ишончни ҳам ўрнатмоқ керак. Хабар фақатгина тушунилиши эмас, балки қабул қилиниши керак. Штамп ва керак бўлмаган туркумлашларни қўллашдан чекиниш керак, фақат керакли маълумотларнигина кўпроқ етказиш лозим. Бунда инсондан "тушундингми?" деб сўрашнинг ўзи кифоя қилмайди, чунки унинг "ҳа" жавоби унинг тушундим деб ўйлашинигина англатади, лекин у аслида тушунмаган бўлиши ҳам мумкин. Унинг ҳақиқатан тушунган ёки тушунмаганлигини билиш учун ундан нимани тушунганини айтиб беришини сўраш керак.

Кўп нарсалар ташкилий даражада ҳам қилиниши мумкин. Масалан, ташкилот томонидан қайта алоқа каналлари ёки компьютер технологияларининг татбиқ этилиши. Ташкилот ўзининг ишчиларига алоқа қилиш маданиятини ўргатади. Бундай курслар гапириш, ёзиш ёки эшитиш ва энг асосийси бирорнинг нуқтаи назарини тушунишга ёрдам берувчи ҳар хил машқлар ва ўйинлардан иборат бўлади.

Бобнинг қисқача хulosаси

Коммуникация ёрдамида турли шаклдаги хабарларни қабул қилишимиз ва бошқаларга узатишимииз мумкин.

Турли ахборотларни узатишида биз турли-туман воситалардан фойдаланамиз: оғзаки (шахсан ва телефон орқали) ва ёзма шаклда узатиш (хатлардан тортиб то электрон почтасигача); имо-ишора тили (ташқи қиёфа, мимика, имо-ишора ва қарашлар).

Ўзаро муносабатларнинг ўрнатилиши - бу раҳбар ишининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Раҳбарнинг вазифаси – ахборотни қабул қилиш ва уни бошқаларга узатишида энг асосий масала инсонлар билан тўғри муносабат ўrnата олиш ҳисобланади.

Мулоқот жараёни жўнатувчи ва қабул қилувчи орасида ўзаро тушунишга олиб келувчи фикр ва ахборот алмашинуви.

Таянч иборалар:

Коммуникация модели, коммуникация чегаралари, мимика, қараш, вақт, коммуникация тармоқлари, имо-ишоралар, сўзли ва сўзсиз қалитлар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Коммуникация тушунчаси ва унинг моҳияти нимадан иборат?
2. Коммуникация модели ва доираси қандай кўринишга эга?
3. Коммуникация турлари.
4. Ташкилий коммуникация моҳияти.
5. Коммуникацияда тескари алоқа ва уни ташкил этиш усуллари.

Асосий адабиётлар

1. Красовский Ю.Д. Организационное поведение. М.:ЮНИТИ, 2007.
2. Алиев В.Г., Дохолян С.В. Организационное поведение. М. 2004.

5 - БОБ. ЖАМОАДА ЛИДЕРЛИК

5.1. Раҳбарнинг етакчилик сифатлари

Юзлаб раҳбарларни психодиагностика усулида текшириш натижасида руҳшунослар уларнинг қўйидаги белгиларини кўрсатадилар:

- иродали, мақсадга эришиш йўлида учраган тўсиқларни енгишга кодир;
- матонатли, ақл билан таваккал қила олади, бардошли;
- ташаббускор ва майда эътиборсиз ишларни ёқтирмайди;
- руҳий барқарор ва ўзини бўлар-бўлмас таклифлар билан банд бўлишига

йўл қўймайди;

- янги шарт-шароит ва талабларга яхши мослашади;

- ўз-ўзига танқид билан қарайди, нафақат ўз муваффақиятларини, балки муваффақиятизликларини ҳам тўғри баҳолайди;

- ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчан, топширилган ишни талаб қила олади;

- танқидий кўз билан қарайдиган, қизиқарли таклифларнинг заиф томонларини кўра олади;

- ишончли, ўз сўзида туроди, унга суяниш мумкин;

- сабр-тоқатли, ҳатто ортиқча иш юкланган шароитда ҳам ишлай олади;

- янгиликка берилувчан, ноанъанавий вазифаларни янгича усуллар билан ҳал қилишга мойил;

- шароитга қараб, хулқ-атворни ўзгартириш қобилиятига эга, талаб қилиши ҳам, далда бериши ҳам мумкин.

Йетакчи раҳбар вазиятни ҳис қилиб, қеракли фазилатларини ўз вақтида ишлата олиши шарт, ҳатто ишлаш шароити нокулай бўлиб, атрофидагилар хуш кўрмаса ҳам. Қийинчиликлар шундан иборатки, ҳақиқий раҳбар бир-бирига зид фазилатларни ҳам ўзида мужассамлаштиришига тўғри келади. Масалан, у:

- предмет ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиб, кенг кўламда фикрлай олиши;

- ўз тамойилларига содик қолган ҳолда, қарама-қарши нуқтаи-назарларни тушуниши ва ундан фойдалана олиши;

- бошқаларнинг тазиқига берилмаслиги;

- фойдасиз лойиҳапарастлик билан шуғулланмасдан, янги ғоялар қабул қила олиш;

- таваккалчилик қилиш ва мумкин қадар кам хато қилиши;

- талабчанликни саклаган ҳолда хушмуомала, назокатли бўла олиши керак.

Ҳозирги замон раҳбари жуда яхши руҳшунос бўлиши зарур. Гап, албатта, маҳсус билимлар ҳақида эмас, балки бирга ишлайтган ходимларни билиш ҳақида бормоқда.

5.2. Қандай қилиб етакчи бўлиш мумкин?

*Жамоанинг барпо этилиши ва гурӯҳ фаолияти малакасини
ривожлантириши*

Гарчи кўпчилигимиз ота-онаси, битта ёки иккита укаси ва синглиси бўлган оиласда ўсган бўлсақда, битта ота-онаси бўлган ёки улардан бири бўлмаган оиласда тарбияланган кишилар ҳам бор. Оила - бу бола ривожланадиган биринчи ижтимоий гуруҳдир. Шунинг учун ҳам айни шу оила инсоннинг келгусидаги ҳаётига катта таъсир кўрсатади.

Ўз оилангиз ҳақида ўйлаб кўринг. Унда сиз қандай мавқени эгаллайсиз? Оила бошлиғи ким эди? Ким раҳбарга қарши юради ва қандай қилиб? Ким муросасизлик қиласдию, ким енгилади? Энди ўзингизнинг ҳозирги мавқеингизни ўйлаб кўринг. Сиз атрофингиздагилар билан сўзлашасизми ёки жим туришни афзал кўрасизми? Сиз янги ғояларни илгари сурасизми? Бошқаларни қўллаб-қувватлайсизми? Ва х.к.

Бу саволларга жавоб бериб, сиз ижтимоий гурухнинг аъзоси сифатида ўз хулқ-атворингиз моделини кўришингиз мумкин. Худди Сизга ўхшаб, Сизнинг қўл остингиздагилар ҳам маълум хулқ-атвор моделига амал қиласидилар. Ўз жамоангизни кузатиб кўринг, Ким етакчилик қиласидилар? Ким етакчига эргашяпти? Улар буни бажонидил қиласидиларми ёки истар-истамас қиласидиларми? Гурухда назоратни амалга ошириш мусобақаси борми? Инсонлар ўз фикрларини айтишга, қарши туришга, таклифлар беришга кўркадиларми?

Бу саволларга жавоб излаш жараёнида сиз жамоангизнинг ўсиш динамикасини кузатишингиз ва атрофингиздаги кишиларни яхши тушуниб боришингиз мумкин. Бу Сизга гурух мажлисини янада самарали ўтказишингизга ёрдам беради.

Мажлислар. Сиз янги лавозимга ўтиб, қўл остингиздагилар қандай мажлисларга кўникканлигини аниқлаб олишингиз лозим. Улар қай йўсинда ўтказилади, қанча вақт давом этади, ким уларни чакиради, кун тартибини ким белгилайди, унга қўл остингиздагилар қандай муносабатда бўладилар. Инсонлар мажлисларни ҳамкаслар билан мулоқотда бўлишнинг яхши имконияти деб ҳисоблашлари мумкин, баъзан эса бу ортиқча юк ва вақтни беҳуда ўтказиш деб ўйлашлари ҳам мумкин. Ҳатто Сизнинг ташкилотингиз одатда мажлис ўтказмаса ҳам, Сиз шундай одат ўрнатишингиз лозим, чунки мажлис жамоада зарур бўлган муҳитни сақлаб турадиган ва қўл остингиздагиларнинг ўзаро мулоқот қилишига имконият берадиган услублардан биридир. Одамлар шундай ижтимоий зотки, уларга бир-бирлари билан учрашиш ва ниятларини билиш ёқади. Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, инсонлар бир-бирлари билан мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўлган чоғларида, уларнинг фаолияти янада самарали бўлади. Инсонларни йиғиш, уларнинг бир соҳада ёки бошқа соҳаларда ишлашидан қатъий назар, уларга ижобий таъсир қиласидилар, чунки учрашув чоғида турли масалалар ва истиқболли таклифлар муҳокама қилинади. Баъзи раҳбарлар компаниянинг мақсади ҳақида яна бир бор гаплашиб олиш ва одамлар шу умумий команданинг бир қисми эканликларини ҳис қилишлари учунгина мажлис ўтказадилар. Бу етарли даражадаги жиддий сабаб ҳисобланади.

Биринчи мажлисни қўл остидагилардан уларнинг режалари ҳақида сўраш ва ўзгартирилиши зарур бўлган масалага нисбатан уларнинг ўз таклифларини айтиб беришни илтимос қилишдан бошлаш яхши усул ҳисобланади. Бу биринчи мажлисни ўтказиш учун тўлақонли мантиқий сабаб бўлади. Факат Сиз ўз фикрингизни айтишга, таклиф киритиш ёки талаблар қўйишга жуда шошилмаслигингиз зарур ва эҳтиёткор бўлишингиз керак. Кузатиб туришга ва қўл остингиздагиларнинг фикрини эшитишга вақт ажратинг.

Мажлисни олиб бориши. Мажлислар олдиндан белгиланган вақтда мунтазам ўтказилиб туришига қарамасдан, одамларга мажлис ўтказилиши тўғрисида ҳабар бериб, уларга яна бир марта эслатиб туриш муҳимдир. Агар кун тартиби белгиланган бўлса, мажлис иштирокчиларига мажлис ўтказилгунга қадар тарқатилган бўлиши лозим, чунки бунда улар масалани муҳокама қилишга яхши тайёрланган бўладилар. Мажлисни ҳатто бир неча иштирокчилар

йўқ бўлса ҳам вақтида бошлаш жуда муҳимдир, бу билан Сиз белгиланган тадбирларни аниқ бажариш учун шароит яратса оласиз, Шунингдек, мажлиснинг тугаш вақтини ходимларга айтиш ва шу муддатда уни тамомлаш ҳам муҳимдир. Танаффус пайтида кофе ва алкогольсиз ичимликларни таклиф қилиш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Агар Сиз мажлис баённомасини олиб боришни истамасангиз, уни бирор кишига топширишингиз мумкин ёки қизиқарли ахборотларни ўзингиз ёзиб боринг. Сиз мажлисни олиб боришни қатор қоидаларини белгилашингиз мумкин. Чунончи, айтишингиз мумкин: “Агар биз муҳокама қилаётган масаладан четга чиқиб кетганимизни кўрсам, мен мажлисни мавзуга қайтаришга ҳаққим бор” ёки “Агар мен кун тартибидаги бирор бандни муҳокама қилишга белгиланган вақтдан кўпроқ сарф қилинганини сезсан, мен музокарачиларни тўхтатишга ҳаққим бор”. Шунингдек, Сиз очиқ мунозара фойдали эканлиги ва янги ғоялар туғилишига имконият яратиш ҳақида гапиришингиз мумкин, аммо адоват руҳида муҳокама қилиш самарали ҳисобланмайди. Бундай пайтда Сиз муҳокамани тўхтатиб, бошқа масалага ўтишингиз лозим. Сизнинг ходимларингиз қандай масалаларни жамоа бўлиб ҳал қилишни, қандай қарорлар фақат бошлиқлар томонидан қабул қилинишини аниқ билишлари зарур. Бу кўпгина тушунмовчиликлардан холи бўлишга ёрдам беради.

Сиз қандай жамоага раҳбарлик қиласиз? Ҳар бир жамоа ўзига хос. Шунинг учун Сиз кейин пушаймон қилиб юришга тўғри келадиган хатоларга ва ножӯя зиддиятларга йўл қўймаслик учун ўзингиз бирга ишлаётган ходимларингизга диққат билан разм солиб юринг.

Қуйидаги саволлар Сиз раҳбарлик қилаётган жамоанинг янада мукаммал тавсифномасини тузишда ёрдам беради: Қўл остингиздаги одамлар ўзаро аҳилми? Уларнинг ҳар бири групта фаолиятида иштирок этадими? Қўл остингиздагилар ўз вазифаларини тушундиларми? Сизнинг фикрингизга қўшилмаган кишилар ўзини эркин тутадими ёки Сиздан қўрқадими? Улар қабул қилинган қарорга ич-ичидан қарши бўлган тақдирда ҳам, рози бўладиларми? Улар фикр ва мулоҳазаларни танқид қилишга қодирми ёки тарафкашликка мойил ва бир-бирини танқид қиладими? Ҳиссиётларни ошкора ифодалайдиларми? Сиз ягона раҳбар ҳисобланасизми ёки раҳбарлик жамоавийми? Групта топшириқларни бажаришга қаратилганми?

Групта мажлисини ўтказиш чоғида унумаслик лозим бўлган энг муҳим нарсалардан бири қабул қилинган қарорни бажариш зарурлиги ҳисобланади, “Ха, бу яхши фикр, келинглар шундай қилайлик”, деган сўзлар билан тамом қилинадиган йиғилиш ҳеч қандай натижа бермайди (агар унинг муайян аъзоси ёки аъзоларига аниқ вазифани бажариш топширилмаса ва ишни тутатиш муддати белгиланмаса). Агар мажлисда узоқ келажакда бажарилиши кутилаётган қарор қабул қилинган бўлса, кейинчалик янгидан уни муҳокамасига қайтмаслик учун албатта назоратга олиниши шарт.

Агар мажлисларда жамоа аъзолари галма-гал қатнашадиган бўлса, айни бир масалани қайта-қайта муҳокама қилиб, қопқонга тушиб қолиш мумкин. Сиз топшириқ бериш жараёнида маданий тафовутларни ҳисобга олишингиз лозим.

Гурухнинг айрим аъзоларида обрўнинг хурмати шунчалик кучли бўлиши мумкинки, улар бошқалар қабул қилаётган ҳар қандай қапопра рози бўладилар, айниқса, бу қабул қилинган қарор раҳбарнинг фикрига мос келса. Бошқалар эса аксинча, гурух устидан назорат қилишга уринишлари мумкин, уларнинг ғоялари қўллаб-қувватланмаган пайтда, дарғазаб бўлишлари ва ўз ҳамкасларини эзишлари мумкин.

Гурух раҳбари сифатида, Сиз бундай бузғунчиликларни олдиндан кўра билишингиз ва гурухнинг индамас аъзолари ўз фикрларини айтишини қатъий илтимос қилган ва қарши томонларнинг назоратга эришиш учун кураши фойдасизлигига ишонтирган ҳолда қарши туришингиз лозим.

Сиз, шунингдек, раҳбарликка даъвогар бўлган ходим билан шахсан гаплашиб олишингиз ва унинг нотўғри ҳатти-ҳаракати вазифаларни бажаришга ҳалақит берадиганини исботлашингиз мумкин. Аммо бунда хушмуомала бўлинг, у Сизнинг рақибингиз эмас, иттифоқдошингиз бўлиб қолишига ҳаракат қилинг.

Яхши ишchan жамоа ижодий ёндошишга, ҳазил-мутойибага ва ғайратга тўла бўлади. Аҳил, ишchan жамоани барпо қилиш учун сиз раҳбар сифатида мутлақо ҳар хил одамларни бирлаштиришингиз лозим. Шу билан бирга улар шунчаки ишламасдан, бир-бирлари учун очиқ бўлишлари лозим. Жамоада ижодий муҳит яратиш учун унга жинси, ирқи, этник келиб чиқиши, маданияти, ёши ва билим даражаси турлича одамлар кириши жуда муҳимдир. Ходимлар ўз-ўзлари билан ўралашиб қолмасликлари учун ҳамма имкониятларни ишга солинг, ходимлар ўртасидаги алоқани: учрашувлар, сухбатлар, муҳокамаларни рағбатлантиринг. Ҳар қандай янги фикр, мулоҳазани тингланг, ўзингиз янги йўлларни изланг.

Бундай ҳамкорлик руҳи кўнгилли иш шароитини туғдиради. Агар ходимлар фақат ўз ишларинигина бажарадиган бўлсалар ва бошқа ҳеч кимга эътибор бермасалар, жамоада лоқайд, совуқ муҳит хукм суради. Сиз раҳбар сифатида ходимларингизнинг кайфиятини кўтаришингиз, уларнинг ўзини ёлғиз, бир-биридан ажralиб қолган кишилар деб эмас, балки ҳақиқий команда деб хис қилишларига ёрдам беришингиз керак. Кўл остингиздагилар бир-бирларини яхши билиб олишлари учун ишдан сўнг бирор тадбир уюштиришни таклиф қилинг.

Гурух ичидағи динамика. Тасаввур қилайлик, Сиз бир неча бўлимларга раҳбарлик қиласиз. Гурухларнинг самарали ишлашини таъминлаш учун улар ўртасида мусобақа уюштириш мумкин, кўп инсонлар устунлик ва раҳбарлик учун қураш олиб боришини яхши қўрадилар. Баъзан гурух ичидағи мусобақанинг муаммолилиги шундаки, бундай мусобақалар пайтида компаниянинг ўз олдига қўйган мақсади йўқолиб бориб, одамлар ҳам ушбу мақсадга эришишга имкон бермайдиган йўналишларда мусобақалашадилар. Масалан, иккита бўлим бир маҳсулот қисмларини ишлаб чиқарса, аммо улар ўртасида мавжуд бўлган рақобат туфайли битта компания бошқасининг кучига зимдан зарба берса, турган гапки, иккинчиси яхши бўлиб чиқади, бироқ компания умуман ютқазади. Раҳбар учун на айрим ходимларга, на гурухларга, на бўлинмаларга ўз яқинлигини кўрсатмаслиги муҳимдир. Ҳатто энг яхши

раҳбар ҳам бирор нарсада уларнинг қараашлари мос тушмай қолса ўз қўл остидагилар томонидан маломатга қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам, одатда, ишни бажараётган одамлар ўз ишидаги камчиликларни кўрмайдилар ва ўзларининг барча қўнгилсизликларида бошлиқни айблайдилар. Шунинг учун Сиз холис турсангиз, гурухлар ёки алоҳида шахсларни афзал кўришингизни кўрсатмасангиз, Сиз жамоа ишига одил баҳо бера оласиз ва муаммоли вазиятни ҳал қила оласиз. Агар сизнинг бўлимларингизда мусобақалашиш руҳи юқори бўлса, ҳамда сиз бўлимнинг ичида зиддият туғилаётганини сезсангиз, унинг олдини олиш учун амалга ошириш зарур бўлган қатор чоралар мавжуд. Тезлик билан ҳар бир командадан вакиллар киритилган ўзаро таъсир қиласиган ишчи гурухини тузиш зарур. Одамлар қанча қўп мулоқотда бўлсалар, муаммоларни муҳокама қиласалар, бир бирлари билан маслаҳатлашсалар, шунчалик улар бир-бирларини тез тушунадилар. Кўпинча етарли ва тўғри маълумотлар йўқ бўлган пайтда "бошқалар" ҳақида бузғунчи уйдирмалар вужудга келади.

Одамлар бирга ишлаб, бир-бирларига ўрганишлари, "ўз одамимиз" тушунчасининг пайдо бўлиши тамоман тушунарли. "Ўзиники"ни эса хафа қилиб бўлмайди, қўллаб-қувватлаш керак, бегонадан кўра у яхши бўлади. Шундай қилиб ён-атрофдагиларнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳисоблашмай, баҳс ва келишмовчилик кучаяди. Раҳбар гурухларга уларни боғлайдиган умумий нуқталарни топишга ёрдам бериши, ҳақиқатдан ҳам улардаги фарқдан кўра ўхшашик томонлари кўплигини кўрсатиши шарт. Агар Сиз вужудга келган келишмовчиликни ҳал этишингиз керак бўлса, ҳар бир гурухда қандай устунликлар мавжудлигини кўрсатинг ва иккала гурухнинг ҳам яхши томонларидан фойдаланиб, муросага келтиришга уриниб кўринг. Агар зиддият кучли бўлса, вужудга келган муаммоларни ҳал қилиш ва зиддиятли вазиятдан чиқиши йўлларини ишлаб чиқиши учун турли бўлимлар аъзолари билан ҳамкорликда ишлаш учун янги гурухга бирлаштиришингиз мумкин.

Шундай қилиб, Сиз бу бирлашган гурух аъзолари нафақат ўзларининг аввалги гурухларига, шунингдек, ҳозир ўзларига тегишли бўлган янги гурухга ҳам садоқат билан муносабатда бўлишларига эришасиз.

Жамоа қандай ривожланади? Ҳар бир жамоа тараққиётнинг қонуний босқичларини босиб ўтади. Биринчи босқичда одамлар бир-бирлари билан танишадилар, бир-бирларини кузатадилар, шу жараёнда уларда дастлабки таассуротлар пайдо бўлади. Бу босқични гурух тараққиётининг қарамлик (тобелик) босқичи деб аташ мумкин. Ходимлар ўз атрофида уларни жипслаштириш имкониятига эга раҳбарга боғлиқ бўладилар. Иккинчи масала, ким гурухнинг иштирокчиси бўлиб қолади, ким ундан чиқарилади. Сиз биринчи босқичда раҳбар сифатида жамоанинг бошлиғи бўлиб қоласиз, Сизнинг ходимларингиз қўйилган вазифаларни бажаришда айнан Сизнинг буйругингизни, қандай мақсадни илгари суришингизни, қандай усувларни ишлаб чиқишингизни кутадилар. Сиз ўзингизни жамоа учун намуна, хатти-харакат модели сифатида намоён қилишингиз лозим.

Иккинчи босқичда гурух ўзаро зиддиятларни бошидан кечиради. Унинг айрим аъзолари ёки очиқдан-очиқ раҳбарга қарши чиқадилар, ёки унинг

қарорларига зимдан қаршилик кўрсатиб, жамоа устидан назорат ўрнатиш учун кураша бошлайдилар. Бундай ҳатти-ҳаракатни фожия ёки Сизни хушламаслик деб қабул қилманг. Деярли барча шаклланаётган жамоалар у ёки бу кўринишдаги қарама-қаршиликни бошдан кечирадилар. Агар Сиз қатъиятли бўлсангиз, ўз ходимларингизга етарли мустақиллик берсангиз, бироқ шу билан бирга ўзингизнинг раҳбарлик мавқеингизни сақлаб қолсангиз, гуруҳингиз беозоргина кейинги босқичга ўтади.

Учинчи босқичда гуруҳ мустақиликка эришади. Яъни зарур бўлган ҳатти-ҳаракат меъёрлари белгиланиб, кўпчилик ходимлар томонидан қабул қилинган, гуруҳ ҳам самарали ишлайди. Жамоа ривожланишининг бу босқичида Сиз раҳбар сифатида гуруҳнинг ҳар бир аъзоси умумий фаолиятда иштирок этишини, ҳеч ким четда қолмаслигини кузатиб боришингиз зарур.

Тўртинчи босқич - бу ўзаро бир-бирига боғлиқлик бўлиб, одамлар ишни сифатли бажарадилар ва бир-бирларига ғамхўрлик кўрсатадилар, уларда ягона мақсад ва қизиқишлир бўлади. Уларнинг бошлиғи ҳам жамоа аъзоси бўлиб қолади. Гуруҳ аъзолари шунчалик яқинлашиб кетадиларки, улар аҳил оилани эслатадилар, улар бир-бирларига эътиборли ва яқин бўлиб қоладилар. Бу жамоа учун энг юқори меҳнат унумдорлиги даври бўлади. Бундай жамоа аъзоси бўлиш ёқимли ҳамда Сизнинг қўл остингиздагилар унга алоқадор бўлишнинг ўзидан лаззатланадилар.

Бошлиқ сиёсати. Сиз энди одамлар билан суҳбат ўтказишни, уларни ўргатишни, ваколатингизни беришни, вақтни режалаштиришни, оғир руҳий ҳолатдан чиқиш йўлларини, мажлис ўтказиш ва қапоп қабул қилиш усулларини биласиз. Шунингдек, Сиз жинслар ўртасидаги муаммолар, ёш ўртасидаги фарқлар, миллий тафовут нима эканлигини ҳам биласиз. Сиз яна нимани билишингиз шарт? Сиз яна ҳокимият, етакчилик ва таъсир этишини ҳам билишингиз зарур, чунки сиз компаниянгиздаги кундалик ўйинда иштирок этасиз.

Ҳар бир одамнинг яшириб юрадиган ички бир ишонч ва умиди, ёқтирадиган ва ёқтиромайдиган хислатлари, кучли ва заиф томонлари мавжуд. Сиз ҳамкасбингизни кузатиб юришингиз ва унинг ҳатти-ҳаракатини таҳлил қилишингиз керак. Шунингдек, ташкилотингиздаги турли бўлимлар ва бўлинмалар эҳтиёжларини ҳамда бошлиқларингиз эҳтиёжларини билиб туриш керак бўлади. Ким ҳақиқатан ҳокимият соҳиби эканлигини ва ким ростакам таъсир қила олишини тушуна бошлайсиз. Бу катта бир хонани ва дабдабали лавозимни эгаллаб турган одам бўлмаслиги ҳам мумкин. Сиз учун муҳими ташкилотингизда ким ҳукмрон эканлигини аниқ билиш, чунки худди шу одамлар Сизга керакли ахборотларни олишга ёрдам бера олади ҳамда мартабангизнинг ошишини қўллаб-қувватлайди.

Сизнинг устингиздан ким ҳукмронлик қиласи? Бошлиғингиз сизга бевосита бошчилик қиласи. Бошқа одамлар, чунончи компаниянинг президенти, Сизнинг бошлиғингизнинг бошлиғи — Сизга билвосита бошчилик қиласидилар. Уларнинг қарорлари Сизнинг ҳаётингизга таъсир қиласи, бироқ Сизга шахс сифатида қаратилмаган. Компаниянинг президенти тўғридан-тўғри

Сизга тегишли қарор қабул қиласа, шахсан Сиз компания раҳбариятининг сиёсатини ўзгартира олмайсиз.

Сизнинг даражангиздаги ҳамкасларингиз ёки бошқа раҳбарлар Сизнинг устингиздан бевосита ёки билвосита бошчилик қила олмайди, аммо улар Сиз билан ҳамкорлик қилиши ёки Сизга қарши зиддият чиқариб, ҳаётингизни мураккаблаштириб қўйиши мумкин. Сизнинг бўлимингиз билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган бошқа бўлимлар ҳам Сизнинг бўлимингиз ишига шундай таъсир кўрсатиши мумкин.

Сиз ўз қўл остингиздагилар устидан бевосита ҳукмронликка эгасиз, чунки Сиз уларнинг ҳаётига таъсир қиладиган қарорлар қабул қиласиз:

1. Сиз қўл остингиздагилардан ишнинг бажарилишини талаб қиласиз;

2. Ҳамкасларингиз билан ҳамкорлик қилишни истайсиз;

3. Сизга бошлиғингиздан маълумотлар ва мустақиллик мухит керак;

4. Ўз қўл остингиздагиларга Сиз яхши кўрсатмалар берасиз, уларни ишга йўллайсиз ва уларга адолатли муносабатда бўласиз;

5. Бошлиғингиз учун талаб қилинган ишнинг бажарилишини таъминлайсиз.

Бошқа одамларнинг таъсир кўрсатиши. Бевосита ва билвосита бошчиликдан ташқари чамаланган (мўлжалланган) бошчилик ҳам бор. Бу шундай бошчиликки, инсон унинг мавжудлигини бошқа одамга тиркаб қўяди. У бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Билвосита чамаланган (мўлжалланган) бошчилик - биз бу одам билан таниш бўлмаган ва у ҳақда бошқалардан эшитган пайтда намоён бўлади. Сиз қўрқадиган одамда тахмин қилинган бевосита бошчилик сизнинг кучингиз ва мавқеингизни анча чегаралаб қўйиши мумкин. Бизнинг ҳатти-харакатимизга атрофдагилар таъсир кўрсатадилар. Бошқа одамларнинг фикри бизни жуда ҳавотирга солган ёки ташвишлантирган чоғда, кўпинча асоссиз равишда ўз хулқ-авторимизни ўзгартирамиз. Масалан, дўстимизнинг илтимосини бажариб, ишга зиён келтирадиган ҳатти-харакатлар қилишимиз мумкин.

Тадқиқотлар кўрсатишича, эркакларга нисбатан аёллар шахсий муносабатларга бериувчан бўладилар. Улар эркаклардан кўра кўпроқ бошқа одамлар ва уларнинг фикр-мулоҳазалари измида бўладилар, Баъзан атрофдагиларнинг қандай тушуниши ва нима ўйлаши шунчалик ташвишлантирадики, улар ўз ҳатти-харакатлари билан бошқаларни ранжитмаслик ва яхши баҳо олиш учун ҳар қандай иш қилишга тайёр бўладилар. Улар гўёки бошқарувни бошқаларга ғамхўрлик қилиш ва ёқишига алмаштиргандек туюлади (Золушка комплекси).

5.3. Йетакчи бўлиш санъати

Йетакчи локомотивга ўхшайди, у изидан бошқаларни эргаштиради. Унинг орқасидан кетаётган ҳар бир кишининг ўз мақсади, ўз оғирлиги бор. Аммо улар битта йўлдан борадилар. Тадбиркор — етакчи — профессионал. Йетакчи охиригача боради. У ўз ғоясини, мақсадини, унга қандай етиб боришини билади. Йетакчи фақат узоқдаги мақсадни эмас, балки оралиқ зинапояларни

ҳам кўради. Ҳар бир босқичда кишиларни қандай мукофотлаш керак? Бу ҳам етакчининг вазифаси.

Йетакчи бўлиш учун режалаштириш, таваккал қилиш, одамларни жалб қилишни ўрганиш керак, ва ҳар қандай вазиятда ҳам алдамаслик керак.

Кичкина нарсадан бошланг. Олдиндан эришиш маълум бўлган энг кичик мақсадни танланг ва унга эришинг. Кейин навбатдаги мақсадларга эришишга ҳаракат қилинг, Сизга омад кулади, Сизга ва Сизнинг ишингизга ишонадилар.

Тест: “Йетакчи, раҳбар, лидер”

Сизга 50 та савол берилиб, уларнинг ҳар бири икки хил жавоб вариантига эга:

- а) ҳа; б) йўқ. Улардан бирини танланг ва белгиланг.
1. Тез-тез атрофингиздагиларнинг диққат марказида бўласизми?
2. Ўз атрофингиздаги одамларнинг қўпчилиги хизмат борасида Сиздан юқорироқ мавқени эгаллайди деб ҳисоблайсизми?
3. Хизмат мавқеига кўра Сиз билан teng бўлган одамларнинг мажлисида бўлганингизда ўз фикрингизни, ҳатто бу зарур бўлган тақдирда ҳам айтмаслик истагини ҳис қиласизми?
4. Болалигингида дўйстларингизнинг ўйинларига раҳбарлик қилиш ёқармиди?
5. Бунгача Сизга эътиroz билдириб келган одамни ишонтиришга муваффақ бўлсангиз жуда мамнун бўласизми?
6. Сизни журъаиз одам деб атаган ҳоллар бўладими?
7. "Дунёдаги энг фойдали барча нарсалар оз сонли машҳур кишиларнинг ижод маҳсулидир" деган фикрга қўшиласизми?
8. Профессионал фаолиятингизни йўналтира оладиган маслаҳатчига катта эҳтиёж сезасизми?
9. Баъзан одамлар билан сұхбат вақтида совуққонликни йўқотганмисиз?
10. Атрофингиздагиларнинг Сиздан чўчиётганини кўриш роҳат бағишлайдими?
11. Сиз барча шароитларда ҳамма вазиятни осон кузатишга ва барчанинг эътиборини тортишга имкон берадиган ўз жойингизни эгаллашга ҳаракат қиласизми?
12. Одатда Сиз ташқи кўринишингиз катта таассурот қолдиради деб ҳисоблайсизми?
13. Сиз ўзингизни ҳаёлпараст деб ҳисоблайсизми?
14. Агар Сизни қуршаб турган одамлар фикрингизга қўшилмаса ўзингизни дарров йўқотиб қўясизми?
15. Шахсий ташаббусингизга кўра ишчи гурӯҳ ташкил қилиш билан шуғулланишингизга тўғри келганми?
16. Сиз шуғулланаётган тадбирлар кўзланган натижаларни бермаган тақдирда:
 - а) масъулият бошқа бирорга юклатилса хурсанд бўласиз;
 - б) қабул қилинган қарор учун барча масъулиятни ўз зиммангизга оласиз.
17. Иккала фикрдан қайси бири шахсий фикрингизга яқин туради?

- а) ҳақиқий раҳбар ҳар бир ишни, ҳатто майда-чуйдасини ҳам ўзи қилиши керак;
- б) ҳақиқий раҳбар бошқаришни билиши лозим.
18. Ким билан ишлашни афзал қўрасиз?
- а) итоаткор кишилар билан;
- б) ўжар одамлар билан.
19. Жўшқин мунозаралардан қочишга интиласизми?
20. Болалигингизда отангизнинг ҳукмронлигига кўп дуч келганмисиз?
21. Профессионал мунозараларда, илгари Сиз билан келишолмаган кишиларни ўз томонингизга оғдира оласизми?
22. Тасаввур қилинг, дўстларингиз билан ўрмонда сайр қилиб юрганингизда йўлни йўқотиб қўйдинглар. Кеч кириб бормоқда. Бир қарорга келиш керак.
- а) Масалани гурухдаги энг лаёқатли одам ҳал қилиши лозим деб ҳисоблайсиз;
- б) Шунчаки бошқалар ҳал қилишига таянасиз.
23. "Шаҳарда иккинчи бўлгандан кўра, қишлоқда биринчи бўлган яхши" деган иборада нимани афзал кўрардингиз?
- а) қишлоқда биринчи бўлишни;
- б) шаҳарда иккинчи бўлишни.
24. Сиз ўзингизни бошқа одамларга қучли таъсир қиладиган инсон деб ҳисоблайсизми?
25. Муваффақиятиз ўтган тажриба Сизни бошқа ҳеч қачон муҳим шахсий ташаббус кўрсатмасликка мажбур қилиши мумкини?
26. Сизнингча, гурухнинг ҳақиқий раҳбари ким?
- а) энг билимдон одам;
- б) энг кучли характерли одам.
27. Ҳар доим ҳам одамларни тушунишга ҳаракат қиласизми?
28. Атрофингизда интизом бўлишини хурмат қиласизми?
29. Икки хил раҳбарлардан қайси бири Сиз учун муҳимдир?
- а) ҳамма нарсани ўзи ҳал қиладиган;
- б) доим маслаҳатлашадиган.
30. Икки турдаги раҳбарликдан қайси бири, Сизнингча, корхонанинг яхши ишлаши учун энг қулай ҳисобланади?
- а) бамаслаҳат раҳбарлик;
- б) авторитар раҳбарлик.
31. Бошқалар Сизни тез-тез сустеъмол қилаётгандек туюладими?
32. Қўйидаги икки портретдан қайси бири қиёфангизга қўпроқ мос тушади?
- а) баланд овоз, таъсирчан ҳаракатлар, гапга усталик;
- б) оҳиста овоз, бамайлихотир жавоблар, вазмин ҳаракатлар, ўйчан карашлап.
33. Ишчиларнинг кенгашида биргина Сиз бошқаларнинг фикрига зид мулоҳазага эгасиз, лекин ҳақлигингизга ишонасиз. Ўзингизни қандай тутасиз?
- а) индамайсиз;

б) ўз нуқтаи назарингизни ҳимоя қиласиз.

34. Сизни ўзининг ҳам, бегоналарнинг ҳам манфаатларини фақат ишнинг манфаатига бўйсундирадиган одам дейишадими?

35. Агар зиммангизга бирорта ишни бажаришда жуда катта масъулият юклатилган бўлса хавотирликка тушасизми?

37. Ўз профессионал фаолиятингизда нимани афзал кўрасиз?

а) яхши раҳбарнинг қўл остида ишлашни;

б) мустақил ишлашни.

38. "Оилавий ҳаёт муваффақиятли бўлиши учун муҳим масалаларни эр хотиндан бири ҳал қилиши керак" деган фикрга қўшиласизми?

39. Бошқа кишиларнинг фикри билан кераксиз нарсани сотиб олган вақтингиз бўлганми?

40. Ўзингизнинг ташкилотчилик қобилияtlарингизни ўртадан юқори деб ҳисоблайсизми?

41. Одатда қийинчиликларга дуч келганингизда ўзингизни қандай тутасиз?

а) қийинчиликлар гангитиб қўяди;

б) қийинчиликлар фаолроқ ҳаракат қилишга мажбур қилади.

42. Ходимларингизга, агар улар шунга лойиқ иш қилсалар, тез-тез қаттиқ таъналар қилиб турасизми?

43. Асаб тизимингиз ҳаёт қийинчиликларига муваффақият билан бардош беради деб ҳисоблайсизми?

43. Агар Сизга ишлаб чиқаришни қайтадан ташкил қилишга тўғри келса, нима қилардингиз?

а) дарҳол ўзгаришлар киритаман;

б) секин-аста ўзгаришларни таклиф этаман.

44. Агар зарур бўлса, жуда сергап ҳамсуҳбатингизни тўхтатиб қўя оласизми?

45. Қўйидаги фикрга қўшиласизми: "Бахтли бўлиш учун оддий яшаш керак".

46. Одамларнинг ҳар бири ўзининг инсоний қобилияти туфайли қандайдир машҳур иш қилиши лозим деб ҳисоблайсизми?

47. Йошлигингида ким бўлишни истардингиз?

а) машҳур рассом, бастакор;

б) жамоа раҳбари.

48. Қандай мусиқани тинглаш ёқади?

а) тантанавор, кучли;

б) сокин, лирик.

49. Эътиборли кишилар билан учрашганда бироз ҳаяжонни ҳис қиласизми?

50. Сизга қараганда иродаси кучлироқ одамни тез-тез учратасизми?

Савол	Сизнинг жавобингиз		Савол	Сизнинг жавобингиз		Савол	Сизнинг жавобингиз	
1.	а	б	18.	б	а	35.	б	а
2.	а	б	19.	б	а	36.	б	а

3.	б	а	20.	а	б	37.	а	б
4.	а	б	21.	а	б	38.	б	а
5.	а	б	22.	б	а	39.	а	б
6.	б	а	23.	а	б	40.	б	а
7.	а	б	24,	а	б	41.	а	б
8.	а	б	25.	б	а	42.	а	б
9.	б	а	26.	а	б	43.	а	б
10.	а	б	27.	б	а	44.	а	б
11.	а	б	28.	а	б	45.	б	а
12.	а	б	29.	б	а	46.	а	б
13.	б	а	30.	б	а	47.	б	а
14.	б	а	31.	а	б	48.	а	б
15.	а	б	32.	а	б	49.	б	а
16.	б	а	33.	а	б	50.	б	а
17.	б	а	34.	а	б			

Йигилган баллар сонини ҳисобланг. Саволларга жавоб беришда фақат чапдаги устуннинг ("а" ёки "б") вариантига баллар оласиз.

Раҳбарликни ифодалаш даражаси:

25 баллгача. Раҳбарлик заиф ифодаланган.

26 - 35 балл. Раҳбарлик ўртача ифодаланган.

36 - 40 балл. Раҳбарлик кучли даражада ифодаланган.

40 баллдан юқори. Бошлиқ бўлишга (ўз сўзини ўтказишга) мойиллик бор.

Бобнинг қисқача хulosаси

Йетакчи раҳбар вазиятни ҳис қилиб, керакли фазилатларини ўз вақтида ишлата олиши шарт. Ҳозирги замон раҳбари жуда яхши руҳшунос бўлиши зарур. Йетакчи локомотивга ўхшайди, у изидан бошқаларни эргаштиради. Унинг орқасидан кетаётган ҳар бир кишининг ўз мақсади, ўз оғирлиги бор. Аммо улар битта йўлдан борадилар. Йетакчи охиригача боради. У ўз ғоясини, мақсадини, унга қандай етиб боришини билади. Йетакчи фақат узоқдаги мақсадни эмас, балки оралиқ зинапояларни ҳам кўради.

Йетакчи бўлиш учун режалаштириш, таваккал қилиш, одамларни жалб қилишни ўрганиш керак, ва ҳар қандай вазиятда ҳам алдамаслик керак.

Кичкина нарсадан бошланг. Олдиндан эришиш маълум бўлган энг кичик мақсадни танланг ва унга эришинг. Кейин навбатдаги мақсадларга эришишга ҳаракат қилинг, Сизга омад кулади, Сизга ва Сизнинг ишингизга ишонадилар.

Таянч иборалар:

Раҳбар, етакчилик сифатлари, расмий, норасмий, таъсир ўтказиш, бошқарув ҳокимият, мажлислар, билимдонлик, ботирлик, виждонлилик, темперамент.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Раҳбарлик нима?
2. Қандай қилиб раҳбар бўлиш мумкин?
3. Гуруҳнинг самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар нимадан иборат?
4. Назорат ва раҳбарлик нимадан иборат ?

Асосий адабиётлар

1. Кочеткова А.И. Введение в организационное поведение и организационное моделирование. Учебное пособие. М.: Дело. 2006.
2. Л.В.Карташова, Т.В.Никонова, Т.О.Соломанидина. Организационное поведение. Учебник. М.: ИНФРА-М. 2003.
3. Джон В. Ньюстром, Кейт Дэвис. Организационное поведение. Поведение человека на рабочем месте. СПб. 2000.

6 - БОБ. ГУРУҲЛАРДА ХУЛҚ

6.1. Гуруҳ динамикаси

Тажриба кўрсатишича, инсонлар муассасаларда кўп вақтларини бир-бирлари билан ўзаро мулоқотда ўтказадилар. Мазкур мулоқотнинг каттагина қисми кичик гурухлар таркибида юзага келади. Биз бу ерда якка тартибда ишлайдиган одамларнинг хулқ-атвори гурухлар таркибида ишлайдиган одамларнинг хулқ-атворидан қандай фарқланишини, нима учун одамлар гурухлар тузишини, гурухларнинг қандай такомиллашишини ҳамда гуруҳнинг жорий вазифаларни бажаришига таъсир этувчи омилларни кўриб ўтамиз.

Кичик гуруҳ нима? Кичик гуруҳ икки ёки ундан ортиқ шахсдан иборат жамоа бўлиб, ўзаро ҳамкорлик натижасида улар бир-бирларига таъсир ўтказадилар. Кичик гурухлар, одатда уч кишидан саккиз кишигача бўлади, ўн беш ёки йигирма кишидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Лекин йигирма кишидан ортиқ гурухлар кичик гуруҳ ҳисобланмайди. Бунга сабаб шуки, йигирмадан ортиқ киши ўзаро ҳамкорлик қилганда, кичик гурухларнинг айрим хусусиятлари, яъни бевосита (юзма-юз) мулоқот қилиш камроқ намоён бўлади. Кичик гурухлар, одатда, айнан бир жойнинг ўзида фаолият кўрсатади. Гарчи гурухнинг айрим аъзолари унинг бошқа аъзолари томонидан яхлит бирлик сифатида баҳоланса ҳам, гуруҳда вазифалар аниқ белгиланган бўлади. Нихоят, гуруҳ ўзгарувчан ташқи муҳитга маълум даражада мослашиш имкониятига эга. Кўриниб турганидек, йигирма кишигача бўлган бирлашмаларнинг ҳаммаси ҳам кичик гуруҳ тоифасига кирмайди.

Расмий ва норасмий гурухлар. Ташкилотлар бир неча кичик гурухларга бўлинади. Расмий ва норасмий гурухлар шулар жумласидандир. Расмий гурухлар, бу ташкилот томонидан кўзда тутилган гурухлардир. Бундай гурухларда одамлар аниқ белгиланган мавқега эга бўлади. Норасмий гурухлар ташкилотларда одамларнинг умумий қизиқишлари, дўстона алоқалари ёки бошқа ижтимоий эҳтиёжлари асосида юзага келади. Норасмий гурухлар ташкилотнинг штат жадвалига киритилмаган бўлади. Уларда хулқ-автор ва вазифаларга доир ёзилмаган қоидалар, меъёрлар мавжуд бўлади, расмий ва норасмий гурухларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши ташкилот учун жуда зарурдир.

Шахслар ва гурухлар. Нима учун ташкилотларда одамларнинг ҳар бири ўз ҳолиша ишламай, гурухларга бирлашади, деган саволга жавоб топиш лозим. Назарий жиҳатдан қараганда, бу савол гурухларнинг иши якка шахсларнинг ишидан нимаси билан фарқланишига тааллуклидир. Амалий жиҳатдан эса, у гурухлар иши якка шахсларнинг бажарган ишига нисбатан самаралими, деган масалага боғлиқ. Тадқиқотлар кўрсатишича, ишнинг қай шакли самарали эканлигини аниқлаш масаласи, яъни гурухлар иши ёки якка шахснинг иши қай даражада самарали эканлиги бажарилаётган ишга, шунингдек, қатор шахсий омиллар ва вазиятларга боғлиқ.

Жамоатчилик ёрдами. Гуруҳ якка шахсга турли усууллар воситасида таъсир кўрсатади. Масалан, гуруҳ фақат ўз иштироки билан баъзан инсоннинг иш самарадорлигини ўзгартириб юбориши мумкин. Бу жараён жамоатчилик ёрдами дейилади. Барча ҳолларда бегоналарнинг иштироки иш унумдорлигини оширади. Бунда иштирокчилараро беллашув элементлари мавжуд бўлиши шарт эмас. Бажарилаётган иш номаълум бўлган ёки яхши таниш бўлмаган ҳоллар бундан мустаснодир. Амалга оширилаётган иш яхши ўрганилган ҳоллардагина бошқа одамларнинг иштироки унумдорликни оширишга ундейди. Бунга сабаб шуки, одам ўзгалар унинг ишини қандай қабул қилишидан ташвишга тушади.

Иштирок этиши ва зўр бериб ишилашдан ўзни тиймоқ. Гурухлар жамоатчилик ёрдамига зид бўлган таъсир кучига ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан, улар умумий ишга кўшиладиган хисса мувозанатини, мутаносиблигини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Бир неча кишидан

иборат гурух аъзоларининг баъзилари бошқаларига нисбатан кўпроқ ҳисса қўшиши, кўпроқ ишлаши мумкин, лекин ҳамма вакт ҳам энг самарали ходим бўлмаслиги мумкин. Вазифаларнинг бундай номутаносиблиги гурух фаолиятида муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Бу феномен - ижтимоий бекорчилик (сокиал лоафинг) дейилади. Одамлар шахсий ҳисса баҳоланиши мумкин бўлмаган гурухларда ишлаганда, якка ҳолда меҳнат қилишга нисбатан камроқ ғайрат билан ишлайдилар. Бу ҳолни биринчи бўлиб Рингман (Рингманн, 1926) аниқлаган. У гурухлар ҳажми ошганда, ҳар бир гурух аъзосининг иш унумдорлиги, аксинча, камайишини аниқлаган. Бундай гурухларда одамлар ўзларининг шахсий тиришқоқликлари ва ташкилотнинг жавоб реаксияси ўртасидаги алоқани ҳис этмай қўядилар ҳамда “еркин чавандозларга” айланадилар.

Муаммоларни ҳал этиши. Гурух айrim инсонларга нисбатан энг яхши ғоялар генератори бўла оладими, деган савол туғилади. Гуруҳда ҳамманинг фикрига бир хил эътибор берилмайди, айrim гурух аъзоларининг фикри бошқаларникуга нисбатан устунроқ бўлиши мумкин. Иккинчи томондан, гурух аъзоларида ҳар бир айтилган фикрга баҳо беришга интилиш мавжуд, бу жараён эса ғояларнинг эркин ҳаракатига сабаб бўлади. Баъзан кимнингдир айтган фикри шахсий фикрнинг вужудга келишига туртки бўлиши мумкинлигини биламиз. Асосий вазифа ўз-ўзидан юзага келиш вазиятига нисбатан (бир неча одамнинг устунлик қилиши, аввалги танқидий фикрлар) адоват ҳиссини енгиш ва ижод учун кенг имконият беришдан иборат. Бундай ишлардан бири “ақлий хужум” (браинсторминг) деб номланади. Унинг асосий мазмуни шундаки, айтилаётган фикрлар танқид килинмайди ҳамда ҳар бир одам ўзгалар ғоясидан ўз фикр-мулоҳазаларини шакллантириш учун фойдаланиши мумкин.

Компанияларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш учун кичик гурухлар тузиш тизими кенг равишда оммалашган. Бундай гурухлар “сифат тўгараклари” деган ном олган, улар бир тармоққа тегишли бўлган ходимлардан иборат бўлади, улар мазкур тармоққа тегишли муаммоларга мунтазам равишда дуч келадиган ва уларнинг барчасини ҳал этувчи ходимлардир.

Гоялар қарама-қаршилиги. Ташкилотларнинг ўз ходимларига таъсир кўрсатиш шакли энг сўнгти тадқиқотлар жумласидан бўлиб, “ғоялар қарама-қаршилиги” дейилади. Ходимлар бирор бир масала гуруҳда муҳокама этилгандан кейин ўзларининг, муҳокамадан олдинги нуқтаи назарларига зид бўлган нуқтаи назарларни эгаллайдилар. Бунинг бир неча сабаблари мавжуд. Мунозарадан аввал кўпгина иштирокчилар маълум бир ғоя тарафдори бўлган бўлсалар, мунозара жараёнида мазкур ғоя фойдасига қўплаб далил-исботлар келтирилади. Лекин бу ғояни “тасдиқловчи” далил-исботлар уларга “зид бўлган” далил-исботларга нисбатан қўп дегани эмас. Бунинг натижалари маълум. Бундай вазиятда қарор қабул қилишга доир муҳим жиҳатлар кўриб ўтилмайди, муҳокамада дастлабки нотўғри фикрлар ва нуқтаи назарлар такрорланади ҳамда муҳокама натижалари кутилгандан кўра ёмонроқ бўлади.

Гурухлардаги шахслар фаолияти ва хулқ-атвори мураккаб ҳодисадир. Ана шундай муаммолардан бири гурухларнинг очиқ тизим эканлигидир. Очик тизим сифатида уларга кирувчи ўзгарувчилар таъсир кўрсатади, ўз навбатида

эса улар чиқувчи ўзгарувчиларга таъсир этади. Чиқувчи оқимлар бошқа гурухлар учун киравчи оқимлар сифатида хизмат қиласи, улар келгусида ташкилот фаолиятига таъсир қўрсатади. Шундай қилиб, кичик гурухлар ҳам, ташкилотлар ҳам очиқ тизимлардир. Шу маънода ташкилотларни тизимлар тизими деб ҳисоблаш мумкин, чунки кичик гурухлар катта тизим, яъни ташкилот ичидан фаолият қўрсатувчи кичик очиқ тизимлардир. Лекин гурухлар таркибиға киравчи якка шахслар ҳам очиқ тизимдир, шундай қилиб, ташкилотлар тизимлар тизимининг тизимиdir! Мазкур тизимнинг уч босқичи ўртасида аниқ иерархик фарқ мавжуддир.

Гурухларни шакллантириши. Айтиб ўтилганидек, гурухлар расмий ва норасмий бўлади. Ташкилот маълум бир аниқ мақсадларга эришиш учун ўзига хос вазифаларга эга бўлган расмий гурухлар тузади. Норасмий гурухлар эса, аксинча, ташкилот томонидан тузилмайди. Улар ташкилотнинг ёрдамисиз (баъзан унинг хоҳишига зид равишда), ўз-ўзидан вужудга келади. Гурухларнинг расмий ёки норасмийлигидан қатъий назар, одамлар гурухлар таркибида бўлишни истайдилар. Шу ўринда у ёки бу гурухга тааллуқли шахслар қандай манфаатни кўзлайди деган савол туғилади. Уларнинг бир нечтасини ажратиб қўрсатиш мумкин. Биринчидан, инсонлар бир-бирлари билан жипслashiши лозим, улар ижтимоий ҳамкорлик қилишни истайдилар. Иккинчидан, гурухлар маълум бир нарсалар ҳақида ва умуман ташқи олам ҳақида маълумот бериши мумкин. Учинчидан, гурух мукофот манбаи бўлиб хизмат қиласи. Тўртинчидан, якка ҳолда эришиш мумкин бўлмаган мақсадларга гурух билан эришиш мумкин, ва ниҳоят, раҳбар илтимос қилгани ёки буюргани учун гурухларга аъзо бўладилар.

Гурухлар тақомиллашуви. Гурух ташкил топганидан кейин тараққий этиш даврида гурух аъзолари бошқаларга нисбатан ўз ўринларини, хулқ-атвор малакасини ва ҳ.к. белгилайдилар. Бу жараён иккита асосий сабабга кўра гурух фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Биринчидан, у гурухнинг кейинги фаолияти учун хулқ-атвор тарзини белгилайди. Иккинчидан, бу жараён кейинги алоқаларни анча енгиллаштиради. Гурух шакллангач, гурухнинг кейинги фаолиятига вазиятга хос омиллар қандай таъсир қўрсатишини тадқиқ этиш керак.

6.2. Гурухий ўзгарувчилар шархи

Гурух “чиқишига” таъсир этувчи қўплаб омиллар мавжуд. Ҳудудий омиллар, топшириқлар тавсифи, ташкилотнинг мукофотлаш тизими шулар жумласидандир.

Ҳудудий омиллар. Гурух тузилмасида ҳудудийлик (территориалит) ва жисмоний ўрин муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳудудийлик. Кўпинча якка шахслар ва гурухлар аслида уларга тегишли бўлмаган обьектлар ёки жойларни ўзлариники деб ҳисблайдилар. Мазкур обьект ёки ҳудуддан фойдаланганда, уларга ўз мулкидек муносабатда бўладилар, бегоналарни бу жойдан ҳайдайдилар, агар бу ҳудуд қўлдан чиқсан бўлса, уни тезда қайтариб олишга ҳаракат қиласидилар.

Шахсий ўрин. Шахсий ўрин бу шахсга тегишли бўлган уни ўраб турган макондир. Одамлар шахсий жойларига даҳл қилганларга нисбатан салбий муносабатда бўладилар, босқинчиликни иложи борича даф қилишга ҳаракат қиласидилар. Қизиги шундаки, одамлар ўртасидаги мавжуд масофа шахслараро муносабатлар яқинлигига мутаносибdir.

Маконда жойлашув. Инсонларнинг ўзаро ҳамкорлик жараёнидаги жойлашиши кўп ҳолларда уларнинг муносабатларига таъсир кўрсатади. Масалан, ўзаро ҳамкорлик қилишга интилган одамлар одатда ёнма-ён ўтирадилар, мухолифлар эса юзма-юз ўтиришни афзал кўрадилар. Масалан, бошқарувчи хонасидаги стол унинг ташриф буюрувчилари га бўлган нуктаи назарини аниқ ифодалайди. Бунда иккита асосий ҳолат мавжуд: “тахт” вазиятида бошқарувчи ўзини ёзув столи билан ажратиб олади, “стол деворга тегиб турадиган” вазиятда хонада норасмий вазият яратилади.

Топшириқ. Вазиятга доир яна бир ўзгарувчи – бу гурух бажарадиган вазифа туридир, у гурух тузилишига ва унинг фаолиятига қучли таъсир кўрсатади. Вазифалар бу гурух олдига қўйилган маълум бир талаблар бўлиб, улар амалга оширилса, вазифа бажарилган бўлади. Гурух аъзолари ўртасидаги ўзаро алока даражасига кўра вазифалар бир неча турга бўлинади. Янги ҳамкорликни талаб этувчи вазият икки томонлама ўзаро боғлиқлик (рекипрокал интердепенденке) дейилади.

Тадрижий ўзаро боғлиқлик (секуэнтиал интердеренденке) камроқ ҳамкорликни талаб этади. Бундай вазиятда гурухнинг умумий самарадорлиги энг сусткаш гурух аъзосининг самарадорлигидан юқори бўлмайди. Умуман ҳамкорлик қилишни талаб этмайдиган вазифалар ҳам мавжуд. Бундай ҳолларда бирлашган ўзаро боғлиқлик (поолед интердепенденке) мавжуд дейилади. Бундай вазиятда ҳамкорлик даражасининг ортиши ҳатто иш унумдорлигининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Топшириқлар таснифи. Топшириқларни нафақат инсонлараро алоқалар даражасига кўра таснифлаш, балки топшириқларни бажарувчи шахсларга нисбатан қўйилган талабларга кўра таснифлаш мумкин. Топшириқ ўз-ўзидан гурухларда кўзга ташланётган хулқ-атворга оид стереотипларга таъсир кўрсатиши мумкин. Уларнинг баъзилари ихтилофларга олиб келса, баъзилари, аксинча, уюшишга ундейди. Мазкур омилларнинг барчаси кичик гурухлардаги у ёки бу хулқ-атвор сабабларини ўрганишда инобатга олиниши керак.

Мукофотлаш тизими. Инсоннинг гурухдаги хулқ-атворига таъсир кўрсатувчи, вазиятга кўра сўнгги ўзгарувчи. У ёки бу гурухда мукофотлаш даражаси ўртасидаги фарқ катта ёки кичик бўлиши мумкин. Бунда у бажарилаётган вазифа турига мувофиқ равишда белгиланади. Ташкилотларда бу хусусиятнинг таъсир кучи муҳим аҳамиятга эгадир. Улар мукофотлаш тизимининг бажарилаётган топшириқларга мувофиқлигини диққат билан кузатиб боришилари керак, акс ҳолда мукофотлаш тизими нотўғри жорий этилган бўлса, ташкилотда иш унумдорлиги ошиш ўрнига, аксинча, пасайиб кетади.

6.3. Гурух таркиби, ҳажми ва жипслиги

Вазиятга кўра ўзгарувчиларга қўшимча равишда, гурухларда одамларнинг хулқ-атвори гурух аъзоларининг шахсий сифатларига кўп даражада боғлиқ бўлиши мумкин. Мазкур сифатларнинг, яъни гурух таркиби, ҳажми ва жипслигининг гурух фаолиятига қандай таъсир кўрсатишини кўриб чиқамиз.

Гурух таркиби. Кўпгина тадқиқотлар гурух аъзоларининг турли сифатлари ички вазиятга қандай таъсир кўрсатишига бағишлиланган. Хусусан, гурух аъзолари ёш, ўртача ақлий қобилиятга эга ва юқори нуфузга эга бўлган ҳолларда, гурух меъёрларининг мутаносиблиги вужудга келиши аниқланган. Эркакларга нисбатан аёллар кўпроқ гурух меъёрларининг тарафдори ҳисобланади. Бу эркаклар ва аёллар ўртасидаги табиий фарқни эмас, жинслар ўртасидаги маданий фарқни акс эттиrsa керак. Бундан ташқари, гурух аъзоларининг муҳим сифатларидан бири йўлбошчини аниқлаш қобилиятидир.

Гурух аъзоларининг бир-бирига мослиги. Гурухнинг хулқ-атворини тушунтиришда муҳим бир омилни инобатга олиш керак. Топшириқни бажариш жараёнida гурух аъзоси унинг бошқа аъзолари билан ҳамкорлик қиласди. Яъни гурух аъзолари феъл-атворининг бир-бирига мослигини билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур муаммо устун бўлган шахс билан бўйсунувчи шахс турини қиёслашда намоён бўлади. Бир гурухга икки хил тур вакили бирлаштирилса, улар муваффақиятли фаолият юритиши мумкин. Лекин бир гурухда бир хил турга тааллуқли шахслар бўлса, ёки ҳамиша ихтилофлар келиб чиқади (агар иккала шахс ҳам устун турга мансуб бўлса) ёки йўлбошчи мавжуд бўлмагани учун (агар иккала шахс ҳам бўйсунувчи турга мансуб бўлса) жараён бир нуқтадан нари силжимайди.

Гурухнинг бир жинслиги (гомогенлик) ва турли жинслиги (гетерогенлик). Гурух фаолияти янада самарадор бўлиши учун гурух бир жинсли бўлиши керакми ёки турли жинсли бўлиши лозимми, деган савол аниқланмаган бўлса ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Яъни гурух аъзолари турли иркка, турли ижтимоий қатламга, жинсга мансуб бўлиши, турли қараашларга эга бўлиши керакми ёки бу кўрсаткичлар бир хил бўлгани маъқулми деган савол муҳимдир. Одатда, гурухнинг қисман бир жинслилиги (гомогенлиги) ва қисман турли жинслилиги (гетерогенлиги) афзалроқдир.

Гурухнинг ҳажми. Шакланаётган гурух учун топшириқ тузилганда, мазкур вазифани бажариш учун гурух аъзоларининг энг маъқул сони қандай бўлиши керак, деган савол туғилади. Бунда бир нечта жиҳатлар мавжуддир.

Гурух ҳажми ва ўзаро ҳамкорлик. Роберт Бейлс (Роберт Балес) томонидан ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, кичик ҳажмли гурухларда ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳи юқори даражада. Катта ҳажмли гурухларда маслаҳатлар бериш ва маълумот алмашишга интилиш кучлидир. Бундан ташқари, аъзолар сони жуфт ёки тоқ бўлган гурухлар ўртасида катта фарқ бор. Аъзолар сони тоқ бўлган гурухларда бир тўхтамга келиш нисбатан анча осон, чунки кўпчилик овозга эришиш анча осон.

Гурух жипслиги. Энг сўнгги гурухга оид тузилмавий омил бу гурух жипслигидир. Буни гурух аъзолари учун гурухнинг жозибадорлик даражаси сифатида баҳолаш мумкин. Гурух аъзолари гурухга қанчалик яхши муносабатда бўлсалар, гурух шунчалик баҳамжиҳат бўлади ва аксинча. Шуни айтиб ўтиш керакки, жипслик тушунчаси ўзгарувчандир, яъни у барча гурух аъзоларининг муносабатига боғлиқдир. Гурух жипслиги мазкур бўлимда кўриб ўтилган бошқа барча ўзгарувчилардан қўйидаги жиҳати билан фарқланади: жипслик гурух фаолиятига қанчалик таъсир кўрсаца, шунчалик унга тобедир.

Гурух жипслигидан аввалги ҳолат. Гурух баҳамжиҳатлигининг ўсишига таъсир кўрсатувчи бир неча омил мавжуд. Улардан биринчиси бу бажарилаётган топшириқ туридир. Топшириқни бажариш учун зарур бўлган ўзаро ҳамкорлик даражаси қанчалик юқори бўлса, гурух жипслиги шунчалик баланд бўлади. Гурухга хос бўлган баъзи сифатлар ҳам гурух жипслигига сабаб бўлади. Масалан, гурух аъзоларининг умумий мақсадга эга бўлиши тескари ҳолатга нисбатан кўпроқ баҳамжиҳат бўлишга ундаиди. Гурух аъзоларининг шахсий сифатлари гурух жипслигига қўшилган сўнгги ҳиссадир. Маълумки, одамлар ўз шахсий қарашларига яқин қарашларга эга бўлган танишларини кўпроқ яхши кўрадилар. Гурух таркибида бундай одамлар қанчалик кўп бўлса, у шунчалик жипслашган бўлади. Хулоса сифатида яна бир бор гурух жипслигининг ўсишига боғлиқ бўлган омилларни кўрсатиб ўтамиз. Булар гурух ҳамкорлиги, умумий муваффақиятлар, мақсадлар бирлиги ва гурух аъзоларининг бир-бирини ёқтиришидир. Гурух жипслиги ўсгач, у гурухнинг келгуси фаолиятига кучли таъсир кўрсатади.

Гурух жипслигининг натижаси. Гурух жипслигининг муҳим натижаларидан бири гурух аъзоларининг кенг ўзаро мулоқоти натижасида гурух ҳамкорлигининг ҳам сифат, ҳам сон жиҳатидан ўсишидир. Иккинчи натижа шундан иборатки, баҳамжиҳатлик айrim гурух аъзоларига жуда кучли таъсир кўрсатади. Яна бир натижа шундаки, жипслашган гурух аъзолари ўз ишларидан катта қониқиши ҳис қиласидар, бу эса жуда муҳим аҳамиятга эга. Гурух жипслиги иш унумдорлиги билан узвий боғлиқдир. Жипслик даражаси юқори бўлган гурухлар, жипслик даражаси пастроқ гурухларга нисбатан кўрсатмаларга кўпроқ амал қиласидар. Шуни ёдда тутиш лозимки, гурух меъёрлари иш унумдорлигининг ошишига қандай таъсир кўрсаца, иш унумдорлигининг пасайишига ҳам шундай таъсир кўрсатади.

6.4. Роллар, меъёрлар ва хукуқий ҳолат

“Инсонларни тушуниш” бобида ташкилотлардаги хулқ-атворимиз кўпроқ ўзлаштириб олинган деган ғояни илгари сурдик. Биз маҳсус техник малакалар ва кўниқмаларни ўзлаштириб оламиз, улар ишимизда қўл келиши мумкин. Техник малакалардан ташқари ташкилот фаолиятини бошқарувчи кўпгина қоидаларни, мазкур муассасадаги расмий ёки қабул қилинмаган хулқ-атвор турларини ўрганамиз. Мазкур маълумот муваффақиятга эришишимизда техник малакалар каби муҳим аҳамиятга эга. Шунга қарамай, мазкур маълумотга турли машғулот дастурлари воситасида эмас, балки тажриба орқали эришилади.

Бошқаларнинг ишини кузатиб ҳамда мустақил ҳаракат қила туриб, биздан нималар кутишаётганини, нима учун рағбатлантиришаётганини англашга ҳаракат қиласиз.

Ролга хос муносабатлар. Муайян ҳолат учун режалаштирилган хулқатвор кўниммалари мажмуи рол деб аталади. Мазкур рол инсоннинг шахсий хусусиятларига эмас, балки шахс эгаллаган мавқеигагина боғлиқ. У мазкур мавқега эга бўлган барча шахслар учун бир хилдир. Ҳар бир одам айнан бир вақтнинг ўзида бир нечта ролни ўйнаши мумкин (одатда, шундай бўлади ҳам). Инсоннинг ишлайдиган ташкилотидаги роли, оиласидаги роли, дўйстлар даврасидаги роли - буларнинг барчаси бир-биридан фарқланади. Биз асосий эътиборни ишчи ролига, яъни иш жойидаги хулқатворимиз билан бевосита боғлиқ бўлган ролларга қаратамиз. Мазкур роллар учун бир нечта тавсифлар зарур бўлади. Биринчидан, ишчи роллари маълум бир шахсгагина тааллукли эмас. Улар маълум мавқега эга бўлган ҳар бир шахсга тегишли. Иккинчидан, улар топшириқни бажариш билан боғлиқ бўлган хулқатвор билан алоқадор. Ташкилотдаги рол маълум бир ишни бажариш билан боғлиқ бўлган кутилаётган хулқатвор мажмуидир. Учинчидан, ишчи ролларини бир-бири билан мужассамлаштириш жуда мураккаб бўлиши мумкин. Муаммо кимдан нималар кутилаётганини белгилайдиган шахсни топишдан иборатдир. Бизнинг ролимизга нималар тааллукли эканлиги, бошқаларнинг бу ҳақидаги фикрлари ва аслида эса у нимадан иборат эканлиги бир-биридан кескин фарқланиши мумкин. Бу эса “ҳақиқий рол”ни белгилашни қийинлаштиради. Ва ниҳоят, ролларни тезда ўзлаштириш мумкин ва улар хулқатворга ҳам, нуқтаи назарларга ҳам катта таъсир кўрсатиши мумкин. Биз ўйлаётган фикрларнинг аксарият қисми ролларимиз билан белгиланади. Роллар ўзгариши натижасида бизнинг қарашларимиз ҳам ўзгаради. Энг қизиқарли муаммолардан бири прораб (фирстлине супервайзор) муаммосидир. Прораб роли исталган ташкилотда энг мураккаб роллардан бири ҳисобланади. Бунинг сабаби шуки, прораб кўп ҳолларда ўзининг бевосита раҳбарлари (бошқарувчилар) ҳамда ўзига бўйсунувчи ходимлар (ишчиларнинг) бир-бирига зид ишончларини амалга ошириши керак. Бошқарувчиларни иш самарадорлиги, унумдорлиги ва сарф-ҳаражатлар қизиқтиради, ишчиларни эса меҳнатга ҳақ тўлаш масаласи, ҳавфсизлик масаласи ва зарур шарт-шароитлар яратиш масаласи қизиқтиради.

Роллар ва гурухларнинг ривожланиши босқичлари. Тадқиқотларнинг муҳим обьектларидан бири ишчи ролларнинг ўзлаштирилиши, унинг ўзгариши, иш унумдорлигига, гуруҳ хулқатворига таъсирини ўрганишдан иборат. Мазкур тадқиқотлар учта асосий йўналиш сифатида берилган: ролга хос кўриниш, роллар мажмуи, роллар мутаносиблиги.

Енг кўп учрайдиган йўналиш бу *ролга хос кўринишидир*. У шахслар гуруҳининг маълум бир нуқтаи назарга эгалиги ҳақидаги тахминдан бошланади. Бу тахминлар қандайдир йўллар билан рол ижроисига етиб боради, у эса ўз навбатида бу тахмин ҳақида шахсий бир фикрга келади. Шунинг учун гуруҳнинг хулқатвори ҳам ўзгаради. Бунда шуни назарда тутиш керак: яъни дастлабки икки қадам бу кутилган нарса бўлса, кейинги икки қадам маълум ҳатти-ҳаракатлардир.

Иккинчи мұхим йўналиш бу *роллар мажмудидир*. Роллар мажмуи бу шахслар гурухи (бирлашмаси) бўлиб, улар рол ижрочиси ўзини қандай тутиши лозимлиги ҳақидаги қараашларни сақладилар, улар ҳақида бир-бирлари билан фикр алмашадилар, ўша одамни мазкур умидлардан хабардор қиласадилар. Роллар мажмуи ташкилотдаги хулқ-атвор ҳақида маълумот бера олиши билан қулайдир. Рол ижрочилари роллар мажмуи катта бўлган ваеиятда эмас, аксинча, кичик бўлган вазиятда ўз роллари ҳақида аниқ маълумотга эга бўладилар.

Ва ниҳоят, кичик роллар мажмуи ташкилий бирлик ичида чақирикларнинг пайдо бўлиши ва айрим гурухлар вужудга келиши билан боғлиқ. *Роллар дифференциацияси* ишчи гурухларнинг расмий ролига хос тузилмасини тушунишда мұхим аҳамиятга эга. Ролларнинг дифференциаллашуви ҳар хил вазифаларни ҳар хил одамлар (айнан битта одам эмас) томонидан бажарилиш даражаси сифатида белгиланади. Роллар тақсимоти қанчалик юқори бўлса, роллар дифференциацияси шунчалик юқори бўлади. Шундай қилиб, ролларни тушуниш одамларнинг маълум бир вазиятда нима иш қилиши лозимлигини қандай англашини билиб олиш имконини беради. Роллар ташкилотдаги ўзаро алоқалар ва муносабатлар жараёнини билишда ёрдам беради.

Ролга доир муаммолар. Роллар ташкилот дуч келган муаммоларни аниқлашда ёрдам беради. Роллар ихтилофи, ролга хос ноаниқлик ва рол билан қайта таъминлаш шулар жумласидандир. Ролга доир муаммоларнинг вужудга келишига икки ёки ундан ортиқ ишончнинг ўзаро номувофиқлиги сабаб бўлади. Мазкур ихтилофларнинг тўрт тури мавжуд, улар номутаносиб ишончлар вужудга келувчи манбага кўра фарқланади. Биринчи тур манба ичидаги ролга хос ихтилоф (интрасендер роле конфликт) сифатида маълум. У роллар мажмuinинг айнан бир аъзоси (масалан бошлиқ) икки ёки ундан ортиқ номутаносиб вазифа берганда вужудга келади.

Яна бир тури манбалараро ролга хос ихтилоф (интерсендер роле конфликт) дейилади. У роллар мажмuinинг икки ёки ундан ортиқ аъзоси номутаносиб умидларга эга бўлганда юзага келади (прораб ишида бундай ихтилофлар кўплаб учрайди). Яна бир ихтилоф ролларааро ихтилоф (интерроле конфликт) деб номланади. У шахс бажараётган икки ёки ундан ортиқ роллар ўзаро номутаносиб талабларга эга бўлганда вужудга келади. Энг сўнгти ихтилоф шахсий ролга хос ихтилоф деб номланади. Рол ижроцининг шахсий нуқтаи назари бажариши лозим бўлган ролга хос талабларга номутаносиб бўлганда, ана шундай ихтилоф юзага келади. Шарҳ сифатида шуни айтиш мумкинки, ролга хос ихтилофларнинг юқори даражаси ишчиларни фақат ўз ишидан қониқмаслигигагина сабаб бўлмайди, балки иш унумдорлигининг пасайишига, кадрлар қўнимсизлигига олиб келади.

Ролга хос ноаниқлик. Рол ижроцининг ундан нима талаб қилинаётганини аниқ билмаслиги ролга хос ноаниқлик дейилади. Бунда рол ижрочиси мазкур мақсадларга эришиш йўлларини билмаслиги мумкин. Ролга хос ноаниқликлар илдизини роллар мажмудидан қидириш керак, бунда мазкур мажмua асосида шаклланган мақсадлар етарли даражада аниқ эмас (ролга хос ихтилофларда улар аниқ, лекин номутаносибdir).

Ролга хос ихтилофлар ва ролга хос ноаниқликларнинг салбий таъсирини тан олган ҳолда, қайси муаммо жиддийроқ? Бу саволга жавоб рол ижрочисининг эгаллаган мавқеига боғлиқdir. Ролга хос ихтилоф қўйи даражалардаги, ролга хос ноаниқлик эса юқори даражадаги жиддий муаммо хисобланади.

Ролга хос қайта тақсимлаши. Рол талаблари ва умидлар рол ижрочисининг қобилиятига нисбатан юқори бўлганда, ролга хос қайта тақсимлаш вужудга келади. Одатда, ноаниқлик ҳам бундай вазиятга сабабчи бўлади. Ролга хос ихтилофлар, ноаниқликлар, қайта тақсимлашга доир муаммолар ўта жиддийдир, уларнинг одамларга ва ташкилотларга кўрсатадиган таъсири жуда каттадир. Уларни бартараф этиш учун бир нечта усулни тавсия этиш мумкин.

Ролга хос муаммоларни бартараф этиши. Ишни ўзгартириш - ноаниқликлар, ихтилофлар, қайта тақсимлашдан кутулиш усули. Мазкур техника, айниқса, ноаниқликлар ва ихтилофларга қарши муваффақиятли қўлланиши мумкин.

Машқ – одамларнинг ўз ролларига мослашиш имкони. Машққа оид техник усуллардан бири бу ролга хос ўйинлардир. Ролга хос ўйинлар қуйидаги босқичлардан иборат: гурӯҳ маълум бир вазиятни ифодаловчи сценарийни ёки воқеани ўқийди, ҳар бир одам ўзига рол танлайди, иштирокчилар ўқитувчи билан бирга рол ижроси вақтидаги ўз ҳатти-ҳаракатларини баҳолайдилар ва муҳокама қиласидилар. Ролга хос ўйинлардан кўзланган мақсад иккитадир. Биринчидан, улар одамларни ҳаётда учрайдиган вазиятлар билан таништиради. Иккинчидан, улар одамларга ноаниқликлар ва ихтилофлар билан курашиш малакасини ҳосил қилиш имконини беради.

Ходимни танлаш. Машқлар асосида шу нарса аниқландики, баъзи одамлар бошқаларга нисбатан ихтилофлар ва ноаниқликлар билан курашиш қобилиятига эга бўлади. Инсонни танлашдан мақсад маълум лавозимларга лойик одамларни тайинлашдан иборатдир. Шундай қилиб, иккита хулоса келиб чиқади. Биринчидан, ташкилотлар ролга хос ихтилофлардан, ноаниқликлардан, қайта тақсимлашдан қочиши керак, чунки улар маънавият даражасининг пасайиши ва иш унумдорлигининг сусайиши каби муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Иккинчидан, ташкилотлар мазкур муаммоларни аниқлаб, уларни ҳал этиш усулларини топиши мумкин.

Меъёрлар. Исталган гурӯҳда, ҳатто қисқа вақт давомида фаолият кўрсатадиган гурӯҳда ҳам гурӯҳ аъзоларининг хулқ-атворига оид баъзи қонуниятлар кўзга ташланади. Бу қонуниятлар меъёрлар деб номланади. Меъёрлар барча гурӯҳ аъзолари томонидан тан олинган хулқ-атворга хос тасаввурларни ифодалайди. Меъёрлар билан ролларнинг фарқи шундаки, роллар одамларни ажратади, уларни бир-биридан фарқли равишда ҳаракат қилишга мажбур қиласиди, меъёрлар эса, аксинча, гурӯҳ аъзоларининг бир хил ҳаракат қилаётганини кўрсатган ҳолда уларни бирлаштиради.

Меъёрларнинг хусусиятлари ва тавсифи. Меъёрларни белгилашда уларга хос иккита хусусият берилган. Биринчидан, меъёрлар қандай хулқ-атвор талабга жавоб бериши ҳақидаги аниқ тасаввурларни ўз ичига олади. Иккинчидан, гурӯҳ аъзоларининг мазкур тасаввурлар ҳақидаги ўзига хос келишувлари мавжуддир.

Бу икки хусусиятдан ташқари яна меъёрларга хос бир неча сифатларни кўрсатиш мумкин. Улардан бири шундан иборатки, меъёрлар, асосан, муқаррарлик жиҳатларини ўз ичига олади, яъни маълум бир инсоннинг ўзини қандай тутиши “лозимлигини” кўрсатади. Иккинчидан, меъёрлар аниқ-равshan бўлиб, уларни кишилар яхши фарқлайдилар. Учинчидан, меъёрларни гурух аъзоларининг ўзи ҳаётга жорий этади, иш жойидаги хулқ-автор шакллари ташкилот томонидан белгиланади ва назорат қилинади. Меъёрларнинг гурух томонидан қабул қилиниш даражаси гурухларда турлича бўлади, меъёрдан четга чиқиши ҳоллари ҳам бўлиши мумкин.

Меъёрлар тузилиши. Юқорида келтирилган меъёрга хос сўнгги хусусиятни кенгроқ тушунтириш лозим. Шуни таъкидлаш лозимки, меъёрларда маълум маънода тарқоқлик мавжуд (яъни меъёрлар хулқ-авторга доир параметрларни эмас, балки йўл қўйилиши мумкин бўлган қиймат чегарасини белгилайди). Иккинчи жиҳат эса шундан иборатки, турли меъёрлар (масалан, ишга келиш-кетиши вақти, иш вақти) барча гурух аъзолари учун бир хил аҳамиятга эга эмас.

Бундай гурухларни таҳлил қилиш усули ижтимоий меъёрлар тузилмасини очиб бериш учун хизмат қиласди. Хусусан, у куйидагиларни аниқлаш имконини беради:

1) Гурух энг қулай деб ҳисоблаган хулқ-автор; 2) Хулқ-авторга оид йўл қўйиладиган фарқ; 3) Махсус иш кийимида оид муносабат; 4) Гурух аъзолари ўртасидаги консенсус ёки уларнинг иттифоқлиги.

Меъёрлар тақомиллашуви. Одатда меъёрлар узоқ вақт давомида, астасекинлик билан ривожланади, баъзан эса тезда қарор топиши мумкин. Фелдман (Фелдман, 1984) фикрига кўра, меъёрлар қуйидаги тўрт усулдан бири асосида ривожланади. Биринчи усул гурух аъзолари томонидан тан олинган, аниқ-равshan фикрлар асосида ривожланишдир. Меъёрлар гурух фаолиятидаги жиддий ўзгаришлар натижасида ҳам юзага келиши мумкин. Фелдманнинг фикрича, меъёрлар ривожининг учинчи усули бу биринчиликдир. Биринчилик шундан иборатки, гурух хулқ-авторида юзага келган биринчи намуна (шаблон) кўпинча меъёрга айланади. Ва ниҳоят, меъёрлар аввал юзага келган вазиятлар асосида вужудга келиши мумкин. Масалан, бир бўлимдан иккинчи бўлимга ўтказилган гурух мазкур гурухга хос бўлган эски меъёрларни сақлаб қолади, гарчи уларга энди амал қилиш қийин бўлса ҳам.

Меъёрларни ҳаётга тадбиқ этиши. Юқорида айтиб ўтилганидек, меъёрларни ташкилот эмас, балки гурухлар ҳаётга жорий этади. Гурух аъзолари учун фойдали бўлмаган меъёрларни гурух аъзоларининг ҳаётга тадбиқ этиши эҳтимолдан узоқдир. Меъёрлар қўл келадиган соҳалардан бири бу гурухларда юзага келадиган шахслараро муаммоларга йўл қўймаслик борасидаги ёрдамдир. Ва ниҳоят, меъёрлар гурухнинг асосий қадриятларини ифодаласа ва гурухга хос хусусиятларни белгиласа, улар ҳаётга жорий этилади ҳамда фойдали бўлади.

Гурух амалга ошираётган вазифалар меъёрлар нима учун жорий этилаётганини тушуниш имконини беради, лекин улар қандай амалга оширилаётгани ҳақида маълумот бермайди. Меъёрлар асосан, гурух аъзоларининг уларни ўзлаштириб олиши ҳамда гурух аъзолари томонидан йўл

қўйилган хатолар асосида хulosса чиқариши ёрдамида, рағбатлантириш ёки жазо чоралари асосида (воситали таълим) қабул қилинади. Инсонни ҳатти-ҳаракатлари учун рағбатлантириш (маълум хулқ-автор усулини такрорлаш эҳтимоллигини оширувчи воқеалар) ёки жазолаш (маълум хулқ-автор усулини такрорлаш эҳтимолини пасайтирувчи воқеалар) натижасида воситали таълим вужудга келади. Ўзгалар йўл қўйган хатолар асосида хulosса чиқариш бошқаларнинг рағбатлантирилишини ёки жазоланишини кузатиш асосида юзага келади. Масалан, Сизни мақташлари, жамоатчилик машғулотларидан бирига (сокиал активитиэс) ёки бирон вазифага жалб этишлари, сизнинг намунали иш фаолиятингиз ҳақида бошқаларга айтишлари мумкин. Шу билан бирга турли усуллар ёрдамида Сизни жазолашлари ҳам мумкин. Жазо чораси турли шаклда бўлиши мумкин: нигоҳ ташлаш, истехзоли шарх, жамоат олдида айблаш. Шахсни қувғинга солиш ёки яккалатиб қўйиш мумкин. Бошқалар билан бир хил “қадам ташлашни” истамайдиган шахс пайдо бўлганда, аввало шахснинг ҳатти-ҳаракати хато эканлигига ишонтиришга ҳаракат қилинади. Атрофдагилар унинг фикрини ўзгартириш учун кўпроқ мулоқот юритадилар. Вақт ўтган сари ўзаро мулоқот тез-тез амалга оширилади, очиқласига гаплашишга ўтилади. Меъёр қанчалик аниқ ва муҳим аҳамиятга эга бўлса, ундан четга чиққан шахс ўз хулқ-авторини ўзгартириши лозим ёки жуда қизиқ ҳолатлар юзага келиши мумкин. Меъёрдан четга чиққан шахс гуруҳ томонидан четга чиқариб қўйилса ҳам, у гуруҳ олдига қўйилган вазифани бажаришда керак бўлиши мумкин. Агар бу шахсни бошқа одам билан алмаштириш мумкин бўлмаса, унга нисбатан маълум маънода келишув ишлаб чиқлади, у гуруҳ фаолиятининг бошқа барча турларидан четлаштирилади.

Меъёрларга содиқлик. Гурухлар ўз талабларига бўйсунишни талаб этадилар, лекин гуруҳ аъзолари меъёрларнинг аксариятига хеч қандай зўрлашларсиз ҳам амал қиласидилар. Соломон Эш (Соломон Асч, 1955) ўтказган синовларда шу нарса маълум бўлдики: гуруҳ аъзоларининг аксарият қисми, гарчи уларнинг фикри нотўғри бўлса ҳам, якка бир шахснинг фикрини ўзига бўйсундира олади. Меъёрларга содиқлик гуруҳ аъзолари, топшириқ тавсифлари каби омилларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Топшириқ тавсифи. Тадқиқ этилаёттган хулқ-автор топшириқка боғлиқ бўлса, топшириқнинг икки маънолилиги меъёрларга содиқлик масаласига таъсир қўрсатиши мумкин. Тадқиқотларнинг қўрсатишича, топшириқ икки маъноли бўлса, меъёрларга содиқлик даражаси шунчалик юқори бўлади ёки тўғри “қарор” топиш мумкин бўлмаган муаммолар учун содиқлик даражаси юқори бўлади.

Гуруҳ тавсифи. Эш тадқиқотларининг энг муҳим натижаларидан бири шундан иборатки, гуруҳ яқдиллиги меъёрларга содиқликнинг қанчалик намоён бўлиши билан узвий алоқадор. Хусусан, гуруҳ аъзоларининг барчаси консенсусни қўллаб-қувватламаган вақтда, якка шахслар гуруҳ консенсусига камроқ содиқ бўладилар.

Гуруҳ ҳажми ҳам меъёрларга содиқлик масаласига таъсир қўрсатади. Асосан, гуруҳ ҳажми ўсган сари унинг меъёрларга содиқлиги ҳам ошади. Лекин гурухнинг ҳар бир қўшимча аъзоси меъёрларга содиқлик анъанасига камроқ

ҳисса қўшади, яъни бу ҳолда меъёрларга содиқлик кундан- кунга камроқ намоён бўлаётгани ҳақида гапириш мумкин. Ва ниҳоят, гуруҳ аъзолари бирдам бўлганда, меъёрларга содиқлик яхши жипслашмаган гуруҳларга нисбатан юқорироқ бўлади.

Гуруҳ аъзоларининг индивидуал тавсифи. Крачфилд (Крутчиэлд, 1955) томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг қўрсатишича, гуруҳ меъёрларига содиқлик масаласига нисбатан салбий тобелик ақл-заковат, чидамлилик, худбинлик туфайли учраши мумкин. Ижобий тобелик содиқлик, кўр-кўрони, сўзсиз бўйсуниш ва шафқацизлик орасида бўлиши аниқланган.

Содиқлик натижаси. Меъёрларга содиқлик ҳам ижобий, ҳам салбий натижаларга эга бўлиши мумкин. Аввал таъкидланганидек, меъёрлар гуруҳларга маълум бир фойда келтиради, демак, гуруҳларга содиқлик қанчалик юқори бўлса, бу гуруҳлар учун шунчалик яхшидир. Якка шахслар учун гуруҳ меъёрларига содиқликдан кўриладиган фойда шундан иборатки, меъёрларга юқори даражада содиқ бўлган одамларнинг ҳатти-ҳаракатлари жуда ўхшаш бўлади, натижада гуруҳ жипслиги ошади (лекин салбий жиҳатлар ҳам бўлиши мумкин, масалан, меъёрларга жуда қаттиқ риоя қиласидиган одам комформист деган ном чиқариши мумкин). Ва ниҳоят, ташкилий жиҳатдан қараганда, меъёрларга содиқлик ҳам яхши, ҳам ёмон бўлиши мумкин. Бу меъёрга, унинг ташкилот мақсадига қанчалик мувофиқлигига боғлиқ бўлади.

Гуруҳий меъёрлардан четга чиқши. Гуруҳ меъёрлари гуруҳга ҳам, унинг аъзоларига ҳам фойда келтиришини тан олган ҳолда, нима учун гуруҳ аъзолари ҳамма тан олган хулқ-атвор меъёрларидан четга чиқадилар, аксарият гуруҳ аъзолари билан “бирга қадам ташлашни” истамайдилар? Бунда икки жиҳатни кўрсатиш лозим.

Биринчидан, гуруҳ меъёрларидан четга чиқишимизнинг асосий сабаби шуки, меъёрлар биз тегишли бўлган гуруҳлар билан ёки биз яқдил деб ҳисоблаган гуруҳлар билан ихтилофга киришади. Мазкур гуруҳлар намунавий гуруҳлар (референке) деб номланади.

Иккинчидан, гуруҳлар амалга оширадиган баъзи ишлар гуруҳ аъзоларининг меъёрлардан четга чиқувчи хулқ-атворларини рағбатлантиради. Гуруҳ аъзоларининг бузғунчи шахсга нисбатан чидамлилиги унинг гуруҳ олдидаги аввалги хизматларига боғлиқ бўлади. Тадқиқотлардан шу нарса аёнки, гуруҳда катта ишончга сазовор бўлган якка шахснинг хулқ-атвори меъёрлардан четга чиқиши мумкин, бу ўз навбатида жазога лойиқ бўлмайди, аксинча, гуруҳ аъзоларининг қолганлари ҳам худди шундай ҳатти-ҳаракат қила бошлайди.

Меъёрлар ва ташкилий маданият. Ташкилий маданият уюшган (корпоратив) маданият деб ҳам юритилади. У фактат айрим гуруҳлар томонидангина эмас, балки бутун ташкилот томонидан тан олинган меъёрлар ва қадриятлар тизимиdir. Ташкилий маданиятнинг муассаса фаолиятига таъсири мазкур муассаса атрофидаги муҳитга боғлиқ бўлади.

Статус (ҳукуқий ҳолат). Ҳукуқий ҳолат шахсий даражага, қадриятга ёки гуруҳдаги, ташкилотдаги, жамиятдаги нуфузга тегишли бўлади. Ҳукуқий ҳолат

гурухнинг иерархик тузилмасини акс эттиради ва роллар турли машғулотларни ажратганидек, вертикал табақаланиш яратади. Бу кутилаётган натижадир.

Хуқуқий ҳолат тавсифи. Роллар, меъёрлар каби хуқуқий ҳолат ҳар бир ташкилий муҳитнинг ичида ва ташқарисида мавжуд бўлади. Биз уни кенг таҳлил даражасида ижтимоий хуқуқий ҳолат деб атаймиз. Одамлар ҳуқуқий ҳолатига кўра бўлингандা ижтимоий синфларга эга бўламиз.

Ижтимоий даражадан ташқари, яна хуқуқий ҳолатга кўра одамларни бўлишнинг ишчи даражаси мавжуддир. Касбий нуфуз бирор касбга доир нисбий хуқуқий ҳолатдир.

Бобнинг қисқача холосаси

Ўзаро мулоқотнинг каттагина қисми кичик гурухлар таркибида юзага келади. Кичик гурух икки ёки ундан ортиқ шахсдан иборат жамоа бўлиб, ўзаро ҳамкорлик натижасида улар бир-бирларига таъсир ўтказадилар. Кичик гурухлар, одатда уч кишидан саккиз кишигача бўлади, ўн беш ёки йигирма кишидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Лекин йигирма кишидан ортиқ гурухлар кичик гурух ҳисобланмайди. Бунга сабаб шуки, йигирмадан ортиқ киши ўзаро ҳамкорлик қилганда, кичик гурухларнинг айрим хусусиятлари, яъни бевосита (юзма-юз) мулоқот қилиш камроқ намоён бўлади. Кичик гурухлар, одатда, айнан бир жойнинг ўзида фаолият кўрсатади. Гарчи гурухнинг айрим аъзолари унинг бошқа аъзолари томонидан яхлит бирлик сифатида баҳоланса ҳам, гурухда вазифалар аниқ белгиланган бўлади. Ниҳоят, гурух ўзгарувчан ташқи муҳитга маълум даражада мослашиш имкониятига эга.

Таянч иборалар:

Шахс гурух, кичик ва катта гурухлар, расмий ва норасмий гурухлар, гурухларни шакллантириш, такомиллашуви, гурух динамикаси, роли.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Гурух ва уни аниқловчи омиллар?
2. Расмий ва норасмий гурухлар тушунчаси?
3. Норасмий етакчи қандай ҳислатларга эга бўлиш керак?
4. Гурухни бошқариш усувлари?

Асосий адабиётлар

1. Кочеткова А.И. Введение в организационное поведение и организационное моделирование. Учебное пособие. М.: Дело. 2007.
2. Л.В.Карташова, Т.В.Никонова, Т.О.Соломанидина. Организационное поведение. Учебник. М.: ИНФРА-М. 2003.
3. Джон В. Ньюстром, Кейт Дэвис. Организационное поведение. Поведение человека на рабочем месте. СПб. 2000.

7 - БОБ. ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ИЖТИМОЙ-РУХИЙ ИҚЛИМ

7.1. Ходимлар билан муносабатни қандай қурмок қерак

Иш жойидаги муаммолар ишнинг сифаиз бажарилиши, хизматчининг шахсий ҳислатлари ёки уларнинг маданий даражаси асосида юзага келиши мумкин. Биринчи ҳол ходим шахсияти муаммолари билан боғлиқ бўлиши

мумкин. Бу номуносиб иш вазиятини юзага келтириши мумкин (масалан, у ишни яхши бажарсада, ҳамкаслари билан ёмон муносабатда бўлиши мумкин). Иккинчи ҳолда, ходимнинг ўзи хушфеъл шахс бўлсада, бажарилувчи ишнинг сифати паст ёки ўз вақтида бажарилмаслиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Раҳбар муаммонинг ходим шахсияти ёки бажарилувчи иш билан боғлиқлигини аниқлаши зарур.

Шахсиятчилик муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш энг қийин масалалардан ҳисобланади. Баъзан фуқаронинг мураккаб шахс эканлиги ишнинг сифатига таъсир кўрсатади. Шахсиятчилик муаммолари ноқулай ва стрессли вазиятни туғдириб, ҳамкасларининг ишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалани ҳал қилиш учун Сиз ўзингизга "ходимлар ҳақиқатан ҳам бундан яхшироқ ишлай олмайдиларми ёки ишни яхши бажаришни хоҳламаяптиларми?" деган саволга жавоб бериш зарур. Бунинг учун улар билан гаплашиш, масалани муҳокама қилиш ва яхши ишлаш учун уларга нима ҳалал берадиганини аниқлаш зарур.

Шуни ёдда тутингки, ҳар бир инсон ўзгача ва у худди Сиз хоҳлагандек бўла олмайди. Сизнинг бошлиқ сифатидаги вазифангиз ходимингизнинг хулқи, феъл-авторини ҳисобга ола билишdir.

Ходимингизда оилавий муаммолар бўлиши (масалан, ўз жуфти билан ҳафалашиб қолган, ёки боласи бетоб бўлиб қолган ва хоказо) ва шунинг учун у яхши ишлай олмаётган бўлиши мумкин. Статистика бўйича, ходимларнинг ярмига яқини ўз ҳаётида турмуш ўртоғи билан расмий ажрашиш вазиятига дуч келади. Бу стресс давридир ва бошлиқ ходимга ёрдам бериши, яъни хуқуқшуносга учрашиш ёки судлашиш учун вақт ажратиши зарур. Камдан кам кишиларгина шахсий муаммолардан қутулиб, бутун эътиборини ишга қаратади.

Аммо ўзи яхши ходим бўла туриб, муомаласи қийин, бошлиқ билан тортишувчи хизматчилар ҳам йўқ эмас. Бошлиқ сифатида Сиз нима қилишингиз керак? Одатда бундай кишилар гап кўтармас, ўпкаловчи бўлмайдилар. Сиз улар билан кўпроқ сухбатлашиб, ҳар қандай ёрдамга тайёр эканлигинизни, шунингдек унинг қобилиятига, имкониятларига ишонишингизни билдириб қўйинг.

7.2. Ташкилотдаги келишмовчиликлар ва уларнинг ҳал этилиши

Яна бир муҳим масала - бу келишмовчиликларни бартараф қилишdir. Келишмовчиликларнинг Сиз учратишингиз мумкин бўлган тўрт хили мавжуд.

- 1) ўз атрофингиздаги ёки ички келишмовчилик;
- 2) Сиз ва ходимингиз ўртасидаги келишмовчилик;
- 3) Сиз ва бошлиғингиз орасидаги келишмовчилик;
- 4) ходимларингиз ичидаги келишмовчилик.

Ички келишмовчилик. Сиз ҳаёtingиз билан касбингиз орасидаги ёки шахсиятингиз ва ташкилотингиз олдига қўйган мақсадлар орасидаги келишмовчиликлар билан тўқнашишингиз мумкин. Бошлиқ бўлиб, янги

мажбуриятларга дуч келиш натижасида оилангиз ишларини бажариш муракаблашиб кеңагина буни пайқаб қолишингиз мүмкін.

Ишингизга қанча қуч сарфлайсиз? Кечқурун ёки дам олиш куни бажариш мақсадида уйга иш олиб кетасизми? Билингки, бунинг ҳаммаси Сизнинг шахсий ҳаётингиз ҳисобига бажарилади. Сизга, бошловчи раҳбар сифатида иш вақтини узайтириш, шахсий вақтни қисқартириш зарур бўлади. Агар бу ҳол вақтинча бўлиб, оилангиз бундан хабардор бўлса, балки бундай вазиятни Сиз келишмовчиликлариз енгиб ўта оларсиз, лекин агар бу ахвол сурункали тусга эга бўлса, шундай кун келадики, Сизда ҳеч қандай шахсий ҳаёт йўқ, ва оилангиз ўсиб, Сизни ташлаб кетган, ё кутишдан чарчаган эканлигини ҳис этасиз.

Сиз ва ходимларингиз ўртасидаги келишмовчилик. Сиз ва сизга қарам кишилар ўртасидаги нохушликлардан қандай қутулиш керак? Сиз меҳнат унумдорлиги борасида кимга таянишингиз керак, чунки қандайдир маънода Сиз ҳам ўз жамоангизга қарамсизку?

Биринчидан, бу ахволга нима олиб келганлигини аниқлашингиз керак; иккинчидан, Сиз енгиб ўтиш зарур бўлган тўсиқларни кўриб, идрок этиб чиқишингиз керак; учинчидан, келишмовчиликни ижобий ҳал қилиш учун қандай имкониятларга эга эканлигинизни ўрганишингиз; тўртинчидан, келишмовчиликнинг ҳал қилиниши ёки қилинмаслигини, унинг натижаларини олдиндан кўра билишингиз керак.

Сиз ва бошлиғингиз орасидаги келишмовчилик. Бу ҳолда Сиз бошлиғингиз билан ўрин алмашиб, аниқроғи, ўзингизни унинг ўрнига қўйиб қўришингиз керак. Сиз бошлиғингиз сиздан қандайдир нореал нарсани кутяпти ёки у Сизга зарур манбаларни топишга кўмаклашишни хаёлига ҳам келтираётгани йўқ деб ўйлайсиз. Бошлиқнинг Сиздан жаҳли чиқкан, Сиз ҳафасиз, нима қилмоқ керак? Рўй бериши мумкин бўлган келишмовчиликни камайтириш йўллари бор. Бошлиғингизнинг иш услубини таҳлил қилиб қўринг. Сизнинг ва бошлиғингизнинг иш услуби ўзаро мувофиқ бўлиши жуда мухим. Масалан, агар бошлиғингиз жаҳлдор бўлса, унга мос келадиган Сизнинг услубингиз тинч ва хотиржамлик бўлади ва хоказо.

Ўзаро муносабатни тиклаш қанчалик бошлиғингизнинг вазифаси бўлса, у шунчалик сизнинг ҳам вазифангиздир. Бошлиғингизнинг иш соҳасидаги мавжуд муаммоларини тушунишингиз керак ва Сиздан кутилаётган талабнинг қайсиларини қондиришингиз шартлигини билиб олишингиз керак. Бошлиқ бўлиш ота-она бўлиш билан баравардир. Бу маҳорат ва санъат - бу ўқитувчи, раҳбар, устоз бўлишга тайёр туриш демакдир.

Ходимларингиз орасидаги келишмовчилик. Жамоада ходимларингиз унумли ишлашлари учун шароит ва Сиз иш унумдорлиги вазифаларини ҳал этишингиз учун имконият бўлиши, ходимлар Сизнинг ишингиздан қониқдан бўлиши, яъни юқори даражада кадрлар қўнимсизлиги ёки ходимларингиз ичida норозилик аломатлари бўлмаслиги лозим. Бунга Сиз ходимларингиз келишмовчиликларини билган ҳолда, улар билан бемалол гаплаша оладиган, муаммо пайдо бўлганда, улар орасида воситачи бўла оладиган ҳолдагина эришишингиз мумкин. Кўл остингиздаги кишилар Сиз билан гаплаша

олишлари учун, уларни доим диққат билан эшитишингиз, ҳатто кичик шикоятларни ҳам жуда жиддий қабул қилишингиз, улар учун қулай бўлишингиз, ғамхўр ва ҳамташвиш эканлигингизни кўрсата билишингиз керак.

Муаммони ҳали бошқа ходимлар аралашмасдан, бошланган ондаёк ҳал қилиш яхшидир. Масалан, икки ходимингиз ўзаро ҳазиллашиб юрган бўлсалар, Сиз ҳазилнинг дўстона, ярми ҳазил ярми чин, сўз ўйини ёки қўпол ва аламлилигига эътибор беришингиз керак. Кейинги ҳолда, сиз улар орасида воситачи бўлишингизга тўғри келади.

Ҳамма келишмовчиликлар ҳам албатта ёмон эмас, баъзан турли нуқтаи назарни билиш фойдалидир. Фақат бу ҳолда у келишмовчилик эмас, кўпроқ мунозарадир. Келишмовчилик юз берганда албатта икки томоннинг шикоятларини шахсий сухбатда тинглашингиз керак. Бахсчиларга тортишувни одоб ва сиполик билан олиб боришга ҳаракат қилиш кераклигини тушунтиринг. Сизга муомала қоидаларини ўрнатишнинг киши билмас ҳуқуки берилган. Сиз риоя қилишингиз керак бўлган қоидалар: ҳеч қандай ранжитувчи лақаблар, бирга ишлашдан бош тортишлар ва ҳеч қандай шароитда ҳеч қанақа зўрлашлар. Ҳали ким айборлиги маълум эмас экан, Сиз ўзингиз ҳеч кимнинг тарафини олмаслигингиз керак. Эсда туting: агар баҳс жанжалсиз ҳал бўлмаса, Сиз уни ҳал қиласидиган тўғри муомала тарзини ўрнатишнинг лозим. Сиз келишмовчиликларни ҳал қиласидиган шахсан ўзингизнинг услубингизни аниқлаб олишингиз муҳим, чунки Сиз унга тез-тез мурожаат қилиб турасиз. Нима қилишингиздан қатъий назар, баъзан қулай чораларни қўришингиз жоиз. Аниқ келишмовчилик вазиятида Сиз учун одатланилмаган муомала талаб этилиши мумкин. Баъзан баҳс аралашишга арзимайди ва сиз четга чиқиб турасиз, баъзан Сиз ўз фикрингизда қатъий туриб, тўғридан-тўғри карама-қаршиликка жазм қиласиз. Кишиларни келишишга мажбур қилиш осон эмас, шунинг учун Сиз муроса йўлини қидиришингиз мумкин. Вазиятни, унинг мумкин оқибатларини ўрганинг ва шундан кейингина амалга ўтинг. Раҳбарнинг вазифалари ичida энг мураккаби келишмовчиликларни ҳал қилишдир.

Раҳбарлар учун энг мураккаб ва ёқимсиз бўлган вазифа, яъни ходимлар ишини баҳолашдир. Ходимингизга баҳо беришдан аввал унинг бу масалага муносабатини тушунишга ҳаракат қилиб кўринг.

Кўп раҳбарларга ходимларига нисбатан ўз фикрини билдириш ёқмайди. Бу айниқса ходим раҳбарга яқин киши бўлган (масалан, дўсти) ҳолларда мураккаблашади. Бошқаларни танқид қилиш ёқимсиз, чунки ёмон кўриниб қолинади. Кўп раҳбарлар ходимларини ўта мақтаб юборишдан чўчийдилар. Буларнинг ҳаммаси бошқалар ишини баҳолашнинг ёқимсизлигига сабаблардир. Аммо эсда туting, ходимларнинг ишини яхшилаш раҳбарнинг вазифаси. Бу уларнинг ишини доимий равишда баҳолаб туришни талаб этади. Сиз ўз гапингизни таҳминан шундай бошланг: "Биламанки, ҳозир Сиз эшитадиган гап таъбингизни хира қиласиди, ҳатто дилингизни оғритиши ҳам мумкин. Аммо менинг бундай мақсадим йўқ. Мен факат ишни бажаришингизга ёрдам бермоқчиман." Ходимларингизни хафа қилмай ва ранжитмай уларга таъсир қилишнинг бир неча қоидалари бор.

1. Гапни сұхбатдошингизни мақташ ва унинг афзалликларини самимий тан олишдан бошланг.

2. Бошқаларнинг хатосига эътиборни түғридан түғри әмас, бошқа бир восита орқали, яъни билвосита қаратинг.

3. Аввал ўз хатоларингиз ҳақида гапириб, кейин сұхбатдошингизни танқид қилишга ўтинг.

4. Буюриш ўрнига сұхбатдошингизга саволлар беринг.

5. Кишиларга ўз обрўсини саклашга имкон беринг.

6. Сұхбатда одамларнинг жуда кичик ютуқларини ҳам маъқуллашни унутманг ва уларнинг ҳар бир муваффақияти ҳақида түхталиб ўтинг.

7. Одамлар учун шундай яхши обрў-еътибор яратингки, улар буни оқлашга астойдил ҳаракат қиласинлар.

8. Мукофотлашга мурожаат этинг. Сиз тузатмоқчи бўлган ҳатонинг осон тузатилиши ҳақида таассурот ҳосил қилинг. Шундай қилингки, уларга қўяётган талабингиз қийин туолмасин.

9. Сиз таклиф қилаётган ишни бажаришга уларнинг хурсандлик билан киришишларига ҳаракат қилинг.

Бу қоидаларни ёдда тутинг. Улар ҳақиқатан ҳам Сизга ўз фаолиятингизда ёрдам бериши мумкин.

Иш фаолиятини муҳокама қилишнинг бир неча асосий босқичлари мавжуд: муносабатни аниқлаш, вазифани баҳолаш, ахборот, режалаштириш ва шарҳни тугаллаш босқичлари.

Муносабатни аниқлаш пайтида ходимингизга ўзини енгил ва эркин ҳис қилишга ёрдам беринг. Баҳолаш мақсадларини тушунтиринг.

Вазифани баҳолаш пайтида Сиз хизматчингиз билан лавозим йўриқномасни муҳокама қилиб, унинг тўғрилиги ҳақида умумий фикр ҳосил қилишингиз керак. Ходим олдига қўйилган олдинги галдаги мақсад ва вазифани, унинг бажарилиш натижасини баҳоланг. Бу босқичда гап бажарилган иш, унинг сифати ва бажариш вақти ҳақида кетади.

Ахборот босқичи вақтида Сиз ҳамма мавжуд маълумотларни баҳолашингиз керак. Ходимингиз ўз олдига қўйилган ҳамма вазифани бажардими? Фақат натижаларнигина әмас, бажариш учун қилган ҳаракатларини ҳам баҳоланг. Уни яхши иш учун мақтаб қўйинг. Кўпинча шарҳ ва баҳолаш жараёни раҳбарнинг тўғри ва очиқ гапира олмаслиги, умумий тенденциялар билан чекланиб, тафсилотлар ҳақида гапира олмаслиги учун мағлубиятга учрайди. Камчиликларни кўрсатиш, келишувга эришиш, келгусида хатога йўл қўймаслик йўлларини топиш лозим. Айниқса, ходимнинг кучли томонларини, унинг билими ва маҳоратларини таъкидлаб ўтиш керак.

Агар шарҳлаш тўғри ўтказилса, режалаштириш босқичида Сиз вазифа бажарилганми йўқми, ишни қандай яхшилаш кераклигини муҳокама қилишга ўтасиз. Шарҳни тугаллаш босқичида Сиз ходимингиз умумий фаолиятининг якунини чиқарасиз. Сиз баҳолашни худди сұхбатдек тугаллашингиз мумкин. Ходимдан унинг фаолиятини кўриб чиқиш қандай ўтганлигини сўраб қўйинг. Ўзингизнинг олган ҳиссиётингиз ҳақида ўртоқлашинг. Ходимингиз фаолиятини

баҳолашни албатта бошлиғингиз билан, у Сизга мадад бериб туриши учун муҳокама қилинг.

Машқ

Ушбу машқ Сизга ходимингиз фаолиятини ўрганиш ва баҳолашга тайёрланишга ёрдам беради. Сиз учрашувни қуидагича режалаштиришингиз керак.

1. Ходимингизнинг лавозим йўриқномасини ўрганинг, унга кейин муҳокама қилиш учун зарур ўзгартиришлар киритинг.
2. Ходимингиз ҳақида бор маълумотлар рўйхатини тузинг.
3. Маълумот манбанин кўрсатган ҳолда ходим ҳақида субъектив маълумотлар рўйхатини тузинг.
4. Ходим фаолиятига нисбатан ўз муносабатингизни аниқланг.
5. Аниқлашда хато килмаслик учун ходим шахсиятига нисбатан ўз хиссиётингизни ёзма ҳолда кўриб чиқинг.
6. Муҳокама қилиш учун масалалар рўйхатини тузинг.
7. Фаолиятни шарҳлаш якуни бўйича ўз ишонч фикрингизни ёзиб кўйинг.
8. Ходимнинг кучли томонларини бирма-бир ҳисоблаб, улардан нима мақсадларда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб чиқинг.
9. Ходимнинг камчиликларини кўрсатиб, уларнинг қайси вазиятларда намоён бўлишини рўйхатга олиб кўйинг.
- 10.Ишни яхшилаш чораларини бирма-бир номлаб чиқинг.
- 11.Сифат ва миқдор кўрсаткичлари кўринишида ўзингизнинг ижроига кўядиган талабларингиз рўйхатини тузинг.
12. Ходим фаолиятини яхшилаш борасида сизнинг иштирокингиз қандай бўлишини аниқланг.

7.3. Мотивлаштириш - меҳнат унумдорлигини ошириш гарови

Мотивация (қизиқиш, қизиқтириш) - меҳнат унумдорлигини ошириш усулидир. Мотивация - бу кишида ишни сиз хоҳлаган йўсинда бажариш истагини шакллантиришга эришиш маҳоратидир. Мотивациянинг уч томони мавжуд: иш, ходимлар ва раҳбар.

1. Иш маълум аҳамиятга эга ва руҳан қониқтирувчи, шунингдек, умумий ишлаб чиқариш жараёнида муҳим ўрин тутади деб қаралиши керак.
2. Ходимлар чиқарилаётган маҳсулот учун жавобгарликнинг маълум қисмини ўз зиммасида эканлигини яхши англашлари, яъни уларда маълум даражада масъулият ҳисси бўлиши керак. Иш жойи ортиқча стрессли вазиятлардан холи, ёқимли бўлиши керак.
3. Раҳбар ходимларини яхши иши учун қадрлаши ва мукофотлаши, ишнинг сифати ва бажарилиш тезлиги бўйича таклифлар киритиши керак. Ходимларингизнинг ҳар бири учун нима энг яхши мукофот эканлигини билиб олинг. Ходимлар мотивацияси - бу раҳбар учун энг қийин ва энг муҳим вазифадир.

Одамларни нима билан қизиқтириш мумкин. Биринчидан, келинг мотивацияни уч тоифага бўлиб оламиз.

1. Ходимлар ва мотивация.

2. Мотивация ва раҳбар.

3. Ходим ҳамкаслари ва мотивация.

Ходимларни унумли ишлашга ундовчи тўртта сабаб бор:

а) иш қутилаётган натижага эришиш воситаси ҳисобланиши керак, масалан юкори лавозимга қўтарилиш, маошнинг ортиши ва хоказо;

б) иш - мажбуриятнинг бажарилиши, иложи борича яхши ишлашингиз зарурлигига ишонч воситаси; бажарилган ишга ижобий муносабат одатда оиласда, мактабда, маданий анъаналарда уқтирилувчи этикага асосланади;

в) ишларнинг бажарилиши Сизга мақсаддага эришиш, қониқиш ҳиссини беради;

г) иш - бу янги қобилият ва маҳоратлар орттириш, уларни такомиллаштириш, янги билимлар олиш, янги чўққиларга қўтарилиш усули.

Ана шу тўрт сабабнинг ҳар қайсиси мотивация бўлиб хизмат қилиши мумкин - натижага эришиш воситаси, мажбуриятларнинг бажарилиши, қониқиш ёки янги маҳоратлар орттириш.

Қайд этилганидек, мотивациянинг иккинчи хили - бу раҳбар билан муносабат мотивацияси. Бошлиғингиз Сизни ишга сизда уни хурсанд қилиш иштиёқи борлиги билан ёки қўрқитиш билан жалб қилиши мумкин. Бошлиққа ёқиши учун Сиз ишни яхши бажаришга интиласиз. Шунингдек, мукофот албатта моддий бўлиши шарт эмас. Бу мактov, тан олиш, маъкуллаш бўлиши ҳам мумкин.

Учинчидан, мотивация ҳамкасларнинг билан боғлик. Тадқиқотлар кўрсатишича, ўз иши билан ғурурланувчи ёки боадаб иш гурухлари унумдорроқ ва шундай гурух аъзолари бажарилган ишдан кўп қониқиш оладилар. Шундай қилиб, хизматчи учун ҳамкаслар томонидан таъсир мотивацияси жуда кучли. Бу шунингдек, мусобақа, аниқ шахсни ёки гурухни қувиб ўтишга интилиш. Албатта тан олиш керакки, агар ишчи мотивацияга эга бўлмаса, бу доим ҳам раҳбарнинг айби эмас. Баъзи одамларга умуман ўргатиш мумкин эмас ва нима қилинишидан қатъий назар, улар мотивацияга берилмайдилар. Кўпчилик ҳақида гапирадиган бўлсак, албатта бу раҳбарга боғлик, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадларига эришиш, уччала тоифа мотивацияни бирга ҳисобга олиш унинг қўлидан келишига боғлик.

Бобнинг қисқача хулосаси

Иш жойидаги муаммолар ишнинг сифаиз бажарилиши, хизматчининг шахсий ҳислатлари ёки уларнинг маданий даражаси асосида юзага келиши мумкин. Биринчи ҳол ходим шахсияти муаммолари билан боғлик бўлиши мумкин. Бу номуносиб иш вазиятини юзага келтириши мумкин. Иккинчи ҳолда, ходимнинг ўзи хушфеъл шахс бўлсада, бажарилувчи ишнинг сифати паст ёки ўз вақтида бажарилмаслиги билан боғлик бўлиши мумкин. Раҳбар муаммонинг ходим шахсияти ёки бажарилувчи иш билан боғлиқлигини аниқлаши зарур.

Яна бир муҳим масала - бу келишмовчиликларни бартараф қилишдир. Келишмовчиликларнинг тўрт хили мавжуд.

Мотивация - меҳнат унумдорлигини ошириш усулидир. Мотивация - бу кишида ишни сиз хоҳлаган йўсинда бажариш истагини шакллантиришга эришиш маҳоратидир. Мотивациянинг уч томони мавжуд: иш, ходимлар ва раҳбар.

Таянч иборалар:

Муомала, ички келишмовчилик, сиз ва ходимларингиз ўртасидаги келишмовчилик, сиз ва бошлигингиз ўртасидаги келишмовчилик, ходимларингиз орасидаги келишмовчилик, ходимларга таъсир қилиш қоидалари, мотивация.

Назорат ва мухокама учун саволлар:

1. Ташкилотдаги ижтимоий-психологик муносабатларнинг моҳияти нимада?
2. Ташкилотларда қандай келишмовчиликлар учрайди ?
3. Ходимларга таъсир қилишнинг қандай қоидаларини биласиз ?
4. Ходимларни қандай мотивлаштириш мумкин ?

Асосий адабиётлар

1. Красовский Ю.Д. Организационное поведение. М.: 2007.
2. Фуломов С.С. Менежмент. Т., 2002.
3. Кочеткова А.И. Введение в организационное поведение и организационное моделирование. Учебное пособие. М.: Дело. 2003.

8 - БОБ. БОШҚАРУВ, РАҲБАРЛИК ВА НАЗОРАТ

8.1. Бошқариш ва унинг услублари

Корхонани бошқариш (менежмент)нинг моҳияти бир кишининг ёки кишилар гуруҳининг (бошқарувчиларнинг) бошқа кишиларга (бошқарилувчиларга) уларнинг мақсадга йўналтирилган ҳаракатларини уйғотиш учун таъсир кўрсатишдан иборат.

Кенг маънода, бу ерда инсонларнинг ўзаро комплекс муносабатлари доирасида қарорларни шакллантириш, уларни ҳаракатланиши ва бажарилишини таъминлаш фаолиятига хизмат қилувчи кўрсатмалар, жараёнлар ва инструментлар йиғиндиси назарда тутилади.

Корхонани бошқариш ўз ичига уч аспектни олади:

1. “Ким кимни” бошқаради? (институционал аспект). Бу аспект бошқариш масалалари ижро чиларини, хусусан, менежерлар ва бошқарув органларини ҳарактерлайди. Бошқа томондан, кимлар бошқаришини, хусусан, қарорлар билан боғлиқ шахслар ва бошқа ходимларни аниқлайдилар.

2. Бошқарув “қандай” амалга оширилади ва бошқарилувчиларга “қандай” таъсир кўрсатади (функционал аспект). Бу аспект, биринчидан, менежерлар ва бошқарув органлари фаолияти ва шаклланишини ҳарактерлайди. Бу ерда бошқарув вазифалари ва шунингдек, менежерлар фаолиятининг маҳсус тавсифларини (бошқарув услубларини) кўриб чиқиш мумкин. Бошқа томондан, менежернинг бошқарилувчиларга таъсир этиш муносабатлари ҳарактерланади.

3. Бошқарув “нималар” билан амалга оширилади? (инструментал аспект). Бу аспект менежерлар ўз вазифаларини амалга оширишда ишлатадиган куроллари (бошқарув воситалари)га тааллуқли.

Бошқарув куйидагиларнинг йиғиндисидир:

- ўзига жавобгарликни олган ҳолда;
- мақсадга эришиш ва шартларга риоя қилиш мақсадида;

- тегишли воситаларга, шунингдек уларни шакллантириш ва таъминлашга суюнган ҳолда;
- муайян шахслар ва органлар томонидан бажариладиган;
- бошқа (хусусан, қарорлар билан боғлиқ) шахсларга;
- таъсир кўрсатиш.

Менежерлар “тадбиркор” органи номидан ва унинг топшириғи билан фаолият юритгани учун бошқаришнинг маънавий ўлчовлари тадбиркорлик этикасидан келиб чиқади. Бундан ташқари, улар бошқарувчиларнинг шахсий сифатлари, ва шунингдек, барча менежерларнинг ишлаб чиқаришдан ташқари этика кодекслари билан аниқланади. Давосда (1973 йил февралда) менежмент бўйича учинчи Йевропа симпозиумининг охирги кунида корхона менежерларининг “хулқ этикаси” кодекси лойиҳаси таклиф килинди. У қўйидагиларни ифодалайди:

А. Менежернинг профессионал вазифаси бўлиб мижозларга, касбдошларга, сармоядорларга ва жамиятга хизмат қилиш, бир-бирига қарама-карши бўлган қизиқишларни муросага келтириш ҳисобланади.

1. Менежер мижозларга хизмат қилиши керак. У мижозлар эҳтиёжини энг яхши тарзда қондириши керак. Унинг ҳатти-харакатлари корхоналар ўртасидаги баҳони максимал даражада пасайтиришни, маҳсулотнинг сифати ва хилма-хиллигини таъминловчи тенг мусобақага қаратилиши керак.

2. Менежер касбдошларга хизмат қилиши даркор, у ўз касбдошларининг қизиқишларини бир вактда эътиборга олганидагина улар томонидан қабул қилинади.

3. Менежер капитал қўювчиларга хизмат қилиши лозим. У капитал қўйилмаларнинг давлат заем ссудалари даромад фоизидан юқори даромадлилигини таъминлаши керак. Бу нисбатан юқори даромад катта таваккалчиликни мукофотлаш учун зарур. Корхона менежери капитал киритувчининг васийси ҳисобланади.

4. Рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматларга янги ғоялар ва технологик янгиликларни жорий қилишга харакат қилиши зарур.

Б. Корхона менежерининг мижозларга, касбдошларга, капитал қўювчиларга (сармоядорларга) ва жамиятга хизмат қилиши корхонанинг узок муддат яشاши таъминланганидагина мумкин бўлади. Бунинг учун корхона йетарли маблағ билан таъминланган бўлиши зарур.

Бошқариш жараёнлари ва усуллари

Бошқариш жараёни бир томондан, менежернинг мотивлари, кўрсатмалари ва қобилиятлари билан, бошқа томондан эса бошқарув амалга оширилаётган вазият билан аниқланади. Вазиятни аниқловчи омиллар масаланинг қўйилишидан, ходимлар муаммоларини ҳал қилиш учун назарда тутилган потенциалдан ва ташқи муҳитнинг ҳукмрон шароитларидан келиб чиқади.

Бошқарув стили (услуби) деганда менежер хулқининг типик манера ва усуллари тушунилади. Қабул қилинадиган қарорларда бошқарувчиларнинг иштирокига кўра бошқарувнинг авторитар, алоқадорлик ва автоном услублари ажратилади.

Бошқарувнинг авторитар услуги менежер учун ҳокимият мавжуд бўлганда ироданинг яккасаҳслилиги ва марказлашганлигини намоён бўлиши билан ажралиб туради. Менежер ҳал қиласи ва буюради, ходимлар бу фармойишларни бажаришлари лозим. Бунда турли варианtlарни кўриб чиқиш лозим:

- диктаторлик услуги. Менежер бошқарилувчиларнинг иштирокисиз ҳал қиласи ва қатъий буюради, ходимлар жазолар ҳавфи остида унга эргашибга мажбуrlар;
- автократик услуг. Бунда менежер ихтиёрида ҳокимият учун катта аппарат мавжуд;
- бюрократик услуг. Менежер обрўси бу йерда расмий табақавий тартиблардан келиб чиқади. Менежерлар ва ходимлар қоидаларнинг битта батафсил тизимиға бўйсунадилар:
- патриархал (матриархал) услуг. Менежер “оила бошлиғи” обрўси ёрдамида қайғуриб ва бутун жавобгарликни ўз зиммасига олиб, қарорни тушунтиради ва буюради, ходимлар унга бўлган чексиз ишончлари асосида бўйсунадилар.
- хушмойиллик услуги. Менежер ўз обрўсини шахснинг энг яхши такрорланмас сифатлари асосида қарор топтиради ва шунга яраша юқори шахсий нуфузга эришади, ходимлап унинг қарорлари ортидан кузатадилар, чунки унинг ички ижобий ҳислатларига ишонадилар.

Бошқарувнинг алоқадорлик услуги қарорлар қабул қилиш жараёнида ходимларнинг иштироки билан ажралиб туради. Бунда қўйидаги варианtlарни фарқлаш муҳим:

- коммуникация услуги. Менежер ўз қарорини қабул қилинганини гапиришга қийналади ва шунинг учун ходимларга маълум қилгандан кейингина қарор чиқаради, ходимлар саволлар бериши, ўз фикрини билдириши мумкин, бироқ фармойишларга риоя қилишлари керак;
- маслаҳат услуги. Менежер қарорларни факат батафсил ахборот ва баҳслашувдан сўнггина қабул қиласи, шунингдек ходимлар томонидан қарор ва муаммонинг оптималь йечимлари тўғрисида киритилган таклифларни инобатга олади. Ходимлар муҳокама тарзида иштирок этиб, қабул қилинган қарорларни бажарадилар;
- қўшма қарорли бошқариш услуги. Бунда менежер муаммони ўртага қўяди ва уни ҳал қилиш учун чекланган шарт-шароитларни ўрнатади, ходимлар келишилган чегараларда ўтказиладиган тадбирлар, тўғрисида мустақил қарор чиқарадилар, менежер рухсат беради, лекин вето (тақиқлаш) хуқуқини сақлаб қолади;

Автоном услуги. Менежер ҳал қилиш жараёнида ўз зиммасига кузатувчи олади ва йечимларни жамлашга қийналади, ходимлар мустақил, чегаралар белгиланмаган ҳолда, одатда кўпчилик овоз билан қарор қабул қиласидилар.

8.2. Бошқарув тактикаси ва стратегияси. Унинг воситалари

Бошқарув воситалари. Сиз вазиятлар ва инсонларни қандай бошқаришни билсангиз, Сизни бошқаришга уриниб, Сизга қарши ишлатилаётган ҳаракатларни осон билиб оласиз. Бу ҳаракатларни билиш мuloқотни жонлантиради, қаршилик кўрсатишга ўзгача тус беради. Ким кимни бошқариши ҳал килинаётган тортишув янада юқори даражада амалга ошади.

Вазиятни бошқариш имкониятига қандай омиллар таъсир этади? Уларнинг қайси бирларидан фойдаланиш мумкин? Қайси омилларни ҳисобга олиш зарур? Бошқача айтганда: Бошқарув механизми нима?

Бошқарув механизмига ўзининг муҳим категориялари ва маҳсус тактикаси хос. Бошқарув механизми категориялари шартли равишда тўртта турга бўлинади: жисмоний, эмоционал, ижтимоий ва аралаш.

Жисмоний воситалар - бу биз бевосита кузатадиган нарсалар, айнан уларнинг ўзгариши тез бўлинади. Ўзингизнинг қайсиdir шахсий жисмоний сифатларингизни камчилик деб сезсангиз, уларни ўзгача хулқ қоидалари билан қоплашингиз мумкин.

Заруриятга қараб жисмоний сифатларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб ўтамиз, лекин бизнинг ҳар биримизда улар биргалиқда намоён бўлади. Ҳар биримизнинг қалбимизда айrim элементларни бирлаштирган ўз идеал жисмоний образимиз мавжуд бўлиши керак.

Бўйи-баст. Жамиятимизда одатда ўрта ва паст бўйли кишиларга қараганда баланд бўйли кишиларга кўпроқ эътибор берилади. Кадрлар бўлимида ўтказилган сўровлар ишга қабул қилишда юқори бўйли кишиларга маълум даражада кўпроқ эътибор берилишини юзага чиқарди. Бу эркакларга ҳам, аёлларга ҳам, лекин аёлларга камроқ даражада тааллуқли. Бўйни ҳақиқий ўстириш қийин, лекин уни юқорироқ қилиб кўрсатиш мумкин.

Шундай қилиб, бўй ташвиш келтирганда нима қилиш керак. Гавданинг тузилиши ёрдамида уни ўзгартириш мумкин. Қисқа қилиб айтганда: “Тўғри тик туринг”, “Тўғри ўтиринг”. Тўғри тутилган гавда - бу тўғри йўл.

Гавданинг тўғри тутилиши - ўзига ишонч ва эркинлик тасавуридир. Бундан ташқари гавданинг тўғри тутилиши кишини баландроқ кўрсатади. Ачинарли тутилган гавдангиз билан эса Сиз ўз душманларингизга хабар берасиз: мана бу заиф нишон. Бироқ Сиз ҳам рақибинингизни ўзини қандай тутишига эътибор беринг: ёмон тутилган гавда заифликни маълум қиласди. Сиз эса бундан фойдаланишингиз мумкин.

Лекин ортиқча қатъиятликни кўрсатманг – бу кучингиз етмаслигини кўрсатади. Агар, Сиз ўзингизни ишончсиз сезаётганингизни амалда кўрсацангиз мағлубиятга учрайсиз. Ва аксинча, Сиз кучли ва ўзига ишонган инсон “ролини ўйнасангиз”, иккита нарса содир бўлиши мумкин. Биринчиси, Сизнинг рақибинингиз ким кучли ва қатъиятли кишини ифода этаётганини ҳисобга олишга мажбур бўлади. Сизнинг фойдангизга биру нол! Иккинчидан, ўзингизни “зўр”лигингизни намоён қилиб, Сиз ҳақиқатдан ҳам ўзингизни қатъиятли деб ҳис қиласиз. Лекин бундай хулқ асосий тамойил – ҳар қандай вазиятда ҳам нимани хоҳлаётганингизни билишингиз зарурлиги билан бевосита боғлиқ. Сизга қандай якун маъкуллигини билиб олсангиз, барча имкониятларингизни ишга солишингиз мумкин.

Кўл ушлашув. Биз ҳар куни бир-бири мизнинг қўли мизни ушлаб кўришамиз, лекин буни кўпинча нотўғри қиласиз. Бу бошқалар билан жисмоний алоқага киришишнинг энг биринчи ва асосан ягона усулидир. Бу усул ўз вазифасини бажариши лозим. Яххши қўл ушлашувни иккита сўз – қисқа ва кучли сўzlари билан ифодалаш мумкин. Кўллар бир лаҳза бир-бирини ушлаб турилади. Албатта, узоқ “силташлар” ёки “сиқиб туришлар” бўлмаслиги керак. Контакт, ушлаш - бир-икки лаҳза - қўл бўшатилади. Лекин бу лаҳзалар - ниҳоятда муҳим. Кўл ушлашув бу фақатгина қўлга тегиш эмас. Унинг кучи қаътий ишончдан дарак беради.

Овоз. Кўл ушлашни оддий “Салом!” ёки “Ассалому - алайкум!” деган сўzlар билан бажарган маъқул. Лекин бу сўzlар аниқ эшитилиши ва эркин, ҳамда ишончга тўла бўлиши керак. Сиз инсонга ишонмаган тақдирингизда ҳам буни билдириманг. Сизнинг қадам ташлашингиз каби нутқингиз ҳам равон бўлсин. Тез гапириш инсонни фикридан адаштиради, ҳаяжонни кўрсатиб қўяди. Сиз қабул қилишга қулай бўлган тезлик билан ифодали қилиб гапиринг. Фақатгина нима гапираётганингизга эмас, балки қандай гапираётганингизга ҳам аҳамият беринг. Овозингиз қандай эшитилишини тасаввур қилинг.

Бошқалар мuloқotda ўзини қандай тутишини кузатинг. Мулоқотга киришаётган томонларни кузатишнинг кўп имкониятлари мавжуд. Кинофилмларда, телекўрсатувларда танишув ва учрашув саҳналарини кўриш мумкин. Кўриш вақтида овозга, гавда тутилишига, ҳаракатларнинг равонлигига эътибор қилинг. Инсонларни мулоқот жараёнида кузатиш мумкин бўлган шароитларда ишласангиз, бундан фойдаланинг. Мулоқот бошланишини масалан, ресторанда ҳам кўрса бўлади. Ишбилармонлар бир-бирини қандай қаршиламоқда? Нима содир бўляяпти? Инсонлар қандай қилиб шаклланиб бўлган гурухларга қўшилаяптилар? Бу қандай ҳаракатлар билан амалга оширилмоқда? Содир бўлаётган нарсаларни кузатишдан фойдали хуносалар чиқаринг. Бу нарсаларга юзаки қараманг, асл моҳиятига эътибор беринг. Мумкин бўлган вазиятларни тасаввур қилинг, ҳар бир қулай вазиятларда Сиз мулоқот йўллари ва усулларини амалда кўлланг. Балки омад сизга ҳар доим ҳар қандай ҳолатда кулиб боқмас, лекин Сизнинг ғалабаларингиз ўртacha даражадан юқори бўлади.

Бошқарувнинг эмоционал (ментал) воситалари. Бошқарувнинг кўпгина эмоционал воситаларидан биз қуйидагиларига тўхталамиз.

“Қила олмоқ - бажармоқ” ўртасидаги муносабат. Агар сиз вазифани бажариш мумкинлигига ўзингизни ишонтирангиз ва ишонсангиз, - Сиз уни бажара оласиз.

Жойлашувнинг таъсiri. Хулқ-атворнинг қандай намоён бўлишига “Бу йерда мен ўз уйимдаман. Бу менинг маконим” деб ҳис қилиш ҳам таъсир этади. Ўзингизга ишончни, Сизга таниш жойларда ҳис қиладиган хотиржамликни ўз истагингизга кўра уйғота олсангиз - ҳар қачон ва ҳар қандай жойда хотиржам бўлишингизга ёрдам беради.

Мулоқот турини танлаш. Кўпинча Сизда мулоқот турини танлаш имконияти мавжуд: масалан, Сиз телефонда ёки юзма-юз гаплашишингиз

мумкин. Ўзингизга энг қулай ва самаралисини танланг. Телефон гапни бошлаш учун яхши - Сиз сұхбатдан олдин ёзувларни тайёрлаб қўясиз.

Мувозанатнинг кўриниши. Сизнинг рақибингиз ўз устунлигига ишонади. У Сизга ўз ҳукмини ўтказиш мумкинлигига ишониб, ўзига қатъий ишонади. Сиз унинг фикрларини ўзингизга керакли томонга буришингиз мумкин. Мантиқий ниҳояга йетгандан сўнг, бахслашувни унинг сўзлари билан якунланг, лекин бунда Сизга керакли бўлган нарсаларни уқтириб туриng.

Бошқарувнинг ижтимоий воситалари. Ижтимоий борлиқнинг баъзи ҳақиқатлари борки, уларнинг моҳиятини тушуниб, ўз фойдангиз учун ишлатишингиз мумкин. Бу каби нарсаларнинг инсонлараро муносабатларга қандай таъсир кўрсатишини англамасак, ўзимиз билмаган ҳолда бошқарув воситалари таъсирига тушиб қолишимиз мумкин. Бошқарувнинг ижтимоий воситаларига қуйидаги тушунчаларни киритиш мумкин.

Лексика. Ўз фикримизни қандай сўзлар билан ифодалаймиз? Фойдаланадиган сўзларга қараб кишилар қайси тоифага киришини тез билиш мумкин. Бу ҳар доим “юқори даражада” гаплашиш зарур дегани эмас - сўзлар вазиятга тўғри келиши керак. “Менинг гўзал хонимим” мюзиклида профессор Хиггинс шундай деган эди: Элиза Дулилт ўз талаффузи билан “кўчага маҳкум қилинган”. Элизанинг нутқи ўзгарди ва у бошқа инсонга айланди.

Тўғри, чиройли тилда гапиring - ўзингизда ишончни, фикрларни эркин ифодалаш қобилиятингизни намоён қилинг, сўзлар билан ифодаланган аниқ фикрларингизни намоён қилинг.

Жаргон. Бу тилнинг алоҳида қисми, лексиканинг бир бўлими. Ҳар бир касб, этник гуруҳ, бир йерлик кишилар шундай сўзлар ва ибораларга эга бўлиб, уларни “ўзиники”лар орасида ишлатиши одатга айланган. “Ўзиники” бўлишни истайсизми - шу гурухнинг, шу инсоннинг жаргонини (оммавий тилини) ўрганинг, ундан фойдаланишга тайёр туриng. Агар бу жуда қийин, маҳсус жаргон бўлса, Сизнинг билимларингиз сұхбатдошингиз учун кутилмаган ҳол бўлади - ва бу Сизнинг фойдангизга хизмат қиласди.

Лекин оммавий сўзларни меъёрида ишлатинг, ошириб юборманг. Жаргон сўзлар кўпайиб кетганини сезсангиз, иложи борича самимийликни сақланг. Акс ҳолда Сизни “сохта” деб қабул қилишлари мумкин. Шундай қилиб, сиз ўз рақибингизни унинг хунаридан хабардор эканингизга ишонтиromoқчи бўлсангиз - унинг оммавий сўзлашувини ишлатинг. Бироқ ҳушёр бўлинг – ўзингизни билимдон қилиб кўрсатманг.

Машҳур исмни айтиши. Жаргондан қандай мақсадда фойдалансангиз, рақибингиз учун ҳурматли бўлган машҳур исмни айтиб ҳам шундай натижага эришиш мумкин. Сиз иш орасида шундай кишини танишингизни айтиб қўйсангиз, Сизга эътибор ва ҳаттоқи ҳурмат таъминланади. Аммо, бунда ҳам ошириб юбормаслик керак, Сизга таниш кишилар қаторига нотаниш кишиларни ҳам қўшиб юборманг.

Тситаталар, манбалар. Кўпчилик ўз қарашлари, фикрларини маъқуллаб - “Мен... ... биламан” деб айтадилар. Бироқ бунда фақатгина шу билимларнигина айтиб қолмасдан, балки уларнинг манбаларини келтириш мухим. Маҳсус адабиётлардан ситаталар, маълумотлар гапириб бериш орқали

мазкур соҳадаги билимларни намоён қилиш ортиқча бўлмайди. Шунинг учун баъзан “...га мувофиқ...” ёки “... қонунга биноан” деган жумлаларни қўшиш ўринлидир. Бу Сизнинг гапингизга қизиқиши кучайтиради.

Шуниси аниқки, бундай тактикани қўллаш учун уйда тайёргарлик кўриш зарур. Алломаларга таянишни ёки китоблардан ситаталар келтиришни истасангиз, гапларингизнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилишингиз зарур. Бунинг учун жиддий тайёрланинг - маҳсус адабиётларни мутолаа қилинг, билимли кишилар билан сұхбатлашинг. Ахборотни ишлатишдан олдин, уни тўпланг ва таҳлил қилинг.

Аралаш воситалар. Бошқаришнинг бошқа воситаларини кенг усуллар тўпламидан иборат аралаш воситалар тоифасига киритиш мумкин. Улардан баъзиларини қўриб чиқамиз:

Йозувлар. Сұхбат чоғида олдиндан ёзиб қўйган ўз ёзувларингизга қараб қўйиш фойдалидир. Йозувлар бўйича ситаталар келтиринг ва ҳар қандай баҳсда устунлик сўзсиз Сиз томонда бўлади. Баҳслашувнинг энг муҳим лаҳзаларида рақибингизнинг сўзларини яширмасдан ёзиб боринг. Керакли вақтда Сизнинг позицияларингизни мустаҳкамловчи нарсаларни қайтариб, Сиз уни бутунлай қуролсизлантиришингиз мумкин.

Якуний мулоҳазалар. Ниҳоят, баҳслашув натижасида чиқарилган хulosаларингизни ифодаланг ва рақибингизнинг Сиз билан келишишига ҳаракат қилинг. Сиз ўз нуқтаи назарингизни тан олинишига фақат уни шакллантириш билангина эришишингиз мумкин. Рақибингиз қисман қўшилмаса ҳам умуман Сизнинг хulosаларингизни қабул қилиши мумкин.

Худди шундай тактикани рақибингиз ҳам қўллаши мумкин - уни бутунлай забт этишга интилинг. Уни энг яхши тарзда ишлатинг - бошқалар ундан фойдаланганда – огоҳ бўлинг. Бу воситалар ёрдамида Сизни бошқариш уларга насиб этуishi мумкин. Сиз уларни бошқаринг. Ва ниҳоят, - албатта қулай вақт ва мос келувчи тактикани танланг.

8.3. Сиз раҳбар бўлсангиз

Бошлиқ ва бўйсунувчини ўзаро муносабатларига алоҳида талаблар қўйилади. Одатда раҳбар жамоада муҳим шахсdir. Кўп нарса унинг инсонлар билан қандай муомала қилишига, қай тарзда ва нималарга аралashiшига боғлиқ.

Немис ёзувчиси Кноблокнинг раҳбарга жамоадаги хулқда ўз йўлини топиб олиш баъзан қанчалик мураккаблигини акс эттирувчи хажвияси кўпчиликка маълум:

Раҳбар ишга вақтида келса, “Ишга аzonлаб югуриб келибди, бизни алдамоқчи”, кеч келса, “Бошликлар кечикмайдилар, улар ушланиб қоладилар” деб кесатишади. “Рафиқангиз, болаларингиз тузукми?” деса - “Бироннинг ишига бурнини тиқади”, сўрамаса - “Шунақаям қўрс бўладими” дейдилар. “Қандай таклиф бор?” - деб қизикса - “Ўзида ҳеч қандай таклиф йўқ” деб шивирлайди, сўрамаса - “Жамоа фикрига қулоқ солмайди”. Масалани тез ҳал қилса - шошма-шошар, ўйлашни истамайди. Секин ҳал қилса - қатъиялиз, масъулиятдан қочувчи. Янги штат бирлигини талаб қилса - штатни

кўпайтиради. “Бор кучлар билан уддалаймиз” деса - “Бизни қурбон қилмоқчи” деб норози бўладилар. Юқоридаги кўрсатмаларсиз иш юрица - ўзбошимча, кўрсатмаларни аниқ бажарса - эски бюрократ. Ҳазиллашса - “қитиқламасанг кулмайди”, ҳазиллашмаса “Ҳеч кулганини кўрганмисизлар?” деб гапирадилар. Дўстона муомала қилса - ишончга кириб олмоқчи. Ўзини алоҳида туза - манман. Ишлар яхши кетаётган бўлса - пировардида бу биз ишлайпмиз. Режа бажарилмаса - қилмишига яраша, у бир ўзи айбдор - дейдилар.

Одатда раҳбарликнинг уч турини ажратадилар - авторитар, демократик ва эркин (либерал). Ишга доир этикет хулқининг қандай йўналишини танлашга маслаҳат беради? Ўзингиз ҳал қилинг.

Авторитар раҳбар қарорларни якка ўзи қабул қиласди ва бўйсунувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини, уларга ташаббус кўрсатиш имкониятини бермай, қатъий равишда белгилайди. Бундай раҳбарга ўз шахсини юқори баҳолаш ва қўл остидагиларнинг ишchanлик ва инсоний сифатларига йетарли баҳо бермаслик хос. У одатда ўзини ва бошқараётган фирмани, ўзини ва унга бўйсунган жамоани бир-бирига тенглаштиради, кўпинча ишда “ёнади”, ўзини ишсиз тасаввур қила олмайди, шахсий ҳаётини унутади, кучини аямасдан, лекин қўл остидагилари ҳақида қайғурмасдан ишлайди. Авторитар раҳбар кўпинча ҳеч қандай ҳаражатларни, шу жумладан инсонларни ҳам аямасдан ишлаб чиқариш мақсадларига эришишни кўзлади. Бундай раҳбар билан бирга кишилар ўзларини “вулқон”дагидек, фавқулоддаги вазият ҳолатидагидек ҳис қиласдилар. Уларни заруриялиз безовта қиласдилар, асабларига тегадилар, ҳаддан ташқари ишлатадилар.

Раҳбарликнинг *демократик* услуги бўйсунувчиларга уларнинг малакаси ва иш хусусиятларига мос бўлган мустақилликни бериш, ишлаб чиқариш масалаларини уларнинг бевосита иштироқида ёки ҳеч бўлмагандан улар билан муҳокама қилгандан сўнг ҳал қилиш, уларга ишлаш учун зарурий шароитларни яратиш, уларнинг ҳаракатларини холис баҳолаш, инсонларга ижобий муносабатда бўлиш ва уларнинг эҳтиёжлари ҳақида ўйлаш кабиларни кўзлади. Раҳбарнинг бундай ҳаракатлари нафақат яккабошлиқк принципларини барбод қилиб анархияга олиб келади, балки раҳбарнинг реал ҳокимлигини ва обрўсини мустаҳкамлайди, жамоада унумли иш шароитини яратишга кўмаклашади. Раҳбарликнинг бу услубида қўл остидагиларнинг ташвишлари ва қизиқишиларини билиш зарур. Йирик япон фирмаларининг бирида “Ҳафтада соат, ойда кун” деган қоида мавжуд. Айнан шундай даврийлик билан юқори раҳбарлар цехга келади ва ишчилар билан ёнма-ён конвейерда ишлайди. Бундай амалиёт ташаббускорлари ҳисоблаганидек, бу ишчилар билан алоқани сақлашга, уларнинг кайфияти, иш ва турмуш шароитларини билишга имкон беради. Раҳбарликнинг бундай услуги энг маъқул ҳисобланади.

Либерал услуг. Бу услубни кўпинча раҳбар ишни ўз холига ташлаб кўйганда албатта самарасиз сифатида кўрадилар. Аммо айрим кичик ишлаб чиқариш гурухларида, илмий жамоаларда у жуда муҳим, бундай услуг ходимлар билан хушмуомала бўлишни, уларнинг иш жараёнига минимал

аралашишни, бўйсунувчилар фикрини ҳурмат қилишни, ишга доир баҳсларни рағбатлантиришни кўзлайди.

Кўпинча раҳбар ва бўйсунувчилар ўртасида масофа бўлиши зарур, яхши муносабатлар ва талабчанлик бирга бўлолмайди деган фикр кўп учрайди, аммо ғарбда раҳбарият ва бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларнинг демократик принципларга қурилганлиги асло ишга таҳдид солмайди, аксинча умумий қизиқишларга эга “ягона” оила таассуротини яратишга имкон берини аллақачон тушуниб йетганлар. Кўп фирмаларда бундай қизиқиш бўлиб мижозлар ва буюртмачиларнинг қизиқиши ҳисобланади. Биринчи ўринда – хизматчи. Унинг мижозлар билан қандай муомала қилиши ишга ёлловчиларнинг унга бўлган муносабатини акс эттиради. Фирма ходимлари, агар раҳбариytдан норози бўлсалар, мижозлар ҳакида қайғурмайдилар. Агар фирманинг раҳбариytни ва ходимлари ўртасидаги муносабатларга “плюс” белгисини қўйиш мумкин бўлмаса, фирма ва мижозлар ўртасидаги муносабатлар “минус” белгисига эга бўлади. Фақат жонқуярликкина жонкуярликни уйғотади.

Енг аввало, вакт чекланганлигига қарамай сухбатни охиригача йетказиш зарур. Раҳбар ишга доир сухбат ташаббусини топишга ўрганиши даркор. Бошлиқнинг бўйсунувчига ҳар қандай ҳаракати оддий бир шахснинг бошқа шахсга муносабати сифатида эмас, балки ҳокимиятга эга бўлган шахснинг бошқа шахсга таъсири сифатида қабул қилинади. Шунинг учун раҳбарнинг қайси бир жамоа аъзосини хуш кўрмаслиги унинг муомаласида кўринмаслиги керак, акс ҳолда бошлиқнинг гапи инсонни шахсий, касбий ва бошқа ҳислатларига берилган баҳо деб тушунилиши мумкин. Ва аксинча, бошлиқ ва бўйсунувчининг шахсий дўстона муносабатлари хизмат муносабатлари соҳасига таъсир қиласлиги зарур. Агарда раҳбар хизмат муносабатларини шахсий муносабатлар асосида шакллантирса, у ҳеч қачон катта обрў-еътибор ва ҳурмат қозонмайди. Шунинг учун бошлиқ ўз ходимларига нисбатан фаол, оғир ва вазмин бўлиши лозим.

Ҳар қандай раҳбар меҳнати кўп асаб кучини сарфлашни тақозо этади, бу унинг ҳатти-ҳаракатларида акс этиши мумкин, бироқ шунга қарамай у доим ва ҳамма йерда хушмуомала ва одобли бўлиши зарур. Яхши раҳбарга манманлик, димоғдорлик, асабийлик, инжиқлик, ҳокимият кучи билан кўл остидагиларга ўз одатларини зўрлаб ўтказиш ётдир. У бўйсунувчини камситиш, шахсий ғурурини таҳқирловчи вазиятлардан ўзини четга олади. Раҳбарнинг ижобий сифати – босиқлик, вазминлик бўлиб, у ҳамма вакт (қарор қабул қилишда, сўзларда, ҳаракатларда) зарур, чунки дастлабки истаклар баъзан нотўғридир. Унинг таъсири остида ҳиссиётларга берилиб инсон ҳақиқатни нотўғри қабул қиласи. Баъзан у босиқ пайтда ҳеч қачон қилмайдиган ишини ёки сўзини қизишиб кетганда содир қилиши мумкин. Бундай вазиятда тўғри йўл – ўз хатосини тан олишдир. Бундан обрўга путур йетмайди. Хатоликни содир қилган инсон узр сўрамасдан, қайсалик билан ўзининг нотўғри позицияларини химоя қилишни давом эттираса вазиятни янада мураккаблаштиради. Ўзини тута билмаслик, асабийлашувчанликнинг натижаси сифатида урушиш ва қўрслик келиб чиқади. Ҳақоратловчи сўзлар ҳеч қачон жамоада нормал муносабатларни

ўрнатмайди. Рухшунослап фикрича қатъий ва босиқлик билан берилган топшириқлар асабий ҳолатда ва дашномлар бериш орқали топширилган вазифаларга қараганда кучли таъсир этади. Бўйсунувчи айб иш қилганда ҳам энг жиддий сұхбат бошқа ҳар хил нарсаларга ўхшамаслиги керак. Жиддийлик ва талабчанликни чўрткесарлик ва айб излашдан фарқлаш, жазолашни айб даражасига қараб белгилашни билиш зарур. Шунингдек, бир ўзига ва кўпчилик олдида эълон қилинган ҳайфсан ўртасидаги фарқни ёдда тутиш керак. Табиийки, раҳбар фаолиятини бўйсунувчиларга қаратилган танқидий гапларсиз тасаввур қилиш қийин. Бу йерда танқиднинг инсон томонидан ҳаққоний, асосли деб қабул қилиниши жуда муҳим. Танқид унга қўйиладиган асосий талабларга жавоб берсагина таъсирчан кучга эга бўлади.

Биринчидан, у ишга ва предметга оид бўлиши керак. Афсуски, сохта танқид (псевдокритика) ҳам учрайди. Шундай ғаразли мақсадларни кўзловчи танқиднинг бир нечта тури мавжуд:

1. Шахсий адоватларни ҳал қилиш, ўз ҳолатини ва обрўсини сақлаш ва ошириш воситаси сифатидаги тенденсиоз (ғаразли, бир ёқлама) танқид.
2. Ўзига хос “профилактика” сифатидаги танқид. Айрим раҳбарларнинг фикрича, усиз ишлаш кайфиятини яратиб бўлмайди.
3. Стандарт танқид. Масалан, маърузага “танқидий” қисмнинг киритилиши, у ҳеч қандай мажбуриятни юкламайди ва расмий характерга эга.
4. Кўргазмали танқид, у камчиликларни кўрсатиш орқали муросасизликни пайдо бўлишига олиб келади.
5. Огоҳлантирувчи-қораловчи танқид. Принципиал ва соф виждонли ходим минбардан танқидий гапиришга рухсат сўраганда, раҳбар ёки унинг “сафдошлари” томонидан арзимаган хатоларини бўрттирувчи айблашлар.

Иккинчидан, танқид яхши ниятли бўлиб, танқид қилинувчининг ижобий ҳислатлари ва хизматларини ҳисобга олиши керак. Унинг вазифалари - инсонни камситиши эмас, балки уни яхши томонга ўзгаришига ёрдамлашиш, мавжуд ҳолатдан чиқиш йўлларини кўрсатиш. Танқид фақат салбий урғулардан иборат бўлса, доим адолализ деб қабул қилинади.

Учинчидан, танқид аниқ белгиланган обьектга қаратилиши керак. Кишининг аниқ ҳаракатларини баҳолаш ўрнига унинг шахсини, ҳарактерини танқид қилиш яхшилик келтирмайди.

Тўртинчидан, танқид аниқ ёндашишни, инсоннинг темперамент ва ҳарактер хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Айримлар танқидга салбий муносабатда бўладилар, лекин тез тинчланиб меъёрий ҳолатга келадилар, бошқа шахсга “йетиб бормаслиги” ҳам мумкин, учинчи шахсни тортишувга чақириши, тўртинчи шахс эса ўз қилмишини чуқур қоралашга мойил бўлиб, унга нисбатан жазо қўллаш ортиқчадир. Ҳатто айрим жазо чораси руҳий ҳолат кечинмалари, педагогик таъсир кўрсатиши янгилигига кўра турли таъсир кўрсатади.

Иш фаолияти раҳбарни кўпинча мураккаб ва нозик вазиятларга дуч қиласиди, уларда рухшунослар тавсия этган хулқ-автор қоидаларига риоя этиш асабий тангликни пасайтиришга ва хатолардан ҳимояланишга ёрдам беради. Биргина ишдан бўшаш жараёнини олсак, унга ҳамма учрайди ва барча учун у

доим мураккабдир. Бозор иқтисодиёти шароитида эса у янада кескинлашади. Ишдан бўшашибди стрессларни бироз бўлса ҳам пасайтириш учун америка бизнес ва менежмент мактабларида ҳатто янги мутахассисларни – менежер-терминаторларни (инглизча терминате - тугатиш) тайёрлашни бошладилар, улар шу каби ишлар билан шуғулланадилар.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, мамлакатимиз учун бозор иқтисодиёти шароитларида инсонларни бошқаришда малакали раҳбарлар жуда зарур деган хуносат чиқариш мумкин. Асосийси раҳбар бизнинг давримизда карорлар чиқаришда қатъий бўлиши зарур. Раҳбар кишиларни, биринчи навбатда ўз атрофидагиларни жуда яхши билиши, фақат бўйсунувчилар билан эмас, балки юқоридаги раҳбарлар билан ҳам муомала юритишда принсипал бўлиши керак. Ўз ходимлари билан сұхбатлашганда раҳбар ўз фикрларини тушунарли баён қилишни, сұхбатдошларини диққат билан тинглашни, ҳар қандай эътиrozларни рад қилмасликни билиши лозим, чунки айнан шу эътиrozлар берилгаётган ахборотнинг йетарли эмаслигини кўрсатади.

Тест. Сиз ишбилармонсиз

1. Сиз анчадан бери бошлаб ва орқага суриб қўйган ишингизни тугатмоқчисиз. Тўсатдан сиз ёқтирадиган бошқа жинсли азиз инсон қўнғироқ қилиб, учрашишни сўради:

а) Сиз: “Азизим, кейинроқ” - дейсиз ва ишингизни тезда тамомлайсиз;

б) “Кетаяпман менинг севгилим” - деб, барча ишларни қўйиб учрашувга шошасиз;

к) Сиз таркидунёликни танлаб, ўз истакларингиздан воз кечиб, йенгил руҳда ишингизни давом эттирасиз.

2. Сиз қувноқ учрашувга боришни ёки ўз қофозларингизни тартиба солишини танлашингиз керак:

а) Сиз “Ҳар нарсанинг ўз фурсати бор” - деб йиғиширишга киришасиз;

б) худди шу иборани хурсанд эслаб, анчадан бери кутган вақт йетди деб улфатларингиз олдига югурасиз. Ишларни муддат тугагунча битираман деб қўнглингизга туғиб қўясиз;

к) Сизни тартибсизликда айблаётган кишиларга дадил боқиб, қофозларингизнинг кейинги тақдиридан воз кечиб мағрур кетасиз.

3. Сиздан бошқалар уддалай олмайдиган ишни илтимос қилдилар:

а) Сиз илтимосчининг йелкаларига қоқиб, “Гап йўқ” деб, дўстларингизнинг биридан фойдаланиб, хизматни бажарасиз;

б) бандлигингизни айтиб, илтимосини қайтарасиз;

к) қўлини узоқ ушлаб, вазиятни шоша-пиша ўйлаб, илтимосини қисман бажарасиз.

4. Ишбилармон кишилар одатда кийимни мақсад деб билмайдилар. Сизчи?

а) мен учун кийим-кечак жуда кўп нарса;

б) яхши кийим менга иш учун керак;

к) мен чиройли кийинишни ёқтираман, чунки бу менга ва атрофидагиларга ёқади.

5. Сиз дўстларга қандай муносабат билдирасиз?

- а) дўстлар - бу жуда яхши;
 б) дўстлар - бу яхши;
 к) дўстлар - мен учун ҳамма нарса, улар билан маслаҳатлашаман, уларга ёрдам бераман.

6. Сиз севган кишингизга йетарлича эътибор берасизми? Ишда ушланишингиз ҳақида доим огоҳлантирасизми?

- а) хеч қачон! Мен иш билан машғулман! Арзимаган ишларга вақтим йўқ;
 б) албатта, қўнғироқ қилиб қўйиш мумкин ва иложи бўлганда шундай қиласман;
 к) албатта қўнғироқ қиласман.

7. Шахсий ҳаёт ҳаммада, ҳатто энг ишбилармон одамларда ҳам бор. Сиз унга қандай аҳамият берасиз?

а) оила, уй - бу менинг ҳаётим. Мен умр йўлдошимни севаман, фарзандли бўлишни хоҳлайман, иш эса фақат моддий аҳволни таъминлаш учун зарур;

б) оила - бу ёмон эмас. Оила даврасида баъзан бир-икки кунни ўтказиш яхши;

к) йўқ! Бутун умрни ошхонада ўтказиши хоҳламайман! Болаларга бувиси қараб турсинлар, мен эса ишлашни истайман.

8. Сиз ўз ишларингиз ва кўплаб муаммоларингиздан воз кечиб дам олишга вақт ажратса оласизми?

а) ха, бироқ ҳар доим эмас. Агар муҳим ишим бор бўлса, уни ўйламасдан туролмайман, дам олиш ҳам татимайди;

б) дам олаётганимда, мен барча ишларимни ташлаб, вақтимни чоғ ўтказаман;

к) қачон охирги марта дам олганимни эслолмайман. Ишлар кўп.

Жавоблар натижасини ҳисобланг. Олинган балларни жамланг.

Жавоб Варианти	Савол номери							
	1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.	8.
A	5	10	10	3	10	10	3	5
Б	3	5	3	5	5	5	5	3
К	10	3	5	10	3	3	10	10

60 балдан юқори. Сизда талант бор! Бундай ҳислатли кишини топиш қийин. Бутун ҳаётингизни ишга бағишилайсиз. Шундай давом этаверса Сиз ёлғиз қолишингиз мумкин, чунки ўз яқинларингиз ҳақида ўйламайсиз, дўстларингизни эса ишбилармон шериклар сифатида баҳолайсиз. Сиз совук ёлғиз ҳиссиз компьютер бўлиб қолишингиз мумкин.

35 дан 60 балгача. Сиз ўзлигингилини сақлаб қолгансиз. Шу билан бирга ҳаётдан орқада қолмайсиз. Сизнинг яқинларингиз Сиздан хурсанд. Сиз меҳрибон ва ҳушёrsиз, бироқ шунингдек ишларингизни ташлаб қўймасдан уларни бажаришга улгурасиз.

35 балгача. Сиз жуда йенгилтаксиз. Тасодифга бунчалик ишониб фақат ўйин-кулгига берилмаслик керак.

8.4. Биргаликда бошқариш ҳақида тушунча ва ишлаб чиқариш шароитида унинг аҳамияти

Бошқариш жараёни бу раҳбар ва бошқарув аппаратининг қўйилган мақсадга эришиш учун одамларнинг қўшма фаолиятини уйғунлаштириш бўйича мақсадга мувофиқ ҳаракатлари мажмуасидир. Бошқариш тизим сифатида унинг янада майда бўлинмалари мавжудлигини кўзда тутади: бу унинг элементлари, яъни қисмлари орасидаги муносабатни ташкил қилиш, маълум мақсад сари жоиз бўлган назорат остида фаолият кўрсатаётган маълум механизмлар мажмуи сифатида унинг ишлаш тартиботини ташкил қилиш кабиларни ўз ичига олади.

Бошқариш жараёнини қўйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

- 1) мақсаднинг қўйилиши;
- 2) маълумотлар йиғиши;
- 3) таҳлил ва мулоҳаза ишлари;
- 4) фаолият вариантлари ва ташкилий иш босқичларини танлаш.

Бошқарувнинг қўйидаги тармоқлари мавжуд: ижтимоий, ишлаб чиқариш бўйича, техникавий, давлатга қарашли ва бошқалар. Маъмурий буйруқбозлик тизимидағи режали иқтисод шароитида бошқарувнинг вазифаси асосан олий даражадаги раҳбарлардан қўйиларига кўрсатмалар бериш билан белгиланар эди. Бу қоғозбозликнинг кучайишига олиб келган эди. Кўпинча ҳосил бўлган вазиятга зид қарорлар чиқариш рўй берар эди. Бу аста-секин "сен учун ҳамма нарса қилинади" деган тушунча асосида бепарволик ва тайёрга айёрга кайфиятини вужудга келтирди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ва умуман, ҳозирги замон ишлаб чиқаришида, бошқариш омилиниң, бошқарувчилик маданиятининг ва бошқарувчилик фалсафасининг аҳамияти кўп марта ортиб кетди. Бугунги кундаги рақобатчилик курашида мавқенинг кучайиши бошқарувнинг сифати билан чамбарчас боғлиқ. Бошқаришни такомиллаштиришни ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг энг асосий омилларидан бири деб ҳисоблаш зарур.

Нима учун шундай? Энг аввало ишлаб чиқариш ҳаражатларининг тузилмаси ўзгарди. АҚШ саноат ишчиларининг иш ҳақи улушига маҳсулот қийматининг 2-10 % тўғри келади. Ишлаб чиқариш ҳаражатларининг асосий қисмини моддий-енергетик ҳаражатлар, асбоб-ускуналарни тутиш ва ишлатиш, транспорт чиқимлари, сақлаш ва шу каби ҳаражатлар ташкил этади. Демак ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун асбоб-ускуналарни созлаш ва таъмирлаш муддатларини қисқартириш, ички исрофгарчиликларнинг барча турларини (масалан, нуқсонли маҳсулотлар, материаллар, хомашё, энергиянинг ортиқча сарфланишини) бартараф қилиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолди.

Кўпинча раҳбарлар ишлаб чиқариш маданияти, бошқариш услуби, ташкил қилиш фалсафаси ва корпоратив қадриятлар каби масалаларга кам эътибор берадилар.

Юқори малакали бошқарувчиларга ва юқори самарали ишлаб чиқаришга эга корхоналар эса, мана шу, биринчи қараңда ахамияцияз күринган омиллар аслида хўжалик фаолиятининг муайян кўрсаткичларида моддий тус олишини яхши биладилар.

Умумий мақсад кишиларни бирлаштиради, уларнинг зўриқишлирага маъно ва мақсад сари интилиш туйғусини беради, бошқарувчилик қарорларини ишлаб чиқиши жараёнида асос солувчи йўл-йўриқлар кўрсатади. Янги бошқарувчилик фикрлашлари нимада ифодаланади? Бу ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакл ва усулларида, самарадорликни ошириш йўллари, ишлаб чиқаришнинг мослашувчанлиги ва тезкорлиги соҳаларида доимий равишда яхшиланишлар қидириш - бу доимий равишда исрофгарчиликлар манбанини қидириш демакдир.

8.5. Бошқариш ва назорат тизими

Кадрларни танлаш ва кўтариши тизими. Илғор корхоналарда ходимнинг ишдаги ўсиши унинг ўз вазифалари доирасини қанчалик яхши бажариши ва команда аъзоси сифатида қанчалик муваффақиятли ишлашига қараб амалга оширилади. Бошқарувчининг хизмати, энг аввал, ўз командасида 1) қўйилган масалани ҳал қилиш учун зарур ресурсларни ҳозирлашни; 2) команда аъзолари ҳатти-ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштиришни таъминлай олишида кўринади.

Команданинг ҳар бир аъзосидаги қарор қабул қилиш жавобгарлиги, команда аъзоларининг ўз манфаатларини кескинлаштириш, бир-бирига қарама-қарши қўйиш эмас, балки уларни ўзаро мувофиқлаштиришга қодирлиги асосида танланиши керак. Айниқса Япониядаги бошқарувчиликда ёркин ифодасини топган бу ёндашув бошқарув тузилмалари доирасида кадрларни танлаш ва олға суришнинг қанчалик муҳимлигини исботлайди. Япон компанияларидаги кадрлар танлаш тизимининг пухта ўйланганлиги ва яхши чамалангандиги япон ишчи кучларининг энг итоаткор ва интизомлилиги туфайли миллий ягоналик кўринишини ҳосил қилишга имкон туғдиради. Аслида эса, ғап фақат бошқарувни ташкил қилиш тузилмаларининг иш тарзида энг самарали усуллар билан таъминланишига имкон туғдирадиган саводли кадрлар сиёсати ҳақида кетмоқда.

Олий маълумотли ходим ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилишда муваффақиятли қатнашиш, ўз малакасини ошириш, кенг доирада ихтисослик ва меҳнат маҳоратларини эгаллаш учун олий маълумоциз ходимга қараганда бошиданоқ анча катта имкониятларга эга. Шунинг учун япон фирмаларида (ва умуман бошқарув яхши ташкил қилинган фирмаларда) олий маълумотга эга кишилар бошиданоқ бундай маълумоти йўқ кишилардан "юқори туриши" ажабланарли эмас. Бу хизмат бўйича кўтарилиш тезлигига ҳам, меҳнатга ҳақ тўлаш даражасида ҳам ўз аксини топади. Японияда ҳозирданоқ умумий олий таълим жорий қилиш масаласи муҳокама қилинмоқда.

Японияда қабул қилинган хизмат бўйича кўтарилиш тартиби бўйича барча даражадаги ходимлар лавозим бўйича фақат ўзининг амалий, тақдирга лойиқ

хизматлари учунгина кўтарилади. Бошқаларнинг хато ва камчиликларига нисбатан бепарволик қилиш ярамайди. Акс ҳолда кадрлардаги ташаббускорликдан ёки умуман қимматли кадрлардан ажралиб қолиш мумкин.

Шундай қилиб, хизмат бўйича кўтарилиш ва ҳақ тўлаш ишчининг ҳақиқий малакасига асосланади, бунда унинг малакаси фақат ходимнинг ўз шахсий вазифаларини бажаришга қодирлигини эмас, балки унинг ўз корхонасининг ишлаб чиқариш ва бошқа муаммоларини ҳал қилишда қатнашиш қобилиятини, ўз компанияси хўжалик фаолиятининг барча томонларини билиш ва тушуниб этиш қобилиятини ҳам кўрсатади.

Японияда раҳбарлар кадрлар танлаш борасида ҳам катта ютуқларга эришганлар. Япон тизими янги келган ходимга ўзини фирма фаолиятининг бир неча соҳаларида текшириб кўришни таклиф этади. Кейин ходим учун ўзини энг қобилиятли қилиб кўрсатган иш жойи тайинланади.

Қарор қабул қилиши жараёни ва муаммоларни ҳал қилиши усуллари. Илгари "лидер" (йетакчи) ва "бошқарувчи" сўзлари қўп ишлатилар эди. Йетакчи ва бошқарувчилар томонидан қарор қабул қилиш жараёнини яхши тушуниб йетиш учун уларни ўзаро фарқлай билиш керак. Команда йетакчиси ва бўлим бошқарувчисининг вазифаларидағи фарқ йетакчи билан раҳбар-бошлиқ вазифалари ўртасидаги тафовутдан келиб чиқади.

Раҳбар бошқаришни шахсан ўзи хоҳлаган қарор қабул қилиш ва меҳнат жараёни устидан назорат асосида олиб боради. Йетакчи қарор қабул қилиш ҳуқуқини тортиб олмайди, балки аксинча, бу ҳуқуқни бригада ёки команданинг ҳар бир аъзосига топшириб кўяди. Унинг асосий мақсади - қарор қабул қилиш эмас, команданинг бошқа аъзолари йечиши зарур бўлган муаммоларни қидириш, жамоа фаолиятининг мақсад ва вазифаларини шакллантириш бўйича ёрдам кўрсатишдан иборатdir. Шунга мос равища мөхнат жараёнини назорат қилиш вазифаси (яъни маъмурий мажбуrlашга асосланган, ходимлар устидан ҳукмронлик), мувофиқлаштириш вазифаси (яъни ҳар хил, ходимларнинг кўпинча ўзаро зид бўлган манфаатларини келиштириш йўлларини қидириш) билан алмаштирилади.

Қарор қабул қилиш жараёнидаги ёки бошқача айтганда, бошқарув услубидаги бундай ўзгаришлар биринчи навбатда ҳозирги замон одамлар орасидаги муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг обйектив заруратларига асосланади.

АҚШда ташкилий маданият ва янгича бошқарув тафаккурининг реал тимсолига айланган Калифорния штатидаги "Фрито лей" компаниясига қарашли заводнинг бир ишчиси "биз кишиларга эмас, муаммоларга ҳужум қиласиз. "Биз "ким ноҳақ" лигини эмас, нима қилиш зарурлигини ҳал қиласиз" - деб таъкидлади. Бундай масалаларни ҳал қилиш учун алоҳида мажлислар зали ажратилган бўлиб, у йерда ҳар хил бўлимларнинг ходимлари ўз муаммоларини мухокама қилиш учун мунтазам учрашиб туришади.

Умуман, тайёргарлик ва қарор қабул қилиш жараёнини 5 босқичга ажратиш мумкин.

- 1) ишлаб чиқариш жараёни ёки фаолиятнинг бошқа турларини мунтазам равишда таҳлил қилиш ва муаммоларни келтириб чиқараётган зиддиятлар ва номутаносибликларни ўз вақтида аниқлаш;
- 2) таҳлил ва башорат қилиш учун қўшимча маълумотлар йиғиш;
- 3) эҳтимолий вариантларни ишлаб чиқиши;
- 4) йечимнинг алоҳида вариантларини амалга оширганда кутиладиган самарадорликни аниқлаш;
- 5) йечимнинг энг яхши вариантини танлаш.

Бошқарув қарорлари бир-биридан мустасно равишда мавжуд бўлмайди. Улар кўпинча маълум мақсадга эришишга мўлжалланган занжирни ташкил қиласди. Бошқарув қарори - бу раҳбар томонидан бажарилаётган мувофиқлаштириш чоралари кўзга ташланадиган асосий хужжатлардан биридир.

Юқорида айтилганлар асосида қарорларни тайёрлаш ва амалга ошириш жараёнида қуйидаги масалаларга эътибор бериш мумкин:

- қандай қилиб қарорларнинг илмий асосланганлигини кўтариш ва таваккалчилик ҳавфини камайтириш мумкин;
- қарорни тайёрлаш учун зарур бўлган маълумотлар ҳажми қандай бўлиши керак;
- қарорни тайёрлаш жараёнида манфаатдор шахсларнинг фаолиятини қандай қилиб мувофиқлаштириш керак.

Бу масалаларни йечишида чамаси уч йўналишда ҳаракат қилмоқ зарур:

- бошқарув қарорини тайёрлаш тадбирлари сифатини яхшилаш, энг яхши ҳисоблаш усуллари ва ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан амалий назорат тизимини яратиш;
- қарорни тайёрлаш жараёнини демократлаштириш, яъни уни ишлаб чиқишига иложи борича кўпроқ бажарувчиларни жалб қилиш;
- баъзи бўлимларни алоҳида маълумот йиғиш ёки йечимнинг эҳтимол вариантларини ишлаб чиқиши каби масалаларни ҳал қилишга ихтисослаштириш.

Аммо охирги сўз раҳбар зиммасида бўлиши ёки мулкчилик турига қараб овозга қўйиш натижалари асосида аниқланиши керак.

Ходимларни рағбатлантириши тизими. Инсоният тарихида бошқарувда қатнашган одамлар томонидан ўз ишчилари ишини рағбатлантириш бўйича жуда катта тажриба тўпланган. Аммо ҳар бир давр ўз усулларига таянади. Бизнинг давримизда раҳбарларга айнан меҳнаткашларнинг ташаббусини рағбатлантириш усуллари тавсия этилади. Булардан баъзиларини санаб чиқиш мумкин.

1. Тадбиркор бўлинг. Доимий равишда меҳнатни ташкил қилишнинг янги шаклларини қидиринг, ишчилар орасида ижодий ҳамкорликни кучайтиришга интилинг.

2. Ўз эътиборингизни ташкилий маданиятнинг ташаббусни бўғувчи ва чеклаб қўювчи томонларига қаратинг.

3. Ходимларингизнинг ўзаро ва сиз билан маълумотлар ва фикрлар алмашуви учун мулоқот эркинлиги ва очиқлик муҳитини яратинг.

4. Ходимларингизнинг шахсий фазилатларини ўрганинг ва ҳисобга олинг. Ҳар бирининг қобилиятини алоҳида қадрланг.

5. Ташаббусли бажарувчиларга аввалгидан тузукроқ тақдирланиши кафолатланишини ҳимоя қилинг.

6. Плюрализмни қадрланг. Сиз танлаган иш услуги албатта энг яхиси бўлмаслиги мумкин.

7. Ходимларингизга бажарилганда шахсий ва ихтисос бўйича қониқиш келтирувчи ишларни буюришга ҳаракат қилинг. Шундай бўлмаса, улар иш билан яхши қизиқмасликлари мумкин.

8. Муваффакият билан эришилган ютуқлар фақат ижодий фаоллик кўрсатаётган ишчиларгагина кулиб боқиши мумкинлигига барчани ишонтиринг.

9. Ҳаддан ташқари қаттиқ жазоламанг. Кўпинча жазонинг таъсири тақдирлаш таъсиридан бир неча марта ортиқ бўлади. Баъзида эса, қанчалик жумбоқли бўлмасин, хато учун жазоламаслик жазолашдан ортиқ бўлади. Шунингдек, бир марта хато қилган одам ўз қобилиятига ишончни йўқотиб қўйиши мумкинлигини унутманг. Иложи бўлса, ютуқларини тақдирлаб, камчиликларини сезмасликка интилинг.

10. Конструктив равишда, аста-секин, чекланган соҳада бўлса ҳам танқиддан фойдаланинг. Бамайлихотир ва ҳайриҳоҳлик билан гаплашинг.

Келтирилган ўнта маслаҳат бошқарувчи билиши керак бўлган гапларнинг арзимаган бир қисмигина холос. Аммо улар билан танишгандан кейин унинг психология, сухбатдошли ишонтира билиш ва бошқа шу каби соҳалар бўйича билими қанчалик чуқур бўлиши кераклиги ойдинлаша бошлайди.

8.6. Назоратни ташкил қилиш механизми

Технологияни бошқариш менежери ишини роял созловчининг иши билан таққослаш мумкин. У асбоб торлари йетарлича тортилганми, асбоб (бизнинг шароитда, айтайлик, корхона) яхши овоз чиқариб бера оладими каби саволларни текшириб кўради. Технологияни самарали бошқариш учун нималар зарур?

Биринчидан, хатоларга муросасизлик. Технология тўхтовсиз ва бенуқсон ишлайдиган бўлиши керак. Акс ҳолда янги муаммолар пайдо бўлади.

Иккинчидан, технология сарф-ҳаражатлар нуқтаи назаридан самарали ва рақобатбардош бўлиши керак. Бу йерда бошқарув ва назорат вазифаси жуда кўп муқобил вариантлардан биттасини, биринчи навбатда ҳаражатлар мезони бўйича энг мақбулини танлаб олиш билан белгиланади. Технологияни бошқариш, агар ҳаражатларга эътибор қилмаслик мумкин бўлганда, кўп марта йенгилроқ бўлар эди.

Учинчидан, бошқарув доимий равишда технологияни такомиллаштиришга қаратилган бўлиши керак. Агар менежер эришилгандан қаноатланиш сезмаса, бу яхши ҳолат.

Ниҳоят, тўртинчидан, бошқарув рақобатчилар томонидан амалга оширилган инқилобий сакрашни қарши олишга тайёр бўлиши керак.

Технологиянинг яхши бошқарувчиси, албатта, ўзининг олим ва мухандисларига таянишни истаган бўлар эди. Бошқа томондан, олим ва мухандислар сўзсиз бошқаларнинг ютуқларини қўчирма қилиш эмас, балки ўзларининг илмий изланишлари натижаларинигина ишлаб чиқаришга татбиқ этилишини хоҳлаган бўлар эдилар. Бу фаолиятни самарали бошқариш олимларнинг ижодий фаоллигини, уларнинг ташаббускорлик ва тадбиркорлигини рағбатлантирувчи ташкилий чоралар ўтказиш билан ифодаланади. Компанияда ишлаётган олимларга, кўпинча, маошга қараганда ўзининг илмий ижод қилиш имкониятлари, илмий меҳнат натижаларидан қаноатланиш, ғояга қизиқиш ва уни илмий жамият аъзолари томонидан тан олиниши каби омиллар муҳимроқ бўлади.

Бирор компания янги бир техник йечимни ишлаб чиқиша омадлироқ бўлиши мумкин. У билан рақобатни давом эттириш учун бошқа фирмалар ана шу янада илғорроқ янги технологияга ўтишга мажбур бўладилар. Бошқарувчининг роли ўз компанияси тадқиқотчиларининг амбицияларини, яъни уларнинг орқада қолганлиги уларнинг иззат-нафсиға қаттиқ текканлигини йенгиб ўта олишида кўринади. Бу йерда бошқарув сиёсати бир томондан илмий-текширув фаолияти мавзусини (бошқалар томонидан эришилган бўлса ҳам) ишлаб чиқариш эҳтиёжларига яқинлаштириш, иккинчи томондан, ўз компанияси олимларининг истиқболли илмий натижаларини татбиқ қилишни тезлаштириш бўйича чоралар кўриш масалаларини кўзда тутади.

Илғор корхоналарга кўп эътибор қаратиш одати иши юришмаган омадсизлар унчалик кўп эмас деган таассурот ҳосил қилиши мумкин. Аммо маълумки, янги ғоянинг туғилишидан бошлаб то унинг муваффакиятли татбиқ қилинишигача бўлган машақкатли йўлни шараф билан мустақил йенгиб ўтган фирмалар сони бир фоизнигина ташкил қиласди. Тахминий статистика бўйича, ана шу бир фоизга қўшилиш учун икки мингга яқин уриниш қилиб кўриш керак экан.

Агар менежер технология янгиликларига доим йўқ деяверса, кўп ҳолларда ҳақ бўлиб чиқади. Аммо бор-йўғи бир неча хатодан кейиноқ унинг хўжалиги тез орада банкротлик ҳавфи остида қолади. Шунинг учун у анъанавий технологияни бажаришни баркамолликка йетказиш кафолатини олувчи барқарорлик билан энг янги технологияни татбиқ қилинаётган ҳаракат ўртасидаги мувозанатни жуда чуқур сезиши керак. Табиийки, савол туғилади, "янги технологиянинг ўз корхонасидаги тақдири ҳақида қарор қабул қилишда менежер нимага таяниши керак? Нахотки фақат субъектив ҳис-туйғуларга?" Йўқ албатта. Қайси лойиҳаларни танлаш зарурлигини тушунишда менежерга яхшироқ имкон берувчи бир неча асосий қоидалар мавжуд:

1) Янги технологияни танлашда менежерлар унинг ёқимлилиги ва улардан кутиладиган улкан имкониятлардан келиб чиқадилар. Аслида эса улар қанчалик истеъмолчи талабларига жавоб беришидан келиб чиқиш керак. Агар истеъмолчи талабларини оқламасангиз бозорда керакли ютуқка эриша олмайсиз. Бу йерда, бошқарувчи ўрнига истеъмолчи ҳал қиласди.

2) Янги дегани доим ҳам энг яхши дегани эмас. Шунинг учун умуман олганда янги технологиялар ютиб чиқади дейиш нотўғридир. Эволюцион йўл

революцион йўлдан фарқли равишда таваккалчи эмас, амалий натижани тезроқ беради ва ҳаражатларнинг унчалик кескин кўпайишини талаб қилмайди. Менежерда хушёр ақл бўлиши керак. Кўпинча у янги ихтиро истиқболига берилиб, анъанавий технологиядаги ҳали ишга солинмаган катта имкониятлар яшириниб ётганини ёдидан чиқаради.

3) Тез-тез учраб турадиган адашиш бу янги технологияни қўллаш истиқболи унинг муваффақиятли татбиқ этилишини олдиндан аниқлаб беради деган фикрdir. Аслида эса ҳал қилувчи омил уни татбиқ қилиш учун зарур бўлган инфратузилмадир. Агар ишлаб чиқариш учун хомашё, малакали мухандислар ва ишлаб чиқариш кучлари йетишмаса, ноёб хоссаларга эга янги материалнинг ихтиро қилиниши ҳеч нима эмас. Ана шу технологияларни бошқариш мисолида бозор шароитида ўзгариб турадиган бошқарув стратегиясининг кенг ва эгилувчан ҳолда ўзгариб туришининг аҳамияти яққол кўриниб турибди. Шу билан бирга бу бошқарув билан шуғулланувчи кишиларнинг қанчалик мураккаб масалалар билан тўқнашишларини ҳам кўрсатиб турибди.

8.7. Раҳбар меҳнати ва вазифалари

Раҳбар меҳнати маҳсулот ишлаб чиқарувчилар меҳнатининг табиий ва ажралмас қисмидир, чунки ишлаб чиқарувчиларнинг иши меҳнатни тўғри ташкил қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Раҳбарнинг меҳнати унумлидир. Бошқарувчилик меҳнатининг ўзига хос хусусияти унинг микдорини аниқлаш қийинчилигидадир. Фирмага рақобатчи аниқ корхонада раҳбар меҳнати бир неча турдаги масалаларни ҳал қилишга қаратилган:

- асбоб-ускуналардан, ишлаб чиқариш жойларидан фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ, масалан, юқорида кўриб ўтилган технологик масалалар;
- иқтисодий муносабатларни яхшилаш ва такомиллаштириш билан боғлиқ иқтисодий масалалар;
- ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш ва тартибга солиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий масалалар.

Шу билан бирга айтилган масалалардан бирини йечатуриб, унинг қабул қилган қарори бошқа фаолият соҳаларида қандай ўзгаришлар келтириб чиқариши мумкинлигини кўра билиши керак.

Раҳбарнинг шахсий вазифалари сифатида қуидагиларни айтиш мумкин. Ходимларнинг малакасини ошириш ва уларда буюрилган иш учун жавобгарлик ҳиссини ривожлантириш. Ўз вазифаларини яхши уддалашни хоҳлайдиган раҳбар, ходимларига нисбатан ишончни уларга топширилган вазифалар бажарилишини назорат қилиш орқали ифодаланувчи юқори талабчанлик билан бирга олиб бориши керак. Шунингдек раҳбар кадрларни ўстириш ва олға суриш учун шароит яратишга ҳаракат қилиши керак.

Йирик бир корхонада висе-президент ўринbosари ишда юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эга эди. Унинг фикрича, бошлиғи – висе-президент президентлик лавозимини олганда унинг ўрнини эгаллаши мумкин эди. Аммо

ұхбат пайтида ундан ўзига тенг даражага ёки унинг ёрдамида ундан ҳам юқори даражага күтариlgан уч кишининг номини айтишини сўраганларида, у ҳеч кимни кўрсата олмади. Ва фақат шу сабаблигина унинг номзоди олиб ташланди.

Ҳозирги корхоналарда агар сизнинг кўтарилишингиз натижасида иш жойингиз ёлғизланиб қоладиган бўлса, сизнинг уринишларингиз беҳуда, чунки сиз ўзингизга ўринбосар тайёрлаб олмагансиз.

Умуман раҳбарларнинг кўтарилиши масалалари осонликча ҳал бўлиб қолмасдан, ўзида зиддиятлик аломатларини мужассамлаштиради, чунки қабул қилинган қарорлар ҳисоб нуқтаси ва баҳолаш мезонлари билан чамбарчас боғлиқ. Жамиятнинг прогрессив ҳаракати раҳбарлардан ҳар хил соҳаларда янада кўпроқ билим талаб қиласди. Шу билан бирга раҳбарларнинг профессионал қобилиятлари ва имкониятлари борган сари ортаверади. Шунинг учун айнан шундай мутахассислар тайёрлашга кўпроқ эътибор қилиш керак деб ҳисоблаймиз.

Бобнинг қисқача холосаси

Корхонани бошқариш (менежмент)нинг моҳияти бир кишининг ёки кишилар гуруҳининг (бошқарувчиларнинг) бошқа кишиларга (бошқарувчиларга) уларнинг мақсадга йўналтирилган ҳаракатларини уйғотиш учун таъсир кўрсатишдан иборат.

Кенг маънода, бу ерда инсонларнинг ўзаро комплекс муносабатлари доирасида қарорларни шакллантириш, уларни ҳаракатланиши ва бажарилишини таъминлаш фаолиятига хизмат қилувчи кўрсатмалар, жараёнлар ва инструментлар йифиндиси назарда тутилади.

Корхонани бошқариш ўз ичига уч аспектни олади: 1. “Ким кимни” бошқаради? (институционал аспект). 2. Бошқарув “қандай” амалга оширилади ва бошқарувчиларга “қандай” таъсир кўрсатади (функционал аспект). 3. Бошқарув “нималар” билан амалга оширилади? (инструментал аспект).

Таянч иборалар:

Бошқариш (менежмент), институционал, функционал ва инструментал аспектлар, бошқарув жараёни, бошқарув стили, авторитар услуг, алоқадорлик услуги, автоном услуг, бошқарув механизми, бошқарув механизмининг физик, эмоционал, ижтимоий ва аралаш воситалари, раҳбарликнинг авторитар, демократик ва эркин (либерал) типлари, танқид ва унинг турлари, кадрлар танлаш ва кўтариш тизими, қарорлар қабул қилиш жараёни ва муаммоларни ҳал қилиш, ходимларни рағбатлантириш тизими, назоратни ташкил қилиш механизми, раҳбар меҳнати ва вазифалари.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Бошқаришнинг моҳияти нимада?
2. Қандай бошқариш услугларини биласиз?
3. Бошқарув воситаларининг қайси турларини биласиз?

4. Ишбилиармон раҳбар қандай бўлиши керак?
5. Бошқарув жараёни нималардан иборат?
6. Назорат тизими қандай ташкил қилинади?
7. Раҳбар меҳнати ва вазифалари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Красовский Ю.Д. Организационное поведение. М.: 2000.
2. Гуломов С.С. Менежмент. Т., 2002.
3. Джон В. Ньюстром, Кейт Дэвис. Организационное поведение. Поведение человека на рабочем месте. СПб. 2000.

9–БОБ. ҲУКМРОНЛИК СИЁСАТИ

9.1. Ҳокимият тушунчаси

Ҳозирги ўзгарувчан вақтда ташкилотларни бошқариш жуда мураккаб иш, чунки бу вазифани оддий, ёдланган формулалар билан амалга ошириш мумкин эмас. Раҳбар кўп сонли вариациялар аҳамиятини ва умумий ҳақиқатлар

тушунчасини ҳисобга олиши шарт, шунга кўра бир ҳолат иккинчисидан ажралиб туради.

Бошқарув жараёни ташкилотларни вужудга келиши ва фаолият кўрсатишига тегишилидир. Ҳар қандай расмий ташкилот ичида норасмий ташкилот мавжуд. Булар раҳбарият истагига кўра ташкил этилмаган бўлсада, барча раҳбарлар уларни ҳисобга олиши керак. Бундан ташқари раҳбар ўз вазифаларини яхши бажараётганлигига қарамай, олдинга интилаётган ташкилотда қўйилган мақсадларга эришиш учун қандай ходиса ва муносабатлар зарурлигини аниқлаш қийин.

Агар одамлар алоҳида шахс ва гурухларнинг ўзаро самарали таъсирига эриша олмасалар, ўз вазифаларини муваффақиятли бажара олмайдилар, чунки ҳар қандай ижобий фаолият ушбу муносабатларга боғлиқ. Бундай жараёнларни ҳал килиш учун у ёки бу гурухлар аниқ вазиятда қандай ролни бажарадилар ва унда раҳбарлик жараёни қандай ўрин эгаллашини билиш зарур. Раҳбар гурух қуч-қудратини, мавжуд ўзаро муносабатлар бошқарув томонидан тавсия этилган доиралардан чиқиб кеца ҳам, умумий масалаларни ҳал этишга йўналтириши керак. Бу вазифани амалга оширишнинг асосий механизми - мустақил, лекин узвий боғланган ҳукмронлик консепсиялари ва шахсий таъсир этишдир.

Бошқарувда раҳбар обрўси, таъсири ва ҳукмронлигидан унумли фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Бу нуқтаи назар менежерлик касбидан олдинроқ юзага келган. Никколо Маккиавеллининг ХВИ аср бошларида яратилган машҳур “Принц” асарида ёзилишича, ҳокимият ва ундан фойдаланиш давлатни бошқаришда асосий қурол бўлиб ҳисбланади. Энтони Джейнинг “Управление и Маккиавелли” ва Майл Коднинг “Власт” номли машҳур китобларида айтиладики, бизнинг даврда бу консепсиялар анча ҳаётӣ ва ҳаракатчандир. Табиийки, “ҳокимият” нима деган савол туғилади.

Ҳокимият - бу ҳаракат қилиш имконияти, бошқа одамларнинг хулқига ёки ҳолатига таъсир этиш қобилияти. Бошқа сўзлар билан айтганда ҳокимият - бу бошқа одамлар хулқига таъсир ўтказиш имконияти. Таъсир - бу бир шахснинг иккинчи шахс хулқи, муносабатлари ва ҳиссиётларига ўзgartириш киритувчи ҳар қандай ҳаракатидир. Таъсир воситалари турлича, қулоққа шивирлаб айтилган сўздан тортиб, тиralган пичоққача бўлиши мумкин. Шунингдек, бир одам ўзининг ғоялари билан ҳам иккинчи одамга таъсир этиши мумкин. Бирон бир сиёсий ташкилотда ҳеч қандай расмий лавозимга эга бўлмаган ва ҳеч қачон зўравонлик билан шуғулланмаган К.Маркс XX аср воқеаларига таъсир кўрсата олган. Раҳбарлар шундай таъсир этиш қобилиятига эга бўлишлари керакки, бу факат бир ғояни қабул қилишга эмас, балки ҳаракатга - натижавий меҳнатга олиб келсин. Самарали бошқарувга эришмоқчи бўлган ҳар қандай раҳбар ўз ҳукмдорлигини ривожлантириши ва том маънода ундан ижобий фойдалана олиши лозим.

Кенг жамиятда ҳокимлик тушунчаси салбий қарашларни вужудга келтиради. Масалан, Лорд Эктона шундай деган: “Ҳокимият аҳлоқизлизик тенденциясига эга, мутлоқ ҳокимият эса мутлоқ аҳлоқизлантиради”.

Кўпгина инсонлар ҳокимликни зўравонлик, куч ва агрессия билан боғлайдилар. Бундай қарашларни тушуниш мумкин, чунки ҳокимликнинг тубида айнан қўпол куч туради, ҳатто зўравонлик фақат спортда ва телевиденияда бўлади деб ҳисобловчи юқори ривожланган жамиятда ҳам куч асло ҳокимиятнинг зарурий қисми эмас.

Ҳокимликнинг бошқарувда кераклиги ҳақида гапирадиган бўлсак, раҳбарлардан фақатгина расмий ваколатлар эмас, балки ҳокимлик ҳам талаб этилади. Чунки раҳбарлар ўзларига бўйсунмайдиган одамларга боғлиқлик ҳиссини сезадилар. Шунингдек ҳозирги замонавий ташкилотларда ҳеч ким раҳбарга фақатгина бошлиқ бўлгани учун бўйсунмайди.

Ҳамма ташкилотларда самарали ишлаш учун тегишли ҳокимиятдан фойдаланиш шарт. Ташкилотнинг ҳар хил бўлинмаларида раҳбар бевосита бошлиқлар, ишчилар ва ҳамкасларга боғлиқ бўлади. Аслида бу гурухлар раҳбар атроф-муҳитининг бир қисмидир. Бу одамларсиз раҳбар самарали ишлай олмайди. Жуда кўп раҳбарлар шунингдек ўз ташкилотидан ташқаридағи одамлар ва корхоналарга – буюртмачилар, рақобатчилар, таъминотчилар ва улар фаолиятини тартибга солувчи бошқармалар ва касаба уюшмаларга боғлиқ бўлади. Энг яхши ҳолатда бу одамлар ва кучлар раҳбарлар билан ҳамкорлик қиласидилар ва маълум мақсаддага эришишга кўмаклашадилар. Раҳбар маълум ваколатларга эга бўлсада, ишчиларнинг кучини мақсаддага йўналтириш имконияти ҳар доим ҳам мавжуд бўлмайди.

Честер Бернард таъкидлашича, ишчилар бирор бир ишни қилишдан бош тортишлари мумкин. Ҳозирги замон ишчилари ўтмишдошларига нисбатан ўқимишлироқ ва анъанавий ҳокимликка камроқ бўйсунадилар. Бундай муаммо йўқ бўлганда ҳам, раҳбар унга расман бўйсунмайдиган кишиларга боғлиқ бўлади.

Раҳбарият дуч келадиган қийинчиликларнинг энг асосий сабаби уларнинг бевосита бошқариб бўлмайдиган омиллар ва одамлар билан боғланганлигига. Агар раҳбар бошқариб бўлмайдиган кучларга таъсир кўрсата олмаса, демак у ўз ишини бажара олмайди, бу эса нафақат шахсий меҳнат самарадорлигига, балки бутун ташкилотнинг фаолиятига зарар кўрсатади, бошқа сўз билан айтганда самарадорлик пасайиб кетади.

Агар раҳбар йетарли ҳокимиятга эга бўлмаса, у бошқа одамлар орқали маълум бир мақсаддага эришиш учун керакли ресурсларга эга бўла олмайди. Бунда кўпинча нотўғри ишлатиладиган ҳокимлик ҳам ташкилотнинг муваффақиятли ишлаши учун кераклидир. Роберт Бирстед айтганидек, ҳокимият ҳар бир ташкилотда бўлади ва унинг тузилишини ташкил этади. Ҳокимияциз ташкилот ҳам, тартиб ҳам бўлмайди.

Юқорида айтиб ўтилганлардан ҳокимлик таъсир этиш билан узвий боғланганини кўришимиз мумкин. Раҳбарликка келсак, раҳбарлик – бу алоҳида шахслар ва гурухларга таъсир этиш, ташкилот мақсадларига эришиш учун уларнинг харакатларини йўналтира олиш қобилиятидир. Шундай қилиб, биз раҳбарлик, таъсир ва ҳокимият ўзаро боғланган деб айтишимиз мумкин. Бундан ташқари таъсир этиш ва ҳокимият раҳбарликнинг асосини ташкил қилувчи элементлардир.

9.2. Ҳокимиятнинг асосий турлари

Бошқариш учун таъсир этиш зарур, таъсир этиш учун эса ҳокимият асосига эга бўлиш зарур. Ҳокимиятга эга бўлиш учун биз ижрочи учун аҳамиятли бирор нарсани назорат остида ушлаш имкониятига эга бўлишимиз керакки, бу нарса уларни хоҳишимиз бўйича фаолият юритишга мажбур этади. Бу "нимадир" ҳаммамизда мавжуд. Ҳокимият ижрочини фаол эҳтиёжларга мурожаат қилишига эришади. Таъсирнинг барча турлари инсонларнинг қондирилмаган эҳтиёжларини қондириш ёки қондиришга тўсқинлик қилиш орқали бошқа инсоннинг хоҳишлиарини бажаришга ундаиди ёки ижрочининг феъл-авторига боғлиқ ҳолда унинг эҳтиёжлари қондирилиши ёки қондирилмаслигини кутишга ундаиди. Кишилар муайян хулқни намоён қилганда нима содир бўлишини тасаввур қиласди. Раҳбар эса келажакда ижрочисига ўз таъсирининг натижасини тасаввур этади. Натижада раҳбар ҳам ижроидек келажакдаги хулқ-авторининг ўхшаш ёки ноўхаша услубини ўзига сингдиради. Раҳбарнинг ўз бўйсунувчисига таъсир этиш жараёнини қуидагича тасвираш мумкин:

- 1) раҳбарлар ишлатадиган ҳокимият тури;
- 2) раҳбарнинг таъсир этишга уриниши;
- 3) бўйсунувчидан хоҳлаган хулқ-автор натижаларини тасаввур қилиш ва кутиш;
- 4) бўйсунувчи хулқ-автори натижасининг муҳимлиги;
- 5) бўйсунувчининг хулқ-автори ва унинг натижалари;
- 6) бўйсунувчининг эҳтиёжларига таъсир этиш.

Ҳокимият турли хил қўринишга эга бўлиши мумкин. Ҳокимият ва раҳбарлик соҳаси тадқиқотчилари Френч ва Рой Вен ҳокимият асосларининг қулав таснифини ишлаб чиқдилар. Уларнинг таснифи бўйича ҳокимиятнинг бешта асосий тури мавжуд.

1. Мажбурулашга асосланган ҳокимият. Мажбурулаш методикаси, одатда барча ҳолларда одамга бирор нарса керак бўлса, ва бошқа одам уни тортиб олишга қодир бўлса, ҳокимиятга йўлдош бўлади. Ушбу "нимадир"га ўз шахсий ҳаёти ёки бошқа инсоннинг ҳаётини мисол қилиш мумкин. Шунинг учун зўрлаш мавжуд бўлмаса ҳам қўрқув инсонлар нима учун онгли ёки онгизз равишда ўзларига таъсир этишга йўл қўйиб беришларининг кенг тарқалган ҳислатидир. "Ҳокимият брокерлари" китобида Девид Кипп шундай дейди: "айрим шахслар куч, нутқий қобилиятлари, шунингдек бошқа тизимларга ҳиссий ёрдам кўрсатиш ёки кўрсатмаслик имкониятларига таянган ҳолда мажбурий ҳокимликни амалга оширадилар. Бу шахсларга жисмоний хўрлаш, қўрқитиш, ёки бошқаларни севишга қаршилик қилиш каби воситаларга йўл қўйишга имкон беради". 1975 йилгача дунёдаги йирик савдо дўконлари эгаси бўлган Грант ўз компаниясининг истеъмолчилардан тушаётган кредитлар бўйича қийинчиликка дуч келганда бу муаммони йечиш учун ўз усулини: директорлар учун "Бифштекс ва боблар" номи остида салбий стимуллар

дастурини таклиф қилди. Ўз вазифаларини бажара олмаган директорлар хўрлаш тадбирларига тортилган. Баъзиларга бу таъсир этди. Шунга қарамасдан, Грантнинг пассиви ортиши давом этаверди, чунки қўпчилик директорлар хўрлашларга тортилмаслик учун ўз ҳисоботларини тўғрилаб қўярди. Бу ҳолатда мажбурашга асосланган ҳокимият қўпчилик раҳбарларга таъсир этмагандек (унга ишонч йўқлиги ва уни қўллаш катта ҳаражатларни талаб қилиши сабабли), қўрқитиш ҳам ўз олдига қўйилган вазифаларга эриша олмади. Аммо инсонни нотўғри ҳаракат вақтида ушлаш имконияти мавжуд бўлганда қўрқитиш таъсир этиши мумкин. Бунинг учун эса юқори ҳаражатларни талаб қилувчи самарали назорат тизимига эга бўлиш зарур.

Кўрқитишни қўлладиган ташкилотлар хусусий тадбиркорлик ва очик жамият шароитларида фаолият юрита олмайди. Фред Лутанснинг сўzlари бўйича, "зўравонлик вақтинча бўйсунишга олиб келсада, у кўнгилсиз, салбий таъсирларга (кўрқув, қасос) олиб келади, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайишига, ишдан қониқмасликка, кадрлар қўнимсизлигига олиб келади".

2) Мукофотлашга асосланган ҳокимият. Ижро этувчи ишонадики, таъсир этувчи эҳтиёжларни қондириш ва хурсанд килиш имкониятига эга. Тақдирлаш орқали таъсир килиш - бошқа одамларга таъсир этишининг энг қадимги ва самарали усусларидан бири. Тақдирлашга асосланган ҳокимият ўзига маъқул хулқ-атворга эришиш мақсадида бўйсунувчига ижобий ёндашади. Мотивациянинг кутиш назариясида ижрочи унинг фаол эҳтиёжларини қондирувчи мукофот олиш катта эҳтимолга эгалигини ва раҳбар хоҳлаган нарсани бажаришга қодирлигини тасаввур қиласи. Жон. П. Коттер бошқаларга вақти-вақти билан ёрдам кўрсатиб, уларда мажбурият ҳиссини уйғотиш орқали ҳам ҳокимиятни кучайтириш мумкинлигини таъкидлайди. Коттер таъкидлашича, "баъзи инсонлар улардан кам вақт ва куч талаб қилувчи, аммо бошқалар буни жуда катта баҳоловчи шахсий ёрдам кўрсатиш қобилияtlарига эга."

Тақдирлашга асосланган ҳокимият, раҳбар ижрочи тасавvuридаги мукофотни тўғри аниқлай олганда ва ҳақиқатан ҳам унга шу мукофотни таклиф қила олганда таъсирчан бўлади. Аммо амалиётда раҳбар тақдирлаши учун бир қанча чекланишлар мавжуд. Баъзи бир ҳолатларда чекланишлар ташқаридан қўйилиши мумкин: масалан, касаба уюшмаси билан қайси меҳнат тури қандай мукофотланишига келишилган меҳнат шартномаси орқали. Нимани ва қандай мукофотлашни аниқлашнинг мураккаблиги тақдирлашга асосланган ҳокимиятнинг қийинчилигини оширади. Пул ва мансаб ҳар доим ҳам одамда кучли таассурот қолдирмайди ва унга таъсир этиш қобилиятига эга эмас. Шунинг учун яхши раҳбар бошқа таъсир этиш усусларини ҳам қўллашни ўрганиши керак.

3) Эксперт ҳокимият. Ижроchi таъсир этувчининг эҳтиёжларни қондира оловчи маҳсус билимларга эга эканлигига ишонади. Ақлий ишонч орқали таъсир этиш қўйидагича амалга оширилади: ижроchi таъсир этувчининг берилган лойиха ва масалалар бўйича маҳсус билимга эга эканини тасаввур этади. Ижроchi раҳбарнинг билимини қимматли ишонч сифатида қабул қиласи.

Бу ҳолатда таъсир этиш ақлий ҳисобланади, яъни ижрочининг бўйсунишга қарори онгли ва мантиқийдир. Жон П. Коттер раҳбарнинг муваффақиятлари қанчалик катта ва кўпроқ намоён бўлса, раҳбар шунча кўп ҳокимликка эришади деб таъкидлайди. Шахс бошқаларнинг тасаввuri бўйича ташкилот олдига қўйилган мақсадларга эришишига ёрдам бера олса ва ижобий қарорлар қабул қила олса, ташкилотда эксперт ҳокимиятдан фойдаланиши мумкин. Бошқалар эса ўз шахсий мақсадларига эришиш учун эксперт билимлар зарур деб ҳисоблайди. Текширишлар шуни кўрсатдики, агар одамлар гурухлари маълум бир кишини бирор соҳада эксперт деб айтишса, бу гурух тез орада шу одамнинг кўрсатмалариға эргашади. Бу ҳатто шу одамда экспертлик мавжуд бўлмаганда ҳам содир бўлади.

Ходимларнинг ўз раҳбарини эксперт деб ҳисоблаши гурух ёрдамида қарор қабул қилишда салбий натижаларга олиб келиши мумкин. Бу саволни муҳокама қилаётиб, Стейнер ва Майнер таъкидлайдиларки, раҳбар "ўзининг ходимлари билан маълумот қидириш ва улар томонидан қўйилган масалаларнинг муқобил йечимларини излаш учун учрашувга бориши ва у ердан олдиндан ўзи ўйлаб қўйган йечимлар билан қайтиши мумкин".

Надлер, Хекман ва Лоулернинг таъкидлашича, "баъзи бир техникавий мураккаб масалаларда ходимлар ўз раҳбарлариға қараганда яхшироқ мутахассис бўлиши мумкин". Демак, агар сиз ходимларга сизни эксперт деб ҳисоблашига рухсат берсангиз, улар ўз маълумотларини сиз билан ўртоқлашмаслиги мумкин. Бу эса камроқ фойдали йечим қабул қилинишига олиб келади.

Ақлий ишонч нима учун мутахассислар, расмий хуқуққа эга бўлмасалар ҳам, ташкилотларда амалий таъсир ўтказишлари мумкинлигини тушунтиради. Мутахассислар ишончини қабул қилаётиб бевосита раҳбар ўз вақтини тежайди, акс ҳолда унга мутахассисларнинг ҳар бир тавсиясини пухта текшириши керак бўлар эди. Бевосита раҳбар бўш вақтини бошқа ишга ажратиши мумкин, масалан, мураккаб масалаларни йечиш орқали мукофот олиб ўзининг каттароқ эҳтиёжларини қондиришга сарфлаши мумкин. Экспертларнинг маслаҳатларидан бутунлай воз кечиши бевосита раҳбарларни катта эҳтиёжларини қондиришдан кўра кўпроқ ҳимояланишга ҳаракат қилишини англашиб мумкин.

Ақлий ишонч харизматик шахслар таъсири асосланган кўр-кўrona ишончга қараганда камроқ барқарордир. У шунингдек секин таъсир этади. Ақлий ишончни эгаллаш учуни узоқ вақт талаб қилинади. Мутахассис ноҳақ бўлиб чиқса, раҳбар кейинчалик унинг маслаҳатига эргашмайди, яъни унинг таъсири камаяди. Аммо бу ақлий ишонч таъсир этишнинг бошқа усувларидан кучсиз дегани эмас. Баъзи ҳолатларда мутахассиснинг ақлий ишонч таъсири раҳбар ва бўйсунувчи ўртасидаги ҳокимият балансини ўзгартиради. Раҳбарга ходимнинг маълумоти ва тавсияси керак бўлса, охиргисининг ҳокимлиги ортади.

4) Конуний ҳокимият. Ижрочи таъсир этувчининг буюриш хуқуқига эгалигига, у эса бўйсунишга мажбурлигига ишонади. Бунинг эвазига у ўз эҳтиёжларини қондира олади. Раҳбар ташкилий иерархиянинг юқори босқичида бўлгани учун ходим унинг кўрсатмалариға анъанавий равища

бўйсунади. Шундай ҳолда қонуний ҳокимият таъсирчан бўлади. Раҳбарларга бошқа одамларни бошқариш ҳуқуки берилгани учун улар қонуний ҳокимиятдан фойдаланадилар. Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, анъана энг қўп тарқалган таъсир этиш воситаси бўлиб чиқади.

Раҳбар ижрочининг ҳимояга ва алоқадорликка бўлган эҳтиёжларини қондириш учун анъанадан фойдаланади. Ташкилотлардан ташқаридаги маданий меъёрлар бошлиqlарга бўйсуниш кутилаётган хулқлигини тасдиқлаганидагина анъана орқали таъсир этиш мумкин. Минг йиллар давомида гарбий маданий анъана бошлиқ ҳокимиятини мустаҳкамлади. Бу деярли барчани маълум бир мансабни эгаллаган шахсга бўйсунишга мажбурлашларини исботлайди. Инсон анъанага асосланган таъсир этишга ишониш эвазига ижтимоий гуруҳга мансублигини сезади. Мансублик ва ўзини шахс сифатида ҳис этиш унинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиради ва ҳақиқий ҳимояланишни вужудга келтиради.

Баъзи бир кишилар учун анъана қарор қабул қилишни анча осонлаштиради ёки истисно қиласди. Анъаналар жуда кучли бўлган тизимларда "нима яхши" ва "нима ёмон"лиги анча аниқ белгиланган. Анъана - ҳам ташкилот, ҳам раҳбар учун ёқимли воситадир. У катта афзалликка - шахссизликка эга. Энг яхши мукофотларни биринчи навбатда энг яхшиларга, яъни бу тизимга энг яхши бўйсунувчиларга берилиши ташкилотнинг ўз аъзоларининг итоаткорлигига эришиш учун анъанадан фойдаланиш қобилиятини мустаҳкамлади. Лекин анъана янгиликларни жорий қилиш вақтида кўпчилик эски анъаналарни ёқлаб чиқиши туфайли ишга ҳалақит бериши ҳам мумкин.

5) Эталон ҳокимият. Таъсир этувчининг тавсифлари ва фазилатлари шундай жозибадорки, ижрочилар ҳар томонлама шу шахсга ўхшашга ҳаракат қиласди.

Еталон ҳокимиятни харизматик шахслар мисолида кўриш мумкин. Харизма мантиқа, тарихий анъанага эмас, балки раҳбарнинг шахсий сифатлари ва қобилиятларига асосланган ҳокимиятдир. У ўзининг бутунлай "шахслилиги" билан қонуний ҳокимиятдан фарқ қиласди.

Харизматик шахсларнинг баъзи тавсифлари:

1. Енергия алмашиш. Гўё уларнинг юзидан нур ёғилиб туради ва уни одамларга улашади.

2. Таъсиран ташқи кўриниш. Бу билан одамларни ўзига жалб қиласди.

3. Характернинг мустақиллиги. Улар ўз мақсадларига мустақил, бошқаларга бўйсунмасдан ва суюнмасдан эришадилар.

4. Яхши нутқ қобилияти. Чиройли нутқи ва ўзаро мулоқот қобилияти кучли ривожланган.

5. Мақтовларни қабул қилиш. Ўз номига айтилган мақтовларни ортиқча эътиборсиз осон қабул қиласди.

6. Ўзини тута билиш. Ҳар хил ҳолатларда ҳам барқарорликни сақлаб қолади.

9.3. Раҳбар ва бўйсунувчилар ўртасидаги ҳокимият баланси

Боғлиқлик консепсияси ҳокимлик ҳақидаги яна бир кенг тарқалган фикрнинг асоссизлигини таъкидлайди. Жуда кўп одамлар, қўлида ҳокимлик бор одам ўзининг хоҳишини, ўзининг ишларини бошқаларга қилдиради деб ўйлади. Лекин бу шундай бўлганида, раҳбарлар ҳар доим таъсир этиш учун ҳокимликка эга бўлардилар. Лекин, ҳозирги кунда, ҳокимлик ва таъсир этиш шахсга ва унинг раҳбарлик қобилиятига боғлиқdir деб тан олинади. Абсолют реал ҳокимлик йўқdir, чунки ҳеч ким ҳамма вазиятларда одамларга таъсир эта олмайди.

Масалан, ташкилот шароитида, ҳокимлик қисман иерархия билан аниқланади. У ёки бу одамнинг ҳокимлиги, унинг эгаллаб турган расмий ваколатларидан эмас, балки бошқа одамга қарамлик даражаси билан аниқланади. Буни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин: А шахснинг Б шахсга таъсир этиш даражаси, Б шахснинг А шахсга қарамлик даражасига teng.

Бўйсунувчилар ҳокимлиги. Одатда раҳбар бўйсунувчиларга ҳокимлик қилади, чунки унга ойлик маошни кўтариш, вазифа бериш, хизмат бўйича кўтарилиш, ваколатни кенгайтириш, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш ва х.к.лар боғлиқdir. Лекин баъзан бунинг акси, яъни ходимлар ўз раҳбарининг устидан ҳокимиятга эга бўлади. Бошқа сўз билан айтганда, бўйсунувчилар вазифаларни бажариш, ўз ҳамкасларига таъсир этиш қобилиятига эга. Масалан, артист ва спортчиларнинг раҳбаријти, албатта, маошни бир миллион доллардан камроқ беришни хоҳлайди, лекин улар спортчи ва артистларнинг ютуқларига қарамдирлар, чунки спортда ракобат жуда ҳам кучли. Бўйсунувчиларда ҳокимият пайдо бўлишига таъсир этувчи омилларни бирлаштириб, Девид Махани шундай дейди: "бир одам бошқа одамга нисбатан қай даражада қарамликда бўлса, шу даражада бошқа одам ҳокимликка эгадир".

Ҳар бир раҳбар шуни тушуниши керакки, агар ўз ҳокимиятини бир томонлама ишлаца, бўйсунувчилар ҳам ўз ҳокимиятини кўрсатишлари мумкин. Шунинг учун яхши раҳбар ҳокимликнинг зарурӣ мувозанатини сақлаб қолишига интилади. Бўйсунувчилардан ташқари, раҳбарга нисбатан, ҳамкаслари ҳам ҳокимликка эга бўлишлари мумкин. Ҳокимликнинг анча қисмини бошлиқларнинг котиблари ҳам эгаллайдилар, чунки улар маълум бир маълумотни кимдан олишни яхши биладилар. Джон. П. Коттер фикрича, ҳар бир раҳбар, бошқаларга ишлаш учун керакли бўлган ресурслар масаласида қарамлигини кўрсатиш билан, ўз ҳокимлигини ошириши мумкин. Бу ресурслар муҳим маълумотлар, хизматлар, пул ва х.к.лар бўлиши мумкин. Девид Мак Келанднинг изланишлари шуни кўрсатадики, самарали раҳбар ҳокимликка катта эҳтиёж сезиб, ўзининг ҳокимлигини буйруқ тариқасида ишлатмайди. Аксинча ҳокимлик қилаётган гурух аъзоларига кўмаклашади, мақсадларни амалга оширишда ғамхўрлик қилади.

Юқоридагиларни таҳлил килиб, шундай хулоса қилиш мумкин, ҳокимлик – бу ташкилот ютуқларига эришиш учун ёрдам берувчи воситадир. Ҳокимликни ишлатиш оқибатлари ташкилот учун унчалик салбий бўлмайди. Ҳокимликни ва таъсир этишни ҳар хил омилларини ва шаклларини кўриб чиқиб, баъзи жойда унинг бирор-бир шакли керак бўлса, бошқа вазиятда уни ишлатишга ҳожат

йўқ, чунки у ташкилотнинг ривожланишини тўхтатиб қўйиши мумкин деган холосага келиш мумкин. Баъзан турли усулларни бирга ишлатиш мумкин, аммо бунинг салбий томонлари ҳам бор, чунки уларни бирлаштириш қимматга тушиши мумкин.

Қуйидаги тест ёрдамида бошқаларга қанчалик таъсир эта олишингизни аниқлаб оласиз. Ушбу саволларга "ҳа" ёки "йўқ" деб жавоб беринг:

1. Сиз ўзингизни актёр ёки сиёсий арбоб сифатида тасаввур қила оласизми?
 2. Ғалати кийинадиган ва ғайриоддий одамлар жаҳлингизни чиқарадими?
 3. Бошқа одамлар билан самимий кечинмаларингиз ҳақида гаплаша оласизми?
 4. Ўзингизга нисбатан озгина ноҳурматликни сезганда бунга тез муносабат билдирасизми?
 5. Бирор киши, сиз учун муҳим бўлган соҳада катта ютуқларга эришса, қайфиятингиз бузиладими?
 6. Атрофдагиларга ноёб имкониятларингизни кўрсатиш учун, жуда қийин ишни бажаришни ёқтирасизми?
 7. Ишингизда муҳим натижага эришиш учун барча нарсани қурбон қила оласизми?
 8. Дўстларингиз доираси ўзгармаслигига интиласизми?
 9. Ҳаёtingизда барча ишлар ва кўнгилочишлиарни қаттиқ тартибга солинган ҳолда ўтказишни ёқтирасизми?
 10. Уй жихозлари жойини алмаштириш ёки уйдаги вазиятни алмаштириш ёқадими?
 11. Эски масалаларни янги усуллар билан йечишга уринасизми?
 12. Мағрур ва кеккайган кишиларни мазах қиласизми?
 13. Ўз бошлиғингизни ёки обрўли одамни бирор нарсада ҳақлигини исботлашни ёқтирасизми?
- Қуйидаги жадвалга асосланиб, олган балларингизни ҳисоблаб чиқинг.

Жавоб	Саволлар												
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
ҳа	5	0	5	5	5	5	5	0	0	5	5	5	5
йўқ	0	5	0	0	0	0	0	5	5	0	0	0	0

35-65 балл. Сиз ажойиб имкониятларга эгасиз. Сиз бошқаларга самарали таъсир этишингиз мумкин, уларнинг хатти-харакатларини ўзгартира оласиз, уларни тўғри йўлга йўналтиришингиз мумкин. Бундай вазиятларда сиз ўзингизни қулай ҳис этасиз. Сиз инсон одамлардан қочмаслиги ва фақат ўзи ҳақида ўйламаслиги керак деб ишонасиз. Одам бошқалар учун ҳам бир иш қилиши, уларни ўргатиши керак, чунки одамлар ўзларини ҳаётда яхши ҳис этишлари керак. Сизнингча, бу фикрлар билан рози бўлмаган кишиларни аямаслик керак. Ўзингизни ҳақлиғингизга атрофингиздагиларни ишонтириш

қобилиятига эгасиз, лекин эҳтиёт бўлишингиз керак, чунки сизнинг ҳолатингиз зўравонликка йўйилиши мумкин.

30 ва ундан кам балл. Одатда сиз ҳақ бўлсангизда, атрофингиздагиларни бунга доим ҳам ишонтира олмайсиз. Сиз ўз ҳаётингиз ва бошқаларнинг ҳаёти тартибли, фаҳм-фаросатли ўтиши ва яхши одатларга боғлиқ бўлиши керак деб ҳисоблайсиз. Сиз бирор ишни "куч орқали" қилишни ёқтирмайсиз. Бунда сиз ўзингизни жуда вазмин тутасиз, чунки хоҳлаган мақсадингизга эриша олмайсиз, ва қўпинча сизни тўғри тушунмайдилар. Афсус.

Бобнинг қисқача хулосаси

Ҳокимият - бу ҳаракат қилиш имконияти, бошқа одамларнинг хулқига ёки ҳолатига таъсир этиш қобилияти. Бошқа сўзлар билан айтганда ҳокимият - бу бошқа одамлар хулқига таъсир ўтказиш имконияти. Таъсир - бу бир шахснинг иккинчи шахс хулқи, муносабатлари ва ҳиссиётларига ўзгартириш киритувчи ҳар қандай ҳаракатидир. Таъсир воситалари турлича бўлиши мумкин. Шунингдек, бир одам ўзининг ғоялари билан ҳам иккинчи одамга таъсир этиши мумкин. Самарали бошқарувга эришмоқчи бўлган ҳар қандай раҳбар ўз ҳукмдорлигини ривожлантириши ва том маънода ундан ижобий фойдалана олиши лозим. Раҳбарлардан фақатгина расмий ваколатлар эмас, балки ҳокимлик ҳам талаб этилади. Ҳамма ташкилотларда самарали ишлаш учун тегишли ҳокимиятдан фойдаланиш шарт.

Таянч иборалар

Ҳокимлик, таъсир, ҳокимлик турлари, раҳбарлик, анъана, мукофотлаш, жазолаш.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Ҳокимият, таъсир кўрсатиш ва раҳбарлик ўртасидаги нисбатни қандай тушунтириш мумкин?
2. Ҳокимиятнинг асосий турларини айтиб беринг.
3. Раҳбарлик тушунчасининг моҳияти нимада?

Асосий адабиётлар

1. Кочеткова А.И. Введение в организационное поведение и организационное моделирование. Учебное пособие. М.: Дело. 2006.
2. Джон В. Ньюстром, Кейт Дэвис. Организационное поведение. Поведение человека на рабочем месте. СПб. 2000.
3. Л.В.Карташова, Т.В.Никонова, Т.О.Соломанидина. Организационное поведение. Учебник. М.: ИНФРА-М. 2003.

10 – БОБ. ТАШКИЛОТЛАРДА ЗИДДИЯТЛАР

10.1. Зиддият тушунчаси ва моҳияти

Бошқариш назариясининг кўпгина тушунчалари сингари, зиддиятнинг ҳам кўп таърифлари мавжуд. Улардан бири шундай ифодаланади: зиддият - бу аниқ шахслар ёки гурухлардан иборат бўлган икки ва ундан ортиқ томонлар ўртасидаги келишмовчиликлардир. Ҳар бир томон ўз қарашлари ва мақсадлари қабул қилиниши учун ҳаракат қиласида ва бошқа томоннинг худди шундай ҳаракатларига қаршилик кўрсатади. Масалан " СиБиЭс " компаниясининг кейинги йил сметаси тайёрланаётганда "СиБиЭс янгиликлари" ва "СиБиЭс спорт" президентлари Директорлар Кенгашини айнан унинг бўлимига компания ресурсларининг катта қисми берилиши зарурлигига ишонтиromoқчи бўладилар. Одамлар зиддият ҳакида ўйлаганларида уни кўпинча агрессия, кўркитиш, бахс, душманлик ва ҳоказолар билан боғлайдилар. Натижада зиддиятни салбий ҳодиса деб хисоблаб, ундан иложи борича қочиш ёки пайдо

бўлиши биланоқ уни ҳал килиш лозим деб биладилар. Бу Вебер бюрократия консепсиясини қўлладиган мактаб муаллифлари ишларида яккол кўриниб турди. Бундай механизмлар асосан зиддиятларнинг келиб чиқишига ёрдам берадиган шароитларни йўқотиб, пайдо бўлган муаммоларни ҳал қиласи деб ҳисобланади.

Ҳозирги замон қарашлари ҳатто самарали бошқарилаётган ташкилотларда ҳам зиддиятлар нафақат мавжуд бўлган, балки керак ҳодиса эканлигидан иборат. Албатта, зиддият ҳамма вақт ҳам ижобий характерга эга эмас. Айрим вазиятларда у алоҳида шахсларнинг талабини қондиришга ва бутун ташкилотнинг мақсадига эришишга халақит беради. Лекин кўпгина вазиятларда зиддият қарашларнинг хилма-хиллигини келтириб чиқаришга, қўшимча ахборот беришга ва кўпроқ муқобил ёки муаммоларни кўрсатишга ёрдам беради. Бу эса гурухнинг қарор қабул қилишини самаралироқ, ва шу билан бирга одамларнинг ўз қарашларини ифода қилиш ёрдамида ҳокимиятга ва ҳурматга бўлган шахсий эҳтиёжларини қондиришга ёрдам беради. Бу эса режа, стратегия ва лойиҳаларни самаралироқ бажаришга олиб келади.

Шундай қилиб, зиддият функционал, яъни ташкилот самарадорлигини оширадиган ёки дисфункционал, яъни шахсий қониқиши, гурухий ҳамкорликни ва ташкилот самарадорлигини пасайтирадиган бўлиши мумкин. Зиддият роли, асосан, уни бошқариш самарадорлигига боғлиқ. Зиддиятни бошқариш учун унинг келиб чиқиш сабабларини билиш лозим.

10.2. Зиддият турлари

Зиддиятнинг тўртта асосий тури мавжуд: шахсий ички, шахслараро, гурух ва шахс орасидаги ва гуруҳлараро.

Шахсий ички зиддият. Зиддиятнинг бу тури ҳар хил кўринишларни қабул қилиши мумкин. Шулардан энг тарқалгани - ролли зиддият бўлиб, у бир одамга унинг иш натижаси қандай бўлиши кераклиги ҳақида қарама-қарши талаблар қўйилганда пайдо бўлади. Шахсий ички зиддият шунингдек ишлаб чиқариш талаблари шахсий талаблар ёки қадриятлар билан мос тушмаслиги оқибатида вужудга келади. Шунингдек шахсий ички зиддият иш кўпайиб кетиши ёки етишмаслигининг натижаси сифатида пайдо бўлади. Тадқиқотлар кўрсатишича, бундай зиддият иш унумдорлигининг паст даражасидан қониқиши, ташкилотга ва ўзига оз даражада ишониш ва стресс билан боғлиқ.

Шахслараро зиддиятлар. Зиддиятларнинг бу тури энг кўп тарқалгандир. Ташкилотларда у ҳар хил кўринишларда бўлади. Кўпинча бу раҳбарларнинг чекланган ресурслар, капитал ёки ишчи кучи учун курашидир. Улардан ҳар бири ресурслар чекланганлиги учун ўзидан катта раҳбариётни бу ресурслар айнан унга берилиши кераклигига ишонтириш зарур деб ҳисоблайди. Шахслараро зиддият шахсларнинг тўқнашуви сифатида ҳам намоён бўлади. Ҳар хил характерли, қарашли ва қадриятли одамлар айрим вақтда келишишга куч топа олмайдилар.

Шахс ва гурух орасидаги зиддиятлар. Агар шахс гурух позициясидан бошқача позиция эгалласа, алоҳида шахс ва гурух орасида зиддият келиб

чиқади. Шунга ўхшаш зиддият раҳбарнинг мажбуриятлари асосида ҳам келиб чиқади: у бир вақтда ишлаб чиқариш унумдорлигини таъминлаш билан ташкилот қоидалари ва тадбирларига риоя қилиш заруриятидан келиб чиқади. Раҳбар ўз хизматчилари кўзига унчалик яхши кўринмайдиган тартиб чораларини қўллашга мажбур бўлади. Шунинг оқибатида гуруҳ ўз раҳбарига муносабатини ўзгартириб, меҳнат самарадорлигини пасайтириш орқали жавоб қайтариши мумкин.

Гуруҳлараро зиддиятлар. Ташкилот нафақат расмий, балки норасмий бўлган кўпгина гуруҳлардан иборат бўлади. Ҳатто энг яхши ташкилотларда ҳам бундай гуруҳлар орасида зиддиятлар келиб чиқиши мумкин. Норасмий гуруҳлар раҳбар уларга ноҳақ муносабатда бўлади деб ҳисоблаб, бир-бири билан кўпроқ жамулжам бўлиб, у билан ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтириш орқали "ҳисоблашмоқчи" бўладилар.

10.3. Зиддият сабаблари

Зиддиятларнинг бир қанча сабаблари мавжуд. Зиддиятларнинг асосий сабаблари: тақсимлаш керак бўлган ресурсларнинг чекланганлиги, мақсадларнинг турлилиги, хулқ-авторнинг хилма-хиллиги, маълумот даражасидаги фарқлар ва ҳ.к.

Ресурсларни тақсимлаши. Ҳатто энг катта ташкилотларда ҳам ресурслар ҳамма вақт чекланган бўлади. Раҳбарият ҳар хил гуруҳлар орасида материал, инсон ва молия ресурсларини ташкилот мақсадига самаралироқ усул билан эришиш учун тўғри тақсимлаши зарур. Аниқ бир раҳбар, хизматчи ёки гурухга ресурсларнинг кўпроқ қисмини ажратиш, бошқаларнинг жами миқдордан озроқ қисмга сазовор эканлигини англаатади. Шундай қилиб, ресурсларни тақсимлаш зарурияти турли хил зиддиятларни келиб чиқишига олиб келади.

Мақсадларнинг хилма-хиллиги. Зиддиятнинг келиб чиқиши имконияти ташкилотнинг ихтисослашув ва бўлинмаларга бўлиниш даражаси ошиши билан кўпаяди. Бу ихтисослашган бўлинмалар бутун ташкилот мақсадларидан кўра ўз мақсадига эришишга кўпроқ эътибор берадилар.

Қараашлар ва қадриятларнинг турлилиги. Бирон-бир вазиятга бўлган қараашлар маълум мақсадга эришиш истаги билан боғлиқдир. Вазиятни обьектив баҳолаш ўрнига одамлар, уларнинг фикрича ўз гурухи ёки шахсий талабларига қулай бўлган қараашлар, муқобиллик ва вазият аспектларини излайдилар. Қадриятларнинг турлилиги кўп зиддиятларнинг сабаблари ҳисобланади. Бундай зиддиятлар кўпинча университет факултетлари орасида пайдо бўлади (бизнес ва техника), соғлиқни сақлаш ташкилотларида касалларга сифатли шифо бериш энг катта қадрият деб ҳисоблайдиган шифохона маъмурияти орасида ҳам кўплаб учрайди.

Хулқ ва ҳаёт тажрибасидаги хилма-хилликлар. Бундай хилма-хилликлар ҳам зиддият келиб чиқиши имкониятини ўстириши мумкин. Сиз доим жаҳлдор ва зўравон, ҳар бир сўз учун тортишувчи одамларни кўплаб учратгансиз. Бундай одамлар ўз атрофида зиддиятли муҳит яратадилар. Шунингдек ҳаётий тажриба, қадриятлар, маълумот, иш стажи, ёшидаги фарқлар ҳар хил

гурухлардаги ишчилар орасида ҳамкорлик ва бир-бирини тушуниш даражасини пасайтиради.

Бир ёки ундан ортиқ зиддият манбаларининг мавжудлиги бошқариш жараёнида унинг пайдо бўлиш имкониятларини кўпайтиради. Лекин зиддият туғилишига катта имконият мавжуд бўлганда ҳам, томонлар вазиятни кескинлаштирмаслик учун унга ўз муносабатини кўрсатмасликлари мумкин. Лекин кўпгина вазиятларда одам, бошқа одамнинг ўз истаган мақсадига эришмаслигига қаратилган муносабат кўрсатади. Ҳақиқий зиддият бошқа томон ёки воситачини қатъий ишонтириш харакатида пайдо бўлади. Одам ўз нуқтаи назарини бошқаларга ўтказишга харакат қиласи ёки ўзгалар фикрини мажбуrlаш, анъана, тақдирлаш, ишонтириш каби таъсирлар билан йўқ қилмоқчи бўлади.

Зиддиятнинг жараён сифатидаги кейинги босқичи – бу зиддиятни бошқаришдир. Зиддиятни бошқариш самарадорлиги, унинг оқибатлари функционал ёки дисфункционал бўлишида кўринади, улар эса ўз навбатида, келгуси зиддият имкониятларига таъсир қиласи: зиддият сабабларини йўқотади ёки яратади.

Зиддиятнинг функционал оқибатлари. Зиддиятнинг қўйидаги функционал оқибатлари мавжуд. Улардан бири муаммони барча томонларга маъқул усул билан йечишдир. Натижада кишилар бу муаммони ҳал қилишда ўз иштирокини кўпроқ ҳис этади. Бу эса, ўз навбатида, қарорларни қабул қилишда душманчилик,adolazizlik ва ўз хоҳишига қарши бориш каби қийинчиликларни имкон борича камайтиради ёки бутунлай йўқотади. Бошқа функционал оқибат - томонлар келгуси зиддиятли вазиятларда антагонизмдан кўра кўпроқ ҳамкорликка мойил бўладилар.

Зиддият шунингдек хизматчиларнинг ўз раҳбарлари қарашларига зид қарашларини айттолмаслиги, яъни бўйсуниш синдромини камайтиради. Кўшимча ғоя ва вазиятнинг "ташхиси" уни тушунишига олиб боргани боис қарор қабул қилиш жараёни сифатини яхшилайди, белгилар сабаблардан ажратилиб, кўшимча муқобилликлар ва уларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Зиддият орқали гурух аъзолари қарор бажарилишидан олдин пайдо бўлиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал қилишлари мумкин.

Зиддиятнинг дисфункционал оқибатлари. Агар зиддиятни бошқаришнинг самарали усули топилмаса, қўйидаги дисфункционал оқибатлар, яъни мақсадга эришишга ҳалақит берадиган шароитлар келиб чиқиши мумкин:

1. Қониқмаслик, ёмон кайфият, кадрлар қўнимсизлигининг кўпайиши ва ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши.

2. Келажакда паст даражадаги ҳамкорлик.

3. Ўз гуруҳига кучли содиқлик ва ташкилотнинг бошқа гурухлари билан кераксиз рақобат.

4. Ўз мақсадларини ижобий деб, бошқа томонни эса "душман" ва унинг мақсадларини салбий деб тасаввур қилиш.

5. Зид томонлар ўртасида мулоқот ва ҳамкорлик қилишнинг йўқолиши.

6. Ҳамкорлик ва мулоқотнинг камайиши натижасида зиддиятнинг кучайиши.

7. Реал муаммони ҳал қилишдан кўра "ғалабага" кўпроқ эътибор бериш.

10.4. Зиддиятли вазиятни бошқариш

Зиддиятли вазиятни бошқаришнинг бир қанча самарали усуллари мавжуд. Уларни тузилмавий ва шахслараро усулларга бўлиш мумкин. Раҳбарлар характернинг оддий фарқланишини зиддият сабаби деб ҳисобламаслиги керак. Раҳбар аниқ сабабларни таҳлил қилишдан бошлиши, кейин эса мос методикани қўллаши лозим. Зиддиятни ҳал қилиш методикасини қўллаш орқали зиддият имкониятини камайтириш мумкин.

1. Тузилмавий усуллар. Зиддиятни ҳал қилишнинг тўртта тузилмавий усули мавжуд – бу ишга қўйиладиган талабларни тушунтириш, координацион ва интеграцион механизмларни қўллаш, умумқабул қилинган комплекс мақсадларни ўрнатиш ва тақдирлаш тизимидан фойдаланиш.

Ишга қўйиладиган талабларни тушунтириши. Дисфункционал зиддиятни йўқотувчи самарали бошқарув усулларидан бири - ҳар бир ходим ва гурухдан кутиладиган натижаларни тушунтиришdir.

Координацион ва интеграцион механизmlар. Бу усулда координацион механизм қўлланилади. Кенг тарқалган механизmlардан бири - буйруқлар занжири. Агар икки ва ундан ортиқ хизматчилар бирор масалада турли фикрларга эга бўлса, улар уни ҳал қилиш учун умумий раҳбарга мурожаат этадилар.

Умумташкилий комплекс мақсадлар. Зиддиятли вазиятларни бошқаришнинг бу усули икки ва ундан ортиқ ходимлар, гурухлар ва бўлимларнинг ҳамкорлигини талаб қиласи. Бу усулнинг ғояси - ҳамма аъзоларнинг кучини умумий мақсадга эришиш учун йўллашdir. Масалан: ишлаб чиқариш бўлимининг уч сменаси ўзаро зиддиятли вазиятда бўлса, ҳар бир сменага эмас, балки бутун бўлим учун мақсадларни шакллантириш лозим.

Тақдирлаш тизими тузилмаси. Бу усул дисфункционал оқибатлардан кутилиш учун одамлар хулқига таъсири кўрсатиш билан амалга оширилади. Умумташкилий комплекс мақсадларга эришишда фаол иштирок этувчи, ташкилотнинг бошқа гурухларига ёрдам берувчи, муаммони ҳал қилишга комплекс ёндашувчи одамлар ташаккур, мукофот ёки хизмат кўтарилиши билан тақдирланиши керак. Тақдирлаш тизими алоҳида шахс ва гурухларнинг нотўғри хулқини тақдирламаслиги ҳам мухимdir.

Юқоридаги фикрларни якунлаб, шуни таъкидлаш мумкинки, умумташкилий мақсадларни амалга оширишга ёрдам берувчиларга нисбатан тақдирлаш тизимини мунтазам қўллаш ходимлар раҳбарларга ёқиши учун зиддиятли вазиятларда қандай ҳаракат қилиши кераклигини тушунишга ёрдам беради.

2. Зиддиятларни ҳал қилишнинг шахслараро усули. Зиддиятни ҳал қилишнинг бешта шахслараро усули мавжуд: четлашиш, юпатиш, мажбур қилиш, келишиш ва муаммони ҳал қилиш.

Четлашиш. Бу услуг шуни назарда тутадики, киши зиддиятдан қочишга, қарама-қаршиликларни келтириб чиқарадиган вазиятларга тушмасликка

ҳаракат қиласи, бу эса муаммо ва уни ҳал қилиш вақтида ҳам асабийлашмасликка олиб келади.

Юмшатии. Бу услуб ғазабланмасликка ҳаракат қилувчи хулқ билан характерланади ва “биз ҳаммамиз – битта баҳтли команда” деган ғояга асосланади. ”Юмшатувчи” зиддият ва ғазабланиш сабабларини кўрсатмасликка уринади ва бирдамликка чақиради. Аммо зиддият асосидаги муаммо ҳақида унтиб қўядилар.

Мажбур қилиши. Бу йерда шахс ўз нуқтаи назарини қабул қилдириш учун бор кучини аямайди. У ўзгаларнинг қарашлари билан қизиқмайди. Бундай услугни кўллайдиган шахс зўравонлик билан ўзгаларга таъсир қилиш учун ўз ҳокимиятидан мажбуrlаш орқали фойдаланади.

Келишиши. У бошқа томоннинг нуқтаи назарини қисман қабул қилиш билан характерланади. Келишиш қобилияти бошқарув вазиятларида юқори баҳоланади, чунки бу зиддиятни иккала томонни ҳам қониқтирувчи тарзда тез ҳал қилишга олиб келади. Лекин зиддиятнинг эрта босқичларида компромиссдан фойдаланиш уни ҳал қилишда муаммони аниқлаш ва муқобил йечимларни топиш вақтини қисқартиришга халақит бериши мумкин.

Муаммони ҳал қилиши. Ушбу услугнинг моҳияти зиддият сабабларини тушуниш ва ҳамма томонлар учун маъқул йўлни топиш учун фикрлар хилмажиллигини тан олиш ва бошқа нуқтаи назарлар билан танишишдан иборат. Бй услугдан фойдаланувчи шахс ўзгалар ҳисобига ўз мақсадига эришишни кўзламайди, балки зиддиятли вазиятдан чиқишининг энг яхши йўлини излади.

Амалиёт кўрсатишича, ҳозирги вақтда кўпгина раҳбарлар зиддиятдан қочмоқчи бўладилар ёки бўлмаса унинг ривожланишига аралашмайдилар. Лекин бетарафликни сақлаш ҳаракатлари ҳамма вақт ҳам асосли бўлавермайди, чунки вазият кескинлашади ва барибир буни ҳал қилиш лозим бўлади, лекин энди бунга кўпроқ ҳаражат кетади. Раҳбар илғор қарашларни фаол қўллаб-куватлаши, ҳосил бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун амалий дастурларни таклиф қилиши лозим. Агарда зиддият бузғунчи характерга эга бўлиб, уни тўхтатиш мумкин бўлмаса, тажрибали раҳбар бузғунчи кучларнинг ижобий томонларидан нотўғри бошқарув тизими ва салбий вазиятларни йўқотишда фойдаланади. Нима бўлганда ҳам ишлаб чиқариш зиддиятини ҳосил бўлган қарама-қаршиликнинг маҳсули сифатида қараш лозим, шунинг учун у икки ёқлама баҳолашни эмас, балки ҳаракатга келтирувчи кучларнинг ҳамма қирралари, элементларини қамраб оловчи кўп ёқлама баҳолашни талаб қиласи. Тахлил зиддиятнинг бир қанча функцияси мавжудлигини кўрсатади:

1. Гуруҳларнинг ҳосил бўлиши, зиддиятга тааллуқли гуруҳларнинг меъёрий ва жисмоний чегараларини ўрнатиш ва сақлаб туриш.

2. Гуруҳ ичидаги ва гуруҳлараро муносабатларнинг, якка шахслар ва гуруҳлар ҳамкорлиги, марказлашуви ва уларнинг ўзгариб бораётган шароитларга мослашувининг нисбатан барқарор тузилмасини ўрнатиш ва сақлаб туриш.

3. Жамоа ва ташқи муҳитнинг ривожланиш динамикаси шароитида улар ҳақида қўшимча ахборот олиш.

4. Кучлар мувозанатини ўрнатиш ва сақлаб туриш, ижтимоий назорат шакллари ва усулларини ишлаб чиқиши таомиллаштириши.

5. Меъёрларни ижод қилиш (маълум бир тамойил ёки хулқ қоидаларини ишлаб чиқиши).

6. Янги ижтимоий институтларни яратиш.

Зиддият орқали амалга оширилган ҳамма яратувчи функциялар раҳбарнинг юкори билимдонлиги шароитида жамоада ижтимоий-руҳий иқлимини ривожлантириш ва барқарорлаштиришга ёрдам беради.

Бобнинг қисқача хуносаси

Зиддият - бу аниқ шахслар ёки гурухлардан иборат бўлган икки ва ундан ортиқ томонлар ўртасидаги келишмовчиликлардир. Ҳар бир томон ўз қарашлари ва мақсадлари қабул қилиниши учун ҳаракат қиласи ва бошқа томоннинг худди шундай ҳаракатларига қаршилик кўрсатади.

Зиддият функционал, яъни ташкилот самарадорлигини оширадиган ёки дисфункционал, яъни шахсий қониқиши, гурухий ҳамкорликни ва ташкилот самарадорлигини пасайтирадиган бўлиши мумкин.

Зиддиятнинг тўртта асосий тури мавжуд: шахсий ички, шахслараро, гурух ва шахс орасидаги ва гурухлараро.

Таянч иборалар:

Зиддият, шахсий ички зиддият, шахслараро зиддият, шахс ва гурух орасидаги зиддият, гурухлараро зиддият, зиддият сабаблари, функционал ва дисфункционал оқибатлар, зиддиятларни ҳал этишнинг тузилмавий ва шахслараро усуллари.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Зиддият нима?
2. Зиддиятнинг қандай асосий турлари мавжуд?
3. Зиддиятни асосан қайси сабаблар келтириб чиқаради?
4. Зиддиятнинг функционал ва дисфункционал оқибати деганда нима тушунилади?
5. Зиддиятли вазиятни бошқариш усулларини биласизми?

Асосий адабиётлар

1. Красовский Ю.Д. Организационное поведение. М.: 2007.
2. Фуломов С.С. Менежмент. Т., 2002.
3. Л.В.Карташова, Т.В.Никонова, Т.О.Соломанидина. Организационное поведение. Учебник. М.: ИНФРА-М. 2003.

11 - БОБ. ИНСОННИЙ МУНОСАБАТЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Инсонлараро муносабатлар меҳнат соҳасида жуда муҳим бўлиб, тафаккуримизда, хулқимизда ва ҳаётимизда белгиловчи ўрин тутади. Меҳнат жараёнида одамийлик сифатларимизнинг кўпчилиги намоён бўлади. Замонавий меҳнат муносабатларининг яна бир муҳим тарафи бу - инсонларнинг иш юзасидан мулоқотидир.

Ҳаётимиз меҳнат тақсимоти ва турли инсонларнинг ҳаракатларини бирлаштириш, яъни меҳнат кооперациясидан иборатдир. Ишлаш жараёнида бирлашиб меҳнат жамоасини ташкил қиласиз. Бу эса бизнинг алоҳида кучимииздан анча юқори кучга эга. Меҳнат фаолиятида эса инсонлараро мулоқот муҳим ўрин эгаллади.

Шубҳасиз, исталган оммавий меҳнат бевосита мулоқотни кўзламайди. Аммо деярли ҳар бир инсоннинг иши меҳнат жамоаси билан узвий боғлиқ. Шунинг учун инсонлар ўртасидаги бевосита амалий мулоқот жамоа ҳаётини тамиллашда муҳим ўринга эга дейиш мумкин. Бу муносабатлар маданияти ва этикаси ҳаммамизга ва ҳар биримизга тўғридан-тўғри даҳлдордир.

Айнан инсон ҳамма моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнат тавсифи ва натижаларини энг юқори даражада белгилайди. Ҳозир буни тасаввур қилиш қийин, лекин аслини олганда оддий хақиқат - жамият ҳаётида инсоннинг салмоқли ўрни узоқ вақт ичida тан олинмаган.

Ўйлаймизки, ўтмишдаги ҳар бир мусибат ва омадсизлик, шунингдек келажакда рўй бериши мумкин бўлган омадсизликларга фақат ўзимиз жавобгар бўламиз деган фикр ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Вақтни ва вазиятни ҳисобга олиш шубҳасиз ўз мазмунига эга. Вақт бу – биз, ва шу сабабли немис шоири Паул Флеминго ижодидан мисол келтириш жуда ўринлидир. У ўзининг қисқа ҳаётида ватани учун оғир кечган даврлардан мисоллар келтириб, инсонларнинг вақт ва ўзи олдидаги жавобгарлигини жуда тўғри таърифлаб берган.

11.1. Меҳнат жамоасида ишга рағбатлантириш

Жамиятимизнинг кўргина ютуқлари - юқори даражадаги тартиб интизом ва инсонларни ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилишга жалб этиш, шу билан бирга фавқулодда фидокорлиги ва ҳатто меҳнатдаги қаҳрамонлиги билан боғлиқ. Лекин, иккинчи томондан мавжуд камчиликларимиз, нуқсон ва ҳатто фожиаларимиз меҳнат, технологик ва ижрочилик интизомининг пастлиги билан тушунирилади.

Сир эмаски, илгари оддий ишчи ёки раҳбар учун ишни бажариш эмас, балки у тўғрисида қойилмақом ҳисбот бериш муҳим ҳисобланган. Ҳозирда, яъни бозор иқтисодиёти шароитида аҳвол ўзгаради. Ҳар қандай устаси фарангларнинг ишни бордек кўрсатишлари ўз кучини йўқотади. Чинакам яхши

ишгина ҳозирда ўз қимматини топа бошлади. Мехнат натижаларининг аҳамияти ўзгариши учун дастлабки шарт-шароитлар яратилди. Агар шу давргача, маъмурият ҳукмронлиги ва расмиятчилиги шароитида ишлаб турган киши бутун куч-қувватини сарфлаб, “оқ қарға” аҳволида бўлган бўлса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ходимларнинг ўзаро яхши меҳнати ва унинг натижаларига алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, жараённинг ижобий томони шундаки, ҳамма бир-бирининг сирини ошкор қилмасликка ҳаракат қиласи. Лекин нотўғри бажарилган иш ҳаммага панд бериши мумкин. Шунинг учун ижобий иш ҳамкаслар ўртасидаги ҳурматга ва ишчининг ўз-ўзини ҳурмат қилишга замин яратади.

Олимлар меҳнат фаолиятини мотивлаштириш масалалари билан қўп шуғулланмоқдалар, бунга тегишли назариялар кўп. Лекин булар меҳнаткашга икки хил ёндашишга асосланган. Уларнинг бирида табиатан ялқов, жавобгарликни ёмон кўрадиган, консерватив, худбин, корхона манфаатига бефарқ, фақат маош ва тинч ҳаётни кўзлайдиган инсонни қўриш мумкин. Бу вазиятда эса албатта қаттиққўл бўлиш керак. Иккинчи қарашдаги инсон унинг акси, яъни ўта меҳнацевар, жамоат ҳурматига сазовор инсондир. Бунда корхонада инсонлар фаолияти яхши йўлга қўйилса, бу корхона янада ривожланади. Маълумки, ҳаддан ташқари қучли назорат кишиларда умуман иш фаолиятида “ижод”нинг бошланишига ҳалақит беради, ҳатто уни жавобгарликни ҳис қилмайдиган бир “жисмга” айлантириб қўяди, бу эса иш сифатининг пасайишига олиб келади. Масалан, меҳнат фаолияти муаммоларини бирдан ҳал қилиш учун ўта қаттиққўллик, ноқонуний текширишлар ўтказиш каби хар хил усуллардан фойдаланиш кишиларнинг анчагина асаб ёки юрак касалликларига чалинишига сабаб бўлади. Бошқача қилиб айганда, ишчининг ички интизоми биринчи навбатда туриши зарур. Албатта амалда ички интизомни ўрнатиш учун ташқаридан назорат кучайиб боради. Ва бу борада қаттиққўл раҳбарлар иш олиб боришлари зарур бўлади.

Бу соҳада учта таъсир этувчи ҳаракат мавжуд: ишчининг меҳнат натижасидан манбаатдорлиги, унинг ишлаб чиқаришнинг асосий эгасига айланиши ва кишидаги мавжуд мусобақавий инстинкт. Биринчи иккита омил у ёки бу жиҳатдан юқорида мухокама қилинди. Учинчи, яъни мусобақага оид омиллар албатта “мукофот” – иш ҳақига бўлган қизиқишига асосланади. Худди шу туйғу гуруҳлар ўртасидаги мусобақаларда ҳам амал қиласи. Бир пайтлар шу асосда социалистик мусобақалар ташкиллаштириларди. Ўз даврида бу мусобақалар фойдали ҳисобланарди, ва ишчилар ўртасида ғолиб мухим ўрин тутарди. Оҳирги йилларда бу каби мусобақаларнинг таъсири бирдан қисқарди ва кейинчалик оддий расмиятчиликка айланиб қолди. Мусобақалар шартини аниқлаш ва унинг натижаларини чиқариш бутунлай расмий ҳарактерга эга, кўрсаткичлар тизими эса қатнашчилар учун бутунлай тушунарсиз бўлиб қолди. Уни бекор килиш керакми? Социалистик мусобақа имкониятларига қисман зарар етган бўлсада, у мутлақо тугатилмаган. Уни янгилашга ҳаракат қилиш, маълум маънода тўлдириш ва унга ҳақиқий меҳнат мусобақаси тусини бериш зарур. Шу билан бирга меҳнат мусобақасида уч хил: моддий, ижтимоий ва инсоний мотивлар ҳаракат қиласи.

Амалий ҳаётда санаб ўтилган мотивлар бир-бирига узвий боғланган, лекин ўз-ўзига хурмат (ижтимоий) мотиви ҳар бир киши учун муҳимдир. Социалистик мусобақаларда бу рағбатни янгидан йўлга қўйиш учун қўпгина нарсаларни инсонлар онгидаги жамиятда ўзгартириш зарур. Жумладан, қўп нарса корхона ва ташкилотлардаги маънавий-руҳий иқлимга боғлик.

11.2. Ишимизга нима ҳалақит беради

Киши яхши ҳақ олади, ишдан мамнун, қизиқарли иш, ижтимоий-иқтисодий шароитлар ҳам ёмон эмас, лекин кўпинча инсон бу ишдан қониқмайди. Бунинг сабаби нимада?

Сабаблар албатта ҳар хил, лекин аксарият ҳолларда, “ҳаммаси яхши-ю жамоадаги шароит яхши эмас” деган шикоятлар эшишиб турамиз. Бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Иш ҳақи ўртача, шароитлар ҳам юқори даражада эмас, лекин инсон: “Бизнинг жамоамида ажойиб иқлим” деб хушнуд ишга отланади.

Иқлим нафақат иш жойида ёки меҳнат жамоасида инсон кайфиятига таъсир қилувчи куч бўлиб қолмай, балки ишлаб чиқариш унумдорлиги ва унинг сифатига ҳам катта таъсир қиласди. Бу XX асрнинг 20-йилларидаёқ тажрибада аниқланган. Американинг электр асбоблар ишлаб чиқарувчи компаниясида меҳнат унумдорлиги ва иш жойининг ёритилиши ўртасидаги боғланиш бўйича текширишлар олиб борилганда кутилмаган нарсага дуч келишди. Ишчи гуруҳидаги ижобий муҳит меҳнатнинг юқори унумдорлигини ва ҳамма шароитлар оғир бўлганда ҳам ижобий натижаларга эришилаётганлигини исботлади. Амалдаги бу янгилик ҳаммани ҳайратда қолдирди ва бошқарув назарияси ва амалиётида янги мактабни – инсоний муносабатлар мактабини вужудга келтирди.

Ташкилотда иқлим тушунчалик жамоанинг маънавий ёки руҳий муҳитини, кишилар орасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Меҳнат жамоасининг иқлими унинг аъзолари кайфиятини вужудга келишига, бу эса ўз навбатида меҳнат унумдорлигига ва сифатига таъсир ўтказади. Шуниси қизиқарлики, бу вазият ҳар хил жамоаларга деярли бир хил таъсир кўрсатади. Шунга қарамасдан ҳамма жойларда ҳам ижобий маънавий иқлимини ҳосил қилишга йетарли эътибор қаратилмайди. Шундай катта идора, ташкилот ва корхоналар борки, ишчилар орасидаги кескин тўқнашувлар натижасида ишнинг сифатига путур етади. Бу борада, яъни ишчилар учун ижобий иқлимини яратишга аввало раҳбарлар масъулдирлар. Замонавий ишлаб чиқаришларда кишилар орасидаги ишга оид муносабатлар ўз шахсий хусусиятларини йўқота бошлаган. Шунга қарамай кўп кишилар, айниқса ёшлар ва аёллар бу қийин шароитни бошдан кечирмоқдалар ва ҳатто расмий хизмат муаммоларининг қўплигидан азият чекмоқдалар. Кишилар ҳиссий ҳаётининг асосий қисми турмушда ўтади. Бироқ биринчидан, у йерда ҳам ҳар доим яхши муносабатлар ҳукмронлик қилмайди. Иккинчидан, иш ва турмуш – бу ҳаётнинг ҳар хил соҳалари, улардан ҳар бири эса ўз навбатида ички уйғунликка муҳтож. Шунинг учун иш

муносабатларидаги совуқлик ва қаттиққўлликни фақатгина меҳнат жамоасидаги иқлим юмшатиши мумкин.

Бу иқлим иккита даражада юзага келади, яъни бутун корхона ёки ташкилот даражасида ва иш жараёнида бир-бирига узвий боғлиқ кишилардан иборат кичик гурӯҳ даражасида. Бу иккала даража ҳам муҳим, чунки катта жамоадаги омадсизликдан кўра, кичик гурӯҳдаги ижобий иқлимнинг устунлиги афзалдир.

Муносабатлар тури демократизм ва ҳокимлик ўртасидаги нисбат билан белгиланади. Демократизм деганда муҳим масалаларни муҳокама ва ҳал килишда ходимларнинг кенг иштирок этиши тушунилади. Авторитар тушунчада эса раҳбарнинг бошқариш ҳукмронлиги ёки ўз ҳокимиятидан сўзсиз фойдаланиш тушунилади.

Муносабатлар услуби қатъий шахсийдан тортиб, маълум даражада эгасиз расмий муносабатларгача тебранади. Муносабат услубида “ўқнинг” нормал вазияти жамоа характеристи, кўрилаётган иш тури ва бошқа аниқ жиҳатлардан иборат.

Шахсий мустақиллик даражаси, яъни ишчининг мустақил фикр юритиш доираси унинг ижодий меҳнатини фаоллаштиради. Шунинг учун раҳбар ходимни талабга мос ҳолда назорат қилиши зарур. Муомалада ўзаро ёрдам ва ҳайриҳоҳлик меҳнат жамоасидаги ижобий иқлимнинг шаклланишига ёрдам беради. Хизмат юзасидан, айниқса ноишлаб чиқариш характеристидаги ҳар хил фикрларга тоқат билан қараш ижобий иқлимни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ҳар биримиз ўзгалар фикрини, ҳатто у бизнинг фикримизга зид бўлса ҳам инобатга олишга ўрганишимиз зарур. Текширишлар кўрсатадики, бор-йўғи 10% кишилар ўзгалар фикрини тинглар ва инобатга олар эканлар.

Ҳозирги вақтда ишчиларни рағбатлантириш жазолашга нисбатан анча юкори сифатли кўрсаткични бермоқда. Меҳнат жамоаси аъзоларининг қониқиши даражасига муносабатларнинг, мажбуриятларни ва мукофотлашни тақсимлашнинг адолализ ёки адолатли эканлигига кишиларнинг холис баҳоси муҳим таъсир кўрсатади. Биз учун қанча иш бажариш ва ҳақ олиш эмас, балки ҳиссамизнинг одилона баҳоланишини сезиш муҳимдир.

Меҳнат унумдорлигини кўтариш ва иш сифатини яхшилашга олиб келувчи ижобий иқлимни яратиш кўп жиҳатдан раҳбарга, унинг маҳорати ва истагига боғлиқ бўлади. Бунда талабни пасайтириш, кишиларга тилёғламачилик қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

11.3. Раҳбар: лавозим ёки истеъдод

Раҳбар ишининг моҳияти кишилардаги айrim қобилияtlар, қизиқишлиар, меҳнатга бўлган муҳаббатидан маҳорат билан фойдаланиш ва балки асосан аҳил жамоаларда, ҳамфикр гурӯҳлардаги каби маҳорат билан “бошқариш усули”ни йўлга қўйиш, ижодда ва ишлаб чиқаришда ижобий натижаларга эришишдан иборат. Бунинг учун эса кишиларга нисбатан катта ишонч бўлиши керак. Уларни кучли назорат ёки бекордан-бекор безовта қилиш керак эмас. Шунинг учун раҳбарлар фақат иш юзасидан эмас, балки ишчининг шахсий

ҳаётидаги муаммоларни ҳал қилишда, шу билан бирга ижтимоий турмушида таянч бўла олишлари мухимдир.

Баъзилар “ҳақиқат баҳсда туғилади” деган фикрни низо-муаммоларни ҳал қилишда энг яхши услугуб деб ҳисоблашади. Улар ҳар хил қарашлардаги очиқ тўқнашув ишнинг олдинга силжишига муҳим замин яратади деб ҳисоблайдилар.

Хизматдаги низо – бу ҳар доим асабийлашиш, зўриқиши, ҳатто муносабатларнинг бузилиши, умумий иқлиминг кескинлашишидир. Низо келиб чиқкан жамоада касаллик, айникса, юрак-қон томир касалликлари келиб чиқиши ва улар фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин. Демак, амалда бўлар-бўлмасга дарҳол “хужумга ўтувчи” низолардан ва шунингдек оқланмайдиган бағрикенгликни, яъни пишган зиддиятларни турли келишувлар билан ҳаспӯшлаб кетишни бартараф қилиш керак. Корхона ва умуман меҳнат жамоасидаги низолар салбий ёки ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Лекин, айнан шунинг учун ҳам, ташкилотдаги низоларнинг тутган ўрнига бир хил муносабат билдириш мумкин эмас. Уларни иложи борича қисқартиришга ҳаракат қилиш зарур.

Раҳбарнинг иш олиб бориши услуби, унга бўйсунадиган кишиларга бўлган муносабати меҳнат жамоасидаги иқлимга ўзининг бевосита таъсирини кўрсатади. Жамоада раҳбар ҳал қилувчи муҳим шахс. Жамоада раҳбарнинг вазифасини ифодалашга кўпгина уринишлар мавжуд. Бундай тавсифлардан баъзилари анча қизиқарли. Масалан, раҳбар вазифаларининг батафсил тавсифи қўйидагicha:

1. Гуруҳ ҳаракатларининг жавобгар ижрочиси ва йўналтирувчиси.
2. Гуруҳ фаолиятини режалаштирувчи шахс.
3. Сиёsatни шакллантирувчи ва стратегик қарорлар қабул қилувчи шахс.
4. Эксперт ёки ахборот манбай.
5. Ҳакам ва воситачи.
6. Гуруҳнинг ташқи вакили.
7. Жамоа рамзи.
8. Идеолог-мафқурачи.

Раҳбариётнинг кўпгина услублари мавжуд, лекин уларнинг ҳар бирида ходимларига муносабати, яъни уларнинг ишини қандай баҳолаши яққол бўлиши керак. Раҳбар қўйидагиларни эсда тутиши шарт: ҳар бир ишчи унинг иши қандай ва нима учун, ҳамда қанақа мезонлар билан баҳоланишини билиши зарур.

Бобнинг қисқача хulosаси

Инсонлараро муносабатлар меҳнат соҳасида жуда муҳим бўлиб, тафаккуrimизда, хулқимизда ва ҳаётимизда белгиловчи ўрин тутади. Меҳнат жараёнида одамийлик сифатларимизнинг кўпчилиги намоён бўлади. Замонавий меҳнат муносабатларининг яна бир муҳим тарафи бу - инсонларнинг иш юзасидан мулоқотидир.

Ҳаётимиз меҳнат тақсимоти ва турли инсонларнинг ҳаракатларини бирлашириш, яъни меҳнат кооперациясидан иборатдир. Ишлаш жараёнида бирлашиб меҳнат жамоасини ташкил қиласиз.

Деярли ҳар бир инсоннинг иши меҳнат жамоаси билан узвий боғлиқ. Шунинг учун инсонлар ўртасидаги бевосита амалий мулоқот жамоа ҳаётини тамиллашда муҳим ўринга эга дейиш мумкин. Айнан инсон ҳамма моддий ва маънавий ишлаб чиқариш соҳасидаги меҳнат тавсифи ва натижаларини энг юкори даражада белгилайди.

Таянч иборалар

Меҳнат фаолияти, муаммолар, мурожаат, эътибор, хурмат, таъсир, ён босиши.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Меҳнат жамоасини ишга қандай рағбатлантириш мумкин?
2. Меҳнат жамоасида қулай ижтимоий иқлим қандай аҳамиятга ва таъсирга эга?
3. Жамоада раҳбар қандай вазифаларни амалга оширади?

Асосий адабиётлар

1. Красовский Ю.Д. Организационное поведение. М.: 2007.
2. Фуломов С.С. Менежмент. Т., 2002.
3. Алиев В.Г., Дохолян С.В. Организационное поведение. М. 2004.

12 - БОБ. СТРЕССЛАРНИ БОШҚАРИШ

12.1. Стресс ҳақида тушунча

Тадқиқотчиларнинг фикрича, раҳбарлар, ходимлар ва умуман кишилардаги бетобликларнинг кўпчилигига стресс сабабчидир. Демографик маълумотларга қараганда охирги йилларда кўпгина тараққий этган давлатларда стресс миллионлаб кишиларнинг "ёстигини қуритмоқда". Стресс (инглизча стресс - зўриқиши) – бу организмнинг жисмоний ва асосан психологик зўриқишидир. Шу сифатда стресс ахборот (информацион) ва ҳис-туйғули (емоционал) бўлиши мумкин. Биринчиси, киши ўзига керакли ахборотларни ҳазм қилишга ожизлик қилган ҳолларда, иккинчиси эса, оила ёки ишхонадаги ҳис-туйғу қўзғатувчи муаммоларни ҳал қила олмасликдан келиб чиқади. Психологик стресс кишини

безовта қилувчи қандайдир бир воқеа эмас, балки кичик бўлсада, тинимсиз таъсири қилувчи сабаб асосида рўёбга чиқади. Таниқли Америка психологи Р. Лазаруснинг фикрича, кишини жиннихонага юборувчи нарса қандайдир кучли файриоддий вазият эмас, балки кети йўқ майда фожиалар мажмуидир.

Стресс организмда шундай силжишлар пайдо қиласиди, унинг натижасида киши руҳиятида пассивлик, ёхуд чекиниш (яъни ўзининг ожизлигини тан олиб, курашдан воз кечиши)дек салбий ўзгаришлар вужудга келади.

12.2. Стрессга берилувчанлик

Маълум бўлишича, стресс уч фазадан иборат экан: ҳаяжон, қаршилик ва ожизлик. Барқарор руҳият эгалари ҳаяжон фазасини тезда енгиб ўтиб, "ўз тақдирларини ўз қўлларига ола биладилар". Руҳияти беқарор инсонлар ҳаяжонланавериб, унга таслим бўладилар. Уларда қаршилик фазаси тезкор, баъзан ҳатто сезилмайди ҳам. Бундай кишилар осонликча курашни тўхтатадилар ва руҳий жиҳатдан бутунлай ногирон бўлиб қоладилар, одатда тўсиқларга дучор бўлганда бундай кишиларнинг бутунлай синганлиги кўзга ташланади. Аммо руҳий жиҳатдан мустаҳкам кишилар ҳам узоқ вақт таъсири этувчи фожиаларнинг бузғунчилик ишидан ҳоли эмаслар. Стресс кучи шахс табиатига ва кўпгина бошқа омилларга боғлиқдир. Стресс омилларини кишилар ҳар хил кўтарадилар. Баъзилар дарҳол стрессга қарши курашга отланса, бошқа бирорлар унинг олдида таслим бўла қоладилар. Шунга кўра уларни "А" ва "Б" гурухларга бўлиш мумкин. Бу ҳол 50-йилларда АҚШда пайдо бўлиб, Мейер Фридман томонидан юрак-томир касалликлари келиб чиқиши бўйича тажрибада исбот қилинди. Бу назарияни ҳамма ҳам тан олавермайди, лекин далилларнинг йиғилиши туфайли борган сари унинг тарафдорларнинг сони кўпайиб бормокда.

Сизни зарур ишни ўз вақтида тугаллай олмаслик қанчалик тез азобга солади? Кўп ишни кам вақтда ҳал қилишга интиласизми? Масалан, ресторонда дарровгина бўш жой топа олмасангиз, ёки поездингиз кечикаверса, ёхуд кўча тиқилинчларида машинангиз тўхтаб қолганда ғазабланасизми? Биринчиликка интилиш туйғуси кучлими? Масалан, ҳатто ёш болага ўйинда ютқазиб қўйиш Сизни ғазаблантирадими?

Агар шу шароитларда Сиз ўзингизни таниётган бўлсангиз, у ҳолда Сиз "А" гуруҳига тегишли кишиисиз. Стресслар сизга жуда кучли таъсири қиласиди ва яшашга ҳалал беради. Агар ўз вақтида чора кўрмасангиз, бу Сизни хунук ахволга тушириши муқаррар.

"А" турининг доим ҳавф остида юрувчи классик вакили одатда сабртоқаиз, доим вақт камчилигидан изтироб чекувчи, тезкор, шошиб ва чўрт гапирувчан бўлиб, унинг танаси гўё ҳеч қачон бўшашмайди. Бундай кишиларнинг ҳатти-ҳаракатидаги асосий аломатлар ножўя шошма-шошарлик ва жаҳлда ўзини тута билмаслиқдир. Бундай инсонлар тинимсиз кураш вазиятида бўлади. Агар шу кураш зўриқишилари бўшаштирилмас экан, уларга ҳеч ким ва ҳеч нима ёрдам бера олмайди. Бу турдаги кишилар актёрлар, шархловчилар, автопойгачилар, мухбирлар ичida кўп бўлади.

Аксинча "Б" гурухи буларнинг бутунлай тескарисидир. Улар осойишта, пала-партиш ҳатти-ҳаракатларга мойил эмаслар. "Б" тур менежерлар, амалдорлар, ҳисобчилар ичида кўп учрайди.

Тадқиқотчилар "А" тур шахсларининг тараққиёт сабабларини аниқ кўрсата олмайдилар. Аммо бу йерда ота-она, оила ва жамият болаларнинг мактабгача ва ўсмирик ёшида катта рол ўйнаса керак деган асос бор. Бундай кишиларни катталар доим биринчи бўлишга унданганлари аниқ. Шу туфайли уларда реал ҳаётда қониқтириб бўлмайдиган ғайритабиий талаблар тараққий қилган. Ваҳоланки, ижтимоий-психологик қонунлар ичида асосийларидан бирининг маъносига қараганда, мақсад ва оқибатнинг доимий равишда номутаносиблиги ижтимоий зўриқишининг тўпланишига олиб келади. Бунинг ҳалокатлилиги ҳозирча йетарлича баҳоланмаган. Тадқиқотлар стрессга берилувчанлик даражаси кўп ҳолларда киши темпераменти билан алоқадор эканлигини кўрсатади. Бошқарув ишлари фаолиятида бу анча аниқ акс этади.

Маълумки, мижоз шахснинг энг асосий хусусиятидир. Бу асаб тизимининг туғма кўрсаткичи бўлиб, нерв жараёнларининг кучи, вазминлиги ва ҳаракатчанлигини белгилайди. Қадимдан мижознинг тўртта "тоза" тури ажратиб келинади:

- сангвиник (кучли, вазмин, серҳаракат),
- холерик (кучли, новазмин, осонликча ғазабланувчи, аммо осонгина тинчланувчи ҳам),
- флегматик (кучли, вазмин, жонланиш ва тўхталишнинг аста-секин алмашиниши),
- меланхолик (кучсиз, тез меъёрдан чиқиб, секин ўз ҳолига қайтувчи).

Стрессга кучсиз, новазмин ва жаҳлдор одамлар берилувчан бўлади. Мижоз хулқимизга катта таъсир кўрсатади. Мижоз турига қараб хулқда ҳис-туйғу ёки амалий ҳаракат устунлик қиласи. Стресс ҳиссиётдор кишиларни кўп безовта қиласи. Уларни издан чиқарувчи, бузғунчи хулқа мойил қиласи. Шу туфайли раҳбарларнинг стрессга барқарорлигини аниқлашда уларнинг мижозини аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Мижоз турини ва зўриқиши даражасини аниқлаш стрессга берилувчанликни белгилашда керак бўлган минимал талабдир.

Албатта, стрессларсиз ҳаёт йўқ ва уларнинг ҳаммаси ҳам хавфли эмас. Маълум даражада стресс ишга солади, фаолликни қўзғатади. Стресс ўз чўққисига етганда бизга бутунлай назоратизлик ҳиссини беради, пасайганда эса иродани фалажловчи ҳимоясизлик ҳиссини уйғотувчи лоқайдлик пайдо бўлади. Демак, стресс муқаррар ва баъзи ҳолларда фойдалидир. У инсонга янги кучлар бағишлийди.

Кейинги асос-далил шуки, бир кишида стрессни уйғотувчи сабаб иккинчи кишида тескари таъсир туғдириши мумкин. Масалан, йенгил мусиқа кўпчиликда зўриқишдан бўшашиб ҳиссини туғдиради, меҳнат фаоллигини оширади, аммо баъзи бировларнинг асабини қўзғайди. Классик мусиқа, жаз ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бировларга зарарсиз ва балки фойдали бўлган нарса бошқаларни ҳатто ўз жонига қасд қилишгача олиб бориши мумкин. Аммо мусиқа - бу ҳали ҳаммаси эмас. Бизнинг майда-чуйда

қилиқларимиз, хулқимизни намоён қилиш одатларимиз ва хусусиятларимиз баъзилар асабини қўзғатувчи нарсалардир.

Биз стресснинг янада жиддийроқ сабаблари хақида тўхталганимиз йўқ. Оиладаги муносабатлар, молиявий ахвол, дунёвий танқисликлар, биржадаги ахвол, амалий ва руҳий мажбуриятларнинг бажарилиш зарурати - мана шулар уларнинг бир қисми гинасиdir холос. Ана шу омиллар кун бўйи ҳаммамизга тааллукли ва ҳатто тунда уйқу бермайди. Айтиш мумкинки, жиддий стресс камдан-кам битта-иккита сабаб билан қўзғатилади. Кўп ҳолларда инсон фаолияти сабаблар мажмуи билан қўзғатилади. Шахсий муаммолар хизматдаги муаммолар, жамоавий ҳаяжонлар билан бирлашиб, бири иккинчисини кучайтиради ва натижада стресс рўй беради. Шунда ҳатто майда бир нарса ҳам инсон сабр косасини тўлдириб юбориши мумкин.

12.3. Стрессни бошқариш

Ҳар хил кишилар стрессга қанчалик турли муносабатда бўлсалар, худди шу тарзда стрессни турлича йенгадилар. Баъзилар стрессдан қутулиш учун кимларгадир юрак очсалар, бошқалар ўз кечинмаларини ичга ютадилар. Баъзи психологик турлар стресс манбаи билан баҳсга тушадилар, бошқалар гуё унинг борлигини умуман сезмагандек бўладилар. Баъзилар стрессни тўппа-тўғри ўзларига қаратилган қандайдир душман ҳатти-ҳаракати деб тушунсалар, бошқа бирорлар уни обьектив муқаррарлик деб тушунадилар. Табиийки, агар қаршилик кўрсатилмаса, стресс манбалари кўпаяверади.

Бандлик ва ишчи кучининг барча томонлари ўзаро боғлиқ. Башоратларга караганда, кичик миллат вакиллари ичида, аёллар ва бошқа алоҳида муомалага муҳтож кишилар ишчи кучининг асосий қисмини ташкил қиласди. Бу шахсий келишмовчиликларнинг кўпайишига олиб келади.

Табиий ресурсларнинг камайиши ҳисобига рақобатнинг кучайиши корхоналарнинг кам ишчи кучи ва кам хомашё билан кўп маҳсулот чиқаришга мажбур қиласди. Компаниялар сотилади, сотиб олинади, парчаланади, қўшилиб йириклишади ёки йўқотилади. Янги технологиялар саноатнинг турли тармоқлари ишларига туб ўзгаришлар киритади. Меҳнат ва муомала суръатини тезлаштиради. Буларнинг ҳаммаси стрессни кучайтиrmай қўймайди.

Стрессли вазиятдан қутулишнинг кенг тарқалган усули дам олишдир. Аммо эсда тутиш керакки, дам олиш - бу ҳеч нима қилмаслик эмас. Бу маънода дам олиш – хизматдаги кечинмаларни бартараф қиласди фойдаланади. Зўриқищдан қутулиш учун ҳеч нима қилмаслик унинг зўрайишига олиб келади. Дам олиш стресс билан курашиш воситаси сифатида эътиборни жамият обьектларидан жисмонийларига кўчиришни кўзда тутади.

Билиб қўйиш зарурки, стресс қўпинча, биринчи навбатда ўзининг мухимлиги хақида қайгурувчи кишиларни, ўзида эгоистлик аломатларини ардоқловчи, бошқалардан ўзини олиб қочувчи кишиларни асир қиласди. Қайд этилишича, стресс жамоавийлик фазилатларига эга ва доим кўтаринки қайфиятда юрувчи инсонлардан йирокда юради. Ана шу фазилатлар куйидагилардир: доим бирорвга ёрдам беришга тайёр, буюрилган ишга

жавобгар, ўртоқлари ютуғидан хурсанд, ҳамкасларига нисбатан виждонли, ишонувчан, ўзига талабчан, яқин кишилар билан ҳамнафас, интизомлилик.

Бобнинг қисқача холосаси

Тадқиқотчиларнинг фикрича, раҳбарлар, ходимлар ва умуман кишилардаги бетобликларнинг қўпчилигига стресс сабабчидир.

Стресс (инглизча стресс - зўриқиши) – бу организмнинг жисмоний ва асосан психологик зўриқишидир. Шу сифатда стресс ахборот (информацион) ва ҳист-туйгули (емоционал) бўлиши мумкин. Биринчиси, киши ўзига керакли ахборотларни ҳазм қилишга ожизлик қилган ҳолларда, иккинчиси эса, оила ёки ишхонадаги ҳис-туйғу қўзғатувчи муаммоларни ҳал қила олмаслидан келиб чиқади.

Стресс организмда шундай силжишлар пайдо қиласиди, унинг натижасида киши руҳиятида пассивлик, ёхуд чекиниш (яъни ўзининг ожизлигини тан олиб, қурашдан воз кечиши)дек салбий ўзгаришлар вужудга келади.

Стресс уч фазадан иборат: ҳаяжон, қаршилик ва ожизлик.

Таянч иборалар:

Стресс, стресс фазалари, стрессга берилувчанлик, стресс манбаи.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Стресс нима?
2. Стресснинг сабаблари нимада?
3. Стрессга кималар берилувчан бўлади?

Асосий адабиётлар

1. Л.В.Карташова, Т.В.Никонова, Т.О.Соломанидина. Организационное поведение. Учебник. М.: ИНФРА-М. 2003.
2. Красовский Ю.Д. Организационное поведение. М.: 2000.
3. Джон В. Ньюстром, Кейт Дэвис. Организационное поведение. Поведение человека на рабочем месте. СПб. 2000.

13 – БОБ. ИШБИЛАРМОНЛИК СУҲБАТЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ҚОБИЛИЯТИ

13.1. Сұхбатта тайёргарлик

Ишга доир муносабатларда қўп нарса шахсий учрашувлар, сұхбатлар, муҳокамаларда ҳал этилади. Шунинг учун бу йерда ишга доир этикет, бир томондан умумий йечимни топишга, иккинчи томондан маълум масофани сақлашга, мураккаб ва нохуш вазиятларни юмшатишга ва улардан муносиб чиқишига имкон берувчи ўзига хос воситачи ҳисобланади. Ғарбнинг ишбилармон кишиларининг учрашувлар, сұхбатлар ва мажлисларни ташкил килиш муаммолариға жуда қўп эътибор беришлари бежиз эмас. Америкалик менежерларнинг бир неча авлоди етишиб чиқкан машҳур “Олий бошқарув персонали учун курс”да шу каби сұхбатларни ўтказиш ва ташкил этиш усууллари кенг кўриб ўтилганлигини айтиш кифоя. Бу масала юзасидан кенг, муҳим ва эътиборга лойиқ материаллар Д.Карнеги, И.Атватер, Дж. Харрисон, П.Мицичнинг оммабоп нашрларида ҳам берилган.

Сизнинг позицияларингизнинг тўғри асосланганлигига ва уларга қўшилишга шерикларингизни ишонтиришда сұхбат энг қулай ва кўпинча ягона кўмакдошдир. Учрашувни ҳар доим ҳам қайтариб бўлмайди ва шу сабабли берилган имкониятдан, айниқса, унда турли мутахассислар ва раҳбарлар иштирок этганда тўлиқ фойдаланиш зарур.

Шунга мувофиқ учрашувлар ва сұхбатлар ўтказиш қоидалари ва техникаси ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлиш зарур. Аммо ҳамма ишга алоқадор учрашувлар ва сұхбатлар унинг барча қирраларини аниқ ишлаб чиқиши талаб қиласкермайди. Масъулиятли учрашувларда бу зарур. Унчалик муҳим бўлмаган учрашувларда ҳам сұхбатларни ўтказиш қоидаларидан воз кечмаслик керак, чунки бу қоидаларга мунтазам риоя қилиш энг тўғри хулқ-атвор кўникмаларини ишлаб чиқишига ва ишда ютуқларга эришишга олиб келади.

Одатда учрашув ҳақида 2-3 кун олдин гаплашилади. Бу унинг қандай ўтишини ва асосий тафсилотларни олдиндан кўришга имкон туғдиради.

Тасодифий сұхбатлар ҳам учраб туради. Бу ҳолатда ким нима ҳақида гапириши номаълум, лекин вазият ва сұхбатдошнинг лавозими мавзуни топишга ёрдам беради. Бу сұхбатлар одатда қисқа маълумот алмашиш ва кейинчалик тегишли саволни муҳокама қилиш мақсадида учрашиш ҳақида келишув характеристига эга.

Ҳар қандай мuloқot, учрашув ҳам сұхбатта айланмайди. Энди танишган ва бундай мuloқotга ҳали тайёр бўлмаган одамни сұхбатга ундаш ноўрин ва одобсизлик ҳисобланади. Ишбилармон одам учун ҳар қандай учрашув, сұхбатта айланмасада, ижобий тарафга эгадир, чунки бу алоқа доим келгусида ўзаро манфаатли яхши, фойдали муносабатта айланиш имкониятига эга.

Сұхбатта тайёрланишни сұхбатдош тўғрисида маълумотларни йиғишдан бошлаш тавсия этилади. Қайси лавозимни эгаллайди? Сиз билан қандай муносабатда? Қандай одам? Ниятлари қандай? Бу саволларга жавобларни учрашувдан олдин топиш керак. Сұхбатдошингизни таржимаи ҳолини, шахсий қизиқишиларини (хобби) билишингиз ёмон бўлмайди. Амалда сұхбатдошга бешта омил таъсир этади: 1) сұхбатни ташкил этувчининг авторитети; 2) сұхбат

мазмуни; 3) сұхбат мавзуси бўйича сиздаги маълумотлар; 4) шахсиятингизнинг кучи; 5) сизнинг мослашувчанлигингиз.

Бу омилларни ҳисобга олиниши сұхбатни моделлаштиришга ва кутилаётган умидларни рўёбга чиқишига ёрдам беради. Келишув олдидан ҳамкорнинг хулқ-атвор кўринишини билиб олиш сұхбат ўтишини йенгиллаштиради. Хулқ-атвортининг қўйидаги асосий кўринишлари мавжуд:

Фактларга асосланган: бу кўринишдаги одамлар бетараф бўлиб, музокаранинг ҳамма тафсилотларини билишади. Уларнинг шиори: фактлар ўзи учун ўзи жавоб беради. Бу одамлар билан ишлаганда фактларни аниқ баён этиб, ўтилган босқичларга мурожаат қилинг. Баҳс мавзусини икир-чикирларигача ўрганиб олинг. Айтилганларнинг ҳаммасини расмийлаштиринг.

Интуитив: бу одамлар бутун муаммога яхлит қараб, ишга ижодий ёндашадилар. Интуитив кўринишдаги одамлар билан мулоқот пайтида вазиятга аниқ мослашинг, келажакни режалаштиринг, муаммони янада ривожлантириш учун имконият қидиринг. Ҳамкорингизни ижодиётга унданг. Мосланувчан, бир фикрдан иккинчисига сакрашга, мухокама пайтида ҳамкорингизга эътиборда бўлишга ҳаракат қилинг.

Норматив: бу кўринишдаги одамлар қўпроқ фактларни “ҳақ”, “ноҳақ”, “фойдали”, “фойдасиз” каби тушунчалар билан баҳолайдилар. Уларнинг принсиби - битимларни топиш. Бундай одамлар билан мулоқот бошида тарафларнинг аниқ вазиятларини ва ўзаро муносабатларини ўрнатинг. Ҳамкорингиз гапига қўпроқ эътибор беринг. Ҳамкорнинг қадриятлар шкаласини топиб, унга мослашинг. Ҳар хил компромиссларга шай ва унинг хиссиётига ҳамдард бўлиб туринг.

Аналитик: бу одамлар сабабларни аниқлашади, мантиқий хulosалар қилишади ва ҳар қандай муаммоларни таҳлилий ёндашув асосида йечишади. Улар билан баҳсада мантиқингизни ишлатинг, сабаб ва оқибатларни қидиринг, мулоҳаза қилинаётган муаммони ҳар хил қисмлари ўртасидаги боғликларни таҳлил қилинг. Ўта тоқатли бўлинг.

Албатта, бу кўринишлар соғ ҳолда кам учрайди. Сұхбат ёки келишувда асосан бу хулқ-атвор кўринишларининг алоҳида томони ёки бирикмаси ишлатилади. Ноқулай вазиятта тушиб қолмаслик учун, ҳар қандай ҳолда ҳам қайси кўриниш устун эканлигини билиб олиш зарур. Тайёр бўлмаган одам сұхбат олиб бораётганда, яхши таассуротли ҳамкорни ҳам ўзига бир зумда тескари ўгириши мумкин. Шунинг учун сұхбат тактикасини олдиндан аниқлаб олиш зарур. Бу факт ҳамкорни қандай кўринишдаги маълумотни ўзлаштиришидангина эмас, балки унинг қандай одамлигидан келиб чиқади.

Одатда таклиф этувчи қулайроқ вазиятда бўлади, чунки сұхбатга эҳтиёж, қулай фурсат ва мавзуни белгилашдаги ташаббус унга тегишлидир. Бу эса вазиятни бошқаришни анча осонлаштиради. Ҳамкорда салбий таассурот қолдирмаслик учун ташаббус чегарани талаб қиласди.

Учрашув иштирокчилари имкониятларини тенглаштириш учун этикет қоидалари сұхбат вақти, жойи ва мавзусини келишиб олишни талаб қиласди, агар у қатъий олдиндан белгиланган учрашув бўлмаса албатта. Учрашув жойини ташаббускор томон таклиф қиласди, бироқ охирги сўз ҳар доим таклиф

қилинаётган томонда. Рухшунослар таъкидлашича, мия фаолиятининг энг унумдор вақти соат 10-00 дан 12-00 гача тўғри келади, шунинг учун кўп ақлий ва руҳий куч талаб қиласидиган асосий учрашувларни куннинг биринчи ярмига белгилаш тавсия этилади. Учрашувнинг вақт чегаралари белгиланади. Ҳар қандай расмий учрашув ёки сұхбатда саволни тезроқ йешишга ўтиш маъқул.

Сұхбат давомида соатга қараб қўйиш одобсизлик ҳисобланади. Бу учрашувни тугатиш иштиёқи деб тушунилиши мумкин. Сұхбат режасини олдиндан тузиш, унинг асосий масалаларини ва уларни баён қилиш кетма-кетлигини белгилаш муҳимдир. Сұхбатнинг иш режаси кўргазмали, таянч сўзлар осон ўқиладиган ва кўзга ташланадиган бўлиши керак.

13.2. Ишга алоқадор сұхбатни ўтказишида этикет “икир-чикирлари”

Сұхбат ва учрашувни ўтказаётганда нафақат стратегия ва тактикани, балки этикет “икир-чикирлари”ни ҳам ҳисобга олиш лозим, чунки улар учрашув якунига жиддий таъсир қилиши мумкин. Хонага киришдан олдин рухсат сўраш, бошлиқ эса имо қилмасдан, ўрнидан туриб, кирганни кутиб олиши керак. Стол ортидан саломлашиш одобсизликдан дарак беради. Агар бошлиқ ўрнидан турмаса, бу сұхбатда унинг устунлигини ифода этади ва сұхбатдошни столдан узоклашуви билан унинг устунлиги кучаяди. Агар бошлиқ ҳамроҳини рўпарасига ёки ёнига ўтқазса, бу уни тенгликка интилишини ва ҳамроҳни эъзозлашини ифода этади. Агар ҳамроҳингиз чет эллик бўлиб, учрашувда таржимон қатнашса, у ҳолда у биринчи шахсларнинг чап томонига, ўнг томонда эса делегациянинг иккинчи шахслари жойлашади.

Таржимон билан мулоқот пайтида алоҳида сезгирлик ва ёндашув талаб қилинади. Таржимон билан ишлаганда аниқ ва қисқа гапириб, унга таржима учун вақт бериш лозим. Агар сұхбатдошингиз чет эллик бўлса, у ҳолда унинг мамлакатини миллий-руҳий ва этник томонларини ҳисобга олиш керак.

Америкаликлар учрашувни чўзмасдан тезда масалани ҳал этишга ва шартномани битиришга интилишади. Улар мантикий, йигилган сұхбат ўтказишини ёқтиришади. Сұхбат якуни улар учун шартнома тузилгани, савол ечилгани ҳақидаги фактни билдиради. Лотин Америкасида эса бунинг тескариси, сұхбат – бу вақт ўтказиш, дарров иш тўғрисида гаплашиш одобсизлик ҳисобланади. Ҳар қандай иш бир неча учрашувдан кейин ҳал қилиниши мумкин. АҚШда иш тўғрисида черковдан ташқари хоҳлаган жойда гаплашиш мумкин. Ҳиндистонда иш тўғрисида меҳмонда гаплашиш ноўрин, бунинг учун офис бор. Кўпгина Осиё мамлакатларида ишга алоқадор учрашув пайтида сиёsat ҳақида гапириш тавсия этилмайди.

Турли мамлакатларда сұхбат давомида турлича масофалар белгиланган. Шимолий Америка ва Ғарбий Йевропа вакиллари билан олиб борилган кузатишлар натижасида тўртта намунавий масофалар ажратилган:

Яқинлик масофаси - 0,5 метргача. Бундай масофа энг яқин одамлар орасида бўлади.

Шахсий масофа – 0,5 дан 1,2 метргача. Яқин одамлар ўртасидаги масофа. Социал масофа - 1,2 дан 3,5 метргача. Дўстлар билан мулоқотдаги масофа.

Ижтимоий масофа - 3,5 метр ва ундан кўп. Расмий учрашувлар учун характерли.

Ўз ходимларига нисбатан жазо чоралари ишлатмоқчи бўлган бошлиқлар бу масофадан уддабуронлик билан фойдаланишади. Текширилган гуруҳлар орасида энг кам масофалар араблар ва лотин америкаликларга хосдир. Шимолий америкаликлар билан шимолий европаликлар орасидаги масофа энг кўпdir. Шимолий ва Марказий европаликлар мулокоти учун нормал масофа ўртача бир метрни ташкил этади, жанубдагилар учун эса қисқароқ. Италияликларда сухбат чоғида бир-бирига тегиб қўйиш характерлиди, аммо Шарқий осиёликларда бу нарса белгиланган эмас. Хиндистон ва Покистонликларда эса умуман тақиқланган. Японияликлар фикрича, бу ҳатти-ҳаракат фақат ўзини бошқара олмагандаги ёки зўравонлигини кўрсатиш ниятида қилинади.

Иш юзасидан сухбат чоғида чекмасликка ҳаракат қилишади, айниқса мезбон таклифисиз. Хонанинг меҳмондўст хўжайини чой ёки қаҳва билан меҳмон қилишни унутмайди. Шарқда ҳеч қандай сухбат чойсиз ўтмайди, иссиқ чойдан бош тортиш мезбонни ҳафа қиласди.

Сухбат чоғида одоб сақлаб ўтириш зарур. Сухбат чоғида қўлда нарса ўйнаш, оёқни устма-уст қўйиш мумкин эмас, орқага ёки ёнга суяномасдан, тик ва бемалол ўтириш керак. Арабларда жиддий мажлислар чоғида ҳам яхна ичимликлар истеъмол қилинади, бунда нотиқдан ташқари ҳамма бемалол жойлашиб ичимлик ичиши, тамаки истеъмол қилиши мумкин.

Баён нутқи ва стили. Талаффуз, нутқ аниқлиги, танаффус, овоз баландлиги - бу омилларнинг ҳаммаси сухбатдошга психологик таъсир этиб, ижобий ёки салбий ҳиссиётлар туғдириши мумкин. Тез нутқ одамни ишончсиз қилиб кўрсатади. Секин нутқ эса кишининг ишларда секин ҳаракат қилиши ҳақида ўйлашга ундейди. Керакли нутқ баландлиги, тезлиги ва аниқлиги ким билан, нима ҳақида ва нима учун гапираётганлигига боғлиқ. Қаердадир бақириш, қаердадир шивирлаш ва секирроқ сўзлаш, бошқа вақтда эса тез ва х.к. сўзлаш мумкин. Талаффуз ёрдамида айтилганнинг мазмунини кучайтириш ёки сўзга тескари мазмун бериш мумкин. “Арзимайди” сўзи “буюраман”дай, “раҳмат” сўзи эса “тинч қўй”дай тушунилади. Шунинг учун самимий этикет сўзлашуви нафақат мазмунга, балки талаффузга ҳам эътибор беришга ундейди.

Имо-ишоралар каби новербал сўзлашув усулини унутмаслик керак. Бу жиҳатдан кўз қараси ўзига хос эътиборни талаб қиласди. Кўз ёрдамида хоҳлаган ҳиссиётни ифода эза бўлади. Улар орқали сезгир одам ҳар доим тўғри гапирияптими, сўzlари сухбатдошга ёқимли ёки ёқимсизлигини пайқаб олади. Сўзловчи тингловчига нисбатан камроқ қарайди. Тингловчи қараш орқали эътиборни ва маъқулликни ёки норозилигини ифодалайди. Психологлар таъкидлашича, катта лавозимдагиларга кўпроқ, кичик лавозимдагиларга камроқ қарашади, умуман қарамаслик билан эса ҳамкорни инкор этиш мумкин. Ижобий ҳислар қарашларни кўпайтиради, салбийлари эса камайтиради. Сухбатни тинч, овоз кўтармасдан ва аччиқланмасдан олиб бориш лозим. Сухбатда шошқалоқлик, қизиққонлик ёмон ёрдамчилар эканлигини назарга олиш керак. Иш юзасидан сухбат – бу алоҳида сўзлашув усули бўлиб, оддий

сұхбат, хулқ-атвордан фарқланади ва ҳиссиётларни ташқарига чиқармасликни талаб қиласы.

Агар сиз чет әллик билан иш күрсанғыз, унинг нутқ ҳусусиятларини ҳисобға олинг. Дейлик, оддий французча нутқ жуда тездек туолади, италянча ва арабча эса баланд. Ҳар қандай тил учун ўзининг “ўртача” баландлиги ва тезлиги мавжуд. Инсон бошқа тилда гапирса ҳам ўз тилидаги тезлик ва баландликни қўллайди. Сұхбат пайтида чет әллик билан мураккаб ҳазиллар, мақолларни ишлатмасликка ҳаракат қилинг, чунки улар қийин таржима қилинади ва бошқача тушунилиши мумкин. Кўпчилик америкаликлар ва англияликлар лингвистик нормаларни бузмасликка ҳаракат қилишади. Бу нормалардан четланиш, бошқа одатларни бузгандай салбий муносабатни туғдиради. Сўзларнинг нотўғри талаффузи, қўшма гапларни грамматик нотўғри ишлатилиши, тил нормаларининг бузилиши одамларда сұхбатдошга нисбатан салбий ҳиссиётларни шакллантиради. Бу ҳиссиёт, баъзи ҳолларда уларнинг исмини нотўғри талаффуз қилувчиларга нисбатан салбий муносабатга айланади.

Сұхбатдошга мурожаат. Сұхбатдошингизнинг исми, шарифини тўғри эсда тутиңг ва мурожаат қилаётганда тўғри қўлланг. Д.Карнеги ўзининг қандай қилиб дўстларни қозониш ва одамларга таъсир қўрсатиш ҳақидаги китобида шундай ёзади: ”Инсон исми ҳар қандай тилда ҳам энг ширин ва энг муҳим товушдир“. Унинг фикрича, оддий одамни бошқа дунёдаги исмларга нисбатан ўзининг исми қўпроқ қизиқтиради.

Яқин вақтгача СССРга кирган кўпчилик миллий республикалар ва вилоятлар вакиллари рус миллатига мансуб кишилар билан мулоқот қилганда ва шунингдек ўзаро гаплашганда ҳам ўз исмларини рус тилига мослаштирган. Кўпгина миллатларда олдин отасининг исми қўлланилмаган, аммо совет ҳукумати даврида ҳалқаро мулоқот ва “катта акасига” тенглашиш учун уни қўллаш одат тусига кирди. Бугунги кунда мамлакатлар миллий исм-шарифларга ва урф-одатларига қайтишяпти. Шунинг учун сұхбатдошга сизга таништирилгандык ном билан мурожаат қилиш керак.

Сұхбатдошга эътибор ва ҳурмат. Сұхбат олиб бориши қоидалари – бу одамлар билан гаплашиш санъати. Нафақат ўзингиз ва сұхбатдошингиз гапирган нутқлар мазмунига, балки имо-ишораларга ҳам эътибор беришга ҳаракат қилинг.

Сұхбат чоғида одамлар доим бошларини қимирлатадилар. Бош эгиш ҳар доим ҳам розиликни ифода этавермаслигига қарамай, сұхбатдошга ўз нутқини давом эттиришини англатади. Бош эгиш сўзловчига маъқул бўлади ва кўпчилик орасида кўпроқ бош эгиб турувчига қараб нутқ сўзлайди.

Сұхбатдошингизга эътиборда бўлинг, унинг кучсиз бўлган далилларини ҳам қадрланг. Бошқа тараф исботларини мазмунига етишга умуман ҳаракат қилмасдан, тезда ёқимсиз имо билан уни четга чиқариш сұхбат давомига жуда ёмон таъсир этади. Агар сұхбатдошингиз сиздан паст лавозим эгалласа, унинг олдида ўзингизни шахсий ва профессионал устунлигинизни намойиш этиш одобсизликдир. Бу ҳол фақатгина шахсий ёқтирмаслик ва сабрсизлик пайдо бўлишига олиб келади.

13.3. Ишга алоқадор сұхбатни қандай түзиш ва ўтказиши керак

Сұхбатда унинг асосий қисмігагина эмас, балки бошига ҳам эътибор бериш керак. Мулоқот бошидан ўзаро ишонч ва хушмуомалаликка интилиш зарур. Сұхбат бошини, концерт бошланишидан олдин асбобларни созлашга ўхшаца бўлади. Сұхбат боши кўп функцияли бўлиб, сұхбатдош билан алоқа ўрнатишни, сұхбат учун ёқимли муҳит яратишни, мулоқот мавзусига эътибор ва қизиқиши ўйғотишни, зарур ҳолларда эса ташаббусни ўз зиммасига олишни талаб қиласди. Кўп ҳолларда реал шартномалар, контрактлар, йечимлар ҳамкорлар учун жумбоқли бўлгани учун эмас, балки сұхбат нотўғри тузилганлиги, иш юзасидан таклифларни нотўғри изоҳланиши, келишув тактикасидаги хатолар ва иш юзасидан мулоқот қоидалари бузилганлиги натижасида самарасиз тугашига олиб келади. Бу эса ўз навбатида сұхбат боши хато тузилганлигидан далолат беради.

Сұхбатдошларда ташқи кўринишдан, хулқ-атворидан, биринчи сўзларидан бир-бири ҳақида таассурот пайдо бўлади. Ҳар кунги муносабатларда белгиланган ва мумкин бўлган нарсалар ишга алоқадор муносабатларда итоаткорлик, кучсизлик, ноқулай вазият белгилари деб тушунилиши мумкин.

Расмийлик ва совуққонлик одобсизлик ҳисобланмайди. Оддий иш юзасидан хушмуомалалик ишга алоқадор хушмуомалаликдан мазмуни билан эмас, шакли билан фарқланади. Шунинг учун ҳар қандай сұхбатдошга қуйидаги кўринишдаги ҳурмацизликлардан, иззацизликлардан четланиш керак: “Келинг сиз билан тез кўриб чиқайлик...”, “Тасодифан ёнингиздан ўтаётуб, кириб кетай дедим...”, “Бу ҳақда менинг фикрим бошқача...”.

Сұхбат бошланиши биланоқ иш тўғрисида гапириш тавсия қилинмайди. Бу нохуш таассурот ўйғотиши мумкин. Сұхбатдошни тайёрлайдиган кириш қисмидан тез ўтиб кетиши, тескари самара бериши мумкин: одам босилиб қолади, сизга ва сизнинг таклифларингизга ишончи ўзгаради. Сұхбатнинг асосий мавзусига ўтишда, биринчи саволлар билан сұхбатдошни қарши далиллар қидиришга ва ҳимояга ўтишга ундуманг. Бу мантиқан тўғри реаксия бўлса ҳам, лекин ишбилармонлар этикети ва психологик жиҳатдан нотўғри ҳисобланади.

Сұхбатларни олиб бориш услублари

Услуб	Афзалликлари	Камчиликлари
Босим	Агар куч устунлиги бўлса, кўп вақт талаб қилмасдан ғалабага олиб келади.	Агар бошқа томон худди шу кўринишни қўлласа, келишув омадсизлик билан якунланади.
Компромисс	Одатда натижавий якун билан тугайди.	Келишилган якун ҳеч қайси тарафга фойдасиз бўлиши мумкин.
Олиб-қочиши	Муаммо ноаниқ ёки бошка тараф кучи устун бўлганда	Катта йўқотишларга олиб келиши мумкин.

	фойдали.	
Йон босиш	Фойдали, агар ҳамкор ҳақ ёки у билан яхши муносабатлар музокара натижасидан кўра муҳимроқ бўлса.	Натижа йўқлиги.
Ҳамкорлик	Деярли икки тараф ҳам ютуқда.	Тазийқ қўрсатишга ҳаракат қилувчи одам билан музокара олиб бориш жуда кўп вақт талаб қилиши мумкин.

Суҳбатни тўғри бошлиш учун аниқ бир тавсиялар йўқ, аммо асосий саволни муҳокама қилишга ёрдам берувчи, амалиётда тасдиқланган бир қатор куйидаги усулларни келтирса бўлади.

Кучланишини йечиши усули. У суҳбатдош билан зич алоқа ўрнатишда муҳим. Бир нечта илиқ сўз билан буни амалга ошиrsa бўлади. Бунинг учун “биров учун ўйлаш”, ”унинг ўрнига туриш”, унинг кўзлари билан ”қараш” керак. Шуни ҳисобга олиш лозимки, инсон кўп маълумотни сўзлардан эмас, балки талаффуз, мимика, ишоралардан, яъни новербал маълумот манбаидан олади. Яхши ҳазил билан дўстона муносабатга эришиш мумкин, бироқ бу ҳазилни эҳтиёткорона ишлатинг, чунки у одамни ҳафа қилиб қўйиши ёки нокулай вазиятга тушириши мумкин.

Ююима ёки ”илгак“усули. Қандайдир муҳим воқеа ёки ғайриоддий тасодифга “илиниб” асосий мавзуга кўприк ташлаб ўца бўлади. Шу мақсадга мувофиқ суҳбатдош онгига уни мантиқан мўлжалланган мавзуга олиб келувчи аниқ бир уюшмани ҳосил қилиш қобилиятидан фойдаланиш ҳам мумкин. Бу суҳбатдошга суҳбат мавзуси таниш бўлмаганда, ёқимсиз суҳбатдаги нокулайликни камайтиради ва умуман суҳбат завқини оширади.

Тасаввур қилиши ўйинини разбатлантириши усули. Олдинги усулга яқин бўлиб, суҳбат бошида ҳам, асосий мавзуни таҳлил қилаётганда ҳам ишлатилиши мумкин. Оҳирги вазиятда у кўрилиши лозим бўлган бир қатор муаммолар бўйича кўп саволлар тузилишини назарда тутади. Суҳбатдош оптимист ва вазиятга равshan нуқтаи назар билан қараганда, бу усул яхши натижалар беради.

Тўғридан-тўғри ёндашув усули. Ишга бевосита, ҳеч қандай киришларсиз ўтишни ифодалайди. Схематик равишда бундай қўрсатиш мумкин: учрашув белгилаш сабаблари лўнда айтилади, ишлар ҳолати ифодаланади ва бир қатор аниқ масалалар муҳокама қилинади. Бу усуллар “совук” ва рационал, улар қисқа ва унча зарур бўлмаган иш юзасидан алоқаларга тўғри келиб, кам таниш одамлар билан эмас, балки бошлиқ билан хизматчи, шериклар ўртасида зарур ва тез ечилиши керак бўлган муаммоларни ҳал қилишда қўлланилади.

Суҳбат чоғида оддий, равshan, аниқ ва ишонарли тушунчалардан фойдаланиш зарур. Сўзлар ва далиллар йетарлича аниқ ва равshan бўлмаса, ишончни тез йўқотиш мумкин. Кўпгина иш юзасидан учрашувлар ноаниқ,

аралаш, чўзилган ва тушунарсиз баён қилиш оқибатида мазмунсиз бўлиб қолади.

Тажрибалар кўрсатишича, далил ва мулоҳазаларни алоҳида тушунтириш, уларни бирга умумий тушунтиришдан кўра самаралироқ. Бунда 3-4 ёрқин мулоҳазалар бир талай “ўртача” далилларга нисбатан каттароқ самара беради. Суҳбатдошингиз ҳақ бўлганда ҳар доим, Сизга нохуш оқибат олиб келса ҳам, уни ҳақлигини очиқ тан олинг. Бу ҳамкорни сизга нисбатан худди шундай муносабатда бўлишига умид ва талаб қилиш хуқукини беради. Лекин ҳамкорингизнинг ҳақлигини тан олиш ҳақидаги талаб, унинг ноҳақлигини ҳам шундай билдириш керак дегани эмас. Иш юзасидан суҳбатда қуидаги гапларни айтиш тавсия этилмайди: “Бу йерда сиз ноҳақсиз!”, “Ҳаммаси, бунинг тескариси”, “Бу ҳеч қандай далилларга асосланмаган” ва ҳ.к.

“Менимча, биз бунга ҳар хил қараймиз, мени ўйлашимча бу...” деб айцангиз яхшироқ бўлади. Ундан кейин фикрингизни аста-секин баён қилишингиз мумкин.

Д.Карнеги айтишича, одамнинг ноҳақлигини сўзларга нисбатан, қараш, талаффуз ёки имо-ишора орқали самаралироқ кўрсатиш мумкин. Ноҳақ эканлигини айтган тақдирингизда ҳам, уни фикрингизга қўшилишига эриша оласизми? Ҳеч қачон. Бундай тақдирда сиз унинг ақлига, тўғри деб ҳисоблаган фикрига, шахсиятига бевосита зарба берган бўласиз. Бу уни ўз фикрини ўзгартиришга эмас, балки қарши жавоб беришга ундейди.

Кўп ҳолларда “балки, мен адашаётгандирман...”, ъъКелинг бирга мулоҳаза қилайлик...” деган сўзлар суҳбатдошга яхшироқ таъсир қиласди. Баъзи учнчалик муҳим бўлмаган ҳолларда суҳбатдош ноҳақ эканлигини яхши билсангиз ҳам, уни хаяжонлантирмасликка, яъни бахсга киришмасликка ҳаракат қилинг. Суҳбат давомида суҳбатдошга мослашишга интилинг.

Ҳамма ифода этилган фикр ва мулоҳазалар конспект шаклида белгилаб қўйилиши зарур. Шунинг учун ручка ва қофоз кўпгина мажлислар, музокаралар ва расмий учрашувлар қатнашчиларининг tengi йўқ ёрдамчиси ҳисобланади.

Бироқ ўзаро ишончи учрашувларда ишонч муҳитини бузмаслик учун ёзувларни олиб бормаган маъқул. Шунга қарамай ёзиш зарурати пайдо бўлса, унда суҳбатдошни қайси гапларни ёзишингиз тўғрисида огоҳлантириш зарур, энг яххиси эса суҳбатдош хонани тарк этгандан сўнг ёзган маъқул.

Тажрибалар кўрсатишича, энг иқтидорли инсонлар ҳам ишга тегишли бўлган маълумотларни эсда қолдиришга қараганда кўпроқ эсдан чиқарадилар. Эсда қолган маълумотларнинг ярмиси эса ноаниқ ёки нотўғридир. Бошқача қилиб айтганда, эсда қолган маълумот ҳажми қўпи билан 15-20 % ни ташкил қиласди.

Нимани ва қайси шаклда ёзиш кўпгина омилларга боғлиқ, лекин ўзингиз учун асосий тамойилларни ишлаб чиқиш муҳим, чунки улар маълумот аҳамиятини, уни белгилаш заруриятини ва керак бўлганда қайта тиклаш имкониятини аниқлашга ёрдам беради. Мутахассислар ёзувни осон олиб бориш ва кўргазмали бўлиши учун тўрт бандга бўлишни тавсия қилишади:

- вақти күрсатилған ҳолда келгуси мажбуриятлар ҳақида маълумот. Кейинги ойда бажарилиши лозим бўлган ишлар, кутилаётган эслатмалар (иш юзасидан сұхбат ва учрашувлар);
- ҳар кунги фаолиятга тегишли бўлмаган алоҳида масалалар ва ишлар, улар бажарилмагунча ўзларини эслатиб туради (мактублар, қандайдир воқеа учун маълумот);
- келажақда керак бўлиши мумкин бўлган маълумотлар, агар хотирада тўлалигича сақлаб қолиш кафолати бўлмаса;
- хотирани янгиловчи ёки тўла ва аниқ эсда қолишга ёрдам берувчи маълумотлар (формула, исмлар, тушунчалар, таркиб ва ҳ.к.).

13.4. Сұхбатнинг якуний босқичи

Сұхбатнинг якуний босқичи сұхбат муваффақияти учун муҳим. Иш юзасидан сұхбат қоидаларига асосан сұхбат охири муҳим вазиятларни оддий қайтариш билан тугаши керак эмас. Якун равshan бўлиши керак, таклиф қилинаётган йечимнинг муҳим далилларига бой бўлиши ва айни вақтда осон қабул қилиниши, сұхбатдошда ноаниқ тасаввур қолмаслиги лозим. Шунинг учун сұхбат охирда ортиқча сўзларга ўрин йўқ. Фақат шундагина ишчан, ўзаро фойдали ва иккита маъносиз йечимга эришиш мумкин. Агар қабул қилинаётган йечимнинг ўзаро фойдалилиги ҳамкорлар учун аниқ бўлса, сұхбат якунида қийинчиликлар пайдо бўлмайди.

Ўта муҳим сұхбатлар учун бир нечта хулосаларни ёзиш, айрим ҳолларда ёдлаш ҳам тавсия этилади. Кўпинча хулосани олдиндан аниқ айтиш қийин, шунинг учун ишбилармон одамлар олдиндан бир нечта варианtlарни тушиб қўйишишади ва вазиятга қараб улардан мос келадиганини ишлатишиади. Тасодифий воқеа юз берганда олдиндан “уйда” тайёрланган хулосани мослаштиришга тўғри келади.

Ишбилармон одамлар таъкидлашларича, сұхбат якунига ўтиш учун “психологик қулай вазият” мавжуд. Мутахассислар фикрича, сұхбатни якуний босқичига кириш учун қўйидагилар зарур ва йетарли:

- сұхбат керакли мақсадга йўналтирилган;
- сурилаётган таклифлар фойдасига ёки уларга қарши асосий далиллар келтирилган;
- сұхбат чоғида қўйилган саволлар ва айтилган камчиликларга сұхбатдошни қониктирувчи жавоблар берилган;
- сұхбатдошлар ўртасида яхши алоқа ўрнатилган ва сұхбат якуни учун қулай муҳит яратилган.

Бу ҳолда сұхбат якунини “бевосита” ёки “бильвосита” тезлаштириш мумкин. “Бевосита” тезлаштириш “Хўш, бирор қарорга келайлик” ёки “Якун ясайлик” каби иборалар орқали тез билинади. Бундай якун сұхбатдошингиз қарорга иккиланмасдан рози бўлишига ишонганингизда фойдалидир. Лекин амалиёт кўрсатишича, бу шаклни ўйламай ишлатиш, кўпинча сұхбатдошнинг таклифни рад этишига олиб келади. Шу сабабли кўпинча “бильвосита”

тезлаштириш усули қўлланилади. Бу усулнинг мақсади сухбатдошни якунга аста-секин олиб келишдир.

Тест. Ишга доир мұхокама олиб бориш таланти

Мұхокама олиб бориш қобилиятыни такомиллаштироқчи бўлганлар ўзини баҳолашдан бошлиши зарур, буни осонлаштириш учун қуйидаги тест берилган. Ўзингиз учун маъқул жавоб турини танлаб олинг:

- “Ха, ҳар доим шундай бўлади” - 1;
- “Ха, одатда шундай бўлади“ - 2;
- Вазиятнинг ноаниқ баҳоси - 3;
- “Йўқ, одатда бундай бўлмайди“ - 4;
- “Йўқ, ҳеч қачон бундай бўлмайди“ - 5.

1. Ишнинг бажарилмаслиги оқибатида танқидга учрасам ҳам, қўл остимдагиларга иш топшираман.

- 2. Менда ҳар доим кўп фикр ва режалар бўлади.
- 3. Атрофдагиларнинг фикрига қулоқ соламан.
- 4. Мұхокамалар вақтида асосан муваффақиятли далиллар келтираман.
- 5. Ходимларни ўз масалаларини мустақил йешишларига йўналтираман.
- 6. Мени танқид қилишганда, ҳеч нарсага қарамасдан ҳимояга ўтаман.
- 7. Бошқалар ўз далилларини келтирганда, ҳар доим эшитаман.
- 8. Қандайдир тадбирлар ўтказиш учун олдиндан режа тузишимга тўғри келади.
- 9. Кўпинча хатоларимни тан оламан.
- 10.Муқобил таклифларни киритаман.
- 11.Қалтис вазиятга тушганларни ҳимоя қиласман.
- 12.Ўз фикрларимни максимал ишонч билан баён қиласман.
- 13.Менинг шижааткорлигим юқумли.
- 14.Бошқалар нуқтаи назарини эътиборга оламан ва қарор тайёрлашда ҳисобга олишга ҳаракат қиласман.
- 15.Одатда ўз нуқтаи назаримда тураман.
- 16.Агрессив айтилган қарши далилларни ҳам тушунишга ҳаракат қиласман.
- 17.Фикримни аниқ ифодалайман.
- 18.Ҳар доим билмаган нарсамни тан оламан.
- 19.Ўз қарашларимни кучли ҳимоя қиласман.
- 20.Ўз фикрларимни бошқаларга ўхшаб ривожлантиришга ҳаракат қиласман.
- 21.Доим бошқалар қандай жавоб бериши мумкинлигини ўйлаб, қарши далиллар қидираман.
- 22.Бошқаларнинг ўз ишини ташкиллаштиришида маслаҳат билан ёрдам бераман.
- 23.Одатда ўз лойиҳаларим билан шуғулланиб, бошқаларнинг ишларини таҳлил қилмайман.
- 24.Ўз нуқтаи назаримдан фарқ қилувчи қарашларни ҳам эшитаман.
- 25.Кимдир лойиҳамга рози бўлмаса, бўш келмайман, уни ишонтиришга ҳаракат қиласман.
- 26.Ўз фикримни ўтказиш учун ҳамма воситалардан фойдаланаман.

27. Умидларим, ҳавфларим ва қийинчиликларим ҳақида очиқ айтаман.
28. Доим атрофдагиларнинг лойихамни кўллаб-куватлашларини осонлаштириш йўлини топаман.
29. Бошқа одамларнинг ҳис-туйғуларини тушунаман.
30. Ўз ғояларим ҳақида кўпроқ гапираман.
31. Ҳимояга ўтишдан аввал, ҳар доим танқидни эшишиб оламан.
32. Ўз фикрларимни тизимли ифодалайман.
33. Бошқаларнинг сўзга чиқишига ёрдам бераман.
34. Бегоналарнинг фикрларидағи қаршиликларни диққат билан кузатаман.
35. Суҳбатдошимнинг фикрлари йўналишини кузатаётганимни кўрсатиши учун, нуқтаи назаримни ўзгартираман.
36. Ҳақлигимга ишончим комил бўлмаса, ўзимни ҳақ деб кўрсатмайман.
37. Бошқалар қандай иш тутиши кераклигига ишонтириш учун кўп куч сарфлайман.
38. Одамларни ишга илҳомлантириш учун ҳиссий гапираман.
39. Мухокамани якунлаш пайтида камгапларнинг ҳам фаол иштирок этишига харакат қиласман.

Жавобларингизни қўйидаги шкала орқали балларда ифода этинг:

Жавоб варианти	1	2	3	4	5
Баллар миқдори	5	4	3	2	1

1, 3, 5, 7, 9, 11, 14, 16, 18, 20, 22, 24, 27, 29, 31, 33, 35, 36, 37 ни тасдиқлаш бўйича олинган баллар йифиндини “А” билан белгиланг (20 дан 100 гача). “В” йифиндини олиш учун 2, 4, 6, 8, 10, 12, 13, 15, 17, 19, 21, 23, 25, 26, 28, 30, 32, 34, 38 ва 39 таъкидлаш балларини йифинг (20 дан 100 гача).

Тест жавоби сизнинг учрашувларда дипломат ёки авторитар эканлигизни кўрсатади. Агар А сумма В суммадан камида 10 балл ортиқ бўлса, унда сиз яхши дипломациз; агар В сумма А суммадан 10 балл кўпроқ бўлса, унда сиз авторитарсиз. Агарда А билан В суммалар 10 баллдан озроққа фарқланса, сиз аниқ баҳоланмаган ҳисобланасиз.

Барча айтилганларни умумийлаштириб, ишга доир суҳбат унинг барча жиҳатларини батафсил кўриб чиқиши талаб қиласди дейиш мумкин. Бунинг учун бир нечта самимий суҳбат олиб бориш қоидаларига риоя қилиш муҳим:

1. Олдиндан суҳбат режасини ёзиб қўйиш ва энг муҳим бўлимларини ишлаб чиқиши керак.
2. Суҳбатнинг нохуш ва ёқимли вазиятларини галма-гал ишлатиш керак, лекин суҳбат якуни ижобий бўлиши лозим.
3. Ҳар доим суҳбатдошингизни харакатлантирувчи сабаблар, унинг мақсадлари, қадр-қиймати ҳақида ўйланг.
4. Ўз фикр ва мулоҳазаларингизни аниқ, қисқа ва тушунарли ифодаланг.
5. Ҳеч қачон суҳбатдошни ҳақорат қиласманг. У билан хушмуомала, эътиборли ва самимий бўлишга харакат қилинг.
6. Бошқаларга менсимасдан муомала қиласманг.

7. Ҳар доим имкон туғилганды, сұхбатдошингизнинг ҳақлигини тан олинг.

8. Сұхбатнинг мантиқий ҳаракатини бузмаслик учун бошқа мавзуларни четлаб үтишга ҳаракат қилинг.

Бобнинг қисқача холосаси

Ишга доир муносабатларда күп нарса шахсий учрашувлар, сұхбатлар, мұхокамаларда ҳал этилади. Шунинг учун бу йерда ишга доир этикет, бир томондан умумий ечимни топишга, иккінчи томондан маълум масофани сақлашга, мураккаб ва нохуш вазиятларни юмшатишига ва улардан муносиб чиқишига имкон берувчи ўзига хос воситачи ҳисобланади.

Сизнинг позицияларингизнинг түғри асосланғанлығига ва уларга қўшилишга шерикларингизни ишонтиришда сұхбат энг қулай ва кўпинча ягона кўмакдошдир. Учрашувни ҳар доим ҳам қайтариб бўлмайди ва шу сабабли берилган имкониятдан, айниқса, унда турли мутахассислар ва раҳбарлар иштирок этганда тўлиқ фойдаланиш зарур. Шунга мувофиқ учрашувлар ва сұхбатлар ўтказиш қоидалари ва техникаси ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлиш зарур.

Таянч иборалар

Сұхбатга тайёргарлик, сұхбатдошга таъсир этувчи омиллар, хулқ-атворнинг асосий қўринишлари, нутқ ва баён қўринишлари, сұхбатдошга мурожаат, сұхбат ўтказиш қоидалари, сұхбатнинг яқуний босқичи.

Назорат ва мұхокама учун саволлар:

1. Ишга алоқадор сұхбатларга қандай тайёргарлик кўриш керак?
2. Хулқ-атворнинг қандай қўринишлари учрайди?
3. Сұхбат ўтказишида этикет “икир-чикирлари” қандай рол ўйнайди?
4. Ишга доир сұхбатни қандай тузиш керак?

Асосий адабиётлар

1. Л.В.Карташова, Т.В.Никонова, Т.О.Соломанидина. Организационное поведение. Учебник. М.: ИНФРА-М. 2003.

2. Гуломов С.С. Менежмент. Т., 2002.

3. Алиев В.Г., Дохолян С.В. Организационное поведение. М. 2004.

14 – БОБ. ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК

14.1. Уддабурон раҳбар сирлари

Қандай қилиб қўйилган мақсадларга эришувчи жамоа раҳбари ёки ёш одамдан кейинчалик йетук бошқарувчи йетишиб чиқишини ва раҳбарлик истеъдодини ривожлантириш йўлларини аниқлаш қийин. Бу саволларга жавоб бериш учун ҳар хил компанияларнинг 700дан ортиқ раҳбарлари сўров қилинган. Жавобларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида қўйидаги натижалар олинган.

Раҳбарларга ўз мансаб қўтарилишида мұхим рол ўйнаган омилларни кетма-кет жойлаштириш таклиф қилинди. Маълум бўлишича, юқори лавозимга

эришиш учун шахсий ҳоҳиши, одамлар билан ишлаш қобилияти, таваккалчилик ва ўз зиммасига масъулиятни ола билиш муҳимдир. Булар учта асосий омилларни ташкил қиласиди. Сўровлар шунингдек, юқори даражадаги бошқарувчининг шаклланиши асосан қисқа давр ичидаги (6-7 йил) 35-37 ёшларга келиб юзага келишини кўрсатади. Бу тез тажриба тўплаш билан боғлиқ.

Раҳбарлар ўз шахсий билимлари ва иш фаолиятини муҳимлик даражасига кўра қуидаги кетма-кетликда: қарор қабул қилиш, шахсий интизом, таҳлилий фикрлаш, мослашувчан хулқ, ўз вақтини тўғри тақсимлаш, ишни билиш тартибида жойлаштирганлар. Иш вактининг асосий қисмини раҳбар асосан режалаштириш, мажлислар, ҳар хил “қоғозли” ишлар, қўл остидагиларга мурожаат ҳамда телефонда гаплашишга сарфлайди. Раҳбарларнинг фикрича, касбий маҳоратга уларни одамлар билан мулоқот: юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш, қўл остидагиларнинг имкониятларини ўрганиш, ишга қабул қилиш ва бўшатиш ва хоказолар ўргатади. Ҳамма ишларни бошлиқ бир хил тарзда осонгина бажара олмайди. Асосий муаммолар камайиш тарзида қуидагилардан иборат: қўл остидагиларни бошқариш, “бошқариш”ни режалаштириш, ишдан бўшатиш, ўз вақтини режали тақсимлаш, молиявий фаолиятни бошқариш, қарор қабул қилиш, зиддиятларни ҳал қилиш, ишга олиш, истиқболли муаммоларни йечиш. Сўровда раҳбарлардан бошқа раҳбарлардаги қандай хислатларни кўпроқ хурмат қилишлари сўралганда, йетук раҳбарлар биринчи навбатда аниқ мақсадларга эга бўлиши ва унга интилиши, кенг кўламли қобилиятларга эга бўлиши, сардорлик қилиши, одамлар билан тез тил топа олиш қобилияти, ростгўйлик, ижодкорлик, айтилган сўз ва ишлардан четга чиқмаслик, ҳаққоний, ва бошқаларга яхши муносабатда бўлиши керак деб айтилади. Кўп ҳолларда раҳбарнинг иш куни қуидаги тарзда кетади: ўз иш жойига келгач, у котибидан қоғозлар солинган тўла папкани олиб, у билан танишиб боради, аммо бироз вақт ўтмай телефон жиринглайди ва бирор масалани йечиш учун бўлим бошлиқларини йиғиши зарурлиги маълум бўлади. Уларнинг бу муаммога ўз муносабатлари мавжуд бўлгани сабабли сухбат чўзилиб кетади ва қаҳва ичиш вақти келади, қарабсизки, иш вактининг ярми ўтибдики, раҳбар эса ҳеч нарса қилгани йўқ. Ягона қилган иши - бир неча асосий бошқарув тамойилини бузганлигидир. Чунки бу вазифани қўл остидаги бошқа одам муваффақиятли бажариши мумкин. Юқори лавозимни эгаллаб турувчи раҳбар ўз жамоаси ишига кенг кўламда бокиши, биринчи навбатда йечим қабул қилиши ва унинг бажарилишини қўл остидагиларга топшириши лозим. Америкада йирик фирмаларни бошқариб келган Р.Левинсон фикрича, раҳбар ҳар доим қўл остидагилар бажара олиши мумкин бўлган ишларга қарши чиқиши лозим. Р.Левинсон бунинг бир неча йўлини кўрсатиб ўтган.

Биринчи йўл: йиғилишлар ўтказиш самарадорлигини ошириш. Ҳойнахой барча раҳбарлар йиғилишларга жуда кўп вақт сарфлайди. Агар йиғилиш раҳбар хонасида ўтказилса, ундан чиқиб кетиш ёки қисқартириш қийин масала. Шунинг учун мен йиғилишларни бўлинма раҳбарлари хонасида ёки конференсия залида ўтказардим. Кўп ҳолларда икки йиғилишни бир вақтда ҳар хил хоналарда ўтказардим. Мен бир йиғилишни очиб, кун тартибини эълон

қиласардим, сўнг мажлис олиб боришни ўринбосарларимдан бирига топшириб, хонани тарк этардим. Тахминан ярим соатдан сўнг қайтиб, қандай қарор қабул қилинганлиги билан қизиқардим. Бундай йўл тутишнинг бир неча фойдали томони бор эди. Ҳамма менинг охирги натижани суриштиришимни билиб, бекорга вақт ўтказмасликка ҳаракат қиласарди ва ўз эътиборларини асосий йечимга қаратишарди. Маълумки, бу ҳолда асосий маъсулият йиғилиш қатнашчиларига юклатилади. Бир соатдан ортиқ давом этадиган йиғилишларни мен ёмон тайёрланган ва керагидан ортиқча қатнашчилар йиғилган бўлади деб ҳисоблайман. Йиғилиш вақтини қисқартириш учун уни иш куни охирида ўтказиш маъкул. Ҳар бир ишчи бу пайтда уйга шошилади ва шу сабабдан беҳуда гапиришни лозим топмайди. Айрим ҳолларда турган ҳолда йиғилиш ўтказиш ўринли бўлади. Қулай ўриндиқларда кетадиган бир соат ўрнига бу ҳолатда бир неча дақиқа йетарли бўлади.

Иккинчи йўл: вақт орқали иш олиб бориш. Бу эртанги ишларни режалаштириш, яъни телефондаги сўзлашув, мажлис, мижозлар билан сухбат ва бошқаларга кетадиган вақтни режалаштиришдир. Бу режа эрталаб ишдан олдин текширилади ва уни кун давомида вақти-вақти билан соатга қараб бажарилади. Унинг фойдали тарафи шундаки, бошлиққа тақрибан бошқа ишчилар ҳам ишларни рёжа асосида олиб боришади. Бу эса ўз навбатида ташкилот ишининг яхшиланишига ёрдам беради.

Учинчи йўл: маълум ғояни ўйлаб топиб уни амалга оширишни қўл остидагиларга топшириш. Яхши бошлиқнинг асосий вазифаси янги ғояларни топиш. Қўл остидагилар айтилган ғояни ўрганиб чиқиб, тушуниб уни ҳаётга тадбиқ этишлари лозим. Қўл остидаги бир ишчи билан сухбатлашаётган пайтимда унинг саволига жавоб бера олмай қолсан ва маълум бир муаммо тўғрисидаги фикримни айта олмай қолсан, биламанки нимадир нотўғри кетмоқда. Ғоя ўрганилиб чиқиб қабул қилингандан сўнг, уни ҳаётга тадбиқ этишни қўл остидагиларга топширишим лозим. У раҳбарни ишлардан ҳалос этишга ёрдам беради ва ўз навбатида берилган ишни яхши бажарилишига кафолатдир.

Тўртинчи йўл: телефон ўлчагич. “Телефономания”- бу раҳбарлар орасида кенг тарқалган касалликдир. Унинг бошланғич кўринишлари - ҳамма кўнғироқларга жавоб бериш, сўзлашиш вақтини сунъий чўзиш, телефон ҳар доим вақтни тежайди деган фикрдир. Мен телефон орқали қисқа ва лўнда гаплашишни лозим топаман. Менинг ўйлашимча, ҳар бир раҳбар телефонида сўзлашиш вақти нарҳини кўрсатувчи ҳисоблагич бўлиши керак. Фараз қилайлик, директорнинг ҳар соати 30 доллар туради. Ҳар бир гаплашган дақиқаси эса 0,5 доллар. Ҳисоблагич ҳар 20 дақиқадан сўнг жиринглаб, раҳбар 10 доллар йўқотганини билдириши мақсадга мувофиқдир.

Бешинчи йўл: қофозларни топшириш. Маълумки, раҳбарлар уларга келган қофозларга кўп вақт ажратишади. Мен иш вақтимда 5 дақиқадан кўп вақтни оладиган ҳеч нарсани ўқимасликка ҳаракат қиласан. Ғалатироқ ҳужжатлар ва рўзномаларни уйга олиб кетаман. Хатларни кўриб чиқиб, жавоб қайтариш вазифасини иложи борича кўпроқ ходимларга топшираман.

Олтинчи йўл: юклатилган вазифаларни тақсимлаш. Раҳбар ходимларга керакли ишни юклатиши билиши лозим. Ҳеч қачон ҳамма ишни ўзи бажаришга ҳаракат қиласлиги керак. Бу йерда иккита афзаллик мавжуд: раҳбарга йенгиллик яратилади ва иш натижаси яхшиланади. Сабаби: ходим ўзи маъқуллаган ишни яхши бажаради. Ўйлайманки, раҳбар иш сифати қўл остидаги ходимларга юклатилган иш миқдори бўйича баҳоланиши лозим.

Йеттинчи йўл: ишнинг тез бажарилиши. Бу ўзига хос раҳбарлик стенографиясидир: иложи борича кам сўз ва вақт сарфлаб, бошқаларни ҳал қилинган ишлар билан шуғулланишига йўл қўймасдан, муаммони йечиш ва йечим қабул қилиш. Одамларда шундай хусусият борки, маълум йечимнинг тахминий фойдали томонларини амалий тарзда қўрсатмасдан уларни сўзда ифодалайдилар. Майда-чуйдалардан ҳалос бўлиш масъулиятдан қочиш дегани эмас, аксинча ходимлар маъсулиятини оширишдир. Ходимлар раҳбар улардан кўп нарсани кутишини, уларнинг билими ва тажрибасига суюнишини биладилар. Шу сабабли кўп ҳолларда унинг умидларини оқлашга ҳаракат қиласдилар. Ким омадга эришишини олдиндан айтиш мумкинми? Ёки омад ҳаммага баробар келаверадими? Психологлар фикрича, омад маълум бир характерга эга ва маълум вазиятларга мослаша олувчи инсонларга хосдир. Айтиш мумкинки, айнан инсон ҳарактери яхши натижага эришишга ёрдам беради. Бу асосан қуидагиларни ўз ичига олади:

1. Кучли тарзда ўз шахсиятини тадбиқ этиш. Бу психологияк хусусият жуда ҳам эрта қўрина бошлайди. Бу асосан бошқалар фикрига қўшилмасдан ўз фикрига эга бўлишда ва айникса, бошқалар тутган йўлдан эмас, балки ўз мақсади йўлида барча тўсиқларни енгиб, ўзига хос йўлни танлашида акс этади.

2. Йон атрофдагилар билан боғланмаслик қобилияти. Бунинг маъноси ходимлар ва раҳбарларнинг ўзига хос психологик хусусиятларини билиш ва буни катта ҳаёт “ўйинида” тўғри ишлата билишдир.

3. Жисмоний бардош. Шахснинг психологик уйғунлиги яхши соғликни таъминлайди, бу эса омаднинг муҳим элементидир.

4. Воқеаларни олдиндан кўра билиш қобилиятининг юқори ривожланганлиги.

5. Ўта мослашувчанлик. Омад учун туғилган инсон қачон ўз мағлубиятини тан олиш ва қачон келишувга эришиш зарурлигини аниқ билади.

6. Бошқаларни ишонтириш қобилияти.

Қуидаги тест америкалик психологлар томонидан яратилган бўлиб, унда омадга эришиш имкониятларини баҳолаш мумкин.

1. Ким бўлишни афзал кўрасиз?

А) савдо кемаси капитани (10)

Б) космонавт (5)

В) мусиқачи (3)

2. Бирор инсон ҳаёти ҳавф остида эканлигини кўрсангиз:

А) ўз ҳаёtingизни ҳавф остига қўйган ҳолда дарҳол қутқаришга ҳаракат қиласиз (5)

Б) тезда уни қутқариш имкониятларини қидирасиз (10)

В) кимнидир ёрдамга чақирасиз (3)

3. Қайси үйин ёқади?

А) покер (5)

Б) билярд (10)

В) кроссворд (3)

4. Телефон жириングлаганда сиз дарҳол нима деб ўйлайсиз?

А) сизни ишда қидиришаётганини (3)

Б) сизни дўстингиз эсга олганини (10)

В) бирон нохуш воқеа содир бўлганини (5)

5. Агар сиз муҳим мажлисга боришингиз керак бўлса?

А) сиз у йерга ҳар доимги кийимда борасиз (5)

Б) маҳсус кийим танлайсиз (10)

В) фақат мажлисда нима муҳокама қилинишини ўйлайсиз (3)

6. Агар ҳар бир одам ўз шахсий ҳаётини гапириб берса:

А) сиз ундан икир-чикирларни сўрайсиз (10)

Б) зерикасиз (3)

В) унинг гапини бўласиз ёки кетасиз (5)

7. Агар сиз яхши даврада бўлсангиз?

А) яхши дам оласиз (10)

Б) зерикасиз (3)

В) ўз муаммоларингизни ўйлайсиз (5)

8. Агар кетишингиз керак бўлса:

А) бу ҳақда яқинларингизга айтиб кетасиз (10)

Б) уларга ҳеч нарса айтмайсиз (3)

В) уларга бироз вақт йўқ бўлишингизни айтасиз (5)

9. Агар сиз қийин ҳолатга тушиб қолсангиз?

А) сиз ўз дўстларингиз ва ҳамкасларингиз билан маслаҳатлашасиз (3)

Б) яқин қариндошларингиз билан муаммони ҳал қиласиз (5)

В) ҳеч кимга ҳеч нарса айтмайсиз (10)

10. Агар сиз расм сотиб олмоқчи бўлсангиз, у ҳолда:

А) абстракционизм (мавҳумлик) йўналишидаги (3)

Б) импрессионизм (хис-туйғу ва таассуротларни акс эттириш) йўналишидаги (10)

В) реализм йўналишидаги (5) расм сотиб оласиз.

11. Иш столингизда бирон нарсангиз йўқлигини сезиб қолсангиз?

А) уни қидира бошлайсиз(5)

Б) кимдир ўғирлаган деб ўйлайсиз (3)

В) бу воқеани тезда эсингиздан чиқарасиз ва ишингизни давом эттирасиз (10)

12. Сиз бегона шаҳарда бўлиб, озгина бўш вақтингиз бор?

А) музейга йўл оласиз (5)

Б) шаҳар харитасини ўрганиб чиқиб, кўришингиз керак бўлган жойларни танлайсиз (10)

В) меҳмонхонага дам олиш учун йўл оласиз (3)

13. Сиз баҳсга тортилиб қолдингиз, у ҳолда;

А) ўз фикрингизда турасиз (5)

Б) келишиш йўлларини излайсиз (10)

В) бошқаларга тан бериб қўя қоласиз (3)

14. Нимани афзал кўрасиз?

А) якка қолишни (3)

Б) оиласиз билан бўлишни (5)

В) танишлар ва дўстлар билан вақт ўтказишни (10)

15. Кучли бўрон вақтида фақат сизнинг автомобилингиз юриб кетмоқда ва сиз:

А) омадсиз ҳайдовчиларга аҳамият бермаган ҳолда йўлда давом этасиз (3)

Б) машинангизга сиққанича одам оласиз (10)

В) ўз ижтимоий табақангиздаги одамларни оласиз (5)

16. Эски оилавий расм олдида:

А) кучли ҳаяжон ҳис этасиз (10)

Б) сизга кулгили туюлади (5)

В) нохуш кайфият пайдо бўлади (3)

17. Мажлис олдидан керакли ҳужжатларни эсдан чиқариб қолдирганингизни сезсангиз:

А) тезда ортга қайтиб уларни оласиз (5)

Б) ўз хотирангиз ва вазиятдан чиройли чиқиб кетиш қобилиятингизга ишонасиз (10)

В) мажлисда қатнашишдан бош тортасиз (3)

18. Сиз эрталаб уйғониб нима ҳис этасиз:

А) тетиклик (10)

Б) ухлаб ётганларга нисбатан ширин туйғу (3)

В) кўп қийинчиликсиз ишлашга тайёрлик (5)

19. Ўз бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

А) спорт билан шуғулланган ҳолда (5)

Б) дўстлар билан учрашиш орқали (10)

В) ўқиш орқали (3)

20. Иқтисодий қийинчилик бўлса:

А) бундан қандай фойда кўриш мумкинлигини ўйлайсиз (10)

Б) ижтимоий натижалардан хавотирланасиз (3)

В) ўз режаларингиздан воз кечиб, воқеалар қандай кечишини кутасиз (5).

140-200 балл. Сизда ҳаётда омадга эришиш учун ҳамма нарса йетарли.

70-139 балл. Сиз маълум бир маънода жамиятда ўз ўрнингизни топа олишингиз мумкин. Аммо сиз ўз устингиздан назоратни йўқотмаслигингиз керак, токи сиздаги сақланган муросасиз характер ташқарига чиқиб, сизнинг ҳаракатларингизга салбий таъсир этмасин.

60-69 балл. Сизга ўзингизга нисбатан катта ишонч ва атрофдагилар олдида очиқлик етишмайди. Буларни енга олган тарздагина сиз ўз ўйлаган фикрларингизга эришишингиз мумкин.

Кўп раҳбарлар қўл остидагиларни “ушлаб туриш” муаммосини йечишда қандай назорат йўлини тутишлари тўғрисида ўйлаб кўришмайди. Натижада кўп

ҳолларда турли стратегиялар унсурлари бир-бирига дуч келади, бу эса ўз навбатида ҳамма ҳаракатларни пучга чикаради.

Назорат стратегияларининг кўп турлари мавжуд, бироқ кўпчилик раҳбарлар учун уларнинг иккитаси: ташқи назорат ва ички рағбатлантириш энг самарали ҳисобланади. Ташқи назорат шунга асосланганки, оддий ишчилар ўз вазифаларини улар учун аниқ моддий рағбатлантириш кўринишлари белгиланганда ва улар фаолияти ҳар вақт бошлиқ назорати остида бўлган ҳолда жуда яхши бажарадилар. Бундай назоратли тизим самарали фаолият кўрсатиши учун З вазифани бажариш керак.

1 - ходимлар олдига қийин мақсадлар қўйиш ўз навбатида кўп ходимларни бу ишни бажаришига туртки бўлади ва ишёқмаслар учун йўл қолдирмайди;

2 - иш фаолиятини баҳолаш тизимида “хийлагардан ҳимоя” кўринишини ишлаб чиқиши, бу ишёқмасларга назорат тизимини ўз фойдасига ишлата олмасликка ёрдам беради;

3 - рағбатлантириш тизимини ҳар бир ходим иш натижаларига боғлиқ ҳолда олиб бориш.

Ички рағбатлантириш. Бу стратегия асосида шу ётадики, ҳар бир ходим ўз ишида факатгина озиқ-овқат манбани эмас, балки ўзини кўрсатиш, обрў қозониш ва бошқа қадриятларга эришишни кўзда тутиши лозим. Бунинг учун раҳбар қуидаги қоидалардан фойдаланиши зарур.

Биринчидан, ички рағбатлантириш тизими тузилганда ходимлар олдига маълум мақсадлар қўйилади, лекин бу йерда мақсадларнинг қийинлиги эмас, балки уларнинг жамоа ёрдамида ўрнатилганлиги асосий эътиборга эга.

Иккинчидан, бажарилган ишларни баҳолаш натижалари вужудга келувчи муаммолар моҳиятини очиш ва уларнинг йечимларини топишда бош маъно касб этади.

Нихоят, шундай назорат тизимида иш ҳақи даражаси иш унумдорлиги билан боғлиқ бўлсада, у айрим хусусий баҳоларга боғлиқ эмас. Аксинча, ташкилотнинг иш ҳақини белгилаши иш фаолиятининг барча жабҳаларини умумий баҳолашга йўналтирилган. Назоратнинг бундай тизими асосий муаммолар ва ташкилот ривожига қаратилгандир. Ички рағбатлантириш ёрдамида раҳбар қўл остидагиларни илгари қилган ишларига қайтмасдан ва уларнинг бўлажак фаолияти мақсадларини белгилаган ҳолда назорат қила олиши мумкин.

14.2. Коммуникациялар

Сўзлаш, эшитиш, ёзиш, ўқиши – бу кишилар фаолиятини таъминловчи мухим қобилиятлар бўлиб, ўзаро, улар нихоятда катта билим заҳирасини тўплаш ва узатишга имкон беради. Раҳбарлар ишни, бошқача қилиб айтганда, бегона қўллар орқали бажаргани учун коммуникация санъатини мукаммал эгаллашлари лозим. Баҳолашлар шуни кўрсатадики, раҳбарлар иш вақтининг 80 % у ёки бу турдаги мулокотга сарфланади.

Коммуникация – бу икки томонлама ўзаро тушунишга олиб келувчи ғоялар ва маълумотлар алмашиш жараёнидир. Корхоналарда ахборотлар етказишида омадсизликлар ҳам кўзга ташланади. Улар сабабини кўриб чиқамиз.

1. Муомаланинг муҳимлигини тушунмаслик.
2. Бефарқлик ва коммуникация сифати.
 - а) стереотип (қолип, тахлит)
 - б) бир томонлама фикрлаш;
 - в) нотўғри муносабат;
 - г) эътибор ва қизиқиш йўқлиги;
 - д) маълумотлардан нотўғри фойдаланиш;
3. Маълумотларни тузишдаги хатолар
 - а) сўзларни нотўғри танлаш;
 - б) маълумотларни етказишидаги ташкилий хатолар;
 - в) хабарни ташкил килишдаги хатолар;
 - г) ишонтириш қобилиятининг заифлиги;
 - д) ҳаракатга жалб қила олмаслик;

Биз ўйлаймизки, ишонч ва ўзаро тушуниш гурӯҳ ичидаги яхши муносабатларнинг асосидир. Ташкилот ходимларини қизиқтирувчи ҳамма муаммоларни батафсил равишда ишчиларга маълум қилиш лозим. Сир тутиш қийин ахволга олиб келиши мумкин. Масалан: бир ишчи иккинчисидан қўпроқ маълумотга эга бўлса, у ҳолда иккинчиси ўзини ҳафа қилинган ва камситилгандай ҳис қиласди.

Одамлар яхши шароитда унумли ишлайдилар. Чиройли дид билан бажарилган дизайн, офис мебели, чиройли котиба - бу ҳаммаси иш унумдорлигига таъсир этади.

Ҳар доим келишувга тайёр бўлиш лозим. Бу кишиларнинг оёқ тираб туриб олишини эмас, балки аксинча ўзининг чиройли муомаласи ва кулиб туриши билан ходимлар фикрини тинглаши лозим. Агар сиз кунни кечгача чой ичиб эмас, балки пул топиш билан ўтказмоқчи бўлсангиз, тадбиркор ходимларни топиш керак. Агар раҳбар қуидаги қоидалардан фойдаланса, ҳамма нарса жойида бўлади.

1. Агар қўл остингиздаги ходимингиз сиздан кўра ақллироқ бўлса, у билан фахрланинг.
2. Ўз ҳокимииятингиздан мажбуrlаш тарзида эмас, балки оҳирги қурол сифатида фойдаланинг.
3. Агар сиз қабул қилган йечим нотўғри бўлса, буни тан олишдан қўрқманг.
4. Ҳеч қачон ходимингизга бегона одам олдида танбех берманг.

Тест. “Ҳарактерингиз кучлими”

1. Сизнинг ҳатти-ҳаракатларингиз бошқаларга қандай таъсир қилиши хақида кўп ўйлайсизми?
 - а) Жуда кам
 - б) Камдан кам
 - в) Кўп

- г) Жуда ҳам кўп
2. Сизда бошқаларга қарши ўжарлик билан ўзингиз ишонмаган нарсани гапириш ҳоллари учраб турадими?
- а) Ҳа
 - б) Йўқ
3. Қуидаги келтирилган қайси инсоний сифатларни қадрлайсиз?
- а) Қатъият
 - б) Кенг фикрлаш
 - в) Самарали фикрлаш, “Ўзини кўрсата олиш”
4. Расмиятичилликка иштиёқингиз борми?
- а) Ҳа
 - б) Йўқ
5. Учраб турадиган қўнгилсизликларни тез унута оласизми?
- а) Ҳа
 - б) Йўқ
6. Ўз ҳатти-харакатларингизни таҳлил қилиб турасизми?
- а) Ҳа
 - б) Йўқ
7. Таниш шахслар даврасида бўлсангиз -
- а) Шу даврага мос равишда ўз овозингизни сақлайсиз
 - б) Ўз-ўзингиз билан бўласиз
8. Қийин иш бошлаётганингизда, олдиндаги қийинчиликлар ҳақида ўйламасликка харакат қиласизми?
- а) Ҳа
 - б) Йўқ
9. Келтирилган сифатларни қайси бири сизга тўғри келади?
- а) Орзу ҳавасли
 - б) Кўнгли очик, содда
 - в) Мехнаткаши
 - г) Тартибли, озода.
 - д) Кенг маънода “фалсафашунос”
 - е) Бекорчи.
10. У ёки бу масалани муҳокама қилишда:
- а) Кўпчилик фикридан фарқ қилса ҳам ўз фикрингизни айтасиз
 - б) Бошқа нуқтаи назарга эга бўлсангиз ҳам, бу вазиятда жим туришни афзал кўрасиз
 - в) Ўз фикрингизда қолсангиз ҳам кўпчилик фикрини маъқуллайсиз
 - г) Ўзингизни қийнамай, кўпчилик фикрига қўшиласиз
11. Раҳбарингиз сизни кутилмагандага йўқлади, ўзингизни қандай сезасиз?
- а) Жаҳлингиз чиқади
 - б) Хавотирланасиз
 - в) Ташвишланасиз
 - г) Ҳеч нарсани ўйламайсиз
12. Кучли мунозарада рақибингиз “портлаб” кетиб, сизга қарши хужумга ўца, ўзингизни қандай тутасиз?

- а) Худди шундай тарзда унга жавоб қайтарасиз
- б) Бунга эътибор бермайсиз
- в) Очиқчасига ҳафа бўласиз
- г) Танаффус таклиф қиласиз

13. Агарда сизнинг ишингиз нотўғри деб баҳоланса,

- а) Ачинасиз
- б) Уяласиз
- в) Ғазабланасиз

14. Агар сизнинг ишингиз юришмай қолса, кимни айблайсиз?

- а) Ўзингизни
- б) Омадсизлик деб биласиз
- в) Бошқа “объектив” ҳолатларга боғлайсиз

15. Атрофдагилар сизнинг қобилиятингиз ва билимингизни йетарли баҳоламаёттандек туюладими?

- а) Ҳа
- б) Йўқ

16. Агар дўстингиз ёки ҳамкасбингиз устингиздан кулса, ўзингизни қандай тутасиз?

- а) Жаҳлингиз чиқади
 - б) Чекинасиз
 - в) Жаҳлингиз чиқмасдан улар билан ўйинга киришасиз
 - г) Куласиз
- д) Ўзингизни эътиборсиз кўрсатиб кулсангиз ҳам, лекин қалбингизда ҳафа бўласиз.

17. Шошиб турган пайтингизда, портфелингиз ҳар доим турадиган жойида йўқлигини кўрсангиз, бу вазиятдан қандай чиқардингиз?

- а) Индамай қидиришда давом этасиз
- б) Қидирасиз ва уйдагиларни тартибсизликда айблайсиз
- в) Портфелсиз кетасиз

18. Сизни тинчлигингизни нима тезроқ бузади?

- а) Қабулдаги узун навбат
- б) Ижтимоий транспортдаги тиқилинч
- в) Бир масала юзасидан бирон жойга бир неча бор қатнаш

19. Баҳсни тугатиб, нуқтаи назарингиз ҳимоясига яна янги далилларни келтириш билан уни фикран давом эттирасизми?

- а) Ҳа
- б) Йўқ

20. Тезкор ишни бажариш учун сизда ёрдамчи олиш имконияти бор. Сиз номзодлар орасидан қай бирини танлардингиз?

- а) Ижрочи, лекин беташаббус кишини
- б) Билимли, лекин қайсар ва баҳслашувчан
- в) Қобилиятли, лекин ялқов

ЖАВОБЛАР	САВОЛЛАР																			
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
а	0	0	1	2	0	2	2	0	0	2	0	0	2	2	0	0	2	1	0	0
б	1	1	1	0	2	0	0	2	1	0	1	2	1	0	2	1	0	0	2	1
в	2		0						3	0	2	1	0	0		2	1	2		2
г									2	0	0	3				0				
д									2											
е									0							0				

15 баллдан паст. Афсус сизнинг характерингиз жуда бўш, беғам, новазмин. Кўнгилсизлик вақтида сиз ўзингиздан ташқари хоҳлаган кишини айблайсиз. Дўстликда ҳам, ишда ҳам сизга ишониб бирон бир вазифани топшириш қийин. Бу ҳақда ўйлаб қўринг.

15 дан 25 баллгача. Сиз жамоада ишга бўлган муносабатингиз ва аҳлоқингиз билан обрў қозонгансиз. Лекин шу билан бирга маълум камчиликлардан халос бўлиш ҳақида фикр юритиб қўришингиз лозим.

26 дан 38 баллгача. Сиз талабчан ва маъсулиятни ҳис эта оладиган инсонлар қаторига кирасиз. Ўз фикрингизни қадрланг, аммо бошқалар фикрини ҳам ҳисобга олинг. Юзага келган вазиятларни тўғри баҳолайсиз ва аксарият ҳолларда тўғри йечим қабул қиласиз. Лекин ёдингиздан чиқмасин, кучли инсон бу қаҳри қаттиқ инсон дегани эмас.

38 дан юқори. Кечиравсиз, аммо сизга ҳеч нарса айтиш мумкин эмас. Нимага? Чунки, бундай мукаммал характерли инсон борлигига ишониб бўлмайди. Балки йиғилган натижалар бу ўзига берилган нотўғри баҳонинг ийғиндисидир.

Бобнинг қисқача хуносаси

Қандай қилиб қўйилган мақсадларга эришувчи жамоа раҳбари ёки ёш одамдан кейинчалик йетук бошқарувчи йетишиб чиқишини ва раҳбарлик истеъодини ривожлантириш йўлларини аниқлаш қийин. Юқори лавозимга эришиш учун шахсий ҳоҳиш, одамлар билан ишлаш қобилияти, таваккалчилик ва ўз зиммасига масъулиятни ола билиш муҳимдир. Булар учта асосий омилларни ташкил қиласди.

Иш вақтининг асосий қисмини раҳбар асосан режалаштириш, мажлислар, ҳар хил “қоғозли” ишлар, қўл остидагиларга мурожаат ҳамда телефонда гаплашишга сарфлайди. Раҳбарларнинг фикрича, касбий маҳоратга уларни одамлар билан мулоқот: юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш, қўл остидагиларнинг имкониятларини ўрганиш, ишга қабул қилиш ва бўшатиш ва хоказолар ўргатади.

Таянч иборалар

Раҳбарлик сирлари, эшитиш, этика, хорижий тажриба, билимдонлик, яхши муомала, коммуникация.

Назорат ва мухокама учун саволлар:

1. Уддабурон раҳбарлик сирлари нимада?
2. Коммуникация нима?
3. Муомала маданияти қандай бўлиши керак?

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009.
2. Красовский Ю.Д. Организационное поведение. Учебник. М.: ИНФРА-М. 2003.
3. Гуломов С.С. Менежмент. Т., 2002.
4. Алиев В.Г., Дохолян С.В. Организационное поведение. М. 2004.

15 - БОБ. ИШБИЛАРМОНЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА САМАРАЛИ ХУЛҚ ТЕХНИКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

15.1. Қулай психологик иқлим ўрнатиш

Мулоқот қоидалари деганда энг юкори тадбиркорлик ютуқларини таъминлашни амалга оширувчи ишбилармонлик мулоқоти йўл-йўриклидан фойдаланиш маҳоратлари тушунилади. Бунга қуйидагилар киради:

- ўзи ҳақида яхши таассурот ҳосил қилувчи тижорат келишувлари жараёнларини олиб бориш ва иш бўйича музокараларнинг қулай психологик иқлимини яратиш маҳорати;

- салбий ҳиссиётлар ва ўринсиз хотиржамликларни бартараф қилиш қоидалидан фойдаланиш, қўпол сухбатдош ва рақиблардан ҳимояланиш, масалалар қўйиш ва уларни йечиши, ўз мулоҳазаларини асослаш, ўз фикр-мулоҳазаларини рад қилиш, рақибнинг далилларини рад этиш ва усталик билан уни тинглаш, ҳал қилишни тезлаштириш техникасини қўллаш.

Муомала қоидаларининг ана шу усул ва йўл-йўриклини янада тўлароқ кўриб чиқамиз. Ишбилармонлик сухбатлари жараёнида қулай психологик иқлим ўрнатишдан бошлаймиз.

Музокаралар бўйича рақиб ёки сухбатдошни ўзига мойил қилиш мақсадида ҳеч қандай вазиятда фақат ўзи учун бир томонлама қулайликларга эришишга ҳаракат қилиш яхши эмас. Ўзи учун ҳаддан ташқари катта фойда қидиравчи одам қизиқарсиз шериклар қаторига тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун, энг аввал шерикни ўз таклифига қизиқтириб олиш зарур. Гапни шундай олиб бориш керакки, Сиз ундан эшитмоқчи бўлган гапни шеригин-

гизнинг ўзи айцин. Бунинг учун унинг фикрига қўшилиб туриб, масалани унинг нуқтаи назари билан кўриб боқишига ҳаракат қилиш керак.

Инсонлар муроқоти соҳасидаги йирик мутахассис Д.Карнеги томонидан ишлаб чиқилган, ишбилармонлик мунозараларининг бошланишидаёқ сұхбатдошни ўзи томонга оғдириб олишга эришириувчи ва зарур бўлса, унинг нафсониятига озор бермай ўз нуқтаи назарига оғдириб олишни таъминловчи муомаланинг бир неча самарали усуллари мавжуд.

Биринчи усулнинг моҳияти шундан иборатки, гапнинг бошидаёқ алоҳида иборалар ёрдамида сезилар-сезилмас равишда шерикнинг онгига унинг шахсий ўрни ёки у вакиллик қилаётган фирма обрўсини кўтарувчи фикрлар изҳор қила бошланади. Аммо буни саёз хушомадсиз самимийлик билан амалга ошириш керак. Шунда Сизга унинг ихлоси таъминланган бўлади. Буни асословчи сабаб шуки, инсон табиатига хос энг кучли интилишлардан бири ҳаётда салмоқли аҳамиятга эга бўлишга ҳаракат қилиш ҳисобланади. Ҳар бир одам астойдил ўз қадр-қимматига лойик баҳоланишга интилади. Бу инсон хулқининг муҳим хоссаларидан биридир.

Ишбилармонлик музокаралари вақтида шерикка ниҳоятда катта эътибор кўрсатиш муҳимдир. Бу ишбилармон одамларнинг ўзаро муносабатлари ютуғининг энг муҳим сирларидан биридир. Шерик билан ёки уни қизиқтириувчи, ёки у яхши биладиган соҳа ҳақида гаплашиб, ўз муаммоларингизни иккинчи ўринга суриб қўйиш керак. Сұхбатдошга у жавоб бериши ёқимли бўлган саволлар бериш яхши. Шунингдек шерикнинг унинг ўзи ёки фирмаси ҳақидаги гапларини рағбатлантириб туриш керак.

Д. Карнеги уқтиришича, ҳамма кишилар ўз исмини севади. Шунинг учун ишбилармонлик учрашувларида шерикнинг исмига эркин мурожаат қилиб, унинг исми катта аҳамиятга эга эканлигини билдириб қўйиш жуда муҳимдир.

Шериклар исми ва улар билан сұхбатлашиш учун керакли ҳодиса ва фактларни тез ва пухта ёдлаб олиш маҳоратини ўзлаштириш учун эслаб қолиш жараёнининг моҳиятини хеч бўлмаганда умумий тарзда билиш шарт.

Биринчи қонун - таассурот қонуни. Йодлашнинг биринчи шарти - эсда олиб қолиш зарур бўлган нарса ҳақида ёрқин ва кучли хотира. Бунинг учун 5 дақиқа дикқат-еътиборни тўплашга сарфлаш керак. Кейин дикқат билан кузатиш керак. Оддий одамнинг мияси кўз кўрадиган нарсанинг ҳатто мингдан бир улушкини ҳам қабул қила олмайди. Танишиш пайтида янги танишнинг фамилияси (ёки исми ва отасининг исми)ни тўғри эшишиб олиш, уни қайтариб кўриш ва қандай ёзилишини билиб олиш керак. Шундай йўл билан кучли ва ёрқин хотирани юзага келтириш мумкин. Иложи борича кўпроқ ҳис-туйғу органлари ёрдамида таассурот олиш зарур. Энг асосийси эса - бу кўриш. Одамда кўриш зехни анча юқори даражада тараққий қилган, чунки кўздан мияга борувчи нервлар қулоқдан мияга борувчи нервларга қараганда 25 марта нозикроқ экан. Эсда олиб қолиш шарт бўлган телефон номери, шерикнинг фамилияси, учрашиш куни кабиларни ёзиб олиш зарур. Бу ёзувларга бир неча мартадан кўз ташлаб, уларни ҳаёлан такрорлаш керак.

Хотиранинг иккинчи қонуни – такрорлаш. Йетарлича тез-тез такрорлайвериш орқали истаган нарсани эсда сақлаб қолиш мумкин. Аммо,

фаҳм билан ёдламоқ зарур. Матнни ёдлаб олиш мақсадида уни қайтараверадиган киши, худди ўша натижага эришиш учун қайтариш жараёнини бемаъни оралиқларда бажарувчи кишига қараганда икки баравар кўп вақт сарфлайди. Қайтаришлар ўртасида бизнинг ҳиссиётимиз тасаввурларни мустаҳкамлаш билан банд бўлади, унинг устига дам олиб, танаффус билан ишлайдиган мия дарров чарчаб қолмайди.

Есдан чиқаришимизга сабаб бўлган яна бир омил бор. Психологларнинг исботларига қараганда, биринчи саккиз соат ичида ишлаб чиқилган янги маълумотнинг, кейинги 30 кунда қайтаришган қисмига қараганда кўпроқ қисми унутилади. Шунинг учун муҳим фактларни эслаб қолиш ва хотирани янгилаш учун ўз хужжатларингизни мажлис ёки сухбатдан олдин кўриб чиқинг.

Хотиранинг учинчи қонуни - тасаввурлар. Бир фактни ёдда асраш учун уни бошқа бир факт билан боғлаш керак. Чиниқкан хотира ўзаро ташкил топган боғланишлар мажмуасига, яъни ассоциацияларга таянади. "Яхши хотира сири" - бу барча ёдда сақлаб қолиш зарур бўлган фактларни ўз ичига олган тасаввурларни тиклаш сиридир. Бир хил ахборот олувчи икки киши орасида олинган маълумотларни фикрлаб кўриб, улар орасидаги янада яқинроқ алоқаларни тикловчи киши яхши хотирага эга бўлади.

Музокаралар пайтида ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олиш жуда қийин. Лекин буни баҳс ёрдамида амалга ошириш мумкин эмас. Баҳс ва эътиroz билан баъзан ютуққа эришиш ҳам мумкин, лекин бу ғалаба беҳуда бўлади, чунки бу йўл билан сухбатдош майлига эришиб бўлмайди.

Агар шерик ноҳақ бўлса, буни қарап, ишора ёки оҳанг билан маълум қилиш мумкин. Очикдан-очиқ танқид қилиш фойдасиз, чунки у одатда кишини ўзини ҳимоя қилишга ва оқлашга мажбур қиласди. Танқид ҳавфли, чунки у киши ғурурига зарба беради, унинг иззат-нафсиға тегади ва ранжитади. Шунинг учун сухбатдош ноҳақ бўлганда "қизиқ, мен бошқача ҳисоблаган эдим, балки хато қилаётгандирман. Келинг яххиси фактларни биргалашиб текшириб кўрамиз" дейиш яхшироқ. Агар Сиз фактларни яхши билсангиз, доим рақибинингизни сиз билан ихтиёрий равишда кўнишга мажбур қиласди.

Бошқаларнинг фикрига қарши чиқишдан ўзини тийиш, шунингдек ўз нуқтаи назарини ишонч билан мудофаа қилишни ўзига қоида қилиб олиш ҳар доим фойдалидир. "Ўткир бурчаклар" мавжуд бўлган ҳолларда "албатта", "сўзсиз" деган сўзлар ўрнига "менимча", "ўйлайманки" туридаги иборалардан фойдаланиш яхшироқ. Ўз фикрини камтарроқ изхор этиш одати ҳар доим камроқ эътиrozга учрайди. Мабодо Сиз ноҳақ бўлсангиз бу Сизга анча кам қайгу келтиради, акс ҳолда рақиб Сизнинг фикрингизга осонлик билан қўшиласди. Агар зиддиятлар тўқнашуви муқаррар бўлса, ташаббусни ўзига олиб, рақибдан олдинга ўтиб олиш айни муддао. Ўзгалар оғзидан айблаш эшитгандан кўра, ўзини-ўзи танқид қилган афзалроқ. Агар Сиз рақибинингизга унинг мутлақо ҳақлигини ва ўзингизнинг ноҳақлигинингизни айцангиз, бу унинг нафсониятига манзур бўлади ва унинг ўзи сизнинг айбингизни юмшатишга ҳаракат қила бошлайди. Бу вазиятнинг маъноси шундаки, Сиз ҳамкорингиз томонини олсангиз, у Сизнинг томонингизни олади. Ақлли одам ўз ноҳақлигини дарров ва қатъий тан олади. Шерикка дилни оғритувчи сўзлар айт-

манг. Баҳс психологияси "хиссий кўзгу" қонунига бўйсунади: бирининг тажанглиги иккинчисининг тажанглигини қўзғайди, ғазаб ғазабни туғдиради. Сўзингизнинг таъсирли бўлишини истасангиз назокат билан камситмай гапиринг. Танқид беозор қабул қилинишини истасангиз шерикда танбех эшитиш учун қулай психологик муҳит ҳосил қилиш зарур. Ҳар қандай танбех мақтовдан кейин йенгилроқ қабул қилинади.

Кўнгилсизлик ва можароларда доим икки томон айбор. Шунинг учун айбнинг бир қисмини ўз зиммасига олиб, бўлган номаъқулчиликлар учун жавобгарликни бўлишиб олишни ўрганиш керак. Иш мулокотларида атрофдаги шароитга ижобий ва салбий турдаги муносабатни ажратиш мумкин. Ижобий фикрлаш ҳар қандай сұхбат ва ҳар қандай тижорат мунозаралари олиб бориш жараёнларида ҳам қулай психологик иқлим ўрнатилиши учун энг кўп имконият туғдиради. Қулай психологик иқлим ўрнатилишини таъминлаш соҳасида ишонч билдирувчи, яъни эътиқодли ҳамфикрликка жуда муҳим ўрин берилади. Бунга иш мулокотларида қўйидаги аҳлоқий амалларни бажариш билан эришилади.

1. Жисмоний ва ижтимоий оралиқни қисқартиринг. Биринчи учрашувданоқ сұхбатдошни самимий жилмайиш, ҳайрихохлик нигоҳи ва қаттиқ қўл қисишув билан қаршиланг, ўрнингиздан туриб пешвоз чиқинг, унинг томонига йенгил бош эгиб фақат исми ва отасининг исми билан мурожаат қилинг.

2. Доим сұхбатдошингиз фикрини тушунишга иштиёқингиз борлигини кўрсатинг. У нима хоҳлаётганини аниқлаб, ўз фикр ва таклифларингизни унинг кўзлаган мўлжални нуқтаи назаридан туриб танланг ва уларнинг фойдасини фақат у учун очинг. Шу билан бирга сұхбатдошингиз истаётган натижага қараб интилинг.

3. Сұхбатдошингизнинг фақат ижобий сифатларини аниқлашга интилинг, унинг фақат яхши ниятларини кўзда тутинг, ўзаро муносабатларингиз истиқболларига қизиқаётганингизни изҳор этиб туринг.

4. Ўз ҳис-туйғуларингизни изҳор этар экансиз, шеригингизнинг хиссий ҳолатини ҳисобга олинг.

5. Фикрларингиз бир хиллигини таъкидланг, мўлжалларингиз бирлигини изланг, ўзингизни дадил, хотиржам ва ҳайрихох, лекин Сизга номаъқул бўлган чекинишларсиз тутинг.

6. Гапни бир ҳиссий маромда олиб боринг (фаол ва эътибор билан тинглаш, йенгилгина бош силкишлар ва ҳоказо). Сұхбатдошингиз Сизнинг тинглаш ва ҳайрихохликка иштиёқингизни кўриб, бунинг учун Сизга миннатдорчилик ҳисси билан суғорилсин.

Жуда кўп психологик тадқиқотлар ҳар қандай одамга яхши психологик кайфият бағишлийдиган омилларни аниқлашга имкон берди. Агар Сиз сұхбатдошингизда яхши кайфият бўлишини хоҳласангиз, сизга бор-йўғи қўйидагилар керак:

- жилмайиш;
- сұхбатдошнинг кўзига қараш;
- бутун фикру-ёдингизни унга бағишлиш;
- имо-ишоралар ёрдамида у билан ҳайрихохлик ўрнатиш;

- сұхбатдошингиз гапираётган тезлиқда ва товуш баландлигіда гапириш;
- сұхбатдошингиз шахсияти, ҳатти-харакатлари ва тутган үрни ҳақида ижобий фикр изхор этиш ёки Сиз уни ёқтираётганлигингиз, ёши, жинси ва ижтимоий үрнидан қатый назар инсон сифатыда ҳурмат қилаётганингизни күрсатиш;
- үз ҳамкасларингиз ва корхонангизни ҳурмат қилингизни күрсатиш;
- үз хулқингиз ва имо-ишораларингиз билан үзингизни ҳайрихох, ҳаётдан хурсанд, үзи ва атрофдагилар билан ҳамжиҳатликда яшовчи қилиб күрсатиш;
- үзингизни хотиржам ва эркін ҳис қилаётганингизни күрсатиш;
- үзингизни озода ва тетик тутиш.

15.2. Үзи ҳақида яхши таассурот ҳосил қилиш

Үзи ҳақида яхши таассурот қолдириш учун үзини табиий ва эркін, бетакаллуфликка йўл қўймасдан тутиш зарур. Атрофдагиларда яхши таассурот қолдириш амаллари қуйидагича:

1. Доимий равиша бошқа кишиларга самимий қизиқишини изхор қилиш, лекин ҳеч қачон самимийлик чегарасидан чиқмаслик ва мақтовга берилмаслик. Сиполик ва одоб бошлиқ ва ходимлар билан муносабатда айниқса мұхим.

2. Ўзаро боғлаб турувчи қизиқишлар бўйича алоқани йўқотмаслик.

3. Билим, маҳорат, ташқи кўриниши, идора ёки уй тутиш бўйича самимий мақтовлар изхор қилиш.

4. Кўпроқ хушомадли, яъни сұхбатдошнинг ижобий сифатларини бироз бўрттириб изхор этувчи сўзларни айтиш. Шу билан бирга, хушомад қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- сифатни бир вақтнинг үзида ҳам ижобий, ҳам салбий баҳолаш мумкин бўлган иккимаъноли сўзларсиз, кишининг фақат яхши сифатларини акс эттириш;

- ижобий сифат мақтовга айланмасдан фақат бироз бўрттиришга эга бўлиши керак холос;

- одам қутулмоқчи бўлган сифатларига оид хушомадлар қилмаслик;

- хушомадгўйликни ўргатиш ва маслаҳатлар бермаслик;

- хушомадга уни "бир қошиқ ачитқи"га айлантирувчи ёқимсиз қўшимчалар қилиш мумкин эмас.

5. Яхши тингловчи бўлишга интилиш. Мулокотга тўсқинлик қилувчи шароитлар туғдирмаслик. Бунинг учун:

- сұхбатдош учун очик бўлиш, уни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш;

- ҳамма маълумотларни охиригача тинглаш;

- самимий ва эътиборли бўлиш;

- ўзаро муносабатда фаол ва табиий иштирок этиш;

- сұхбатдошнинг нутққа оид бўлмаган хулқини кузатиш;

- үз фикрини аниқ ва тушунарли изхор этиш;

- масъулиятли бўлиш.

Енг яхши вариант бу рапорт шароитидаги ҳамжихатлик ва ҳамкорлик бўлиб, бунда кишиларнинг ҳис-туйғу, фикр ва қизиқишилари ўзаро монанд бўлади. Агар кишилар билан мулоқотда эътибор ўхшашликлар ва ўзаро қизиқтирувчи масалаларга мужассамлантирилса, ҳамжихатликка эришиш анча осон бўлади. Рапорт ҳосил қилишнинг энг унумли воситаси – бу пейсинг, яъни бошқа одамнинг кўзгудаги акси бўлиш, масалан, у кўраётган, эшитаётган, ҳис қилаётган нарсалар унга тўғри ва одил бўлиб туюладиган вазиятни ҳосил қилиш. Ўзаро ёқтириш бор жойда, яъни рапорт мавжуд бўлса, пейсинг мутлақо беихтиёр ўз-ўзидан содир бўлади. Аммо пейсингни ихтиёрий равишда татбиқ этиш ҳам мумкин, яъни рапортга эришишнинг ўзига хос усули сифатида. Кишиларнинг кўзгу аксини турли усуллар билан ҳосил қилиш мумкин:

Биринчи усул – тана тилида (тана вазияти, оёқ ҳолати, имо-ишоралар);

Иккинчи усул – нутқ орқали (товуш тебраниши, нутқ тезлиги, сўзлар мажмуи, оҳанг);

Учинчи усул – ҳис-туйғу орқали (чираб туришлик, хурмат, манфаатдорлик).

Кўп можароларнинг сабаби нутқнинг турлича тезлиги, боҳабарлик даражаси ва ҳоказо ҳисобланади.

Яхши таассурот ҳосил қилиш учун кишининг атрофдагилардан оладиган диққат-эътибор белгилари жуда муҳим. Ғарб психологиясида барча диққат-эътибор белгилари учун строукс (инглизчадан "силаб туриш") ибораси қўлланилади. Строуксларни бир неча тоифага ажратиш мумкин: ижобий - салбий, жисмоний - руҳий, сабабли - бехосдан.

Ижобий белгилар бизга шодлик бағишиласа, салбийлари ачиниш келтиради, лекин энг ёмони "нол"ли эътибор белгилари дидир. Руҳий қасалликларнинг кўп хиллари инсоннинг керакмаслигидан (у билан ҳисоблашмасликдан, унинг ҳисобида салбий ва "нол"ли эътибор белгиларининг кўплигидан) келиб чиқади. Баъзан Сизнинг сухбатдошингизга кўрсатаётган илтифотларингиз, унинг томонидан салбий қарши олинади. Бундай вазиятга тушиб қолмаслик учун қўйидаги қоидаларга риоя қилинг.

1. Агар одам ижобий эътибор белгиларига салбий муносабат кўрсаца, унда у уларни янада кўпроқ олгиси келаяпти.

2. Сиз томонингиздан кўрсатилаётган илтифот Сизнинг феълингизга ёки муайян вазиятга мос тушиши керак. Аъло даражада мақтаб айтиладиган сўзларнинг ҳаддан ташқари кўп бўлишига йўл қўйманг. Табиий ва самимий бўлинг.

3. Сизнинг томонингиздан яхши строукс (кўл қисишилар, мақтовлар ва ҳоказо) – бу эътибор: кўз билан кўришиш, тананинг тўғри ҳолати, сухбатдош исмини аташ ва ҳоказо.

4. Кишининг Сиз кўрсатган илтифотларга муносабати Сизнинг унга бўлган хақиқий муносабатингиз билан белгиланади. Мақтов доим сезиларлидир, мақтовлар билан ҳатто ўз салбий муносабатингизни яшира олган бўлсангиз ҳам, Сиз уни бутунлай алдай олмайсиз.

5. Сиз томонингиздан бошқа кишига кўрсатилган илтифот юз карра кўпайиб қайтади.

6. Илтифот кўрсатаётиб, дакки иборалар, қолиплардан ўзингизни олиб қочинг. Ўз-ўзингиз бўлинг, чунки ясама харакатлар Сизни яхши билувчи одамларга кўриниб туради.

7. Сабабсиз мулозаматларга алоҳида эътибор беринг. Кутилмаган шодлик ва эътиборни самимиyroқ ва чин юрақдан ифода этишни ўрганинг.

8. Агар Сиз кўрсатган илтифотларингизга дарров ижобий жавоб ола олмаган бўлсангиз, хафа бўлманг. Уларни сұхбатдошингиз учун муҳим бўлган соҳаларда кўрсатаверинг.

9. Атрофдагиларга Сиз кўрсатаётган ижобий эътибор белгилари кўп бўлса, Сизнинг танқидларингиз ҳам йенгил, яъни таъна сифатида эмас, маслаҳат, амалий таклиф сифатида қабул қилинади.

Баъзан бизнесменлар шерикларда яхши таассурот қолдираман деб хатоларга йўл қўядилар. Биринчи учрашувдаёқ ўзларини жуда билимдон қилиб кўрсатадилар. Бунинг ўрнига хотиржамлик, ишбилармонлик ва хурматли муомала бўлиши керак. Баъзан муҳим мажлислар бегона танишлар томонидан бўлиниб қолади. Бундай ҳолларни сезмасликка олиш ярамайди, шу билан бирга узоқ вақт ишдан чалғиши ҳам мумкин эмас. Мулоқотда босиқ бўлинг. Мавжуд муаммони четлаб ўтиб, кейин ўз сўзининг устидан чиқа олмасликдан кўра, бу муаммони шерик билан биргалиқда ҳал қилиш яхшироқ. Тезлик билан фойда кўришга мўлжалланган мақсад-еътиборни четлаб ўтинг, узоқ муддатли шерикликка интилинг. Музокаралар давомида ҳатто қандайдир муаммолар пайдо бўлганда ҳам сертакаллуфлик муҳитини саклаш керак. Муқобиллик (бошқа имконият) таклиф қилмасдан, узил-кесил "йўқ" деманг. Муаммонинг йечими доим топилади. Сизнинг тасаввурингиз керакли йечимни топиш учун йетарли эканлигини кўрсатинг. Барқарорлик – нодир сифат. Агар фикрлашиб, қандайдир қарорга келган бўлсангиз, бу масалага бошқа қайтманг. Агар Сизга ўйлаб кўриш учун вақт керак бўлса, яхиси қарор чиқариш муддатини кейинга суринг.

15.3. Саволларнинг қўйилиши ва уларга жавоб йўл-йўриқлари

Тўғри қўйилган савол тушунарли жавоб олишга имкон беради. Сұхбатдошларнинг ўзаро саволлари жуда фойдали:

- улар маълумот бериш жараёнини керакли томонга йўналтиради;
- сұхбатда ташаббусни қўлга олиш ва ушлаб туришга имкон беради;
- монологдан диалогга ўтиш учун сұхбатдошни фаоллаштиради;
- сұхбатдошнинг шахсий сифатларини очади, унда маълумотни айтиш учун имконият туғдиради.

Кўп одамлар ҳар хил сабабларга кўра тўғри қўйилган саволга иштиёқсизлик билан жавоб берадилар. Шунинг учун сұхбатдошга шу саволнинг туғилишига олиб келган сабабларни тушунтириш керак ва уни Сизга жавоб беришга қизиқтириш керак.

Саволларнинг бир неча асосий гурухлари мавжуд:

1. Йопиқ саволлар - "ҳа" ёки "йўқ" жавобларни кўзда тутади, "сўроққа тутиш" муҳитини ҳосил қиласди, батафсил ва аниқ тушунтиришга ҳалал беради;

2. Очиқ саволлар - тушунтиришни талаб қиласди, монологдан диалогга ўтиш, яъни ўзаро сухбатга тортилганлик ва манфаатдорликни уйғотиш имконини беради. Аммо бундай сухбатда уни йўналтирувчи мақсаддан адашиб кетиш мумкин, чунки жавоб берувчи фақат зарур деб топган маълумотларнигина беришга ҳаракат қиласди.

3. Риторик (сафсатали) саволлар - мавзуни чуқурроқ ўрганишга қаратилган бўлади. Уларнинг мақсади янги саволлар туғдириш ва ҳал килинмаган муаммоларни ўртага ташлаш.

4. Кескин бурилиш саволлари - сухбатни маълум йўналишда ушлаб туради ва янги саволларни кўтаради.

5. Ўйлаб кўриш учун саволлар - сухбатдоши фикрлаш ва аввал айтилганларни изоҳлаб беришга ундейди. Бу ўзгаришлар ва аниқликлар киритиш, баҳсли масалаларда муфассалроқ тушуниб олишга йўналтирилган бўлади.

Сухбатнинг бошида ўзингиз ва шеригингизнинг мўлжаллари, яъни манфаатларини ўйлаб кўринг, сўнгра саволлар беришга ўтинг. Ишонч билан ижобий жавоб олиш мумкин бўлган "ёпиқ" саволлар ёрдамида қулайлик ва ишончлилик иқлимини ҳосил қилиш мумкин. Масалан: "Сизга бизнинг фирмамизни жалб қилиш мақсадга мувофиқми-йўқми? Шуни билиб олиш учун баъзи маълумотлар керак бўлади. Шу сабабдан сизга бир неча савол берсан майлими? Эҳтимол жавоб - "Ҳа".

Сухбат чегарасини кенгайтириш учун "очиқ" саволлардан фойдаланилади, чунки бунда фикр ва маълумот алмашиш содир бўлади. Маълумотларни текшириб кўриш ва аниқлаш учун қулай саволлар ўйлаб кўришга йўналтирилган риторик саволлардир. Сухбатнинг охирида маълумот беришнинг янги йўналишини мўлжалга ола туриб, кескин бурилиш саволларига ўтилади.

Саволлар берганингизда Сиз баҳсли сухбатлар эҳтимоллигини камайтирасиз ёки ундан бутунлай қутуласиз. Бундан ташқари саволнинг қўйилиши ёқ жавоб турини аниқлайди. Шундан келиб чиқиб, Сиз қуйидаги савол турларини беришингиз мумкин.

1. Маълумотли - одатда, очиқ бўлиб, маълумотлар йигишга хизмат қиласди;

2. Назоратли - тингловчининг эътибор қилиш даражасини аниқлаб беради: ("Сиз бу ҳақда нима ўйлайсиз?").

3. Белгиловчи саволлар - Сиз муаммонинг баъзи қўшимча томонларини ёритганингиздан кейин ҳам сухбатдошингиз ўзининг илгариги фикрида тургани-турмаганини аниқлаб беради. Бундай саволларга жавоб бериш учун сухбатдошингизга вақт ва имконият беришингиз керак.

4. Тасдиқловчи саволларни ҳамжиҳатликка эришиш учун берадилар.

5. Таништирувчи саволлар сухбатдошингизнинг фикри билан таништиради. ("Кониқдингизми?").

6. Пешвоз саволлар гапни торайтириб, сухбатдошни узил-кесил қарорга олиб келади: ("Бу машина қанча туради?" - "Сиз қанчасини сотиб олмоқчисиз?").

7. Муқобил саволлар шеригингизга жавоблардан бирини танлашга имкон беради (одатда, учтагача муқобил жавоб бўлади).

8. Бир қутбли саволлар Сиз айтганларни қайтариб, сухбатдошингиз Сизнинг фикрингизни қузатиб турганлигини белгилайди.

9. Тасдиқловчи мулоҳазалар - "Яхши савол", "Сизда шу савол туғилганидан хурсандман" туридаги луқмалар сухбатдошни хурсанд қиласди ва ўзининг ҳақлигига ишонтиради.

10. Йўналтирувчи саволлар - жадаллик, суръат, мавзуларни ўзгартиришга ёрдам беради.

11. Фаламис саволлар ундовчи ҳисобланади. Уларни зарур бўлганда эҳтиёткорона ишга солмоқ керак.

12. Музокаралар очувчи саволлар ҳамкорни қизиқтиради ва уни Сизни қунт билан тинглашга мажбур қиласди.

13. Якунловчи саволлар - натижа чиқариб, сухбатни тугаллашга хизмат қиласди.

Жавоб қайтариш услубияти қўйидаги қоидаларга таянади:

Мураккаб саволларга фақат жавобни тайёрлаб қўйган бўлсангизгина жавоб қайтаринг, акс ҳолда ўйлаб кўриш учун вақт сўраш яхшироқ.

Агар сўровчи ўз нутқида салбий, қўпол ва назокациз сўзлардан фойдаланса, Сиз улардан фойдаланманг.

Фаламис саволларга жавоб бермаган маъқул.

Савол қанчалик ҳиссий бўлса, жавоб шунчалик қисқа, хотиржам ва совуқкон бўлиши керак.

Жавобларингиз билан сухбатдошингиз дилини оғритманг.

15.4. Асослаш ва исботлаш қоидалари

Асослаш ўз мақсадига фақат исботлаш қоидалари бузилмасагина эришади. Бу:

- исботлаш тезисларини аниқ, равshan, икки маънода тушунишга йўл қўймайдиган қилиб шакллантириш;

- исботлаш давомида тезиснинг сухбат жараёнларидагидек бошланғич моҳиятини сақлаб қолиш. Тезисни йўқотиши (асосий тезисдан кейингиларига ўтишда мантиқий занжир йўқотилади), тезисни бутунлай алмаштириш (еътиборни гап мавзусидан бошқа бегона мавзуга кўчирилиши), тезисни қисман алмаштириш (бошланғич тезиснинг шаклини ўзгартириш) каби хатоларга йўл қўйиши мумкин.

Далиллар ишонтирувчи бўлиши учун қўйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ҳақиқийлик (ҳақлиги шубҳасиз ва исбот қилинган далиллар);
- мустақиллик (далиллар тезисдан мустақил исботланган бўлиши керак);
- далилларнинг зиддиятизлиги.

Кўпинча исботлаш услубида қўйидаги хатоларга йўл қўйилади:

- "нотўғри тушунишдан келиб чиқиш" хатоси - далилларнинг исботлаш керак бўлган нарсага мос келмаслиги;
- саводсизлик далили - шерикнинг бехабарлиги ёки тажрибасизлигини ўз мақсадлари учун хизмат қилдириш;
- бамаънилик далили – ноўрин вазиятда оддий фикрлашга шикоят қилиш;
- куч далили - мантиқсиз мажбурлаш (иқтисодий, сиёсий ва хоказо);
- авторитет далили;
- ҳамдардлик далили;
- содиқлик далили - фирмага содиқлик ва хурмат нуқтаи назаридан исбот қилинмаган тезисни қабул қилиш.

Ишонтириб асослаш учун қўйидаги усувларга мурожаат қиласилар:

- фундаментал усул (факт ва рақамлар билан танишиш ниҳоятда ишонтирали);
- хulosалар чиқариш усули (керакли хulosага келтирувчи далилларнинг узлуксиз кетма-кетлиги);
- солиштириш усули;
- "ҳа - аммо" усули (муҳокама қилишга имкон беради);
- бўлакларга ажратиш усули (шерикнинг ноаниқ далилларини тўғри, баҳсли ва хатоларига ажратиш);
- "бумеранг" усули (шерикнинг ўзиникига зид бўлган далилларини ишлатиш);
- менсимаслик усули;
- сўраб билиш усули (сухбатдош позициясини аниқлаш учун саволлар бериш);
- гўё қўллаб-қувватлаш усули (бошида шерик далилларига рози бўла туриб, уни ҳатто ривожлантириш, аммо охирида йенгиб бўлмайдиган ташқи далиллар келтириш).

15.5. Тинглаш қоидалари

Тинглай билиш маданиятнинг асосий кўрсаткичларидан биридир. Аммо бизнесда тинглашни билиш маданиятдан ташқари ютуқ гарови ҳамдир. Ҳақиқий тингловчи киши нотиқ учун энг яхши мақтov нишонасиdir. Диққатли ва ҳамнафас тингловчининг мавжудлиги сухбатдошда доимо ҳайрихохлик ва ҳамкорликка мойиллик кайфиятини туғдиради.

Тинглаш - ўз уй ва хаёлларидан чалғиш маҳоратини ва зўриқишини талаб қилувчи мураккаб жараёндир. Психологларнинг исботларига кўра тинглашни 10 % гача одамларгина билишар, сухбатдошни тинглашга ичдан мойилликка интилишар, олинаётган маълумотни обьектив равишда баҳолаш учун ўз ҳистийгулини тия олишар экан.

Тинглашнинг фаол ва суст турлари мавжуд. Суст тинглаш деярли бутунлай гапга аралашмаслик билан фарқланиб туради ва фақат гапиравчининг ҳистийгулини ўзгарган тақдирда зиддиятга қарши восита сифатида фойда

беради. Фаол тинглашга психологлар турли саволлар ёрдамида гапиувчи сўзларини тушуниш ва аниқлашни киритадилар.

Суҳбатдош ихлосига эришмоқ учун унга гапларини тугатиш имконини бериш, ўзининг самимий қизиқаётганлигини кўрсатиб, унга ёрдам бериш керак. Ўринли ва керакли саволлар беринг, маълумотлар олинг. Ҳатто суҳбатдошингизнинг ноҳақлигини яққол кўрганингизда ҳам унинг гапини бўлмаганингиз маъқул. Яхиси чидам билан уни тинглашга ҳаракат қилинг, ҳайрихохлик кўрсатинг. Сизни қизиқтирган нарса ҳақида унинг ўзи гап очишига имкон беринг. Чунки, агар ташаббус ҳамкорингиз қўлида бўлса ва у ўзини аҳамиятлироқ деб ҳис килса, Сизга керакли натижага эришиш осонроқ бўлади. ўзингиз гапираётган вактда тўхтаб-тўхтаб, шеригингизга ўз фикрини айтишга имкон беринг. Яхши тингловчи қуидаги қоидаларга риоя қилиши керак:

1. Ҳеч қандай бегона фикрлар бўлмасин. Фикрлаш тезлиги гапириш тезлигидан тўрт марта юқорироқ бўлгани учун бўш вақтингизни айнан эшитаётганларингизни танқидий тахлил қилиш ва хulosалар чиқаришга сарфланг.

2. Тинглаётган вақтингизда кейинги саволни ўйлашга ва айниқса айтилганларга қарши далиллар тайёрлашга ҳаракат қилманг.

3. Эътиборни гап кетаётган мавзуга мужассамламоқ керак. Ҳамкор фикри билан танишлик музокара жараёнини анча йенгиллаштиради. Шерикка ўзини кўрсатишга имкон берилади ва бу унинг эътиrozларини анчагина юмшатишга олиб келади.

Тингловчи бўла туриб, гапнинг асосий мавзусидан йироқлашиш тўғри эмас. Эътиборни "яланғоч" фактларга жалб қилманг, чунки ҳаммасини бирданига эсда олиб қолиш мумкин эмас; шунингдек суҳбатдошда ҳиссий портлаш ҳосил қилишга ёрдам берувчи ва унда эътиrozга мойиллик уйғотувчи сўзларни ишлатиш керак эмас. Яхиси ўзингизнинг маъқуллашингиз, тушунганингиз, қизиқишингиз ва бошқалар ҳақида ўз фикрингизни самимий изхор қилганингиз тузук. Тинглаётиб, кўпроқ жилмайинг, бош қимирлатинг, ҳамкорнинг кўзларига қаранг. Ўзингиз хеч нима гапирмасликка ҳаракат қилинг: гап ва изоҳлар тушунишни қийинлаштиради. Тез-тез саволлар беринг ва суҳбатдошингиз позициясини аниқлаб олинг. Гапиувчининг ноаниқликлари ёки хатоларини топиб айтиш ўрнига уни тушунишга интилинг; уни охиригача тинглаб улгурмай баҳо беришдан ўзингизни тийинг, унга ҳайрихоҳ бўлинг. Диққатли бўлинг ва суҳбат мавзусини йўқотманг, агар суҳбатдошни ёқтирмаётган бўлсангиз, ўз ҳис-туйғуларингизни жиловланг; суҳбатдош гапини бўлманг, бетоқатлик ишоралари қилманг, қаноатли бўлинг.

Юқорида санаб чиқилган қоидаларга риоя қилиш ҳамкорнинг Сизга нисбатан ҳайрихоҳ муносабатини таъминлайди ва унда Сизга нисбатан бизнесни яхши биладиган профессионал киши деган таассурот ҳосил қиласди.

Бобнинг қисқача хulosаси

Мулоқот қоидалари деганда энг юкори тадбиркорлик ютуқларини таъминлашни амалга оширувчи ишбилиармонлик мулоқоти йўл-йўриқларидан фойдаланиш маҳоратлари тушунилади. Бунга қуидагилар киради:

- ўзи ҳақида яхши таассурот ҳосил қилувчи тижорат келишувлари жараёнларини олиб бориш ва иш бўйича музокараларнинг қулай психологик иқлимини яратиш маҳорати;
- салбий ҳиссиётлар ва ўринсиз хотиржамликларни бартараф қилиш қоидаларидан фойдаланиш, қўпол сухбатдош ва рақиблардан ҳимояланиш, масалалар қўйиш ва уларни ечиш, ўз мулоҳазаларини асослаш, ўз фикр-мулоҳазаларини рад қилиш, рақибнинг далилларини рад этиш ва усталик билан уни тинглаш, ҳал қилишни тезлаштириш техникасини қўллаш.

Таянч иборалар

Муомала қоидалари, психологик иқлим, сухбатдошга мурожаат, баҳс, эътиroz, танқид, саволлар турлари, жавоб қайтариш услубияти, далилларга қўйиладиган талаблар, тинглаш маданияти.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Ташкилотлардаги мулоқот қоидалари нималардан иборат?
2. Ташкилотларда қандай қилиб қулай психологик иқлим ўрнатиш мумкин?
3. Эслаб қолиш жараёнининг қандай қонунлари мавжуд?
4. Ўзи ҳақида яхши таасуротни қандай ҳосил қилиш мумкин?
5. Саволлар бериш ва уларга жавоб бериш техникаси қандай бўлиши керак?
6. Сухбатдошни қандай тинглаш керак?

Асосий адабиётлар

- 1.Красовский Ю.Д. Организационное поведение. М.: 2007.
2. Гуломов С.С. Менежмент. Т., 2002.
- 3.Кочеткова А.И. Введение в организационное поведение и организационное моделирование. Учебное пособие. М.: Дело. 2003.

16 - БОБ. МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА БИЗНЕС ЭТИКАСИ

"Етиケット" сўзи узоқ вақт "сулукат" ("манера") сўзи билан эсга олинар эди. Бу буржуазия сулукатбозлиги, капиталистик таомиллар, бегона ахлоққа қарши қўйилган социалистик ўртоқлиқ, таянч туйғуси ва шу каби нарсаларни тарғиб қилувчи давлат сиёсатининг натижаси эди. Давлатимиздаги этикет мулойимлик, катталарга ҳурмат, илтифотга тенглаштирилар эди. Ташқи маданият ички (рухий) маданиятнинг кўзгуси деган нуқтаи назар кенг тарқалган эди. Бу шундайкуя, лекин яхши сулукатлар ички маданиятга эга бўлмаган кишиларда ҳам бўлиши мумкинлигини инкор қилиш ярамайди. Баъзан этикет керак эмас деган фикрни ҳам учратиш мумкин. Буни тўғри деб бўлмайди. Кўпларимиз яхши биламизки, қўпол ва беандиша одам ўрнига мулойим ва одобли одам билан муомала қилиш ёқимлироқ.

Тадбиркорлик тузилмаларининг ривожланиши уларда меҳнат қилувчи одамлар олдиги илгари уларнинг ҳаёлига ҳам келмаган масалаларни қўймоқда. Масалан, чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш фақат иқтисодий қонунларнигина эмас, балки музокаралар пайтида расм бўлган хулқатвор маромини ҳам билишни талаб қиласди. Телефон сўзлашувларини саводли олиб бориш заруратга айланмоқда, ишга хос кийим танлаш санъати ишбилармон одамнинг асосий жиҳатларидан бирига айланмоқда.

Аммо этикетни билиш фақат тадбиркорларгагина зарур эмас. Унинг қоидаларини билувчи ҳар қандай киши унга эътибор қилмайдиган кишиларга нисбатан камроқ ютқазади. Жуда кўп ҳаётий вазиятлардан чиқа олишда, ҳайриҳоҳлик ва ҳамжиҳатликни осонлаштиришда айнан этикет ёрдам беради.

Юқорида "етикет" сўзи "сулукат" сўзи билан эсга олинар эди деб айтган эдик, аммо "етикет" сўзининг энг умумий маъноси – бирор жойда қабул қилинган аҳлоқ тартибидир. Бошқача қилиб айтганда, ишбилармонлик этикети ёки бизнес этикаси - бу бизнес соҳаси ва ишбилармонлик учрашувларида қабул қилинган ҳатти -харакат қоидаларидир.

16.1. Ташқи қиёфа

Кўпчилигимиз "ишбилармон одам" нималиги ҳақида ҳеч қачон ўйлаб ҳам кўрмаганмиз. Ўз танишларингизнинг биридан ана шу тушунчага аниқ ва тўла таъриф беришни сўраб кўринг. Шундай, оддийгина туюлган саволга жавоб беришга кўпчилик қийналиб қолади. Аммо, агар Сиз ишбилармон одам қандай қўриниши керак деб сўрасангиз, жуда кўп жавоблар тахминан қуидагича бошланишини кўрасиз: "Бу костюм кийган киши". Албатта мулойимлик, озодалик, хушбичимлик ва бошқа қўргина омиллар ҳам айтилган бўлади. Аммо унинг қиёфасидаги ажралмас бош атрибут сифатида яқдиллик билан ва тутилмай "костюм" дейишлари муқаррар. Ва бу ҳақиқатан ҳам шундай. Ҳозирги кунда ҳақиқий бизнесменларнинг одатдаги ва кўпчиликка манзур бўлган кийими - бу сўзсиз костюмдир. Ишонч билан айтиш мумкинки, у эндилиқда ишбилармон одамнинг кийимига айланган. Унда ишбилармон одамлар музокаралар столига ўтиришади, ташриф буюришади, ресторонга боришади ва хоказо.

Айтиш мумкинки, костюм - бу одамнинг ташриф қофозидир, чунки биринчи навбатда кишининг кийимига қарайдилар. Кўп ҳолларда, одамнинг хотирасида танишаётган киши ҳақидаги биринчи таассурот узоқ сақланади. Шунинг учун ўзининг ташқи қиёфасига эътиборсизлик кечириб бўлмайдиган хатодир. Биринчи танишувда киши онгига ҳосил бўлган қиёфани кейин ўзгартириш қийин бўлади. Масалан, кийимдаги орасталик ва хушбичимлик кўпинча ишдаги уюшқоқлик билан, ўзи ва бошқаларнинг вақтини қадрлаш билан қўшиб тушунилади. Ва, аксинча, ландавурлик, беҳаловатлик, унугувчанлик каби сифатлар одамлар билан мулоқотда салбий баҳоланувчи сифатлардир. Ҳақиқатан ҳам нотўғри танланган галстук ёки кўйлак (ҳатто галстук чиройли бойланган ва кўйлак яхши дазмолланган бўлса ҳам) умумий кийим стилига беўхшовлик киргизиб, кийимни бетартиб қилиб кўрсатади. Бу ҳақида ўйлаб кўрса арзиди. Қуйида иш шароитида, ҳар куни кийиб юриладиган кийимга тааллуқли бўлган кўпчилик қоидалар кўрсатилган. Таклиф қилинаётган қоидаларга риоя килиб кийинган киши ҳеч қачон мода билан кийинган кишига ютқазмайди.

1-қоида. Бир вақтнинг ўзида костюм ва спорт пойафзалини ҳеч қачон кия кўрманг.

2-қоида. Костюм кийган бўлсангиз спортча сумка кўтарманг.

3-қоида. Костюм кийган бўлсангиз, ҳар қачон галстук ҳам тақинг.

4-қоида. Костюм билан кийиладиган кўйлакнинг енги узун бўлиши шарт. Иш вазиятида енги калта кўйлак кийиш тавсия этилмайди, чунки агар кўйлак енги костюм енгидан 1,5 - 2 см чиқиб турса, бу хушбичим ҳисобланади.

5-қоида. Галстукнинг тортиладиган томони унинг устига чиқиб қолишига йўл қўйманг.

6-қоида. Иш вақтида ўз кийимингиз билан ажралиб турманг. Бу асосий қоидалардан биридир. Кундалик мулокотда кўзга ташланмайдиган кийим одобилик ҳисобланади. Бу қоидани шакллантирувчи яна бир неча одатларни келтириш мумкин:

- а) жуда оч рангли костюм кийманг; ҳамма ҳоллар учун энг кўп тарқалган костюм ранглари тўқ кўк ва тўқ кулранг;
- б) ола-була ва тўқ рангли кўйлаклар кийманг;
- в) жуда ҳам ёрқин ва кўзга ташланадиган нақшдор галстуклар танламанг;
- г) тўқ рангли пайпоқлар кийинг;

7-қоида. Агар туфли ёки кўйлак танлашга қийналсангиз, оқ кўйлак ва қора туфлидан яхшиси йўқ;

8-қоида. Боғланган ҳолда галстуингизнинг уни камарингиз тақимида тегиб туриши керак;

9-қоида. Галстукнинг эни костюм қайтарма ёқасининг энига мос бўлиши керак;

10-қоида. Галстук костюмдан очроқ, кўйлакдан тўқроқ бўлиши керак;

11-қоида. Кийимдаги нақшлар номослигига йўл қўйманг. Кўпинча костюм газламаси гулли, йўл-йўл ёки катак расмли бўлади. Бундай ҳолларда хато қилмаслик учун кўйлак ва галстукни қандай танлаш керак. Бу жуда осон. Агар костюм, масалан, йўл-йўл бўлса, кўйлак сидирға, галстук йўл-йўл бўлиши мумкин, лекин шарт эмас. Ва, аксинча, агар Сиз йўл-йўл кўйлак кийган бўлсангиз, костюм ва галстук сидирға бўлиши керак. Қоида шундан иборатки, кийимнинг кетма-кет иккитаси бир хил гулли бўлиши мумкин эмас. Масалан: агар Сиз йўл-йўл галстук тақмоқчи бўлсангиз, кийимнинг кейингиси, яъни кўйлак йўл-йўл бўлмаслиги керак, лекин пиджак йўл-йўл бўлиши мумкин.

Бу 11 та асосий қоидадир. Хушбичим ва дидли кўриниш учун уларга риоя қилиш зарур.

Шу йерда ҳар хил рангли шим ва костюм кийиш ҳақида ҳам шуни айтиш жоизки, иккита вариант энг қулай ҳисобланади:

1) тўқ кулранг шим, тўқ кўк костюм (кўпинча, "клубча" деб аталувчи) ва кулранг-ҳаворанг галстук, туфли қора, кўйлак фақат оқ ва гулсиз, пайпоқ - қора.

2) оч ёки оч кулранг костюм, қора шим, кумушранг-қора галстук, қора туфли ва пайпоқ, оқ кўйлак.

Келтирилган бу кўринишлар кенг тарқалган. Булардан бошқа ҳар хил кўринишлар катта тажриба ва дидни талаб қиласди.

Қуйидаги жадвалда ишбилармонлар кийимлари комбинациялари келтирилган.

Костюм	Кўйлак	Галстук	Туфли	Пайпоқ
Кулранг	оқ, оч ҳаво ранг	фарқи йўқ	қора	Галстук рангидаги қора
Тўқ кўк ранг	оқ, оч пушти	Оралиқ ранг, қора-	қора	қора

		қизил		
Түк кўк	оқ	тўқ қизил, оқ, ҳаворанг, қизил йўлли	кора	тўқ қизил, тўқ ҳаворанг
Кора	оқ	кумуш кулранг, кора-қизил	кора	Кора, оч кўк ранг, тўқ гунафша ранг
Тўқ жигар ранг	оқ, сарғиш, оч пушти	яшил-жигарранг йўлли ёки накшдор, кора-қизил, оралиқ ранг	жигар ранг	жигар ранг, тўқ қизил
оч жигар ранг	оқ, оч пушти, оч жигар ранг	яшил, тўқ қизил, оралиқ ранг	тўқ жигар ранг	тўқ қизил, оч жигар ранг
кум ранг	оч ҳаво ранг, пушти	тўқ ҳаво ранг	оч жигар ранг	оч ҳаво ранг, оч жигар

16.2. Ҳатти –ҳаракатлар

Тинимсиз бехосдан ғимиirlайдиган, кўлига тушган нарса билан ўйнаб ўтирадиган, қўлини қўйишга жой топа олмайдиган одамнинг қандай кўринишини бир лаҳза тасаввур қиласайлик. Албатта унинг қолдирадиган таассуроти унчалик яхши бўлмайди. Шу билан бирга эсдан чиқармаслик керакки, ўзини тута билиш, покиза кийим, гапда хушмуомалалик каби одатлар атрофдаги кишиларга нисбатан одоб изҳор қилиш усуллари дид.

Имо-ишора ва ҳатти -ҳаракатлар инсон қиёфасининг бир қисмидир. Жуда кўп ҳолларда беихтиёр ҳатти-ҳаракатлар инсоннинг, ҳатто ўзи истамаган ҳолларда ҳам ҳақиқий қиёфасини кўрсатади. Масалан, киши ҳатти-ҳаракатлари юзидағи имо-ишораларга мос тушмаслиги мумкин. Бундай ҳолатдан сухбатдоши ҳадиксираши ёки салбий таъсирланиши мумкин.

Ишбилармоннинг одатдаги қиёфаси - келишган, серғайрат ва ҳозиржавоб одам. Бу, албатта, унинг ишоралари, ҳатти -ҳаракатлари тез ва шиддатли бўлиши керак деган гап эмас. Фақат бўшашиб ёки шапиллатиб юришга йўл қўйилмаса бас, гап вақтида узоқ ерга караб ёки чарчаган ҳолатда мудраётгандек ўтириш ҳам тўғри келмайди. Ҳозирги вақтда бизнесдаги мулоқот даражаси жуда юқори ва ишбилармон кишининг вақти жуда қимматдир. Шунинг учун иш вақтида бўшашиб мумкин эмас.

Агар ишбилармон киши ўзидан катталар ичига тушиб қолса, унинг ўзини тутиш ҳатти-ҳаракатлари тортиқроқ, ўз тенгдошлари даврасидагига нисбатан янада баодоброқдир. Ҳақиқий бизнесмен унинг юриш тарзи суст ёки судралган бўлмаслиги кераклигини яхши билади, у қўлларини силтаб, катта қадам ташлаб юрмайди ҳам. "Кенг" қадам ташлаш - бу ҳали дадиллик ва хотиржамлик белгиси эмас, бўшашиб, каловланиб қадам ташлаш эса юқори ижтимоий даража аломати эмас. Энг яхши вариант - маромли ҳаракат, тик қад-комат.

Күйида ҳар бир ишбилармон киши билиши шарт бўлган бир неча этикет қоидаларини келтирамиз.

Стулда тебранмай, четида ўтирмаслик керак. Столда тирсакка таяниб ўтириш ҳам тавсия этилмайди. Ўтириш ва туришда шовқин чиқармаслик керак. Стулни суриб эмас, суюнчиғи орқали кўтариб тўғрилаш тўғри бўлади.

Оёқни беихтиёр тебратиб, стулда қимирлаб, товоң билан унинг оёғига уриб ўтириш номаъқул ҳатти-ҳаракатлар ҳисобланади. Агар сухбат вақтида кимдир ўзи ўрганиб кетган ва шунинг учун сезмайдиган ҳаракатларга йўл қўйса, бу унинг одатига бошқалар ҳам эътибор қилмайди дегани эмас. Хунук одатлар, кўпинча киши нима ҳақдадир фикр юритаётган вақтда содир бўлгани учун бу гўё у гаплашишни истамаяпти, сухбат тамом бўлди, сухбатдош эса бутунлай бошқа нарсалар ҳақида ўйляяпти деган нотўғри фикр туғилишига олиб келиши мумкин.

Гап вақтида қўлни иякка тираб ўтириш хунук. Бу қилиқ ҳам зерикиш ёки ҷарчаш маъносини англашиб мумкин. Сухбат вақтида энгашмай ва орқага ташланмай тўғри ўтириш тузук. Қўлни кўкракда қовуштириб туриш умуман олганда тақиқланмайди, аммо бу сухбатдошлар орасида психологик тўсиқ ҳиссини уйғотади. Бу одат очиқдан-очиқ ҳеч нимани англашиб мумкин.

Йелкани кўтариб ёки бошни чўқтириб ўтириш зўриқиши белгисидир. Шунинг учун бундай қилиш ярамайди. Чунки бу одамовилик аломати деб тушунилиши мумкин. Бундай ўтириш одам ниманидир яширяпти, охиригача айтмаяпти, "кулфланиб" қолди деган ҳаёлга келтириши мумкин.

Психологияни ўрганувчилар сухбатдошни гапга чорлаш учун бошни бироз ён томонга энгаштириб ўтириш кераклигини яхши билишади. Бошни энгаштириб ўтириш сухбатдош қунт билан тингляяпти деган ҳисни англашибади.

Хулоса қилиб айтганда, бу оддий қоидаларни ишлатиш орқали хушбичим ва башангроқ кўриниш мумкин. Бунда бизнес натижалироқ ва салобатлироқ тус олади.

16.3. Ишбилармонлик ёзишмалари ва нутқ маданияти

Ишбилармонлик хатлари

Маълумки вақт ҳамма нарсадан қиммат. Бу қоида фақат бизнесга тааллуқли эмас. Шунинг учун иш хатлари қисқа, аниқ ва мақсадга мувофиқ бўлиши шарт. Иш хатлари камдан-кам ҳолларда бир неча мавзуга тегишли бўлади. Агар хатда бир неча масалани маълум қилмоқчи бўлсангиз, уларни фарқлаш учун бир-биридан ажратиш мақсадга мувофиқдир: масалан, ракамлаш ёки бир-биридан бўш қатор ёрдамида ажратиш керак. Энг яхши вариант – бу иш хатларининг битта масалани ўз ичига олиши ёки бир хил маълумотга оид бўлиши. Бу ҳолда хат аниқ ва қисқа бўлади. Ҳар бир ишбилармон киши ўзининг ишбилармон шеригига хат ёзиш учун нима кераклигини яхши билади.

1) Замонавий ташкилий техника: компьютер, ёзув машинкаси ёки принтер. Расм-русумга айланган маром бўйича, фақат шахсий хатларгина қўлда ёзилиши мумкин. Энг яхши вариант хатларни юқори сифатда бажарувчи лазерли принтердир. Бундан ташқари у қўп хатларни бир йўла тайёрлаш, масалан реклама қофозларини тарқатиш учун ҳам жуда қулай. Ҳар ҳолда қўлда ёзиш тавсия этилмайди.

2) Фирма белгиси, унинг тўлиқ номи, почта ва телеграф адреслари, телефони (телекси, телефакси), банк реквизитлари туширилган фирманинг маҳсус бланки. Мумкин бўлганда, бланкдаги реквизитлар туширилган фирманинг ўз конвертидан фойдаланиш қулай. Аммо бу шарт эмас, стандарт конвертлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Юборилган хатларнинг нусхалари қўл остингизда сақланиши шартлигини эсдан чиқармаслик керак.

Қайд қилиш керакки, бутун дунёда адрес ёзиш тартиби мамлакатимизда қабул қилинган тартибга бутунлай тескари. Биринчи ўринда - адресатнинг исми-шарифи. Фамилиядан олдин адресат яшовчи давлатда қабул қилинган мурожаат шаклини қўйиш шарт ("жаноб", "хоним" каби сўзлар). Иккинчи ўринда - адресат лавозими. Учинчиси - фирма номи. Бундан кейин уй раками ва кўча номи. Охирида адресга шаҳар (штат, графлик) номи, почта индекси ва давлат ёзилади. Ўзининг чет эллик шериги исмини олдиндан билиб олиб уни бехато ёза олувчи ва айта олувчи киши тўғри иш тутган ҳисобланади.

Хатнинг тузилиши. Хатнинг ўзи унинг тепа чап томонига адресни конверт устига ёзилган адрес билан айнан бир хил ёзишдан бошланади. Кейинги қаторнинг ўнг томонида хатнинг жўнатилиш куни, ойи, йили тўлиқ ёзилади. Кейин яна чап томонда мурожаат ёзилади. У конверт устидаги фамилиядан олдинги илтифотли сўздан ("жаноб", "хоним" каби сўзлар) бошланади. Фақат фамилиянинг ўзини кўрсатиш мумкин.

Кейинги бир неча қаторда хатнинг қисқача мазмуни ёзилади. Агар хат қандайдир аввалги хат учун жавоб хати бўлса, одатда қуидаги ибора ишлатилади: "Сизнинг 12.06. 1997 й. даги ... га бағишланган хатингизга жавобан маълум қиласиз". Шундан кейин матннинг ўзи ёзилади.

Агар хат муайян шахсга ёзилаётган бўлса, "Чин қалдан Сизнинг" лавҳалари билан тугалланади. Хат ёзишдаги асосий қоидалардан бири: хатни "мен" келишиги билан бошлаш ярамайди. Бу қўп давлатларда қабул қилинган бўлиб, ҳам шахсий, ҳам ишга оид ёзишмаларга тааллуқлидир. Хатнинг охири ҳам илтифотли ва мулоим иборалар билан тугалланиши керак. Хат тугаллангач, имзо ва фамилия қўйилади. Хат маълумот ёки рекламага бағишланган бўлса, фамилия ва имзо шарт эмас. Зарур бўлса посцкриптум (П.С.) ишораси қўшиб қўйилади. У имзонинг тагига ёзилади. Агар у хат матни ичида қолиб кетган бўлса, бу хатнинг бир неча марта қўлга олинганлигидан дарак берувчи белги ҳисобланади. Посцкриптум тагига яна имзо ёки ўз инициаллари, яъни исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари қўйилади. Ҳар қандай хат зудлик билан жавоб беришни талаб қиласиз. Вақт зик бўлса, ҳеч бўлмаса бир неча қатор ёзиш зарур. Агар илтимосни қондира олмасалар ўша ондаёқ жавоб йўллайдилар.

Факслар

Факслар йўллашда энг асосий талаб - қисқалик. Бу қоидага бизнес оламида жуда қатъий риоя қилинади, айниқса чет эллик шериклар орасида. Одатда жумлалар синчилаб тузилади, битта фикр икки марта қайтарилимаяптимикан деган маънода текшириб чиқилади. Энг яхши варианти - факснинг бир варақ стандарт форматга жойланиши ҳисобланади.

Факс сифатли ўқилсин деб кетма-кет икки марта жўнатиш яхши эмас. Яхиси факс юборилувчи шахс билан факс нушаси тўғри ўтдими-йўқми деб яна бир марта қўнфироқлашиш керак. Агар факс автоматик режимга уланган бўлса, маълумот нушаси яна бир марта жўнатилмайди, чунки қоғоз тугаб қолиб, кимдир ўз факсини иккинчи марта жўната олмай қолиши мумкин.

Факс йўллаш учун зарур нарсалар:

1) Юбориладиган ҳужжатларни тайёрлаш. Ҳозир амалда фақат босмадан чиқсан ҳужжатлар қўлланилади. Ҳужжатлар иш хатлари талабларига жавоб берган ҳолда барча реквизитларга эга бўлади.

2) Боғланиш мумкин бўлиши учун ўз факсининг номери кўрсатилади.

3) Ўз шеригининг факс номери, шаҳар номи ва унинг коди, фирма (компания, муассаса)нинг номи, ва албатта адресат фамилияси ва исми.

4) Расмий қоғозларда жавобгар шахснинг имзоси ва муҳри босилади.

Телефон музокаралари

Енг оддий алоқа воситаси - телефон суҳбатлари ҳисобланади. Лекин аслида бундай эмас. Замонавий статистика ҳисобларига кўра телефонда гаплашиш учун бекор кетган вақт жуда кўп. Масалан, вақтнинг 10-30 % кераксиз гапларга кетар экан.

Телефон қўнфироқлари ҳам иш хатлари ва факс сингари қисқалик талабларига бўйсунади. Биринчи бўлиб, қўнфироқ қилувчи ўзини таништиради. Агар гаплашмоқчи бўлган абонент жойида йўқ бўлса, одатда ўзни таништирмайдилар. Саломлашиш ва керакли кишини телефонга таклиф қилишни илтимос қилиш йетарли. Агар у йўқ бўлса, қачон ўз жойида бўлиши сўралади ёки унга ниманидир айтиб қўйиш илтимос қилинади ва гўшак осиб қўйилади. Ҳеч ким жавоб бермаган тақдирда гўшак узоқ ушлаб турилмайди. У йерда ёки ҳеч ким йўқ, ё гаплашишни хоҳламаяптилар. Одатда ким билан гаплашаётгани сўралмайди, аммо рақам тўғри терилдими, қўнфироқ керакли жойга тушдими-йўқми деб аниқлаш мумкин.

Ишбилармон одам ўз ходими ёки котибасига керакли одамга қўнфироқ қилиб боғланишни буюриши чет элда кенг тарқалган одатdir. Агар телефонга ҳамкасбини чақириб беришни сўрасалар, уни ким чақираётганини сўраб билиш илтифот қоидаларини кўпол равишда бузиш ҳисобланади. Мабодо рақам теришда хато қилганлик шубҳаси туғилса, ўша ондаёқ тўғрими-йўқми деб сўралади. Рақам нотўғри бўлиши мумкин ва бир жойга қайта-қайта тушавериб, ўзи ва бошқаларнинг асабига тегиш ярамайди.

Агар ишбилармон банд бўлса (масалан мажлис ўтказяпти), телефон узиб қўйилади ёки котибага телефонга ҳушёр бўлиш буюрилади. Котиба у билан қачон боғланиш мумкинлигини билади ва қўнфироқ қилиб боғланмоқчи бўлган кишиларни ёзиб олади.

Гапни одатда қўнғироқ қилган тугаллайди. Бу қоидаларни ҳар бир ишбилиармон одам билади. Улар қисқагина, лекин катта аҳамиятга эга. Ҳар бир ишбилиармон одам бошқа киши вақтини тежаётганини тушунади ва уни амалда татбиқ этиб, сұхбатдош ёки адресатга хурмат-еҳтиром қўрсатади.

Етиケットни белгиловчи асосий қоидалардан бири шуки, тавсия қилинаётган ҳатти-харакатлар шундай қабул қилинганлиги учун эмас, балки шундай қилиш мақсадга мувофиқ, қулай ёки ўзингиз ва бошқаларга нисбатан ҳурмат-еҳтиром белгиси бўлгани учун фойдалидир.

Етиケット имиджни шакллантиришдаги асосий қуроллардан биридир. Ҳозирги замон бизнесида фирма номига ката ўрин ажратилади. Масалан, кўп давлатларда мижозда фирмага қилинган биринчи телефон қўнғироқдаёқ унинг иш даражаси ҳақида аниқ фикр қарор топади. Телефон орқали гаплашиш этикети эса йетарлича содда ва натижавордир. Унга риоя қилиш учун атиги бир неча асосий қоидаларни билиш кифоя. Телефон орқали гаплашиш этикетига риоя қилмаган фирмалар кўп нарса йўқотадилар. Уларда қўпинча телефон банд бўлгани учун қўнғироқлашиш қийин, ходимлар эса шу сабабдан кўп вақтларини бекорга ўтказадилар. Бу қонуният фақат телефон мисолидагина эмас, ҳамма жойда ҳам яхши сезилади. Этиケット бор ҳар бир жойда унумдорлик юқори, натижалар яхши бўлади. Шунинг учун бутун дунё бизнесменлари яхши биладиган энг асосий қоидалардан бирини доим эсда тутиш керак: яхши сулукатлар унумли.

Бу ғарбий фирмаларнинг узоқ тажрибаси билан тасдиқланади. Этикетга риоя қилидиган фирмалар билан ишлаш анча ёқимли. Амалда бутун дунё учун бу фаолият меъёри бўлиб қолди. Чунки этикет ўзининг ҳаётийлиги билан ёқимли психологик иқлим ҳосил қиласди. Бу ишбилиармонлик учрашувлари ишини осонлаштиришини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Агар Ўзбекистондаги бизнес этикаси ҳақида гапирсак, айтиш керакки, у ҳали йетарли даражада эмас. Этика соҳасида йирик ва кичик бизнес билан шуғулланувчилар орасида кескин фарқ борлигини сезиш мумкин. Агар биринчилари этик меъёрларга риоя қиласалар, иккинчилари ичida этик қоидаларга риоя қилиш кам учрайди.

Мамлакатимизда ўзбек ишбилиармонларининг хулқ-атвор этикасини жаҳон андозалари даражасига етказиш фойдадан ҳоли эмас. Бунинг учун қуйидаги чораларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- ҳар бир ташкилотда унинг ходимлари риоя қилиши керак бўлган умумий қадриятлар тизими ва этикет қоидаларини белгиловчи этик меъёрларни ишлаб чиқиши;
- кундалик амалиётни этик нуқтаи назардан баҳолаш учун этика бўйича қўмиталар тузиш;
- ташкилотнинг фаолияти ва дастурларининг ижтимоий таъсири ҳақида ҳисоботлар тузиш ва баҳолаш учун ижтимоий тафтишлар ўтказиш;
- бошликлар ва ходимларни этик хулқ-атвор қоидаларига ўқитиши.

Ташкилот этикаси бўйича тест

Бу тест мутлақо қўшиламан, қўшиламан, қўшилмайман, мутлақо қўшилмайман деган жавоблар ёрдамида қуйидаги ҳолларда қадриятлар тизимини аниқлашга ёрдам беради.

1. Ишчиларнинг ўз хатолари хақида раҳбариятга хабар беришларини кутиш керак эмас.

2. Шундай ҳоллар бўладики, раҳбар ўз ишларини уddeлаш учун шартнома талабларини бажармаслиги ва хавфсизлик стандартларини бузиши керак.

3. Ҳисоботчилик учун ҳаражатларни аниқ қайд қилиш ҳар доим ҳам мумкин эмас. Шунинг учун баъзан тахминий рақамларни бериш жоиздир.

4. Йоқимсиз маълумотларни раҳбариятдан яшириш зарур бўлган ҳоллар ҳам учраб туради.

5. Биз раҳбарларимиз ҳаракатларининг тўғрилигига шубҳа қилсак ҳам уларнинг буйруқларини бажаришимиз керак.

6. Баъзан иш вақтида шахсий ишлар билан шуғулланиш зарур бўлади.

7. Баъзан меъёридан ортиқроқ мақсадларни қўйиш, агар бу хизматчилар ҳаракатини фаоллаштирадиган бўлса, психологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади.

8. Мен ушбу буюртмани олиш учун буюртманинг ўзим учун “қулай жўнатилиш куни”ни маълум қилган бўлар эдим.

9. Компания фойдаланмаётган вақтда хизмат телефонидан шахсий қўнғироқлар учун фойдаланиш мумкин деб ҳисоблайман.

10. Раҳбарият пировард мақсадга йўналган бўлади, шунинг учун одатда мақсад воситани оқлайди.

11. Агар катта шартномага эга бўлиш учун зиёфат ташкил қилиш ёки компания сиёсатини бир оз бузиш керак бўлса, мен бунга розилик бераман.

12. Компания сиёсати ва мавжуд йўриқномаларни бузмай яшаб бўлмайди.

13. Товар захираларини текшириш ҳисоботларини шундай тузиш керакки, олинган товарлар бўйича "ортиқчаликлар" эмас, балки "йетишмовчиликлар" аниқлансан. (Бу йерда этик муаммо кассир кам қайтим бераётгандаги холга ўхшайди).

14. Компаниянинг нусха кўчирувчи машинасидан вақти-вақти билан шахсий ёки маҳаллий мақсадларда фойдаланиш мумкин.

15. Компаниянинг мулки бўлган нарсани (қаламлар, қофоз, ёзув машинкаси лентаси ва ҳоказо) шахсий эҳтиёж учун уйга олиб кетиш - мумкин бўлган қўшимча имтиёздир.

Жавобларнинг баҳоси балларда:

Мутлақо қўшилмайман - 0

Қўшилмайман - 1

Қўшиламан - 2

Мутлақо қўшиламан - 3

Тўплаган балларингиз:

0 балл бўлса – Сиз авлиёсиз;

- 1- 5 баллгача – Сиз рухонийликка лойиқсиз;
- 6 -10 баллгача – этик даражангиз юқори;
- 11- 15 баллгача – этик даражангиз маъқул даражада;
- 16 - 25 баллгача – этик даражангиз ўртача;
- 26 - 35 баллгача – ахлоқий жиҳатдан такомиллашиш зарур;
- 36 - 44 баллгача – ахлоқий жиҳатдан тубанлашиш тезлашмоқда;
- 45 балл – қимматли нарсаларни ўзингиздан асрashingиз керак.

Бобнинг қисқача хуносаси

Тадбиркорлик тузилмаларининг ривожланиши уларда меҳнат қилувчи одамлар олдига янги масалаларни қўйимоқда. Масалан, чет эллик шериклар билан қўшма корхоналар ташкил қилиш фақат иқтисодий қонунларнигина эмас, балки музокаралар пайтида расм бўлган хулқ-автор маромини ҳам билишни талаб қиласди. Телефон сўзлашувларини саводли олиб бориш заруратга айланмоқда, ишга хос кийим танлаш санъати ишбилармон одамнинг асосий жиҳатларидан бирига айланмоқда.

"Етиケット" сўзининг энг умумий маъноси – бирор жойда қабул қилинган ахлоқ тартибидир. Бошқача қилиб айтганда, ишбилармонлик этикети ёки бизнес этикаси - бу бизнес соҳаси ва ишбилармонлик учрашувларида қабул қилинган ҳатти -ҳаракат қоидаларидир.

Таянч иборалар:

Етиケット, ташқи қиёфа, имо-ишора, ҳатти-ҳаракатлар, ишбилармонлик ёзишмалари, нутқ маданияти, факслар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар:

1. Ишбилармон кишининг ташқи қиёфаси қандай бўлиши керак?
2. Этиケット қоидаларини биласизми?
3. Иш хатлари ва факслар қандай тузилади?
4. Телефон орқали гаплашиш одоби нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Л.В.Карташова, Т.В.Никонова, Т.О.Соломанидина. Организационное поведение Учебник. М.: ИНФРА-М. 2003.
2. Гуломов С.С. Менежмент. Т., 2002.
3. Алиев В.Г., Дохолян С.В. Организационное поведение. М. 2004.

ГЛОССАРИЙ

Ташкилий хулқ – бу якка тартибдаги ижрони ҳамда ташкилотнинг ташқи мухит таъсирини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритишини тушуниш, олдиндан кўра билиш ва такомиллаштириш мақсадида индивидлар, гурӯхлар, ташкилотлар хулқини тизимли, илмий таҳлил қилишдир.

Ташкилий хулқнинг предмети - рақобатчилик мухитида фаолият юритиш шароитларида самарали бошқарув усулларини ишлаб чиқишига қаратилган барча даражаларда бошқарув тизимининг ўзаро боғлиқлиги ҳисобланади.

Екстерналистик (бихейвиористик, яъни хулқ-автор) позиция – ташқи мухитни бошқара олсақ, шахсни ҳам бошқара оламиз деган ғояга бўйсуниш.

Интерналистик позиция - хулқ-автор сабаблари сифатида инстинкт (ирсий ва генетик дастурлаштирилган инсонни фаолиятга ундовчи ички кучлар), характер хусусиятлари, ишониш ва фикрлаш фаолиятлари каби бир неча ички механизмларни тан олиш

Билиш (Когнитиве) - ташқи мухитнинг муҳимлигига қарамай (мукофотлаш ва жазолаш шаклида), бизнинг хулқ-авторимиз, амалда, шу таъсирини билиш интерпретацияси (бизнинг ўйларимиз, хотира ва қутишларимиз) ёрдамида амалга оширилади.

Бихейвиористика модели - Стимул-Реаксия (С-Р) кўринишида акс этиши мумкин

Билиш модели – Стимул-Организм- Реаксия (С-О-Р) кўринишида акс этиши мумкин.

Ўқитишиш - бу хаёт тажрибаси таъсири остида инсонлар хулқ-авторидаги ўзгаришларни амалга оширувчи нисбатан узлуксиз ўзгаришлардир. Биринчидан, билим ўзгаришни ўз ичига олади. Иккинчидан, бу тажрибага асосланади.

Ассоциатив ўқитишиш - бирор бир нейтрал стимул инсондаги бошқа стимул (нейтрал бўлмаган, яъни маълум бир реаксияни чақиравчи) билан бирлашади. Бундай стимул шарқиз стимул ва тегишли реаксия эса шарқиз реаксия ҳисобланади. Нейтрал стимул шартли стимул деб айтилади. Шартли стимул бир неча марта шарқиз стимул билан бирлашгандан сўнг, шарқиз стимул учун худди шундай реаксия яратилади. Шундай қилиб, аввалги нейтрал стимул шартли стимулга, яъни аниқ бир реаксияни уйғотувчи стимулга айланади.

Инструментал ўқитишиш - индивидуал хулқ-автор намоён бўлишидан кейин шу турдаги хулқ-авторнинг тақрорланишини имкониятини камайтирувчи ёки кўпайтирувчи ҳодиса юз берганда ишлатилади.

Тақдирлаш - хулқ-авторнинг тақрорланишини оширувчи ҳодисалар

Жазолаш - хулқ-авторнинг тақрорланишини камайтирувчи ҳодисалар.

Ижобий тақдирлаш - ишчи учун ёқимли стимулни яратишdir.

Салбий тақдирлаш - ёқимсиз (керак бўлмаган) стимулни олиб ташлашdir.

Ички тақдирлаш - маълум бир фаолиятнинг бевосита натижаси сифатида кўрилади. Масалан, масъулият ёки ютуқлар.

Ташқи тақдирлаш – ташкилот томонидан амалга ошириладиган мукофотлашдир. Масалан, иш ҳақи ёки ишда лавозим бўйича кўтарилиш.

Бирламчи тақдирлаш - шахснинг физиологик эҳтиёжларини қондирувчи мукофотлаш.

Генерализация - бу маълум бир хулқ-атвор бир неча ҳолатларда такрорланишини ўқитиш жараёни.

Дискриминацион ўқитиш - камситувчи ўқитиш, бунда мукофот бир ҳолатда берилиб, бошқа ҳолатларда берилмайди.

Рол - маълум бир лавозимдаги шахсдан унинг ўзига хос хусусиятларидан қатъий назар, кутилаётган хулқ-атвор.

Рол моделлари - бир хил лавозимдаги айрим шахсларнинг хулқ-атвор кўриниши

Тўғри тескари алоқа – бу мукофот ёки жазо бўлиб, уни ўқувчи рол моделидан нуша олинган хулқ-атвор шаклини ишлатишга ҳаракат қилганда олади.

Тўғри бўлмаган тескари алоқа - рол модели томонидан ўз хулқ-атвори учун оладиган мукофот ёки жазосидир. Бу жараён, бошқаларнинг ҳатоси асосида ўрганиш (Викариоус Леарнинг) дейилади.

Ташкилот - хулқ-атворни мувофиқлаштириш механизми. У қўйилган мақсадларга эришиш учун тузилади.

Ташкилий тузилиш - ташкилотлар ўз асосий жараёнларини алоҳида топшириқларга бўлиши ва ушбу топшириқлар ўртасида ўзаро уйғунлашишга эришиш усулларининг умумий йиғиндисидан иборат. Ҳар бир ташкилот фақат ўзига хос ташкилий тузилишга эга.

Ташкилий тузилиш элементлари - горизонтал табақаланиш, вертикал табақаланиш, назорат кенглиги (спан оғ контрол), расмийлаштириш, марказлаштириш.

Горизонтал табақаланиш - ташкилотда бажарилаётган топшириқларнинг ажратилиши ва алоҳида бирликларга гурухланиши (униц) усули. Горизонтал табақаланишнинг турли шакллари мавжуд: 1) бажарилаётган иш бўйича, 2) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бўйича, 3) истеъмолчи гурухлар бўйича ва 4) турган жойи бўйича. Аслида, кўпчилик ташкилотлар бир неча мезонлар асосида бўлинган бўлади.

Вертикал табақаланиш - бу бошқарув мутахассисларининг бўлиниш даражасидир. У ташкилотдаги ҳукмронлик даражаси билан аниқланади.

Назорат кенглиги (спан оғ контрол) - бу битта бошлиққа бўйсунадиганлар сони. Назорат кенглиги ташкилотдаги вертикал табақаланиш даражасига боғлиқ. Иерархия поғонасидан юқорига кўтарилигани сари назорат кенглиги анча камаяди.

Расмийлаштириш - ташкилот аъзолари ишчи хулқини бошқарувчи қоида ва тартибга соловчи низомларни тавсифлаш даражаси, шунингдек буйруқларнинг иерархик занжиридан ўтuvчи алоқалар расмий ва ёзма усулларининг тарқатилиш даражасидир.

Марказлаштириш - ташкилот фаолияти ҳақида асосий қарорларни қабул қилувчи одамлар сони билан аниқланади. Одамлар сони қанча кам бўлса, марказлаштириш даражаси шунча юқори бўлади. Агар қарор қабул қилиши бўйича ваколат қуи иерархик босқичларга берилган бўлса, ташкилот марказлашмаган бўлади.

Мотивация (Мотиватион, французча Мотиф – ундаш) – инсон хулқининг йўналганлиги, ташкилийлиги, фаоллиги ва барқарорлигини аниқлаб берган ҳолда уни физиологик ва психологик бошқаришнинг динамик жараёни.

Мехнат фаолияти мотивацияси – инсонни меҳнат фаолиятига ундовчи, бу фаолият чегаралари ва шаклларини белгиловчи ҳамда уни муайян мақсадларга эришиш учун йўналтирувчи ички ва ташқи кучларнинг йиғиндисига айтилади.

Персоналнинг қадриятлар иерархияси – ходимларни самарали фаолиятга ундовчи мотивларнинг бўйсуниш даражалари. У мамлакатнинг ривожланиш даврига боғлиқ.

Мехнат мотивацияси турлари – инсоннинг муҳим эҳтиёжлари иерархияси: қизиқарли иш, ўзини намоён қилиш имконияти, мустақиллик, малака, иш ҳақидаромад, мулоқот ва х.к. асосида меҳнат мотивларининг туркумланиши.

Мехнат фаолияти мотивациясини шакллантириш механизми - ижтимоий қадриятлар, хулқ меъёрлари ва қоидаларини ўзлаштириш жараёни ва меҳнат жараёнида шахс учун маҳсус қадрият йўналишлари ва мақсадларини ишлаб чиқиши аниқловчи қонуниятли алоқалар ва муносабатлар йиғиндиси

Мотивациянинг амал қилиш механизми – меҳнат фаолияти орқали амалга ошириладиган эҳтиёжлар (қизиқишлир)дан меҳнат хулқ-авторига ўтишни аниқловчи қонуниятли алоқалар ва муносабатлар йиғиндиси

Мехнат фаолияти мотивлари – меҳнат жараёнида инсон хулқини аниқловчи сабаблар: 1- инсон томонидан меҳнат орқали қондириш мумкин бўлган ўз эҳтиёжларини акс эттириш; 2- инсон томонидан меҳнат учун мукофот сифатида олиш мумкин бўлган бойликларнинг акс этиши; 3- эҳтиёжлар ва уларни қондирувчи пировард бойликлар орасидаги алоқани амалга оширишни таъминловчи жараённинг акс этиши.

Мехнат фаолияти мотивларининг функциялари: йўналтирувчи функция, ходимни маълум хулқ кўринишига йўналтиради; мазмун хосил қилувчи функция, ходим хулқининг мазмунини акс эттиради; воситачи функция, ички ва ташқи кучларнинг ходим хулқига таъсир этиш натижасида келиб чиқади; харакатга келтирувчи функция, бу мотив ходимни ўзи учун муҳим саналган фаолият турларини бажаришга мажбур қилишидан иборат; оқловчи функция, хулқ мотивида ходимнинг умуқабул қилинган ва ўрнатилган хулқ намунасига муносабатини акс эттиради.

Еҳтиёж (Неед; Рекуиремент) – бирор-бир нарсадан руҳий ёки функционал этишмовчиликни сезиш ҳолати.

Мукофот – бу инсон учун қадрли бўлган нарсаларнинг барчасидир.

Ички мукофот иш жараёнининг ўзидан олинади

Ташқи мукофот «рағбатлантириш» ёки “мукофотлаш” тушунчалари билан бир хил маънога эга, яъни у ташкилот томонидан берилади. Бунга иш ҳақи, нафақа ва имтиёзлар бериш, хизмат бўйича кўтариш, хизмат мавқеи ва обрў белгилари

(шахсий хонанинг мавжудлиги), мақтов, шунингдек қўшимча тўловлар (қўшимча таътил, суғуртани тўлаш, хизмат машинаси).

Мотивация назарияси – инсонни меҳнат фаолиятига ундовчи сабабларни илмий ўрганиш тизими. Мотивация назариялари икки турга бўлинади: мазмуний ва процессуал.

Мазмуний мотивация назариялари – инсонларни айнан шундай ҳаракат қилишга мажбур қилаётган эҳтиёжларни аниқлашга асосланувчи назариялардир. Асосий мазмуний назариялар: Абрахам Маслоу назарияси, Фредерик Герцберг назарияси.

Процессуал мотивация назариялари – инсонларнинг қабул қилиш ва билишини ҳисобга олган ҳолда уларнинг хулқидан келиб чиқувчи мотивация назарияларидир. Асосий процессуал мотивация назариялари: кутиш назарияси,adolat назарияси, Порттер-Лоулернинг мотивация модели.

Кутиш назарияси - ходим сарфлайдиган меҳнат миқдори кутилаётган тақдирлашга боғлиқdir деб уқтирувчи концепсия. Мотивацияни таҳлил қилишда учта унсурнинг ўзаро боғлиқлиги кўриб чиқилади: ҳаражатлар – натижалар; натижалар – мукофот; валентлик (мукофотдан қониқиш).

Адолат назарияси - бу бўйича инсонлар олинган мукофотни сарфланган куч-харакатлар ва бошқа инсонларнинг мукофотланиши билан субъектив баҳолайдилар.

Ижтимоий бозор иқтисодиёти - шундай ижтимоий қурилмаки, бунда давлат эркин рақобатни ривожлантиришни фаол ёқлайди, ёлланма меҳнатчилар ва меҳнат берувчилар ўртасидаги зиддиятларни камайтиришга ёрдам беради, шунингдек ижтимоий ҳимояланмаган фуқароларга кўмаклашишнинг кенг дастурини амалга оширади.

Гигиеник омиллар - меҳнат шароитлари хусусиятлари бўлиб, улар фақат қониқарсиз бўлгандагина рағбатлантирмайдиган таъсир кўрсатишга қодир.

Мотиваторлар - мотивлаштиришни кучайтиришга қодир бизнесдаги инсоний муносабатлар омиллари.

Муносабатлар - қадриятларни юзага чиқарувчи турли усуслар намоён бўлиши жараёни. Бунда шахслар ва гурухларнинг ўзаро алоқалари, таъсири юзага чиқади.

Хоторн (Ҳаутхорне) тадқиқотлари - Мейо, Ротлисбергер ва Диксон томонидан олиб борилган тадқиқотлар. Тадқиқотнинг мақсади фабрика ишчиларининг меҳнат унумдорлигига дам олиш даврлари, ҳақ тўлаш усуслари ва бошқа омилларнинг таъсирини ўрганиш.

Хоторн самараси – тадқиқотда иштирок этган ходимлар уларнинг иш унумига таъсир қилган қўйидаги олтита асосий омилни ажратдилар (муҳимлиги тартибида): 1. Гурухнинг кичкиналиги. 2. Раҳбарият тури (супервисион). 3. Иш ҳақи. 4. Вазиятнинг янгилиги. 5. Тажриба натижаларидан манфаатдорлик. 6. Тест хонасида ўтирганларга эътибор. Охирги уч омил хоторн самарасини ташкил қиласди, яъни тажриба натижаларини шу тажрибани ўтказиш таъсирида бузуб кўрсатиш.

Инсоний муносабатлар ҳаракати (Ҳуман Релатионс Мовемент) - **ташкилот ичидағи норасмий ижтимоий жамоатчилик тузилишини ўрганиш билан**

шүгүлланади.

Коммуникация – икки ва ундан ортиқ шахслар ўртасида ахборот алмашиш жараёнидир.

Вербал коммуникация – сўз ва символлар ёрдамида амалга ошириладиган мулоқот.

Новербал (сўзсиз) воситалар – коммуникация жараёнидаги сўз ва символлардан ташқари барча воситалар.

Алоқа тармоғи - ташкилотда ўзаро алоқаларнинг умумий модели. Алоқа тармоғи расмий тузилма билан бир хил нарса эмас.

Кичик гурӯҳ - икки ёки ундан ортиқ шахсдан иборат жамоа бўлиб, улар ўзаро ҳамкорлик натижасида бир-бирларига таъсир кўрсатадилар.

Расмий гурӯҳлар - бу ташкилот томонидан кўзда тутилган гурӯҳлар. Бундай гурӯҳларда одамлар аниқ белгиланган мавқега эга бўлади.

Норасмий гурӯҳлар - ташкилотларда одамларнинг умумий қизиқишлари, дўстона алоқалари ёки бошқа ижтимоий эҳтиёжлари асосида юзага келади.

Жамоатчилик ёрдами - гурӯҳ фақат ўзининг иштироки билангина инсоннинг иш самарадорлигини ўзгартириб юбора олиш жараёни.

Ижтимоий бекорчилик (сокиал лоафинг) – гурӯхнинг жамоатчилик ёрдамига зид бўлган таъсир қучи. Одамлар шахсий ҳисса баҳоланиши мумкин бўлмаган гурӯҳларда ишлагандан, якка ҳолда меҳнат қилишга нисбатан камроқ файрат билан ишлайдилар.

Ақлий хужум (браинсторминг) усули - бунда айтилаётган фикрларнинг танқид қилинмайди ҳамда ҳар бир одам ўзгалар гоясидан ўз фикр-мулоҳазаларини шакллантириш учун фойдаланиши мумкин.

Сифат тўгараклари - бир тармоқка тегишли бўлган, мазкур тармоқка тегишли муаммоларга мунтазам равишда дуч келадиган ва уларни ҳал этувчи ходимлардан иборат гурӯх.

Ғоялар қарама-қаршилиги - ташкилотларнинг ўз ходимларига таъсир кўрсатиш шакли бўлиб, ходимлар масала гурӯҳда муҳокама этилгандан кейин ўзларининг, одатда, муҳокамадан олдинги нуқтаи назарларига зид бўлган нуқтаи назарларни эгаллайдилар.

Гурӯҳларга таъсир этувчи вазиятга хос омиллар - ҳудудий омиллар, бинолар тавсифи, ташкилотнинг назорат тизими каби гурӯҳ “чиқишига” таъсир этувчи омиллар.

Ишчи роли – бу иш жойидаги хулқ-авторимиз билан бевосита боғлиқ бўлган ролдир.

Меъёрлар – бу барча гурӯҳ аъзолари томонидан тан олинган хулқ-авторга хос тасаввурлар

Хуқуқий ҳолат (статус) - шахсий даражага, қадриятга ёки гурӯҳдаги, ташкилотдаги, жамиятдаги нуфузга тегишли бўлган ҳолат.

Бошқаришнинг институционал жиҳати - бу бошқариш масалалари ижрочиларини, хусусан, менежерлар ва бошқарув органларини характерловчи жиҳат.

Функционал жиҳат - бу менежерлар ва бошқарув органлари фаолияти ва шаклланишини ҳамда менежернинг бошқарилувчиларга таъсир этиш муносабатларини характерловчи жиҳат.

Инструментли жиҳат - бу жиҳат менежерлар ўз вазифаларини амалга оширишда ишлатадиган бошқарув инструментларига тааллукли.

Бошқарув - бу ўзига жавобгарликни олган равишда мақсадга эришиш ва шартларга риоя қилиш учун тегишли воситаларга таянган ҳолда, муайян шахслар ва органлар томонидан бошқа шахсларга таъсир кўрсатиш.

Бошқарув услуги - менежер хулқининг одатий кўриниши ва ўзини тутиш усувларидир.

Бошқарувнинг авторитар услуги - менежер учун ҳокимият мавжуд бўлганда ироданинг якка шахслилиги ва марказлашганлигига асосланган услуг. Менежер ҳал қиласи ва буюради, ходимлар бу фармойишларни бажаришлари лозим.

Буйруқбозлик услуги - менежер бошқарилувчиларнинг иштирокисиз ҳал қиласи ва қатъий буюради, ходимлар жазоланиш хавфи остида унга эргашибга мажбурлар.

Автократик услуг - менежер ихтиёрида ҳокимият учун катта аппарат мавжуд бўлган услуг.

Бюрократик услуг - менежернинг обрўси бу йерда расмий табақавий тартиблардан келиб чиқади. Менежерлар ва ходимлар битта батафсил қоидалар тизимиға бўйсинадилар.

Патриархал (матриархал) услуг - менежер “оила бошлиғи” обрўси ёрдамида қайгуриб ва бутун жавобгарликни ўз зиммасига олиб, қарорни тушунтиради ва буюради, ходимлар унга бўлган чексиз асосида буйсунадилар.

Хушмойиллик услуги - менежер ўз обрўсини шахснинг энг яхши такрорланмас сифатлари асосида қарор топтиради ва шунга яраша юқори шахсий мавқега эришади, ходимлар унинг қарорлари ортидан эргашадилар, чунки унинг ички ижобий ҳислатларига ишонадилар.

Бошқарувнинг алоқадорлик услуги - қарорлар қабул қилиш жараёнида ходимларнинг иштироки билан ажralиб туради.

Коммуникация услуги - менежер ўз қарорини қабул қилинганини айтишга қийналади ва шунинг учун ходимларга маълум қилгандан кейингина қарор чиқаради, ходимлар савол беришлари, ўз фикрини билдиришлари мумкин, бирор фармойишларга риоя қилишлари керак.

Маслаҳат услуги - менежер қарорларни факат батафсил ахборот ва баҳслашувдан сўнг қабул қиласи, шунингдек ходимлар томонидан киритилган таклифларни инобатга олади.

Қўшма қарорли бошқариш услуги - бунда менежер муаммони ўртага қўяди ва уни ҳал қилиш учун чекланган шарт-шароитларни ўрнатади, ходимлар келишилган чегараларда ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида мустақил қарор чиқарадилар, менежер рухсат беради, лекин вето (таъқиқлаш) ҳуқуқини сақлаб қолади.

Автоном услуги - менежер ҳал қилиш жараёнида ўз зиммасига модератор (яни ўзини четга олувчи) ролини олади ва ечимларни жамлашга қийналади,

ходимлар мустақил равиша чегаралар белгиланмаган ҳолда, одатда кўпчилик билан қарор қабул қиласидилар.

Раҳбарликнинг демократик услуби - бўйсунувчиларга уларнинг малакаси ва иш хусусиятларига мос бўлган мустақилликни бериш, ишлаб чиқариш масалаларини уларнинг бевосита иштирокида ёки ҳеч бўлмагандага улар билан муҳокама қилгандан сўнг ҳал қилиш, уларнинг ишлаши учун зарурий шароитларни яратиш, уларнинг харакатларини холис баҳолаш, инсонларга ижобий муносабатда бўлиш ва уларнинг эҳтиёжлари хақида ўйлаш кабиларни кўзлади.

Либерал услуг – бу ходимларга максимал мустақиллик берилишини назарда тутади. Бу кўпинча ижодий соҳа (шеърият, мусиқа, илмий фаолият ва х.к.) раҳбарлари учун хос.

Бошқарув қарори - раҳбар томонидан бажарилаётган мувофиқлаштириш чоралари кўзга ташланадиган асосий хужжатлардан бири.

Рағбатлантириш - маҳсулотни керакли ҳажмда ишлаб чиқараётган ёки исталган ишлаб чиқариш даражасини таъминлайдиган ишчиларга нақд тўловлар.

Ташкилот маданияти - шахс ёки кишилар гуруҳининг ўзига хос жиҳатларини акс эттирувчи хулқ-атвор.

Қадриятлар - нисбатан умумий иқрорлик бўлиб, нима тўғри, нима нотўғри эканлиги билан белгиланади.

Хулқ-атвор - инсон хатти-харакатининг турли шакллари.

Фактив хулқ-атвор - бу кўринишдаги одамлар нейтрал бўла туриб, музокарани ҳамма деталларини билишади. Бу одамлар билан ишлагандага фактларни аниқ баён этиш керак.

Интуитив хулқ-атвор - бу одамлар бутун муаммога яхлит қараб, ишга ижодий ёндашадилар.

Норматив хулқ-атвор - бу кўринишдаги одамлар кўпроқ фактларни хисобга олади ва “ҳақ”, “ноҳақ”, “фойдали”, “фойдасиз” каби тушунчаларни ишлатишади.

Аналитик хулқ-атвор - бу одамлар сабабларни аниqlашади, мантикий холосалар қилишади ва ҳар қандай муаммоларни аналитик ёндашув асосида ечишади.

Ҳокимият - бу ҳаракат килиш имконияти ёки бошқа одамларнинг хулқига ёки холатига таъсир этиш қобилияти, имконияти.

Таъсир - бу бир шахснинг иккинчи шахснинг хулқи, муносабатлари ва ҳиссиётларига ўзгартириш киритувчи ҳар қандай хулқидир.

Зиддият - бу аниқ шахслар ёки гуруҳлар бўлиши мумкин бўлган икки ва ундан ортиқ томонлар ўртасидаги келишмовчиликлардир.

Функционал зиддият - **ташкилот самарадорлигини оширадиган зиддият**.

Дисфункционал зиддият - **яъни шахсий талабларини пасайтирадиган, гурухий ҳамкорликни ва ташкилот самарадорлигини пасайтирадиган зиддият**.

Зиддиятли вазиятни бошқаришнинг структуравий усуллари - бу иш талабларини тушунириш, координал ва интеграл механизмларни кўллаш,

умумқабул қилинган комплекс мақсадларни ўрнатиш ва тақдирлаш тизимидан фойдаланиш.

Зиддиятни ҳал килишнинг шахсларапо усули - четлашиш, юпатиш, мажбур қилиш, келишиш ва муаммони ҳал килиш.

Ташкилотда иқлим - жамоанинг маънавий ёки руҳий муҳити, кишилар орасидаги муносабатлар.

Демократизм - муҳим масалаларни муҳокама ва ҳал килишда ходимларнинг кенг иштирок этиши.

Авторитаризм - раҳбарнинг бошқариш ҳукмронлиги ёки ўз ҳокимиятидан сўзсиз фойдаланиши.

Шахсий мустақиллик даражаси - ишчининг мустақил фикр юритиш доираси.

Стресс (инглизча стресс - зўриқиши) - бу организмнинг жисмоний ва асосан психологик зўриқишидир.

Информацион стресс - киши ўзига керакли ахборотларни ҳазм қилишга ожизлик қилган ҳолларда келиб чиқади.

Емоционал стресс - оила ёки ишхонадаги ҳис-туйғу қўзғатувчи муаммоларни ҳал қила олмасликдан келиб чиқади.

Мижоз - шахснинг энг асосий хусусияти ва асаб тизимининг туғма кўрсаткичи бўлиб, асаб жараёнларининг кучи, вазминлиги ва ҳаракатчалигини белгилайди. Қадимдан мижознинг тўртта тури ажратиб келинади: сангвиник (кучли, вазмин, серҳаракат), холерик (кучли, новазмин, осонликча ғазабланувчи, аммо осонгина тинчланувчи ҳам), флегматик (кучли, жонланиш ва тухталишнинг аста-секин алмашиниши билан кечувчи, вазмин кишилар), меланхолик (кучсиз, тез меъёрдан чиқиб, секин ўз холига қайтувчи).

Етиket – бирор соҳада, ташкилотда қабул қилинган одоб-аҳлоқ тартибидир.

Ишбилармонлик этикети ёки бизнес этикаси - бу бизнес соҳаси ва ишбилармонлик учрашувларида қабул қилинган ҳатти-ҳаракат қоидаларидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги “Хусусий корхона тўғрисида”ги Қонуни. -Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. № 3 - Т.: Адолат, 2004. – 7-9 б.
3. “Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги ПФ-4191-сон Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами – 9 сон – 2010- 9 март.

4. “Баркамол авлод йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида: ЎзР Президентининг Фармойиши. 2009 йил 9 декабрь //Халқ сўзи. -2009. - № 238. – декабрь. – 1 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ”Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармони //Халқ сўзи, 2005 , 15 июн.
6. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришdir. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
7. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 136 б.
9. Мескон М.Х. и др. Основы менеджмента, 3- е издание: Пер. с англ.- М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2008.- 672 с.
10. Полукадров В.Л. Основы менеджмента: учебное пособие. 3-е изд., перераб. и доп.- М.: КНОРУС, 2009. - 240 с.
11. Основы менеджмента: учебное пособие. /Л.В. Плахова, Т.М. Анурина, С.А. Легостаева и др.- М.: КНОРУС, 2009.- 496 с.
12. Кочеткова А.И. Введение в организационное поведение и организационное моделирование: учеб. пособ. 4-е изд. – М.: Дело АНХ, 2008. – 944 с.
13. Карташова Л.В. Управление человеческими ресурсами: - Учеб.- М.: ИНФРА-М, 2009. – 236 с.
14. Красовский Ю.Д. Организационное поведение. М.:ЮНИТИ, 2007.
15. Организационное поведение. Учебник. Под общ. ред. Ю.Н.Каптуревского. СПб.: Питер, 2005.
16. Аширов Д.А. Организационное поведение. Учебник. М.: 2006, - 360 с.
17. Резник С.Д. Организационное поведение. Учебник. М.: 2006, - 430 с.
18. Резник С.Д., Игошина И.А. Организационное поведение. Практикум. М.: 2006, - 256 с.
19. Резник С.Д. Персональный менеджмент. –М.:ИНФРА-М, 2006. - 622 с.
20. Ламбен Жан-Жак. Менеджмент, ориентированный на рынок. СПб.: Питер, 2006. – 800 с.
21. Карташова Л.В., Никонова Т.В., Соломанидина Т.О. Организационное поведение. Учебник. М.: ИНФРА-М. 2003.
22. Алиев В.Г., Дохолян С.В. Организационное поведение: Учебник для вузов. 2-е изд. М.: ЗАО “Издательство Экономика”, 2004. – 310с.
23. Лори Маллинз. Менеджмент и организационное поведение. Учебно-практическое пособие. Пер с англ. Т.Цеханович и др. Мн.: Новое знание, 2003. – 1039 с.

24. Красовский Ю.Д. Организационное поведение. М.:ЮНИТИ, 2000.
25. Организационное поведение. Учебник. Под общ. ред. Ю.Н.Каптуревского. СПб.:Питер, 2000.
26. Кочеткова А.И. Введение в организационное поведение и организационное моделирование. Учебное пособие. М.: Дело. 2003.
27. Додобоев Ю.Т. Организационное поведение. Учебное пособие. Фергана – 2000.

Интернет веб-сайтлари:

28. www.gov.uz –Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.
29. www.press-service.uz –Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.
30. www.mfer.uz –Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
31. www.omad.uz –Бизнес ривожи учун ахборот портали.
32. www.UzA.Uz –Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
33. www.reviizv.uz – “Экономическое обозрение” журналининг расмий сайти.
34. www.ker.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти
35. www.glossary.ru